

Габриэль  
**ГАРСИА МАРКЕС**



**Улуф Онанинг  
Жанозаси**

Танланган ҳикоялар

*Иккинчи нашри*

ТОШКЕНТ  
«O‘ZBEKISTON»  
2018

УЎК: 821.512.133-3  
КБК 84(7 Кол)  
М 28

Рус тилидан Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси

Тўпلامда жаҳонга машхур ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори Габриэль Гарсиа Маркеснинг энг яхши ҳикоялари жамланган. Бу ҳикояларда адибнинг фусункор реализми мукаммал даражага кўтарилган. Ҳикоялар сайқалланган услуби, шаклан мукамаллиги ва муаллиф ғоясининг ниҳоятда аниқ ифодаланиши билан ўқувчини ҳайратга солади.

ISBN 978-9943-28-238-4

© Бобохон Муҳаммад Шариф (тарж.), 2015, 2018  
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2015, 2018



## АДОЛАТ ВА ҚАЛАМГА САДОҚАТ РАМЗИ

Жаҳон адабиётида «фусункор реализм» деб аталган адабиётнинг буюк вакили, Нобель мукофоти совриндори Габриэль Гарсиа Маркеснинг вафоти сўз, қалам, гўзаллик ва адолатни кадрлайдиган барча кишиларни қайғуга солди. Бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ўз ижоди ва фаолияти билан адабиёт, ҳаёт тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк инсонларнинг орамиздан кетиши инсоният учун катта йўқотишдир.

Маркес Колумбиянинг Аракатака шаҳарчасида 1928 йил 6 мартда телеграфчи оиласида туғилган. Саккиз ёшигача бобоси, истеъфодаги полковник Николас Рикардо Маркес ва бувиси Транкилина Игуаран Котес қўлида тарбияланади. Маркеснинг ёзувчи бўлиб шаклланишига бобоси ва бувиси катта таъсир ўтказган. Бундан ташқари, ёзувчининг ўзи таъкидлашича, унинг тақдирини белгилаб берган учинчи омил – у яшаган муҳит, жонажон шаҳарчаси ҳаётидир. Бир томондан реал ҳаёт, иккинчи томондан қулоғида қолган оғзаки ижод, ҳаёлот кейинчалик адиб ижодида ғоят нафис ва ҳайратда қоларли даражада уйғунлашиб кетган. Бўлғуси адиб саккиз ёшга тўлган вақтда бобоси вафот этади ва Габо (оиласидагилар уни эркалатиб шундай деб атаётган эдилар) Сапакира шаҳридаги интернатда ўқий бошлайди. У биринчи адабий машқларини шу ерда бошлаган. 1946 йилда Маркес Богота университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киради.

Маркеснинг биринчи ҳикояси 1947 йилда эълон қилинади. Лекин Габриэль ҳали адабиётга ўзининг асосий иши деб қарамайди. 1948 йилда либерал партиянинг раҳнамоси ўлдирилгач, пойтахтда вазият кескинлашади ва Маркес Картахена-

га кўчади. Адвокатликка қизиқмагани учун, у журналистика билан шуғуллана бошлайди. 1950–1954 йилларда у репортёр бўлиб ишлайди. 1951 йилда биринчи қиссаси «Сарғайган япроқлар» эълон қилинади. Бу қиссада унинг қадрдон шахри Аракатакани эслатадиган Макондо шаҳарчаси ва Маркес ижодининг етакчи мавзуси – ёлғизлик мавзуси илк бора тилга олинади. Макондо ва ёлғизлик мавзуси кейинчалик бошқа асарларида янада кенгрок ёритилади.

1954 йилда Маркес Боготага кўчади ва газетада ишлай бошлайди, сиёсий ҳаётда иштирок этади. 1955 йилда «Эль Эспектадор» газетасининг муҳбири сифатида Европага боради. Римда ишлайди, айнаи вақтда, Кинематография тажриба марказида режиссёрлик курсларида ўқийди. Ёзувчининг бу даврда кўрган-кечирганлари, таассуротлари «Авлиё» ҳикоясида ёрқин акс этган. Ҳикояда ақлан чекланган, гўзаллик ҳиссиётидан маҳрум кимсалар, ҳатто, мўъжизага ҳам бефарқ, лоқайд қолиши, инсон шаънини ерга урувчи бюрократик сансалорлик кишини ёлғизликка маҳқум этиши, айнаи чоғда, ирода, адолатга ишонч инсонни юксалтириши ёрқин очиб берилган. Ҳикоя қахрамони Маргарито Дуартенинг бениҳоя сулув қизчаси етти ёшлигида вафот этиб кетади. Қабристоннинг кўчирилиши муносабати билан Маргарито қизининг қабрини очади ва ҳайратдан қотиб қолади. «Кўшни қабрда ётган қизининг жасади эса, ўн бир йил ўтганига қарамай, ўлганида қандай бўлса, шундай турарди. Ҳатто, шу даражадаки, тобутни очган вақтларида жасадга кўшиб кўмилган янги атиргуллар бўйи уфурарди. Бироқ, энг ҳайратланарлиси – жасад вазнсиз, қушдай енгил бўлиб қолган эди.

Мўъжизани эшитган юзлаб кишилар қишлоқни босиб кетди. Шубҳага ўрин қолмади. Жасаднинг чиримагани қизчанинг, шубҳасиз, хурлигидан далолат берувчи белги эдики, ҳатто, маҳаллий епархиянинг епископи бу мўъжизани Ватиканга ҳавола қилиш лозим, деган фикрга қўшилди».

Маргарито мўъжизани Папага кўрсатиш учун Римга кетади. Бояқиш йигирма икки йил кутса-да, Папанинг ҳузурига қира олмайди, Папанинг амалдорлари бўлса, бу мўъжизага эътибор ҳам бермайдилар. Ёзувчининг хулосаси: «Агар авлиёлар ҳақиқатан ҳам бор бўлса, авлиё – Маргаритонинг худди

ўзи эканига шак-шубҳам қолмади. У ҳаётининг йигирма икки йилини қизчасининг қандай бўлса, шундайлигича турган жасадини кўтариб, ўз ақидасини – ўзининг муқаддас ишини ҳимоя қилишга сарфлади. Лекин муқаддас иш қилаётгани унинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ», деб ёзади адиб ҳикоя хулосасида.

1956–1957 йилларда Колумбия диктатори Роҳас Пинилья «Эль Эспектадор» газетасини ёпиб қўйгач, Маркес Парижда яшай бошлайди. Маркес бу ерда «Полковникка ҳеч ким ёзмайди» қиссасини ёзади. Қиссанинг биринчи варианты 1956 йилда ёзилган, лекин муаллиф уни 11 марта қайта ёзади ва ниҳоят, у 1961 йилда дунё юзини кўради. Қиссада Эрнест Хемингуэйнинг таъсири сезилиб туради. Бу ҳақда Маркеснинг ўзи бир неча бор таъкидлаган ва ўзининг репортёрлик тажрибаси ҳам қўл келганини қайд қилган. Асарда реал ва афсонавий воқеалар уйғунлашиб кетган. Инсоннинг қашшоқлик, очлик ва чорасизлик, бюрократик лоқайдликка қарши кураши, адолатга қатъий ишончи маҳорат билан тасвирланган.

Маркес Европанинг кўпгина мамлакатларини кезиб чиққан, Венесуэла, Мексикада анча вақт яшаган. Кўрганлари ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиришда қўл келгани асарларидан яққол кўриниб туради. Ҳар бир конкрет адабий қаҳрамон характерида муайян тарихий давр, муайян миллатга мансуб кишиларнинг ҳаёти, ташвишлари, орзу-умидлари, муаммолари акс этади. Маркес роман ва ҳикояларида ҳам XX асрдаги Колумбия ҳаёти бадий тадқиқ этилган. Маркес мамлақати ҳаётидаги фикрлар, ғоялар курашини чуқур ҳис қилган ҳамда бу ҳиссиёт унда ўзини тўлқинлантираётган ҳодисани китобхонга етказишдек ички зарурий эҳтиёжга айланган. Унинг асарлари ана шу эҳтиёжнинг меваси бўлгани сезилиб туради. Лекин Маркеснинг Колумбия ҳаётидан олиб ёзган асарлари дунёнинг турли ўлкаларида яшаётган ўқувчилар учун бирдай қизиқарли, бирдай қадрлидир. Шу тариқа Колумбия миллий адабиётининг жаҳон, умуминсоний аҳамият касб этиши Маркеснинг буюк хизмати дур. Дунё қирғиз адабиётини Чингиз Айтматов, Колумбия адабиётини Маркес туфайли таниди.

Маркес ижодида мавзулар ранг-баранг, лекин улар орасидан бир нечта мавзунини алоҳида кўрсатиш мумкин. Чунончи, Маркес ижодида зўравонликка қарши нафрат асосий мавзудир.

«Ёлғизликнинг юз йили», «Ошкора қотиллик қиссаси» романлари, «Улуғ Онанинг жанозаси», «Мен телефондан кўнғирок қилиш учунгина келгандим», «Трамонтана», «Сеньора Форбеснинг бахтли ёзи» ҳикояларида зўравонлик, унинг шахсга емирувчи таъсир ўтказиши, ижтимоий оқибатлари бадиий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган. «Улуғ Онанинг жанозаси» ҳикоясида зўравонлик ва ёлғизлик ўртасидаги боғлиқлик, қарийб юз йил давомида Улуғ Она чексиз ҳукмфармолик қилган кичкина Макондо шоҳлигида адолатнинг топталиши, эркинликка йўл йўқлиги, жамият инкирози ёрқин деталларда очиб берилган. Ҳикояда зўравонлик тегирмонига сув қуюдиган иллатлар – кулларча итоаткорлик, мўминлик, тобеликнинг ижтимоий оқибатлари ёритилган. Улуғ Онага иқтисодий жиҳатдан қарам аҳволда эканликлари, мўмин-қобиллиги сабабли кишиларда бефарқлик, лоқайдлик илллати пайдо бўлган. Қулларча ҳаёт кечираётгани уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Ҳукмдор чексиз истибодга асосланган ҳукмронлигини барқарор қилишнинг зўр йўлини топган – у фуқароларини аранг кун кечирадиган аҳволга солиб қўйган. Қорин тўйдириш асосий ташвишига айланган одам фикрлаши, ўз кадр-қиммати учун бош кўтариши мумкин эмас. Улар қорин бандаларига айланиб улгурган ва Улуғ Она гоҳо бериб турадиган зиёфатларда кайф-сафо қилиш улар учун катта байрам. Турмуш ташвишлари, адолатсизликлардан эзилган одамларга Улуғ Онанинг ҳукмронлиги абадий бўлиб туюлади, лекин у ўлганида ҳаммаси яширинча бўлса-да, хурсанд бўлади. Адибнинг бу ҳикояси жаҳон миқёсида шоҳ асарлардан бири деб эътироф этилгани бежиз эмас.

«Сеньора Форбеснинг бахтли ёзи» ҳикояси қаҳрамони болаларга зулм қиладиган мустабид шахс, унинг сўзи бошқа, иши бошқа – айтадиган гапи билан қиладиган иши тамоман тесқари. «Трамонтана» ҳикоясининг қаҳрамони эса, зўравонлик қурбони бўлади. «Мен телефондан кўнғирок қилиш учунгина келгандим» асари қаҳрамони Мария тасо-дифан жиннихонага тушиб қолади ва унинг соппа-соғ эканига ҳеч ким, ҳатто, эри ҳам ишонмайди. Ўқувчи ҳикояни ўқиб, Мария эмас, зўравон жамиятнинг ўзи соғлом эмаслиги ҳақидаги хулосага келади.

Адибнинг 1967 йилда нашр этилган «Ёлғизликнинг юз йили» романида жамият ва ёлғизлик муаммоси янада кенгрок ва чуқуррок ёритилган. Бу роман ғоят катта муваффақият қозонди. Адабиётшунослар ўша вақтларда романчилик ва реализм тарихида янги давр бошланганлигини башорат қилдилар. Айни ўша йиллари Лотин Америкасининг кучли истеъдодлари, жумладан, Маркес ижодини «фусункор реализм» атамаси билан тавсифлашди. Турмуш ва онг, шуурни ўзаро боғлиқлик, уйғунликда тасвирлаш бу услубга хосдир.

Маркес адолатсизлик, босқинчилик, зўравонлик, истибдоддан эзилган миллатининг келажаги учун каттик қайғурган ёзувчидир. Маълумки, Колумбиянинг маҳаллий аҳолиси XVI асрда испан босқинчилари томонидан қисман кириб ташланган, қолганлари асоратга солинган. Мустақиллик уруши натижасида Колумбия 1813 йилда озод бўлган ва республика деб эълон қилинган. Бироқ, мамлакатга 1856 йилдан 1903 йилгача АҚШ етти марта босқинчилик урушлари қилган, кейинчалик давлат тўнтаришларини амалга оширган. Сўнгги даврларда эса, қашшоқлик, очлик ичида яшаган Колумбия халқи ҳокимият тепасида ўтирган ҳукмронларнинг чексиз истибдодидан кўп зулм кўрган. Маркес асарларида чекланмаган ҳокимият, истибдод ва маънавият мавзуси асосий ўринлардан бирини эгаллаши тасодифий эмас. Ёзувчи 1972 йилда «Содда Эрендире ва унинг шафқатсиз бувисининг ғаройиб ва қайғули тарихи» ҳикоялар тўпламини нашр эттиради. Бу тўпландан бошлаб Маркес ҳукмронлик ва маънавият масаласини атрофлича бадиий тадқиқ қилишга киришади. «Бузрукнинг кузи» романи (1975) бу нуқтаи назардан унинг шох асаридир. Мазкур романда Маркес зўравонлик ва истибдод мавзусини муболағали тарзда бўрттириб тасвирлаган. Роман марказида зўравонлик, ўзбошимчаликни яшашнинг ягона қонунига айлантирган кучли шахс тарихи ёритилган. Ёзувчининг ўзи «Бузрукнинг кузи»ни «ўзининг энг қалтис ва оғир иши» деб айтган. Халқини, адолатни севмаганида Маркес бундай қалтис ишга асло қўл урмаган бўларди.

Маркеснинг буюклиги – халқини, адолатни севганида ва адабиёт воситасида бошқаларни ҳам севдира олганидадир!

Шунинг учун ҳам Маркес 1982 йилда романлари ва ҳикоялари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Тасвирнинг ниҳоятда аниқлиги ва жозибадорлиги Маркес услубига хос хусусиятдир. Адиб, айниқса, қаҳрамонлар ҳолатини, манзараларни шунчалик аниқ тасвирлайдики, китобхон худди кино кўраётгандек бўлади. Бу, аввало, ёрқин истеъдод, қолаверса, тинимсиз меҳнат мевасидир. Юкорида адиб «Полковникка ҳеч ким ёзмайди» киссасини 11 марта қайта ёзганини айтиб ўтгандик.

Маркес ўз асарлари устида қайта-қайта ишлаган меҳнаткаш ёзувчидир. Бу жиҳатдан ёш, фақат ёш эмас, ҳатто, баъзи ўзини етук санайдиган ёзувчилар ундан ўрнак олсалар арзийди. Хусусан, қўлингиздаги тўпламдан жой олган сўнгги ўн иккита ҳикояни Маркес ўн саккиз йил давомида қайта-қайта, то кўнгли тўлмагунча ёзаверган. Бу ҳақда адибнинг ўзи бундай дейди: «Бу гал ҳикояларни бир ўтиришда ёздим ва гоҳо менга ҳикоя қилишдан лаззатланиш учунгина ёзаётганимдек туюларди. Эҳтимол, инсоннинг бу руҳий ҳолати руҳан осмону фалакларга парвоз қилишига кўпроқ ўхшаса керак. Бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида барча ҳикоялар устида тер тўкар ва биттасидан иккинчисига эркин сакрар эканман, мен воқеликни кенг кўришга эришдим, бу эса мени чарчоқдан ҳамда қуруқ сўзамоллик ва ҳалокатли зиддиятлардан қутқарди. Агар ҳар бир ҳикояни алоҳида-алоҳида бошлаганимда қаттиқ чарчаган бўлардим. Менимча, орзуимдаги китобимга жуда яқин бўлган китобни ёзишга муваффақ бўлдим». Умуман, «Ўн икки сайёҳ ҳикоя» тўпламига ёзилган сўзбоши Маркеснинг ижод лабораториясини ўрганиш нуқтаи назаридан бой материал бўлиб хизмат қилади.

Маркес қайси жанрда, қайси мавзуда ёзмасин, ҳар доим адолатга содиқ қолди, сўз ва қаламга хиёнат қилмади. Унинг асарларининг умрбоқийлиги сири ҳам шундадир.

*Бобоҳон МУҲАММАД ШАРИФ*

**«Улуф Онанинг жанозаси»  
китобидан**





## ШАҲАРЧАМИЗДА ЎҒРИ ЙЎҚ

Дамасо хўроз кичқирган пайтда қайтиб келди. Ҳомиладорлигига етти ой бўлган хотини Ана ечинмаган, тўшакда ўтирганча, уни кутаётган экан. Керосин лампа ўчай-ўчай деб турарди. Дамасо хотини туни билан бир лаҳза мижжа қоқмай уни кутганини, хатто, ҳозир ҳам кўриб турганига қарамай, кутаётганини тушунди. У хотинини тинчителиш учун бош силкиб ишора қилди, лекин хотини жавоб бермади, балки эри келтирган қизил матодан қилинган бўҳчага кўрқиб тикилди, лаблари бурилди, йиғламасликка уриниб, титради. Жаҳлдан жони ҳалкумига келган Дамасо ҳеч нарса демай, икки қўли билан хотинининг белидан олиб, азот кўтарди. Дамасодан куйинди ҳиди келди.

Ана индамай туриб берди, сўнгра ўзини эрининг кўксига ташлади, юзини тўқ қизил йўлли кўйлагига босиб, ўкраб юборди. То ўзини босиб олмагунча эрини каттиқ кучоқлаб тураверди.

– Кечаси билан ўтириб чикдим ва кўзим илинибди, – деди у ҳикиллаб йиғлар экан, – бир вақт туш кўрдим, эшик очилди, сени қонга беланган ҳолда эшикдан улоктиришди.

Дамасо индамай хотинининг кучоғидан чикди ва уни ўзи келмасидан олдин ўтирган жойига, тўшак устига ўтказди, сўнгра бўҳчани унинг тиззасига ташлаб, ҳожатхонага кетди. Хотин бўҳчани ечди ва иккитаси оқ, биттаси қизил, хиралашган, зарбалардан кертик-мертик бўлган бильярд зўлдирларини кўрди.

Дамасо қайтиб келганида, хотини зўлдирларни ҳайратланиб томоша қилаётган эди.

– Булар нимага керак? – сўради у.

У елкасини учирди:

– Бильярд ўйнаш учун керак.

Дамасо зўлдирларни яна қизил бўҳчага тугди ва қўлбола очкич, чўнтак фонари, пичокқа қўшиб, сандик тубига яшириб қўйди. Ана ечинмасдан, деворга қараб ётди. Дамасо шимини ечди, холос. Тўшакка узанди, қоронғида ётганча чекди, қилиб қўйган ишининг оқибати тўғрисида тонг ғира-ширасида нимадир эшитишга уриниб, қулоғини динг қилди. Бирдан хотини бедор эканини пайқади.

– Нима ҳақда ўйлаясан?

– Ҳеч нарса ҳақида ўйлаётганим йўқ.

Аламзада Дамасонинг овози бўғиқ ва одатдагидан паст эди. У сигаретани сўнгги марта тортди ва қолдиғини ерга ташлаб, ўчирди.

– Бошқа ҳеч нарса йўқ экан, – уф тортди у. – Бехудага бир соат дайдиб юрдим.

– Афсуски, сени отиб ўлдиришмабди.

Дамасо чўчиб тушди.

– Тилингда куйдирги чиқсин, – деб тўнғиллади ёғоч қара-вотнинг четини такиллатаркан. Сўнг полни пайпаслаб, сигарета ва гугурт қидира бошлади.

– Сен қип-қизил эшаксан! – деди хотин. – Сени кутдим, мижжа қоқмадим, ҳар сафар кўчадан шовқин-сурон эшитсам, ўлигингни олиб келишга туюлаверди. Сен бунга ҳеч ўйладингми? – у хўрсинди ва қўшимча қилди: – Учтагина бильярд зўлдирини деб, шунча азоб тортибман-а.

– Стол ғаладонида бор-йўғи йигирма беш сентаво бор экан, холос.

– Унда ҳеч нарсани олмаслик керак эди.

– У ерга киришнинг ўзи бўлгани йўқ. Шундай экан, бўш қўл билан қайтсам бўлмасди-да.

– Унда бошқа бирон нарса олгин эди.

– Бошқа нарсанинг ўзи йўқ экан.

– Бильярдхонада мингта майда-чуйда тикилиб ётади-ку.

– Шундай деб ўйлашади, – деди Дамасо. – Лекин ичкарига кириб диққат билан қарасанг, арзирли ҳеч вако йўқлигини кўрасан.

Ана индамади. Дамасо хотинининг бильярдхонага кириб, қоронғида кўзлари очиқ ҳолда, қандайдир қимматли нарса ах-тараётганини тасаввур қилди.

– Балки, шундайдир, – бош ирғади хотин.

Дамасо яна чекди. Кайфи тарқалиб, аста-секин танасининг оғирлиги, ҳажмини сеза бошлади, танасини бошқариш қобилияти тикланди.

– У ерда мушук бор экан, – қўшимча қилди у. – Каттакон, оқ мушук.

Ана бериги ёнбошига ағдарилди, қаппайган қорни эрининг қорнига тиралди ва оёғини эрининг тиззалари орасига тикди. Аёлдан пиёз ҳиди келарди.

– Жуда кўркинчли бўлдимми?

– Кимга, менгами?

– Кимга бўларди? Эркаклар ҳам кўрқади, дейишади-ку.

У хотини кулаётганини сезди ва жилмайди.

– Ҳа, бу бор гап, – деди Дамасо. – Иштонимни хўллаб кўйишимга оз қолди.

Хотини уни ўпди, лекин у бўсага жавоб қилмади. Сўнгра, бошдан кечирган хатарни тўла англаган, бироқ ҳеч афсусланмаган ҳолда, худди саёхат таассуротларини сўзлаётгандай, ҳаммасини батафсил ҳикоя қилди.

Аёл анчагача чурқ этмади.

– Аҳмоқона иш қилдинг.

– Асосийси – ишни бошлаш, – деди Дамасо. – Умуман, биринчиси ёмон бўлгани йўқ.

Пешин вақти бўлди. Қуёш аёвсиз қиздирарди. Дамасо уйғонганида, Ана аллақачон оёқда эди. Дамасо бошини фавворага тикди ва уйқуси тамоман ўчмагунча, сувдан олмади. Улар яшайдиган хона катта уйнинг бошқа хоналари билан бир хил эди. Бу хоналарнинг пешайвони умумий бўлиб, кир қурилладиган дор билан ўзаро бўлиб олинганди. Уларнинг хонасига кириш йўлаги пешайвондан тунока тахталар билан ажратилган бўлиб, бу ерда овқат пишириш ва дазмол қиздириш учун печка, овқат ейиладиган ва дазмол қилинадиган стол турарди. Эрини кўрган Ана стол устидан дазмолланган кийимни олди, қаҳва қайнатиш учун печка устидаги дазмолни олиб кўйди. Хотини Дамасодан анча гавдалироқ, териси буғдойранг

бўлиб, турмушда ҳеч нарсадан қўрқмайдиган кишилар синга-ри, оҳиста ва аниқ қадам ташлар эди.

Бош оғриғи жонини ўртаётган Дамасо бирдан хотини кўз қараши билан нимадир демоқчи бўлаётганини сезиб қолди ва, ниҳоят, пешайвондан эшитилаётган овозларга эътибор берди.

– Эрталабдан бери шу гап, – деб шивирлади Ана унга қаҳва узатар экан. – Эркаклар аллақачон ўша ёққа кетишди.

Дамасо атрофга аланглаб, ҳақиқатан ҳам катталар ва болалар қаёққадир ғойиб бўлганига ишонч ҳосил қилди. Қаҳва хўплар экан, дорга кир осаётган хотинларнинг гап-сўзларига қулоқ солди. Кейин сигарета тутатди ва ошхонадан чиқди.

– Тереса! – деб чақирди.

Хўл кўйлаги баданига чиппа ёпишган қиз ўгирилиб қаради.

– Эҳтиёт бўл, – пичирлади Ана.

Қиз яқинлашди.

– Нима гап? – сўради Дамасо.

– Бильярдхонага ўғри тушиб, шип-шийдам қилиб кетибди, – жавоб берди қиз.

Қиз ҳаммасини ўз кўзи билан кўргандай, икир-чикиригача ҳикоя қила кетди. Бирин-кетин ашёларни, энг охирида бильярд столини қандай олиб чиқишганини айтиб берди. Қиз шунчалик ишонч билан гапирардики, Дамасога ҳам ҳодисалар шу тарзда юз бергандай туюла бошлади.

– Кўргулик, – дея ғулдуради у Ананинг ёнига қайтар экан.

Аёл паст овозда хиргойи қила бошлади. Безовта қилаётган хавотир хиссини босиш учун Дамасо курсини деворга тақади. Уч ой олдин у йигирма ёшга тўлганди. Яширинча матонат ва, ҳатто, меҳр-муҳаббат билан парвариш қиладиган ингичка мўйлови чечакдан чўтир юзига мардонаворлик бахш этарди. Мўйлов қўйган кундан бошлаб у ўзига етук ва тажрибали бўлиб кўрина бошлади, лекин бугун эрталабдан тунги хотиралар бошини қақшатиб оғрита бошлаганида, Дамасо нима қиларини билмай, гангиб қолди.

Дазмоллашни тугатган Ана кир-чирларни иккита тенг қисмга ажратди ва кетишга чоғланди.

– Тезроқ қайтиб кел, – деди Дамасо.

Ҳар доимгидай.

Хотинига эргашиб, хонага кирди.

– Манави катак кўйлакни кийвол, – деди Ана. – Энди матросча кўйлақда кўринмаганинг яхши. – Сўнгра эрининг мушукниқига ўхшаш тиниқ кўзларига тикилиб, изоҳ берди: – Ким билади, балки сени кимдир кўрган бўлиши мумкин.

Дамасо терлаган кафтини шимиға артди.

– Мени ҳеч ким кўргани йўқ.

– Қаердан биласан, – тақрорлади Ана, ич кийимларни кўлтиқлар экан. – Сен ҳозир кўчага чиқмай турганинг яхши. Олдин ўзим чиқиб, у ёқ-бу ёқни айланиб келай. Қизиқаётганимни билдирмайман ҳам.

Шаҳарчада ҳеч ким аниғини билмас эди. Анаға бир неча бор айна воқеани ҳар гал бошқача қилиб, кўшиб-чатиб гапириб беришди. Кийимларни тарқатиб бўлгач, Ана ҳар шанбада бўлганидай бозорга эмас, аксинча, майдонга йўл олди.

Бильярдхона эшиги олдида одамлар у кутганидай кўп эмас экан. Бир нечта киши бодом дарахти соясида сўзлашиб турарди. Бошини куёшдан рангдор рўмоллар билан пана қилиб олган сурияликлар овқатланмоқда. Уларнинг брезент бостирма остидаги дўконлари мудраётганга ўхшайди. Меҳмонхона айвонидаги тебранма курсида бир киши оғзини очиб, ялпайиб ётганча ухляпти. Пешинги жазирама ҳаммани лоҳас қилиб ташлаган.

Ана бильярдхонани четлаб ўтди. Эшик олдидаги ялангликда бир нечта киши турарди. Шунда у Дамасонинг, бильярдхона ортидаги ялангликдан орқа эшикка кирилади, буни ҳамма билади-ю, фақат мижозлар аниқ эслайди, деган гапини эслади. Бир дақиқадан сўнг у қорнини кўллари билан ушлаган ҳолда оломон орасида бузилган эшикка қараб турарди. Осма қулф бут, лекин ҳалқалардан бири кўпорилган. Ана анчагача якка ўғрининг камтарона меҳнати мевалари тўғрисида ўйлаб турди, Дамасоға раҳми келди.

– Буни ким қилибди? – сўради у ҳеч кимга боқмай.

– Номаълум, – жавоб қилди кимдир. – Келгинди ўғри бўлса керак, дейишяпти.

– Албатта, бизники эмас, – деди орқасида турган хотин. – Шаҳарчамизда ўғри йўқ. Ҳамма бир-бирини танийди.

Ана унга ўғирилди ва кулимсираб деди:

– Бу тўғри гап.

Жувонни тер босди. Унинг ёнида мункиллаган чол турарди. Чолнинг кал бошини қалин ажинлар қоплаганди.

– Кўп пул олишибдими? – қизиксинди Ана.

– Икки юз песо ва бильярд шарларини ўмариб кетишибди, – жавоб берди чол, унга синчковлик билан тикиларкан. – Бу кетишда яқинда ухламай чиқадиганга ўхшаймиз.

Ана ўгирилди.

– Бу тўғри гап.

У бошига рўмол ўради ва нари кетди. Жувонга чол орқасидан кузатиб тургандек туюларди.

Ялангликдаги кишилар чорак соатдан бери, худди бузилган эшик орқасида мурда ётгандай, чурқ этмай туришарди. Сўнгра халойиқ кимирлаб қолди, барча майдонга йўл олди.

Бильярдхона эгаси алькальд<sup>1</sup> ва иккита полициячи билан эшик олдида турар эди. У пакана ва хўппасемиз киши бўлиб, каттакон қорни камарсиз шимини ёриб юборай деб турарди, кўзойнаги ўйинчоқ кўзойнакка ўхшарди. У шаъни ерга урилган одамни эслатарди.

Уни ўраб олишди. Ана деворга суянганча, унинг хикоясига кулоқ берди, одамлар сийраклаша бошлагунча эшитди. Сўнгра иссиқдан бўғриққанча уйига йўл олди ва бўлган воқеа ҳақида қизгин гаплашаётган қўшнилари ёнидан ўтиб, уйига кирди.

Хотини бориб-келгунча каравотда ағанаб ётган Дамасо уни кечаси билан кутиб чиққан Ана қандай қилиб чекмаганига қайта-қайта ҳайрон бўларди. Хотинининг табассум қилиб кирганини ва тердан ҳўл бўлган рўмолини ечаётганини кўриб, эндигина тутатган сигаретани ерга ташлаб, оёғи билан эзиб ўчирди. Пол сигарета қолдиқларига тўла эди. Дамасо юрагини ховучлаб сўради:

– Хўш?

Ана каравот ёнига чўнқайиб ўтирди.

– Сен фақат ўғри эмас, ёлғончи ҳам экансан-ку.

– Нега энди?

– Сен менга ғаладонда ҳеч вақо йўқ экан, деб айтувдинг.

Дамасо кошларини чимирди.

– Тўғри, у ерда ҳеч вақо йўқ эди.

---

<sup>1</sup> Алькальд – шахар ҳокими.

– У ерда икки юз песо бор экан-ку.

– Гирт ёлгон гап! – деди Дамасо овозини баландлатиб. У қаддини кўтариб ўтирди ва давом этди: – Бор-йўғи йигирма беш сентаво эди.

Хотини унга ишонди.

– Қари туллак, – деди Дамасо муштини тугиб. – Нима бало, башарасини бежатгиси келиб қолганми унинг?

Ана қаҳ-қаҳ отиб кулди.

– Аҳмоқона гапларни вайсама.

Эр ҳам ўзини тута олмай, хохолаб кулиб юборди. У соқолини киртишлар экан, хотини эшитганларини сўзлай бошлади.

– Полиция келгинди ўғрини излаётган экан. Ўғри пайшанба куни келувди, дейишяпти. Кеча кечқурун у ўша ерда ўралашиб юрган экан. Уни ҳалигача топишмади, дейишяпти.

Дамасо ўзи ҳеч кўрмаган-билмаган ўша бегона одам ҳақида ўйлаб қолди, оний тарзда ҳақиқатан ҳам ўша бегона киши ўғирлик қилгандай туюлди.

– Балки, у кетиб қолгандир, – деди Ана.

Ҳар доимгидай, Дамасонинг ўзини тартибга келтириши учун уч соат керак бўлди. У диққат билан мўйловини текислади, фавворада ювиниб олди. Никоҳдан кейинги биринчи кечадан бери ўтган вақт ичида ҳеч нарса уларнинг жўшқин эҳтиросини сўндира олмаганди. Қизил катак кўйлак кийган эри кўчага чиқишдан олдин ўзини ойнага солаётганини кўрган Анага ўзи қаримсиқ ва исқирт бўлиб кўринди. Дамасо профессионал боксчиларга хос енгил сакраб, унинг олдида жанговар ҳолатга кирди. Ана унинг қўлидан ушлаб олди.

– Пулинг борми?

– Мен бойваччаман, – деди у кулимсираб, – ахир чўнтагимда икки юз песо бор-ку.

Ана тесқари ўгирилди, сийнабандидан думалоқ қилиб ўралган пулни олди ва бир песоликни чиқариб, эрига узатди.

– Ма ол, Хорхе Негрете.

\* \* \*

Кечқурун Дамасо дўстлари билан майдонда эди. Қўшни қишлоқлардан бозорга келган кишилар тунаш учун егулик сотадиган дўкончалар ва лотерея столлари орасига жойла-

шиб олишар ва қоронғи тушди дегунча чор тарафдан хуррак товушлари эшитилар эди. Дамасонинг дўстларини, афтидан, бильярдхонага ўғри тушгани эмас, бейсбол чемпионатидан олиб берилётган радиоэшиттириш кизиктираётганди. Бильярдхона ёпиқ бўлгани учун бундан маҳрум бўлгандилар. Дўстлар чемпионат ҳақида қизгин баҳслашиб, кинотеатр ёнига бориб қолганини сезмай қолишди. Келишиб ҳам, ҳатто, қандай фильм кўрсатишаётганини сўраб ҳам ўтирмай, чипта олишди.

Кантинфлас ўйнаган фильмни кўрсатишаётганди. Дамасо айвоннинг биринчи қаторида ўтирар, виждони заррача қийналмай, қаҳ-қаҳ отар эди. У ташвишлардан фориғ бўлаётганини ҳис қиларди. Июннинг фусункор кечаларидан бири эди. Фильмдаги диалоглар орасидаги жимликда киноаппаратнинг баайни ёмғир шивалаганига ўхшаш шитирлаши эшитиларди. Кинотеатр устидаги очик осмонда юлдузлар қовоғини уюб турарди.

Кўккисидан экрандаги тасвир ўчди ва зал тўридан шовқин эшитилди. Чироқ ёнди, Дамасога уни топиб олишгандек ва ҳамма унга қараётгандей туюлди. У ўрндан ирғиб турди, лекин томошабинлар жойларидан кўзгалмай ўтирганини кўрди, қўлига камар ўраб олган полициячи бўлса, катта мис тўқа билан кимнидир шиддат билан савалаётган эди. У баҳайбат негрни ураётганди. Хотинлар қий-чув кўтариб қичқиришди, полициячининг бақирғи уларнинг сасини босиб кетди:

– Ўғри! Ўғри!

Негр қатор оралаб қочди, икки нафар полициячи уни қувиб, елкасига мушт ёғдириб боришарди. Ниҳоят, улар негрни тутишга муваффақ бўлишди. Камарли полициячи негрнинг қўлларини орқасига қайириб, камар билан боғлади ва учовлон уни тепа-тепа эшик томонга ҳайдашди. Бу воқеалар бир лаҳзада бўлиб ўтди ва Дамасо негрни залдан олиб чиқиб кетишгандагина нима гаплигини англади. Негрнинг қўйлаги йиртилган, терлаган юзини чанг ва қон босган эди. У фарёд уриб такрорларди:

– Қотиллар! Қотиллар!

Чироқ ўчди ва яна кино кўрсатила бошланди.

Дамасо бошқа ҳечам кулмади. У устма-уст сигарета тутатар, экранга бақрайиб ўтирар, кўзига аллақандай узук-юлук

лавҳалар кўринарди. Яна чироқ ёнди ва томошабинлар бир нарсадан кўркқандай ваҳима аралаш бир-бирига қарашди.

– Жуда қойилмақом бўлди-да, – деди ёнида ўтирган томошабин.

– Кантинфлас зўр ўйнайди, – жавоб қилди Дамасо унга қарамасдан.

Одамлар оқими уни эшикдан олиб чиқди. Майда-чуйда егулик тўла халталарини орқалаган хотинлар уйларига тарқалишди. Соат ўн икки бўлса-да, кўчаларда одам кўп – негрни қандай тутишганини билиш учун томошабинларни кутиб туришарди.

Дамасо хонага шунчалик писиб кирдики, Ана уйкусираб, унинг келганини сезганида, у чалқанча ётиб, иккинчи сигаретани тугатаётганди.

– Овқатинг ўчоқ устида турибди, – минғиллади у.

– Овқат егим йўқ.

Ана тин олди.

– Тушимда Нора мойдан болаларнинг хайкалчасини ясаётганмиш, – деди хануз уйку аралаш. Шундагина ўзи ҳам сезмай кўзи илинганини пайқади ва довдираб, кўзларини ишкади, сўнгра Дамасога юзланди. – Келгиндини ушлашибди.

– Ким айтди?

– Кинотеатрда ушлашибди. Ҳозир ҳамма ўша ёққа кетди.

Шундан кейин Ана кинотеатрда бўлган воқеани роса кўпиртирилган тарзда айтиб берди. Дамасо эътироз билдириб ўтирмади.

– Бечорагина, – уф торгди Ана.

– Нима, бечорагина дейсанми?! – бақирди қони қайнаб кетган Дамасо. – Нима, уни эмас, мени ушлашларини истаётганмидинг?

Ана эрини яхши билгани учун гап қайтармади. Эрининг хўроз кичқиргунга қадар хириллаб нафас олганча, чекиб чиққанини пайқади. Сўнгра ўрнидан туриб, хонадан чиққанини, қандайдир ишга уннаганини эшитди. Эри қаравот остини қовлаганини (бу чорак соатдан кўпроқ давом этди), ундан кейин қоронғида ечинганини, бу вақт ичида хотини унга халақит бермаслик учун ўзини ухлаганга солиб ётганини, ҳатто, хаёлига ҳам келтирмай, барча ишни имкон борича

шовкинсиз қилишга уринганини эшитиб ётди. Аёл қалбининг тўрида нималардир содир бўлди ва у Дамасонинг кинога борганини пайқади, бильярд зўлдирларини нега каравот остига яширганини фаҳмлади.

Бильярдхона душанба кuni очилди ва шу заҳоти ҳаяжонланган мижозларга тўлди. Бильярд столи устига каттакон бинафшаранг мато ташлашди, натижада хона мотам тусига кирди. Деворга эълон осиглиқ эди: «Зўлдирлар йўқлиги сабабли бильярдхона ишламайди». Кирганлар бу эълонни худди бир янгиликдай диққат билан ўқир эдилар. Баъзилар эълонга узоқ тикилиб, хайратда қолар даражада қатъият билан қайта-қайта ўқир эдилар.

Дамасо биринчилар қаторида кирди. У ўз ҳаётининг кўп қисмини ишқибозлар ўтирадиган ўриндикда ўтказган эди ва бильярдхона эшиги очилиши биланок, яна шу ерда пайдо бўлди. Ҳамдардлик билдириш гарчи жуда қисқа давом этган бўлса-да, кўп қийин кечмади. Дамасо пештахта орқасида турган хўжайиннинг елкасига қоқиб қўяр экан, хитоб қилди:

– Қандай хунук иш бўлди-я, дон Роке!

У аччиқ кулимсираб, бош ирғади.

– Нима ҳам қилардик, – дея хўрсинди-да, мижозларга хизмат қилишда давом этди.

Дамасо пештахта олдидаги курсига чиқиб ўтирди ва бинафшаранг кафан остидаги столга тикилиб қолди.

– Ғалати, – деб ғулдуради.

– Тўппа-тўғри, – қўшилди қўшни курсида ўтирган киши. – Бунинг устига Пасха арафасида-я!

Барча мижозлар тушлик қилгани уйларига тарқалган пайтда Дамасо мусиқа чаладиган автоматнинг тирқишига танга ташлади ва Мексика балладаси тугмасини босди. Тугманинг жойини у ёддан биларди. Дон Роке бу вақтда стол ва стулларни зал тўрига таший бошлаганди.

– Нега бундай қиялсиз? – сўради Дамасо.

– Қарта ташлаб қўймоқчиман. Зўлдирлар келгунча нимадир қилиш керак-ку.

Ҳар қўлида биттадан курси кўтарганча кўрга ўхшаб қатъиятсиз, туртиниб-суртиниб қадам ташлаётган дон Роке яқинда бева қолган кишига ўхшарди.

– Янгиларини қачон юборишади?

– Бир ойдан кейин.

– Унгача эскилари топилиб қолар, – деди Дамасо.

Дон Роке қатор тизилган столларга мамнуният-ла назар ташлади.

– Топилмайди, – эътироз билдирди у қўли билан пешона-сини артар экан. – Негрга шанбадан бери бир тишлам нон ҳам беришгани йўқ, лекин у барибир бўйнига олмаяпти, зўлдирлар қаерда эканини айтмаяпти. – У терлаган кўзойнагидан Дамасога қаради. – Ҳар холда, зўлдирларни дарёга ташлаган бўлса керак.

Дамасо лабларини тишлади.

– Икки юз песо нима бўлди?

– Пул ҳам йўқ. Унинг ёнидан ўтгиз песогина чиқди, холос.

Улар бир-бирининг кўзларига тикилишди. Бу нигоҳлари худди шерикларнинг кўз уриштиришига ўхшаб туюлганининг сабабини Дамасо тушунтириб беролмаган бўлар эди. Кун охирлаганда кирхонада турган Ана эрининг уйга қандай қайтаётганини кўрди: у боксёрчасига сакраб, кўринмас рақибига мушт ёғдириб келарди. Жувон хонага кирди.

– Ҳаммаси гулдек, – деди Дамасо. – Қария зўлдирлардан умидини узибди, янгиларига буюртма берибди. Энди бу гапни ҳамма унутишини кутиш қолди, холос.

– Негрга нима бўлибди?

– Кўрқинчли бир гап йўқ, – елкасини қисди Дамасо. – Агар зўлдирларни топишмаса, уни қўйиб юборишга мажбур бўлишади.

Кечки овқатдан кейин Ана билан Дамасо кўча эшиги олдида ўтириб, кинонинг овози ўчиб, ҳаммаёқ сув қуйгандек бўлгунга қадар қўшнилари билан гап сотишди. Уйкуга ётишдан олдин Дамасонинг кайфияти чоғ эди.

– Мен қойилмақом фойдали иш ўйлаб қўйдим, – деди у.

Ана Дамасо кечгача ўйлаб пиширган фикрни ўртоқлашгиси келаётганини тушунди.

– Шахарчаларни кезаман, биридан ўғирлаган зўлдирларни иккинчисида сотаман. Ҳамма жойда бильярдхона бор.

– Кезасан-а, кезасан, охири тумшуғингдан илинасан, сени отишади!

– Отишмайди. Бунақа гаплар фақат кинода бўлади, холос.

У хона ўртасида турар, қойилмақом режаларидан боши осмонда эди. Ана ечина бошлади, ташқи кўринишидан бепарқдай бўлса-да, бор вужуди қулоққа айланган эди.

– Мана шунча костюм сотиб оламан. – Шундай деркан Дамасо тасавуридаги жавоннинг ўлчамларини кўрсатиш учун бутун деворга ишора қилди. – Мана бу ердан ана у ергача. Бундан ташқари, эллик жуфт пойабзал сотиб оламан.

– Сени худонинг ўзи қўлласин!

Дамасо ковоғини солди.

– Менинг ишларим сени қизиқтирмайди, шекилли.

– Бу ишларга менинг ақлим етмайди, – Ана лампани ўчирди, деворга тақалиб ётди ва алам билан давом этди: – Сен ўттизга тўлганингда мен қирк еттига кираман.

– Аҳмоқ, – мийиғида қулди Дамасо. У гугурт қидириб, чўнтақларини пайпаслади. – У вақтда сен кир ювмайсан.

Ана унга ёниб турган гугуртни узатди. Аёл олов ўчгунга қадар тикилиб турди, сўнгра қулга айланган гугуртни бир четга улоқтирди. Дамасо тўшакка узанди ва яна деди:

– Биласанми, бильярд зўлдирларини нимадан қилишади?

Ана индамади.

– Фил суягидан ясашади. Шунинг учун ҳам уларни топиш қийин ва бу ерга олиб келгунларига қадар ҳеч бўлмаганда бир ой ўтади. Тушундингми?

– Ухла. Мен эрталаб бешда туришим керак.

Дамасо одатдаги табиий ҳолатига қайтди. У куннинг биринчи ярмини тўшакда чекиш билан ўтказар, тушки уйқудан кейин кўчага чиқишга тайёргарлик кўриб, у ёқ-бу ёғини тартибга келтирар, окшомлари бильярдхонада бейсбол чемпионатидан радиоэшиттиришларни тингларди. Унинг нечоғлик завқ-шавқ билан топган ўз ғоясини шунчалик тез унутишдек мақтовга арзирли хусусияти бор эди.

– Пулинг борми? – деб сўради у Анадан шанба куни.

– Ўн бир песо пулим бор, – деди Ана ва юмшоққина қилиб илова қилди: – Бу ижара ҳақиға тўланадиган пул.

– Менинг бир таклифим бор эди.

- Нима экан?
- Уларни менга қарзга бериб тур.
- Хўжайинга тўлаш керак.
- Кейин тўларсан.

Ана «йўк» маъносида бош чайқади. Дамасо унинг қўлларидан ушлаб, стол орқасидан туришига йўл қўймади. Бу столда улар нонушта қилаётган эдилар.

– Бор-йўғи бир неча кунга, – деди у эркалатган оҳангда ва бир вақтнинг ўзида унинг қўлларини паришонхотирларча силаб, – зўлдирларни сотсам, ҳамма нарсага пулимиз етадиган бўлади.

Ана кўнмади.

Дамасо шу кечаси, ҳатто, дўстлари билан суҳбатлашаётганида ҳам хотинининг елкасидан қўлини олмади. Фильмни эйтиборсизлик билан томоша қилишди. Ниҳоят, Дамасонинг тоқати тоқ бўла бошлади.

– Ундай бўлса, қаердандир пул ўғирлашимга тўғри келарди, – деб сўз кистирди у.

Ана елкасини қисди.

– Дуч келган одамни бўғаман, – таҳдид қилди Дамасо хотинини кинодан чиқаётган оломон орасидан олиб ўтар экан. – Қотиллигим учун мени турмага тиқишади.

Ана кулимсиради, лекин гапидан қайтмади.

Улар кечаси билан жанжаллашиб чиқишди. Дамасо эрталаб намоийшкорона ва таҳдидли равишда тезда кийинди ва Ананинг ёнидан ўтар экан, тўнғиллади:

– Кутиб ўтирма, энди мен қайтиб келмайман.

Ана титроғини боса олмади.

– Оқ йўл! – бақирди орқасидан.

Дамасо эшикни қарсиллатиб ёпди. Унинг учун учи-кейти кўринмаган маъносиз якшанба бошланди. Эрталабки соат саккиздаги ибодатдан сўнг болалари билан черковдан чиққан ялтироқ қўйлак кийган аёллар турфа рангларга тўла бозор ва майдонни шовқин-суронга тўлдирди. Ҳаво тобора қизиб борарди.

Дамасо уззукун бильярдхонада ўтирди. Эрталаб бир неча киши карта ўйнади, тушга яқин мижозлар кўпайди, лекин бильярдхона илгариги жозибасини йўқотгани беш қўлдай аён

эди. Фақат кечкурун, бейсбол чемпионатидан радиоэшиттириш бошланган вақтдагина бильярдхона жонланиб, қандайдир даражада эски вақтларни эслатар эди.

Бильярдхона ёпилгандан сўнг Дамасо қаёққа боришини билмай, қайсидир майдонда бемақсад тентираб юрганини бирдан пайқаб қолди. Дамасо қирғоққа параллел узанган кўча бўйлаб узоқлардан эшитилаётган шўх мусиқа овози томонга қараб кетди. У қорайиб кетган қоғоз гулчамбарлар билан безатилган каттакон ва бўм-бўш рақс майдонига чиқди. Майдоннинг тўрида, тахта сахнада чоғроқ оркестр мусиқа чаларди. Ҳаводан уфураётган лаб бўёғи хиди нафасни бўғарди.

У пештахта олдида тўхтади. Мусиқа тўхтагач, оркестр дастасида ликопча уриштирган йигитча рақс тушаётган эркаклар ёнига бориб, пул тўплай бошлади. Аллақандай бир киз шеригини ташлаб, Дамасога яқинлашди:

– Хорхе Негрете, ишлар қалай?

Дамасо уни ёнига ўтказди. Юзига упа сурган, қулоғининг орқасига чиннигул таққан буфетчи баланд овозда сўради:

– Нима ичасиз?

Қиз Дамасога ўғирилди:

– Нима ичамиз?

– Ҳеч нарса.

– Менинг ҳисобимга.

– Гап пулда эмас, – деди Дамасо. – Овқат егим келяпти.

– Аттанг, – уф тортди буфетчи. – Шундай кўзлари бўлатуриб-а!..

Улар зал тўридаги ошхонага ўтишди. Қадди-қоматига қараганда киз тамоман бошқача, лекин юзига қалин упа-элик сургани ва лабларини кип-қизил қилиб бўягани учун ёши нечадалигини айтиш қийин. Овқатланиб олгач, Дамасо киз билан қоронғи пешайвон тўрида жойлашган хонга кирди. Бу ерда уйкудаги ҳайвонларнинг нафас олиши эшитилиб турарди. Каравотда рангдор латтага ўралган чакалоқ бор эди. Қиз латта-путталарни тахта қутига ёйди ва болани қутига солиб, полга кўйди.

– Чакалоқни сичқонлар еб кўйиши мумкин, – деди Дамасо.

– Сичқон болани емайди.

Қиз кизил кўйлагини ечиб, анча очиқ, каттакон сарик гуллар тасвири туширилган кўйлакни кийиб олди.

– Боланинг отаси ким? – сўради Дамасо.

– Ким эканини ўзим ҳам билмайман, – тиржайди қиз. Шундай дея эшик томон юрди ва кўшимча қилди: – Тезда келаман.

Дамасо қиз эшикни кулфлаганини эшитди. У кийим-бошини курсига илди ва кетма-кет бир нечта сигарета чекди. Каравот мамбо оҳангида тебранар эди. Дамасо ухлаб қолганини сезмади ҳам. Уйғонганида мусиқа товушлари тинганди, шу туйфайли хона унга каттароқ бўлиб туюлди.

Қиз каравот ёнида ечинди.

– Соат неча бўлди?

– Тўрт бўлай деб қолди. Бола йиғламадими?

– Йиғламади шекилли, – жавоб қилди Дамасо.

Қиз Дамасонинг ёнига чўзилди ва бироз хиралашган кўзлари билан унга бошдан-оёқ тикилганча, кўйлагининг тугмаларини еча бошлади. Дамасо қизнинг бўккунча ичганини сездди. Чирокни ўчирмоқчи бўлди.

– Тегма, – деди қиз. – Кўзларингга тикилиш менга жуда ёқади.

\* \* \*

Тонгги товушлар хонани тўлдирди. Чақалоқ йиғлади. Қиз болани тўшакка олди, кўрагини тутди ва оғиз очмасдан аллақандай кўшиқни хиргойи қила бошлади. Ниҳоят барчаси уйқуга толди. Дамасо қиз эрталаб соат еттида уйғонганини ва хонадан чиққанини эшитмади. Қиз болани ташлаб, қайтиб келди.

– Ҳамма соҳилга кетяпти, – деди у.

Дамасо ўзини кечаси билан ухламай чиққан одамдай ҳис қиларди.

– Нега?

– Зўлдирларни ўғирлаган негрни кўргани кетишяпти. Уни бугун жўнатиб юборишаркан.

Дамасо чекди.

– Бечора, – хўрсинди қиз.

– Бечора?! – бакириб юборди Дамасо. – Ким унга ўғирлик қил деди.

Қиз бошини ҳам қилганча ўйлаб қолди, кейин овозини пасайтириб деди:

– Бу ишни у қилгани йўқ.

– Ким айтди?

– Мен буни аниқ биламан. Бильярдхонани уриб кетишган кечаси негр Глориянинг ёнида эди ва кейинги куни кечгача у билан бўлди. Кейин кинодан қайтиб келишди ва уни қамашганини айтишди.

– Глория бу ҳақда полицияга айтиб бериши мумкин.

– Бу ҳақда негрнинг ўзи айтган. Алькальд Глорияниқига келди, хонасини ағдар-тўнтар қилди ва уни ҳам шерик сифатида турмага тикишини айтиб кўрқитди. Охир-оқибат Глория йигирма песо тўлаб қутулди.

Дамасо соат саккизга яқин ўрнидан турди.

– Қолақолгин, – таклиф қилди қиз, – тушликка товук сўяман.

Дамасо кўлидаги тароқ билан сочини таради, сўнгра тароқни шимининг орқа чўнтагига тикиб кўйди.

– Қололмайман.

Қизни кўлидан ушлаб, ўзига тортди. Қиз аллақачон ювиниб улгургани учун ҳақиқатан ҳам жуда ёшлиги яққол аён бўлиб турарди. Каттақон қора кўзлари уни жуда маъсума қилиб кўрсатарди. Қиз уни кучоклади ва такрорлади:

– Қолгин.

– Бутунлайми?

Қиз бироз кизариб, уни кўйиб юборди.

– Ёлғончи.

Ана шу куни эрталабдан ўзини ҳорғин ҳис қилаётганди, лекин умумий ҳаяжон унга ҳам юқди. Мижозларидан кирчирларни одатдагидан эртароқ йиғиб олди-да, негрни қандай жўнатишларини кўриш учун сохилга йўл олди. Кемалар жўнашга шай турган бандаргоҳда оломон тоқатсизланиб ғала-ғовур кўтараётган эди. Дамасо ҳам шу ерда экан.

Ана кўрсаткич бармоғи билан унинг биқинига туртди.

– Бу ерда нима қиляпсан? – деб хитоб қилди қутилмаган турткидан чўчиб кетган Дамасо.

– Сен билан видолашгани келдим.

Дамасо симёғочни тақиллатди.

– Тилингга қуйдирги чиқсин, – деди у.

Сигаретани туташтиргач, бўш қутини дарёга улоқтирди. Ана белбоғидан бошқа қутини олди ва эрининг кўкрак чўнтагига солди. Дамасо ўзини тута олмади ва кулиб юборди.

– Ғирт тентаксан-а, – деди у.

Ана кулди.

Кўп ўтмай негр пайдо бўлди. Уни майдон ўртасидан олиб ўтишди. Қўллари арқон билан орқасига боғланган, арқон учини полициячи ушлаб борарди. Негрнинг икки ёнида милтик кўтарган иккита полициячи. Негрнинг кўйлаги йўқ, пастки лаби ёрилган, қоши боксёрларникидай шишиб кетган. Жафокаш одамдай мағрур бош кўтариб, халойиққа қарамасдан ўтиб борарди. Бильярдхона эшиги олдида томошабинлар жуда кўп эди. Бильярдхона хўжайини индамай унга қараб турар, таъна-омуз бош чайқар эди. Одамлар негрга еб қўйгудай бўлиб тикилишарди.

Баркас лангар кўтарди. Негрни палубадан олиб ўтиб, оёқ ва қўлларини нефть солинган цистернага боғлашди. Дарё ўртасига борган баркас бурилиб, сўнгги гудок берганида негрнинг елкаси ялтираб кўринди.

– Бечорагина, – шивирлади Ана.

– Жаллодлар, – деди ёнида турган киши. – Бу ҳолда шу жазирамага киши қандай бардош бериши мумкин?

Дамасо ўгирилиб, бу гапни хаддан ташқари семиз хотин айтганини кўрди. Дамасо оломон орасидан майдонга ёриб ўта бошлади.

– Кўп вайсайсан, – пичирлади у хотинининг кулоғига. – Бутун майдонни бошингга кўтариб кичкирсанг бўлармиди.

Ана уни бильярдхонагача кузатиб борди.

– Ҳеч бўлмаса, эгнингни алмаштирсанг бўлармиди? – деди Ана кетишга чоғланаркан. – Ўзингга бир қара, девонанинг ўзи бўлибсан-қолибсан.

Янгилик туфайли бильярдхонага одам тўлиб кетган. Барчанинг кўнглини олишга уринаётган дон Роке бир йўла бир нечта столда ўтирганларга хизмат қиларди. Дамасо унинг ёнидан ўтишини кутиб ўтирди.

– Истасангиз, кўмаклашаман.

Дон Роке унинг олдида бошига стакан ағдариб қўйилган олти пиво шишаси қўйди.

– Раҳмат, бўтам.

Дамасо шишаларни столларга тарқатди, буюртмалар олди ва шу тариқа мижозлар тушлик қилгани уйларига тарқалгунга қадар шиша ташиди. Тонгга яқин уйга келганида, Ана у ғирт маст эканини кўрди. У эрининг қўлини олиб, корнига қўйди.

– Пайпасла, – деди у. – Эшитяпсанми?

Дамасонинг юзида ҳеч қандай хурсандчилик аломати сезилмади.

– Қимирляяпти, – давом этди аёл. – Кечаси билан тепиб чикди.

Лекин, кўринишига қараганда, Дамасо бефарқ эди. Ўйга ботган Дамасо уйдан эрта чиқиб кетди ва ярим кечадан сўнг қайтиб келди. Бир ҳафта шу тарзда ўтди. Камдан-кам ҳолларда у тўшакка чўзилиб ётганча чекар, гаплашишдан ўзини олиб қочар эди. Ана унга янада ғамхўрроқ бўлиб қолди. Бирга яшай бошлаганларидан кейин дастлабки вақтлари ҳам Дамасо худди шундай одамови бўлиб қолганди. У вақтлари Ана унинг феъл-атворини яхши билмас ва жонига тегиб кетарди. Шунда Дамасо тўшакда унинг устига чикволиб ўласи қилиб дўппослаган эди.

Энди бўлса, у сабр қилишга ўрганган. Оқшом тушганданок чироқ ёнига бир кути сигарета қўйиб қўйди. Аёл эри очлик ва ташналикка осон бардош беришини, лекин чекмай туролмаслигини биларди. Июль ойининг ўрталарида бир куни Дамасо оқшом тушиши билан уйга қайтди. Ана бунчалик эрта қайтганига қараганда роса бўкиб ичган бўлса керак, деб хавотирланди. Дамасо кўринишидан қандайдир гангиган ва адои тамом бўлганга ўхшарди. Ғиқ этмай овқатланишди, лекин уйкуга ётишларидан олдин қўккисидан Дамасо бўкириб юборди:

– Кетаман!

– Қаёққа?

– Бошим оққан ёққа.

Ана хонани кўздан кечирди. У хонанинг тўрт деворига журнал муқоваларини ёпиштириб ташлаган эди. Бу суратлар эскириб сарғайган ва йиртилиб кетганди. Каравотида ётиб киноактёрларнинг портретларига тикилган ва уларнинг ранги рўйини ўзлаштирган эркакларнинг ҳисобини Ананинг ўзи ҳам билмасди.

- Мен билан яшаш сенга зерикарли бўлиб қолдими?
- Гап бунда эмас, гап шаҳарчада.
- Шаҳарчамизнинг бошқа шаҳарчалардан фарқи йўқ.
- Зўлдирларни сотиш имкони йўқ.

– Зўлдирларни унут. Ҳозирча худо кир ювиш учун менга куч бериб турган экан, аллақандай қалтис ишлар билан шуғулланишининг хожати йўқ. – Бироз жим қолди, сўнг эҳтиёткорона равишда қўшимча қилди: – Бу гап калланга қандай келганига ҳозиргача ҳайронман.

Дамасо сигаретани чекиб тугатди ва жавоб берди:

– Бу иш жуда осон кўчди, лекин нега ҳеч ким шу чокқача бу ҳақда ўйламаганини тушунолмайман.

– Пул маъносида гапинг тўғри, – унинг фикрига қўшилди Ана. – Лекин зўлдирларни ўғирлашдай ишга биронта аҳмоқ кўл урмаган бўларди.

– Каллам ишламай қолди-да. Пештахта ортидаги кутида турган зўлдирларни кўрган чоғимда бу ерга шунча машаққат билан кирдим, энди бўш кўл билан кетавераманми, деган фикр калламга урилди.

– Толеинг йўқ экан, – уф тортди Ана.

Дамасо енгил тортди.

– Янгиларини юборишмаяпти, – деди у. – Зўлдирлар қимматлашди, дейишибди. Дон Роке, бу зарарга тушади, деяпти.

У яна сигарета тутатди, сўзлар экан, қалби покланаётган-дек бўлди.

Дамасо хўжайин бильярд столини сотиб юбормоқчи эканини айтди. Ҳолбуки, энди уни арзимаган пулга сотиш мумкин холос. Ўйинни энди ўрганаётганларнинг укув-сизликлари оқибатида мато илма-тешик бўлган, ранг-баранг ямоққа тўлиб кетган ва уни янгисига алмаштириш даркор. Ҳозирча собиқ бильярд ишқибозлари учун ягона эрмак – бейсбол чемпионатидан олиб бериладиган радио-эшиттириш холос.

– Нима қилайлик, ўзимиз хохламаган ҳолда барчага фириб бердик, – дея гапини тугатди Дамасо.

– Бунинг устига бу ишдан бир чака фойда олмадик, – қўшимча қилди Ана.

– Келаси ҳафта чемпионат ҳам тугайди.

– Бу ҳолва. Ҳаммасидан ёмони – негрнинг қамалгани бўлди. Аёл бир вақтлардагидек, бошини эрининг елкасига қўйиб ётарди ва эри нима ҳақда ўйлаётганини ҳис қилди. Эрининг сигаретани чекиб бўлишини кутди, сўнгра деди:

– Дамасо!

– Нима дейсан?

– Уларни қайтариб бер.

Дамасо янги сигаретани тутатди.

– Ўзим ҳам бир неча кундан бери шу ҳақда ўйляпман. Фақат буни қандай қилсам экан, деб бошим қотяпти.

Улар олдиниға зўлдирларни одам кўп жойда қолдириш фикрига келишди, лекин кейинчалик Ана бу бильярдхона муаммосини ҳал қилса-да, негр масаласида бефойда эканини фаҳмлади. Полиция негрнинг бўйнидан айбни соқит қилмаган ҳолда, зўлдирларнинг пайдо бўлишини турлича шарҳлаши мумкин. Бошқача ҳам бўлиши мумкин: зўлдирларни топган одам уларни қайтариб бермаслиги, балки кейинчалик сотиш ниятида олиб қўйиши мумкин.

– Бирон ишга қўл урдингми, уни кўнгилдагидай бажариш керак, – деб хулоса қилди Ана.

Зўлдирларни қовлаб олишди. Ана уларни шакли билинмайдиган қилиб газетага ўради ва сандиққа солди.

– Энди қулай фурсатни пойлаймиз, – деди у.

Аммо икки ҳафта ўтиб кетса-да, қулай фурсат бўлмади. Ўғирликдан роппа-роса икки ой ўтгач, йигирманчи август куни кечки пайт Дамасо бильярдхонага келиб, пештахта ортида турган дон Рокени кўрди, у пальмадан қилинган елпиғич билан пашшаларни ҳайдаётган эди. Радио жим тунар ва бу дон Рокенинг ёлғизлигини янада бўрттириброк кўрсатарди.

– Сенга нима деган эдим?! – хитоб қилди дон Роке, худди башорати рўёбга чиққанидан хурсанддай. – Ҳаммаси расво бўлди!

Дамасо мусиқа автоматига танга ташлади. Баланд овоз ва липиллаган ранг-баранг нурлар унга бильярдхонага садоқатини намойиш этаётгандай туюлди. Бироқ дон Роке, афтидан, буни сезмаётган эди. Дамасо унинг ёнига ўтирди ва тасалли беришга уринди, бироқ узук-юлук далиллари ишонарли чикмади.

Дон Роке елпиғични дангасаларча елпир экан, лоқайдларча кулок солиб ўтираверди.

– Нима ҳам қилардик, – уф тортди у. – Ахир, бейсбол чемпионатининг ҳам охири бор-да.

– Лекин зўлдирлар топилиб қолиши мумкин.

– Топилмайди.

– Ахир, негр уларни еб қўймагандир.

– Полиция ҳамма жойни ахтариб чикди, – деди дон Роке зардаси қайнаб. – У зўлдирларни дарёга ташлаб юборган.

– Бирдан мўъжиза рўй бериб, зўлдирлар топилиб қолса-чи?

– Уйдирма тўқишни бас қил, бўтам. Бу бўлмайдиган иш.

Нима бало, сен мўъжизага ишонасанми дейман?

– Гоҳо ишонаман.

Дамасо бильярдхонани тарк этганида, томошабинлар ҳали кинодан чиқмаган эдилар. Кинозалдан эшитилаётган ниҳоятда кучли гулдуреган товушлар уйқудаги шаҳарча устида гоҳ акс садо берар, гоҳ тиниб қолар, очиқ қолган бир нечта эшиклар ҳам энди ёпиладиганга ўхшаб туюлар эди. Майдонда бироз тентираган Дамасо рақс зали томонга йўл олди.

Залда фақат биттагина мижоз бор эди. Оркестр махсус унинг учун мусиқа чалаётган, у бўлса бирварақайига иккита аёл билан рақс тушаётган эди. Бошқа хотинлар худди бирон хабар кутаётгандек девор тагида одоб сақлаб ўтиришарди. Дамасо бир стол ёнига ўтирди, қўли билан буфетчига ишора қилиб, пиво беришини сўради. У тўғридан-тўғри шишанинг оғзидан пиво ича бошлади, фақат нафас ростлаш учунгина ораликда бир тўхтаб қўярди, шишаси орқасидан иккита аёл билан рақс тушаётган эркакни кузатаверди. Ҳар иккала аёл эркакдан новча эди.

Ярим кечаси кинога чиққан аёллар пайдо бўлди, улардан сўнг эркаклар келишди. Аёллар орасида Дамасонинг ўйнаши ҳам бор эди. Ўйнаши унинг ёнига келиб ўтирди.

Дамасо унга қарагани ҳам йўқ. У олти шиша пиво ичиб улгурган ва хануз раққосдан кўз узмаётганди. Раққос энди учта аёл билан рақс тушишга ўтган, лекин уларга заррача эътибор бермаётган, фикри-зикри оёқ ўйинда эди. У жуда бахтиёр кўринар, агар қўл-оёқларидан ташқари думи ҳам бўлса, бундан ҳам бахтлироқ бўлиши кўриниб турарди.

– Бу нусха менга ёкмаяпти, – деди Дамасо.

– Ундай бўлса, унга қарама, – маслаҳат берди қиз.

Қиз буфетчидан ичкилик олиб келишини илтимос қилди.

Майдонча рақс тушаётган жуфтларга тўлди, аммо учта хотин билан рақс тушаётган эркак ўзини олдингидай, залда фақат ўзи бордай тутаётган эди. Қандайдир бир муқом чоғи унинг кўзлари Дамасонинг кўзлари билан тўқнашди. Эркакнинг оёқ ўйини тезлашди ва у табассум қиларкан, майда тишлари кўриниб кетди. Дамасо кўзини олиб қочмасдан унинг нигоҳига дош берди, пировардида раққос тиржайишдан тўхтади ва бошқа томонга юз бурди.

– Ўзини хушчакчак одам деб ўйлайди бу, – захарханда қилди Дамасо.

– У ҳақиқатан ҳам хушчакчак одам, – деди қиз. – Ҳар келганида, барча гумашталар сингари ўз ҳисобидан мусиқа буюртиради.

Дамасо унга бежо нигоҳ билан тикилди.

– Ундай бўлса, ўшанинг ёнига борақол, – деди у. – Учтаси ем еган жойда тўртинчиси ҳам тўяди.

Қиз ҳеч нарса демади, фақат бошини рақс майдончаси томонга бурди ва стакандаги шаробни майда қултумлар билан ҳўплай бошлади. Оч сариқ кўйлақда қиз янада тортинчоқ ва қатъиятсиз бўлиб туюларди.

Улар рақс тушгани туришди. Дамасо борган сари маъюслашаверди.

– Мен очимдан ўлай деяпман, – деди қиз ва унинг қўлтиғидан олиб, пештахта томонга судради. – Сен ҳам ул-бул еб олишинг керак.

Хушчакчак эркак учта аёл билан уларнинг олдидан чиқди.

– Тўхтанг, – деди Дамасо.

Эркак тиржайди, лекин қадамини секинлаштирмади. Дамасо бир силкиниб, ҳамроҳининг кўлидан кутулди ва унинг йўлини тўсди.

– Менга тишларингиз ёкмаяпти.

Эркакнинг ранги бўзарди, лекин илжайиб тураверди.

– Ўзимга ҳам ёкмайди, – деди у.

Қиз Дамасони тўхтатишга улгурмай турибоқ, у эркакнинг юзига мушт солди ва у майдонча ўртасида ўтириб қолди. Ҳеч

ким уларга аралашмади. Учта хотин қий-чув кўтарганча, аж-ратиб олиш учун Дамасога ёпишди, қиз бўлса, уни зал тўрига торга бошлади. Юзи қонталаш бўлган эркак оёққа қалқди, май-мунга ўхшаб бир сакраб, майдонча ўртасига чиқди ва қичқирди:

– Чалинглар!

Тунги соат иккиларга борганда майдонча деярли хувиллаб қолди ва мижози йўқ аёллар овқатлана бошладилар. Ҳаво иссиқ эди. Қиз бир ликопча ловияли ва гуручли қовурилган гўшт олиб келди, стол ёнига ўтириб, буларнинг ҳаммасини фақат қошиқ билан ея бошлади. Дамасо унга маъносиз тикилди. Қиз унга бир қошиқ гуруч узатди.

– Оғзингни оч.

Дамасо иягини кўкрагига қўйиб, бош чайқади.

– Буни хотинлар ейди, – деди у. – Биз эркаклар, емаймиз.

Ўрнидан туриш учун қўлларини столга тирашига тўғри келди. Ниҳоят мувозанатини тўғрилаб олганида, қўлларини кўкрагига чалиштирган буфетчи олдида турганини кўрди.

– Тўккизу саксонгани тўлаб қўй, – деди у. – Бу ер худойи-хона эмас.

Дамасо уни қўли билан четлатди.

– Баччаларни кўргани кўзим йўқ, – деб ғулдуради у.

Буфетчи уни қўлларидан ушлаб олди, лекин қизга назар ташлаб қўйиб юборди ва орқасидан деди:

– Қанчалик кўп нарса йўқотганингни кейин биласан.

Дамасо гандираклаганча кўчага чиқди. Ой остидаги дарёнинг сирли кумуш ёғдуси унга яхши таъсир қилди, лекин бу узоқ чўзилмади. Шаҳарнинг нариги ёғида жойлашган уйининг эшигини кўрганида Дамасо йўлни тушида босиб ўтгани ҳақида қасам ичишга тайёр эди. У бошини сарак-сарак қилди. Хира, лекин кучли бир сезги шу лаҳзадан бошлаб ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилиши лозимлигини шипшиди. Гижирлатмасликка уриниб, эшикни оҳистагина очди.

Ана уйғонди ва унинг сандиқни қовлаштираётганини эшитди. Чўнтак фонарнинг нуридан кўзи қамашди ва девор томонга ўтирилди, лекин Дамасонинг ечинмаётгани бирдан хаёлига урилди. Тўсатдан ақли равшанлашгандай, тўшакда қаддини кўтарди. Дамасо қўлида тугун ва чўнтак фонари би-

лан очик сандик ёнида турар эди. У бармоғини лабларига босди. Ана тўшакдан ирғиб турди.

– Сен ақлдан озибсан, – шивирлади у ва югуриб эшик ёнига борди-да, тезда уни тамбалади.

Дамасо фонарь, пичоқ ва учи ўткир эговни шимининг чўнтагига солди, бўхчани кўлтиғига қистирди-да, тўппа-тўғри Ананинг устига бостириб борди. Ана гавдаси билан эшикни тўсди.

– Мен тирик эканман, сен бу ердан чиқмайсан.

Дамасо уни итариб ташлашга уриниб кўрди.

– Қоч, – хириллади у.

Ана икки кўли билан эшик кесакисига ёпишиб олди. Улар киприк қоқмай, бир-бирларига тикилиб туришарди.

– Сен эшак экансан-ку, – шивирлади Ана. – Парвардигор сенга мафтункор кўз берган, лекин ақлдан қисган.

Дамасо Анани сочидан тутамлади, кўлини қайирди ва эгилишга мажбур қилар экан, тиши орасидан вишиллади:

– Сенга қоч дедим!

Ана унга ён томондан бўйинтуруқ остидаги ҳўкиздай олайиб қаради. Бир лаҳзага ўзига ҳар қандай оғриққа дош берадигандай, эридан кучлироқдай бўлиб туюлди, лекин эри унинг кўлини тобора кучлироқ қайираверди. Охири аёл бардош беролмади, кўз ёшлари бостириб келди.

– Болани ўлдириб кўясан, – деди у.

Дамасо уни кўтариб, каравотга олиб борди. Ўзини салгина эркин ҳис қилган заҳоти Ана бир сакраб унинг елкасига чикди ва икковлон тўшакка ағдарилди. Иккаласи ҳам ҳансираар эди.

– Ҳозир бақираман, – шивирлади Ана унинг қулоғига. – Қимир этдингми, тамом, бақира бошламан.

Дамасо қаттиқ ғазабланиб, хотинининг тиззаларига зўлдир солинган бўхча билан ура кетди. Қаттиқ инграган Ана оёқларини очди, лекин шу заҳоти, эшикка йўлатмаслик учун, уни қаттиқ кучоқлади ва ёлвора бошлади.

– Чин сўзим, зўлдирларни эртага ўзим олиб бораман, – ваъда қила бошлади у. – Ҳомиладор бўлганим учун мени, барибир, қамашмайди.

Дамасо юлкиниб, унинг қучоғидан чикди.

– Бу кеча тўлин ой чиқиб турибди, ҳаммаёқ ойдин, – деди Ана. – Сени ҳамма кўради-ку! Сен калтафаҳмнинг шунга ҳам ақлинг етмайди.

Ана яна уни ушлаб қолишга, эшик тамбасини кўтаришига йўл қўймасликка уринди, сўнгра кўзларини юмиб, юз-кўзига мушт ёғдирди ва қичқира бошлади:

– Ҳайвон, ҳайвон!

Дамасо ўзини мудофаа қилмоқчи бўлиб кўрди, шунда Ана каттакон ва оғир ёғоч тамбани Дамасонинг қўлидан юлиб олди ва бошини мўлжаллаб урди. Дамасо чап берди, зарба елкасига тушди, елка суяги қарсиллаб кетди.

– Фоҳиша! – бўқириб юборди у.

У шовқин кўтармаслик кераклигини энди ўйламай қўйди. У Ананинг қулоғига қулочкашлаб туширди, аёлнинг танаси деворга қаттиқ урилди ва кучли ингрок овози эшитилди, лекин у хотинига қайрилиб ҳам қарамай, хонадан чиқиб кетди. Эшик очик қолаверди.

Оғриқдан ўзини йўқотган Ана ерда чўзилиб қолди, у шу онда қорнида нимадир содир бўлишини кутиб ётарди. Девор орқасидан бўғиқ товушда кимдир уни чақирди. Хўнграб юбормаслик учун лабларини тишлади. Кейин ўрнидан турди ва кийинди. Ўтган сафардагидек, яъни зўлдирларни олишга кетган галдагидек, режасининг бўлмагур эканини тушунган ва йўлдан қайтариш учун хотинининг қичқиришини ёки орқасидан югуриб чиқишини кутаётган Дамасо эшик орқасида пойлаб тургани Ананинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Ана яна олдинги хатосини такрорлади: эрининг орқасидан қувиб етиш ўрнига, кийиниб олди, эшикни ёпди ва каравотга ўтириб, эрини кута бошлади.

Эшик ёпилгач, Дамасо орқага йўл йўклигини тушунди. Ҳуриган итлар уни кўча охиригача кузатиб қўйди, лекин кейин қандайдир мудҳиш сукунат чўқди. У товуш чиқармасликка уриниб, йўлқадан кетиб борарди, уйкудаги шаҳар сукунати қўйнида ўзининг қадам товушлари ўзига бегона ва қаттиқ эшитилаётгандай туюларди. Бильярдхонанинг шарти кетиб парти қолган эшиги олдидаги ялангликка чикмагунча, Дамасо ҳеч қандай эҳтиёт чорасини кўрмади.

Бу гал фонарни ёқишнинг кераги бўлмади. Эшикнинг ўтган гал у сиртмоқ ташлаган жойигина мустаҳкамланган эди.

Қолгани илгаригидек. Қулфни бир томонга итариб, ўнг қўли билан ўткир эгов учига бошқа сиртмоқ ташлади ва қаттиқ ҳаяжонланмасдан, куч билан эговлашга киришди, ниҳоят чироган ёғоч парчалари қўпди.

Эшик тавақасини очишдан олдин, полга терилган ғиштларга тегмаслиги учун уни оҳистагина юкорига кўтарди. Олдинига эшикни салгина очиб, ботинкасини ечди ва уни тугунга қўшиб, ичкарига тикди, сўнгра чўкиниб олди-да, ой нури чароғон қилган хонага кирди.

Дамасо бўш шишалар ва қутилар қалаштириб ташланган қоронғи даҳлиздан ўтди. Тўрда, деразадан ёғилаётган ой нури остида бильярд столи, унинг ортида Дамасога тескари қараган жавонлар, тўрда, асосий эшикнинг орқа томонида стол ва курсилардан кўтарилган ғов. Ой нури ва сукунатни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси биринчи галдагидек. Шу лаҳзагача ирода кучи билан тангликдан устун келган Дамасо қандайдир ғалати жоду таъсирига тушиб қолди.

Энди у полдан туртиб чиққан ғиштларга эътибор бермай қўйди. Эшикни ботинкаси билан қисиб қўйди-да, ой нури тушиб турган йўлакдан ўтди ва пештахта ортида турган зўлдир қутисини топиш учун фонарни ёқди. Хушёр бўлиш кераклиги эсидан чиқди. Фонарь нури ўнгу чапга ўйнайверди, у чанг босган шиша уюми, темир тепкили узангилар, машина мойига беланган ўроғлик қўйлакни ва, ниҳоят, зўлдир солинадиган қутини кўрди. Қути олдин қаерда қолдирган бўлса, ўша ерда турарди. Лекин фонарь нури яна илгари сирғалди ва Дамасо мушукни кўрди.

Жонивор фонарь ёғдуси остида унга бефарқ қараб турарди. Дамасо ҳам унга фонарь нурина туширишда давом этар экан, кундузлари бильярдхонада ҳеч қачон мушук кўрмаганини эслаб, бирданига сесканиб кетди. У фонарни мушукка яқинлаштириб, «пишт!» деди, аммо мушук унга эътибор ҳам қилмади. Бироқ шу онда Дамасонинг калласи ғовлади ва у мушукни бутунлай унутди. Дамасо нима бўлганини тушуниб етганида фонарь қўлидан тушган, ўзи эса зўлдир солинган тугунни кўкрагига қаттиқ босган ҳолда серрайиб турарди. Бильярдхона бирданига нурафшон бўлиб кетганди.

– Ҳой!

У дон Рокенинг овозини таниди ва елкасида қаттиқ ҳор-гинлик ҳис қилганча, аста-секин қаддини ростлади. Фақат калта иштон кийган ва темир таёқ кўтарган, нурдан кўзлари қамашган дон Роке хона тўридан у томонга яқинлашиб кела-верди. Дамасо ҳалигина ёнидан ўтган шишалар ва кутилар уюми орқасида осма беланчак бор эди. Дамасо бу ерга биринчи марта келганида осма беланчак йўқ эди.

Улар орасида ўн қадамча масофа қолганда дон Роке бир сакраб, мудофаага шайланди. Дамасо бўҳчани орқасига яшир-ди. Дон Роке бўйнини чўзди, кўзларини қисиб қаради, келгув-чининг ким эканини билиш учун узоқдан яхши кўрмайдиган кўзойнақсиз кўзларига зўр бериб, диққат билан тикилди.

– Ие, бу сен экансан-да, йигит! – дея ҳайрат аралаш хитоб қилди у.

Дамасога чексиз давом этган аллақандай нарсага чек қўйилгандай туюлди. Дон Роке темир таёқни туширди, ҳайратдан оғзини ланг очганча, у томонга қадам ташлади. Кўзойнаги ва такма тишлари бўлмаганида у аёлга ўхшаб қолар экан.

– Бу ерда нима қияпсан? – сўради дон Роке.

– Ҳеч нима, – деди Дамасо, билдирмай ҳолатини ўзгарти-рар экан.

– Қўлингдаги нима?

Дамасо орқага тисланди.

– Ҳеч нима.

Дон Рокенинг юзига қон тепди ва жаҳлдан титрай бошлади.

– Қўлингдаги нима дедим?! – бақирди у, таёқни кўтарганча бир одим олға қадам ташларкан.

Дамасо унга тугунни узатди. Дон Роке ҳамон эҳтиёткорлик қилиб, бўҳчани чап қўли билан олди ва пайпаслаб кўрди. Шун-дагина гап нимадалигини тушуниб етди.

– Бўлиши мумкин эмас, – дея ғўлдиради у.

У шунчалик довдираб қолган эдики, беихтиёр темир таёқни пештахтага қўйди ва қоғоз тугунни оча бошлади, Дамасони бу-тунлай унутганга ўхшарди. У ғиқ этмай, зўлдирларни кўздан кечи-ра бошлади.

– Мен буларни аллақачон опкелиб бермоқчи эдим, – деди Дамасо.

– Ишонаман, – жавоб қилди дон Роке.

Дамасо бўздай оқариб кетганди. Кайф аллақачон учиб кетган, оғзида аччиқ таъм қолган, ўзини ёлғиз ҳис қиларди.

– Мўъжиза деганинг шу экан-да, – деди дон Роке яна зўлдирларни айлантирар экан. – Сенинг шунчалик аҳмоқ эканингга ишонгим келмайди.

У бошини кўтарганида юз-кўзи тамоман бошқача экани маълум бўлди.

– Икки юз песо-чи?

– Кутида ҳеч нарса йўқ эди, – деди Дамасо.

Дон Роке лабларини чайнаганча, унга ўйчан тикилди ва оғзи кулоғига етиб, табассум қилди.

– Ҳеч нарса йўқ эди дегин, – такрорлади у. – Демак, ҳеч нарса бўлмаган. – Шундай деркан, кўлига яна темир таёқни олди ва кўшимча қилди: – Энди буни сен ҳозир алькальдга айтасан.

Дамасо терлаган кафтларини шимиға артди.

– У ерда ҳеч нарса бўлмаганини ўзингиз биласиз-ку.

Дон Роке ҳануз илжайиб тураверди.

– У ерда икки юз песо бор эди, – деди у қатъий қилиб. – Энди ўғри бўлганинг учун эмас, аҳмоқ бўлганинг учун пўстагингни қоқиб, бу пулни ундириб олишади.



## ШАНБАДАН КЕЙИНГИ КУН

Июль ойида, деразаларнинг симтўрлари худди кўчадан тош отишгани учун ўпирилгандай бўлганини кўрганида иккита тими ва тўққизта хобхонаси бўлган каттакон уйда яшайдиган мотамзада бева сенъора Ребеканинг одатдаги ҳаёт тарзига дарз кетди. Аввалига у ўзи дам олаётган ётоқхонанинг деразаларидаги симтўрлар букилиб қолганини кўрди ва бу ҳақда оқсочи Архенида билан гаплашиб олиш керак, деб ўйлади. Эри вафот этганидан буён Архенида унинг ишончли кишисига айланган эди. Кейин эски-тускиларини ковлаштирар экан (сенъора Ребека кўпдан бери шундан бошқа иш билан шуғулланмасди), фақат ётоқхонаси эмас, балки барча деразаларнинг симтўрлари

шикастланганини кўрди. Бева ўз кадр-кимматини билишдек анъанавий туйғу соҳибаси эди, ким билсин, бу туйғу балки унга ота томонидан бўлган катта бобосидан мерос қолгандир. Бу креол Мустакиллик учун уруш<sup>1</sup> вақтида қирол тарафдорлари томонида жанг қилган, кейинчалик Карл III томонидан бунёд этилган Сан-Ильдефонсо саройини зиёрат қилишдек бирдан-бир мақсад учунгина Испанияга машаққатли саёҳат қилган эди. Мухтасар қилиб айтганда, сеньора Ребека уйдаги барча деразаларнинг симтўрлари шундай аҳволга тушганини кўриб, бу ҳақда Архенида билан гаплашиб олишни ўйламай ҳам кўйди; у духоба чечаклар тақилган сомон шляпасини кийди-да, уйига ҳужум қилишгани ҳақида арз қилиш учун муниципалитетга йўл олди. Лекин, ҳокимият уйига келганида, кўйлаксиз, жундор, девқомат (бу аёлга ҳайвонийлик ибтидоси бўлиб туюлар эди) алькальднинг ўзи муниципалитетнинг худди уники сингари шикаст етган симтўрларини таъмир қилиш билан банд эканини кўрди.

Сеньора Ребека искирт иморат ичига кирди, у ерда ҳамма нарса остин-устун бўлиб ётар, кўзга биринчи ташланадиган нарса – ёзув столи устидаги кўпдан-кўп ўлик қушлар эди. Шунда аёл бўғилаётганини ҳис қилди – бу қисман жазирама иссиқ, қисман симтўрларга шикаст етганидан ғазабланиш натижаси эди. Гарчи ёзув столи устида ётган қушлар мурдасини ҳар куни кўриш мумкин бўлмаса-да, у ҳатто кўрккани ҳам йўқ. Нарвонга чиқиб олиб, деразаларнинг металл симтўрларини симғалтак ва отвёртка ёрдамида ямаётган ҳокимият вакилининг уни очикдан-очик камситиши ҳам аёлни заррача хижолатга сололмади. Сеньора Ребека шу паллада фақат симтўрларига қилинган ҳужум натижасига ерга урилган шаънини ҳимоя қилишни ўйлар эди, холос. Бундан шунчалик ғазабланган эдики, у ҳатто ўз деразаларига қилинган ҳужум билан муниципалитет деразаларига қилинган ҳужум ўртасида боғлиқлик борлигини ҳам унутди. Камтарона улуғворликни қўлдан бой

---

<sup>1</sup> Америкадаги испан мустамлакаларининг Мустакиллик уруши (1810 – 1826) натижасида Колумбия чет эл босқинчилари зулмидан озод бўлган. 1813 йилда мамлакат пойтахти Боготада Мустакиллик декларацияси қабул қилинган.

бермаган ҳолда остонадан икки қадам нарида тўхтади ва шамсиянинг узун, нақшинкор дастасига суянган ҳолда деди:

– Мен шикоят қилмоқчи эдим.

Нарвоннинг юқори поғонасида турган алькальд иссиқдан қизарган юзини унга бурди. Гарчи беванинг кабинетига келиши одатдан ташқари ҳодиса бўлса-да, унинг юзида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади. У ковоғини солган ҳолда шикастланган симларни совуққонлик билан суғуришда давом этди ва сўради:

– Нима гап?

– Гап шундаки, болалар деразаларимнинг симтўрларига шикаст етказишди.

Шунда алькальд яна унга тикилиб қаради. У аёлга шляпасидаги мохирона тайёрланган духоба чечакларидан бошлаб, кумушранг эски туфлиларига қадар, худди биринчи марта кўраётгандай, бошдан-оёқ разм солди. Аёлдан кўз узмаган ҳолда эҳтиёткорлик билан нарвондан тушди ва оёқлари ерга теккач, қўлларини белига тираб, отвёрткани стол устига улоқтирди.

– Буни болалар қилган эмас, сеньора, – деди у. – Буни қушларнинг ўзи қилган.

Шундагина аёл ҳаммасини – ёзув столи устидаги ўлик қушларни, нарвон устидаги одамни ва ётоқхонаси деразасининг шикастланган симтўрларини ўзаро боғлади. Уйи ўлик қушларга тўла эканини тасаввур қилган аёл сесканиб кетди.

– Қушларнинг ўзими?! – хитоб қилди у.

– Ҳа, қушларнинг ўзи, – тасдиқлади алькальд. – Бу нарсани тушунмаганингиз ҳайратланарли: ахир, уч кундан бери олдимизда мана шу муаммо – уй ичида ўлиш учун ойналарни синдириб кираётган қушлар муаммоси турибди.

Сеньора Ребека муниципалитетдан чиқар экан, уятдан ўзини қўйишга жой тополмаётганди. Кўча миш-мишларини етказиб турадиган Архенида қушлар ҳақида ҳеч нарса демгани унга бироз алам қилди. Август куёшининг ёрқин нурлари кўзларини қамаштирди ва шамсиясини очди. Қизиб ётган, кимсасиз кўчадан кетиб борар экан, барча уйларнинг ётоқхоналаридан ўлик қушларнинг қўланса ҳиди келаётгандек бўлди.

Июль ойининг охирги кунларидан бири эди. Ҳалигача шаҳарчада ҳеч қачон бунчалик иссиқ бўлмаган. Бироқ, шаҳарча аҳли иссиққа эътибор қилмаётганди: қушларнинг ёппасига ҳалок бўлаётгани одамларга тинчлик бермаётган эди. Бу ҳайратда қоларли ҳодиса шаҳарча ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмаган бўлса-да, шаҳарча аҳлининг кўпчилиги август ойининг бошидан бери бу воқеанинг давоми қандай бўлар экан, деб ташвишланаётган эди. Бироқ, шаҳарча қавмининг рухонийси, мўмин-қобил Антонио Исабель дель Сантисимо Сакраменто дель Алтар Кастаньеда ва Монтеро ҳазратлари улар тоифасидан эмасди. У тўксон тўрт ёшида уч марта иблисни кўрган. Ўлган қушларни кўриб, даставвал бунга ҳеч қандай аҳамият бермаган ягона киши ҳам унинг ўзгинаси эди. Биринчи марта у ризахонада ўлик қушни кўрган – бу сешанба куни, тушки ибодатдан кейин содир бўлганди ва қандайдир кўча мушуги, ҳатто, шу ерга ҳам қуш судраб келиш йўлини топибди-да, деб ўйлаган эди. Иккинчи марта у ўлик қушни чоршанба куни уйда, дахлизда кўрди, ботинкасининг учи билан қуш мурдасини кўчага итқитиб юборди ва «Бу мушук дегани бўлмаса, қандай яхши бўларди», деб ўйлади.

Лекин жума куни у темир йўл станциясига келганида ўзи ўтиришга чоғланган тахта ўриндиқ устида ётган учинчи ўлик қушни кўрди. Уни яшин ургандек бўлди, у қушни оёқларидан ушлаб юқори кўтарди, кўзларига яқин келтирди, айлантириб разм солди, кўздан кечирди, сўнгра ташвишланиб ўйлади: «Жин урсин, ахир бу шу ҳафта ичида учинчиси-я». Ўшандан бошлаб у шаҳарда нималар юз бераётгани ҳақида ўйлай бошлади, лекин қисман шунчалик улуғ ёшга етгани учун, қисман уч марта иблисни кўрганман деб ҳаммани ишонтиришга урингани учун (шаҳарчада бу бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблашарди, чунки Антонио Исабель ота ўз қавми орасида оқкўнгил, мўмин-қобил ва хизматга шай, лекин ҳаёлпараст киши сифатида ном қозонган эди) ўйлари тарқоқ ва жуда дудмал эди.

Шундай қилиб, Антонио Исабель ота қушларга нимадир бўлганини англади, аммо шунда ҳам бу фавқулодда жиддий ҳодиса эканини ва бу масалага бағишлаб махсус ваъз ўқиш лозимлигини тушуниб етмади. У ҳидни биринчи бўлиб сездди. Жумага ўтар кечаси тунда бу ҳидни сездди – димокни ёради-

ган, кўнгилай айнадагидан ҳиддан уйкуси ўчиб кетди. Аммо у бу ҳидни нимага – алоқ-чалок босинқираш ёки уйкусини бузиш учун иблис ишлатган янги ва ўзига хос воситага – йўйишини билолмади. У искай бошлади, бошқа ёнига ағдарилиб ётди ва бу ҳид унинг учун ваъз мавзуси бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлади. «Бу иблис беш сезгидан биридан фойдаланиб, инсон руҳига осонгина кириб олиши мумкинлиги ҳақида жуда зўр ваъз бўларди», – деб ўйлади руҳоний.

Кейинги куни эрталаб ибодат бошлашдан олдин черков эшиги олдидан ўтар экан, у биринчи марта ўлик қушлар ҳақидаги гапларни эшитди. У бу вақтда ўқимокчи бўлган ваъзи, иблис тўғрисида ва ҳидлаш туфайли ҳам одам гуноҳга ботиши мумкинлиги ҳақида ўйлаётган эди. Шунда тунги сассик ҳид шу ҳафта ичида ўлган қушлардан келаётгани ҳақидаги гаплар бирданига қулоғига чалинди ва мияси ғовлади – Инжилдан келтириладиган ҳикматли калималар, бадбўй ҳид ва ўлик қушлар миясида аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Шундай қилиб, якшанба куни раҳм-шафқат тўғрисида нутқ ирод қилишига тўғри келди – бу нутқни ўзи ҳам яхши англаб етмади, қолаверса, иблис ва бешта сезги орасидаги боғлиқлик масаласини унутиб қўйди.

Лекин бу воқеалар унинг шуурида сақланиб қолмаслиги мумкин эмасди. Ҳамиша, фақат етмиш йилдан кўпроқ вақт олдин семинарияда ўқиганидагина эмас, балки эндиликда, тўқсон ёшидан ўтганидан кейин ҳам, ўзига хос тарзда шундай бўлиб турарди. Бир куни, ўша вақтда у семинарияда ўқиётганди, оқшом палласи (ёмғир ёғаётган, лекин шамол эсмаётганди) Софокл асарини аслиятдан ўқиётган эди. Ёмғир тўхтагач, деразадан мунгли далаларга, ёмғирдан сўнг покизаланган ва янгиланган кечки борлиққа назар ташлади, юнон театри ва классикларни бутунлай унутди-қўйди. У бу классикларни чалкаштириб юборар ва уларга «Ўтмиш даврлар қариялари» деб умумий ном берган эди. Ўттиз-қирқ йилдан кейин, бу воқеа ҳам оқшом пайти содир бўлган, лекин ёмғир ёғмаётган эди. Бир қишлоққа кирди, тош тўшалган майдондан ўтиб борар экан, бирдан ўзи ҳам кутмаган ҳолда Софокл трагедиясидан парчани ёддан ўқий бошлади. Бу китобни у ўшанда, семинарияда ўқиган вақтлари хатм қилганди. Ўша ҳафтаси у Папанинг ёр-

дамчиси викарий билан «Ўтмиш даврлар қариялари» ҳақида узоқ суҳбатлашди. Викарий билимдонларга мўлжалланган мураккаб бошқотирмаларни севадиган, сергап ва ҳассос қария эди, бу бошқотирмаларни унинг ўзи ўйлаб топган бўлса керак, йиллар ўтгандан кейин бу бошқотирмалар кроссвордлар номи остида кенг тарқалди.

Викарий билан учрашув туфайли бизнинг руҳонийимизнинг қалбида қадимги юнон классикларига бўлган эски оташин севги қайтадан гуриллади. Ўша йили, Янги йил байрамида у расмий мактуб олди. Гап бораётган ўша вақтларда ҳаддан ташқари хаёлпараст, матнларни шарҳлашда жасур, ваъз ўқишда бироз мантиқсизликка йўл қўядиган киши сифатида ном чиқармаганида, уни епископ рутбасига кўтарган бўлишарди.

Лекин у ўзини 85-йил урушидан анча олдинок мана шу шаҳарчада ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетишга маҳкум этди. Қушлар ўзларини уйларга уриб ўла бошлаган вақтдан бир неча йил олдинок қавмидагилар Антонио Исабель отани бошқасига, ёшроқ руҳонийга алмаштириш тўғрисида епархияга мурожаат қилган эдилар; бизнинг руҳоний иблисни кўрдим, деб даъво қила бошлагач, бу илтимослар кўпайди. Ўшандан бери унинг гапларига эътибор бермай қўйишди, лекин қавмидагиларнинг муносабатидаги ўзгаришни у деярли сезмасди ва ҳеч нарсани парвойига илмай, эндиликда ҳам майда ҳарфда босилган ибодатлар тўпламини кўзойнаксиз ўқишда давом этаверди.

Одатлари ўзгармай қолаверди. Кўринишдан у жиккак, кўримсиз, суяги йўғон, оҳиста ҳаракат қиладиган киши; ўзаро суҳбат чоғида овози кишига тинчлантирувчи таъсир ўтказди, лекин минбардан сўзлаганида уйқу бостиради. У, одатда, саржа матодан тикилган, тўпиғидан боғланган шим кийганча, тушгача ётоқхонасида буклама каноп стул суянчиғига ўзини ташлаб, туфугидан пуфак чиқариб ўтирарди.

У ибодат қилдирар, бутун хизмат вазифаси деярли шундан иборат эди. Ҳафтасига икки марта тавба қабул қилинадиган хонада ўтиради, лекин кўп йиллардан буён ҳеч ким унинг хузурига тавба-тазарру қилишга келмайди. У соддалик билан қавмидагилар ҳозирги давр одатларига мос равишда эътиқодини бой берган деб ўйлар ва, бинобарин, уч марта иб-

лисни кўрганини ниҳоятда ўз вақтида юз берган ходиса, деб ҳисоблаши мумкин эди. Лекин одамлар ривоятларига унчалик ишонмасликларини сезар, иблис тўғрисидаги сўзлари унчалик ишонарли чиқмаётганини ўзи ҳам биларди. Агар ўзининг вафот этганини кўрса, яъни сўнгги беш йил эмас, балки, ҳатто, дастлабки иккита қуш мурдасини кўрган ўша ғаройиб кунда ўлганини кўрса, ўзи ҳам ҳайратга тушмаган бўларди. Фақат учинчи ўлик қушни кўрган чоғдагина у ҳақиқий ҳаётга бироз яқинлашди, станция ўриндигидан топган ўлик қуш ҳақида ўйлай бошлади.

У черковдан икки қадам наридаги кичкина уйда истиқомат қиларди. Уйнинг деразаларига симтўр тутилмаган, девор бўйлаб пешайвон кўтарилган, икки хонанинг биттасидан кабинет, иккинчисидан хобгоҳ сифатида фойдаланар эди. Балки, акли бироз хиралашган лаҳзалари у фақат жазирама иссиқ бўлмаган вақтдагина ер юзиде бахт-саодатга эришиш мумкин, деб ҳисоблар ва бу фикр унинг қалбига бироз гулгула соларди. Антонио Исабель ота метафизиканинг хавфли сўқмоқларида сандироқлашни яхши кўрарди. Бу иш билан у эрталаблари, эшиги ярим очик тим остида кўзларини юмган ва ўзини бўш кўйиб берган ҳолда шуғулланарди. Бироқ камида уч йилдан буён мушоҳадага берилган чоғлари ҳеч нарса ҳақида ўйламаслигини ўзи ҳам билмас эди.

Роппа-роса соат ўн иккида пешайвонда патнис кўтарган бола пайдо бўлди. Патнисда нукул бир хил овқат – ловия шўрва, гуруч, пиёзсиз димлаб пиширилган гўшт, ковурилган қўй гўшти ёки маккажўхори унидан ёпилган кулча ва озгина ясмиқ бўларди. Антонио Исабель ота ҳеч қачон ясмиққа қўл ҳам урмасди.

Бола патнисни руҳоний ўзини орқага ташлаб ўтирган стул яқинига қўйди, лекин қария узоқлашаётган боланинг қадам товушлари эшитилмай қолгунча кўзларини очмади. Шунинг учун ҳам шаҳарчаликлар Антонио Исабель ота тушлик олди-дан ухлаб олади, деб ўйлашарди. Ҳолбуки, тўғриси айтганде, у ҳатто, кечалари ҳам яхши ухламас эди.

Бу воқеалар юз бераётган вақтда кундалик ҳаёти жуда оддий ўтарди. Каноп стулдан кўзғалмай, идишларни патнисдан олмай, ликопча, пичоқ, санчки ишлатмай, фақат шўрва ичган қошиғидан фойдаланиб, овқатланиб оларди. Овқатланиб

бўлгач, ўрнидан турар, бошини сув билан сал-пал хўллаб олар, каттакон, тўртбурчак ямоқларга тўла узун ридосини кияр ва бутун шаҳар аҳли айни пешин уйкусига ётган маҳалда станцияга йўл оларди. Бир неча йилдан бери у шу йўлдан иблис унга сўнгги бор кўриниш берганидан кейин ўзи тўқиган дуони пичирлаб ўтиб-қайтар эди. Бир шанба куни кушлар ўла бошлаганига тўққиз кун бўлди деганда, Антонио Исабель ота станцияга кетаётганида беҳосдан оёғининг тагига ўлаётган куш тушди, бу сеньора Ребеканинг уйи рўпарасида содир бўлди. Кушнинг боши ялтираб турар ва руҳоний бошқа кушлардан фарқли равишда, уни кутқариш мумкинлигини тушунди. У кушни қўлига олди ва сеньора Ребеканинг эшигини қокди. Бу паллада сеньора Ребека пешин уйкусига ётиш учун ечинаётган эди.

Ётоқхонасида ўтирган бева эшикни кимдир тақилла-таётганини эшитди ва ғайришуурий равишда симтўрга назар ташлади. Икки кун ўтган бўлса-да, биронта куш хобгоҳга ўзини урмаганди. Лекин симтўр йиртиқлигича турарди. Сеньора Ребека шикастланган жойни тузатишга пул сарфлашни ортиқча деб топди ва асабларини қакшатган кушлар хуружи ўтиб кетгунча кутишга қарор қилди. Электр паррак шовкини орасидан у эшикни тақиллатишганини эшитди ва пешин уйкуси вақтида Архенида даҳлизга чиқиладиган энг узоқ ётоқда ухлаётганини эслаб ғижинди. Сеньора Ребека бу маҳалда уни ким безовта қилиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўргани йўқ. У бўшатган тугмаларини тақди, симтўрли эшикни итариб очди, тантанавор юриш қилиб, даҳлиздан ўнгга ўтди, мебеллар ва турли-туман ашқол-дашқолларга тўла залдан ўтди ва эшикни очишдан олдин симтўр орқасидан қўлида куш ушлаган, маъюс Антонио Исабель отани кўрди. Бева эшикни очишга улгурмай туриб, у деди:

– Агар бошини сув билан хўлласак ва устини ўраб қўйсак, бу куш тирилади.

Эшикни очар экан, сеньора Ребека даҳшатдан мадори кетганини хис қилди.

Руҳоний унинг уйида беш дақиқа ўтирди, холос. Сеньора Ребека ташрифнинг бунчалик қисқа бўлиши ўзининг ша-рофати деб ўйлади, лекин аслида руҳонийнинг бу ерда кўп

қолгиси келмаганди. Агар бева бу лаҳзада бирон нарса ҳақида ўйлаганида, шаҳарчадаги ўттиз йиллик умри давомида руҳоний унинг уйида ҳеч қачон беш дақиқадан кўп қолмаганини эслаган бўларди. Ашёларга тикилиб кетган зал руҳонийга беканинг очқўзлигини очикдан-очик намоён этаётгандек туюлди. Ҳолбуки, бева епископнинг узоқ қариндоши эди. Қариндошлик узоқ бўлишидан қатъи назар, ҳамма томонидан эътироф этилганди. Бундан ташқари, сеньора Ребека оиласи тўғрисида бир ривоят (ёки бўлган воқеа) тафсилоти оғиздан-оғизга ўтиб юрарди: епископ резиденциясидагилар сеньора Ребекани кўришни асло истамасдилар, бунисига руҳонийнинг ишончи комил, шунинг учун беванинг амакиваччаси бўлган полковник Аурелиано Буэндиа бир вақтлар ўз қариндошини кўришдан қочгани учун епископ бу асрда ушбу шаҳарчага бирон марта ҳам қадам босмади, деган эди. Бу ҳикоя ростми, ёлгонми ёки шунчаки уйдирмами – ҳеч ким билмасди; ҳақиқат шундаки, Антонио Исабель дель Сантасимо Сакраменто дель Алтар ота ўзини сеньора Ребеканинг уйида жуда ноқулай ҳис қиларди. Бу хонадоннинг ягона соҳибаси меҳр-шафқатдан йироқ, йилига бир мартагина тавба-тазарру қилар, руҳоний унинг эрининг сирли ўлими тафсилотлари ҳақида бирор конкрет гап билишга уринган вақтлари мужмал жавоблар берар эди. Ҳозир Антонио Исабель ота вазият қатъий чора кўришни тақозо қилгани учунгина бу уйда ўтирибди ва ўлаётган қуш бошини ҳўллаш учун беванинг бир стакан сув олиб келишини кутаётир.

Бева сув олиб келгунга қадар, руҳоний ўйма нақшлар билан безатилган ҳашаматли тебранма курсида ўтирар экан, уйда қандайдир ғалати рутубат борлигини сезди. Бу рутубат қирқ йилдан кўпроқ вақт олдин тўппончадан ўқ узилиб, юкорида номи тилга олинган полковникнинг укаси Хосе Аркадио Буэндиа юзтубан йиқилган вақтдан буён ҳеч кўтарилмаган. Ўшанда типирчилаётган Хосе Аркадио Буэндиа эндигина ечган ва танасининг иссиғи кўтарилиб улгурмаган гетрларини тўқалари ва темир тепкилари билан тепиб ташлаган эди.

Сеньора Ребека меҳмонхонага қайтиб, Антонио Исабель тебранма курсида ҳануз ҳўмрайиб ўтирганини кўрди. Руҳонийнинг ковоқ солиб ўтиришидан сеньора Ребека қаттиқ кўркар эди.

– Парвардигор худди инсонга умр берганидек, ҳар қандай жониворга ҳам ҳаёт бағишлайди, – деди руҳоний.

Шундай дер экан, руҳоний Хосе Аркадио Буэндиани тилга олмади. Бева ҳам уни эсламади. Руҳоний иблис унинг ҳузурига уч марта ташриф буюрганини минбардан айтганидан буён бева руҳонийнинг сўзларига ишонмай қўйганди. Бева унга эътибор бермай, қушни қўлига олди, сувга ботирди, кейин силкитди. Руҳоний бева бу ишларни шафқатсизлик билан, пала-партиш қилаётганини, қушга мутлақо лоқайд эканини кўрди.

– Сиз қушларни яхши кўрмас экансиз, – деди у юмшоқкина, лекин қатъий қилиб.

Бева унга тоқатсизланиб, душманларча қаради.

– Агар мен қушларни илгари яхши кўрган бўлганимда ҳам, – деди у, – эндиликда, уйда ўлгиси келиб қолганлари учун ёмон кўрган бўлардим!

– Ҳа, кўпгина қушлар ҳалок бўлди, – тасдиқлади руҳоний. Унинг сасидаги мураса оҳанги, фақат номигагина мураса бўлиб туюлиши мумкин эди.

– Менга деса, ҳаммаси ўлиб кетмайдими! – жавоб қилди бева. Қўлидаги қушни жирканиб ушлар ва ўраб қўяр экан, қўшимча қилди: – Агар симтўрларимни йиртмаганларида, умуман, уларга тупурган бўлардим.

Руҳоний бунчалик тошбағир кишини шу чокқача ҳеч кўрмаганини ўйлади. Бир лаҳзадан кейин қушни қўлига олган руҳоний бу кичкинагина, ҳимоясиз жонзот ўлганини тушунди. Шунда у ҳамма нарсани – уйдан уфураётган рутубатни ҳам, бу хонадонда ҳукмрон бўлган очкўзликни ҳам, Хосе Аркадио Буэндианинг мурдасидан анқиётган порох ҳидини ҳам унутди ва шу ҳафта бошидан бери оғушида яшаётган илоҳий ҳақиқатни тушуниб етди. Мана, бева унинг орқасидан бокқан вақтда қария қўлида ўлик қушни кўтариб борар, юз-кўзидан қаттиқ жаҳли чиққани кўришиб турарди. Антонио Исабель ота мўъжиза шоҳидига, пайғом гувоҳига айланди: шаҳар бошига ўлик қушлар ёмғири ёғмоқда, у Парвардигор ёрлақан ва жазирама иссиқ йўқ вақтагина саодатга эришадиган маъбад хизматчиси эса қиёматни тамоман эсдан фаромуш қўйибди.

Шу куни у ҳамишагидек, хатти-ҳаракатларининг оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмай, станцияга йўл олди. Руҳоний бу

оламда нималардир содир бўлаётганини ғира-шира англар, лекин мияси ғовлаганини, эсини еб қўйганини, юз бераётган ҳодисаларни тушунишга қодир эмаслигини ҳис қилар эди. Станциядаги тахта харракда ўтирар экан, қиёмат-қойим бўлганида кушларнинг ўлиги ёмғир бўлиб ёғиши ҳақида муқаддас китобларда бир нарса айтилганми-йўқми эслашга уринди, лекин маълум бўлдики, ҳаммасини бутунлай эсдан чиқариб қўйган экан. Сеньора Ребеканикида ушланиб қолганини ва шунинг учун поездни ўтказиб юборганини кўкқисидан тушунди; бўйнини чўзиб, вокзалнинг чанг босган ва дарз кетган ойнаси ортидан станция бошлиғининг кабинетига соат ўн икки дақиқаси кам бирни кўрсатаётганини кўрди. Харрагига қайтиб ўтирар экан, нафаси сиқаётганини ҳис қилди. Шу лаҳзада бугун шанба эканини эслаб қолди. Қора ўйлар гирдобига ботиб ўтирар экан, пальма япроқларидан тўқилган елпиғич билан елпина бошлади. Ундан кейин ридоси ва пойабзалининг тугмаларига, шунингдек, узун, чиппа ёпишиб турган саржа шимиға назар ташлади ва умрида ҳеч қачон бунчалик иссиқ кўрмаганини тушунганида бутун борлигини хавотир туйғуси қамради.

Харракда ўтирганча ридосининг ёқасини бўшатди, енгидан рўмолча чиқарди ва кизарган юзларини артди. Шу онда, фикру зикри равшанлашган дамда миясига ялт этиб бир фикр келди: эҳтимол, бу кўриб турганларининг барчаси зилзила даракчиси-дир. Қачондир қайсидир китобда бу ҳақда ўқиган. Аммо кўкда булут йўқ, мусаффо мовий осмондаги барча кушлар сирли равишда ғойиб бўлган эди. У жазирама иссиқни ҳам, мусаффо осмонни ҳам ҳис қилди, лекин ўлик кушларни шу заҳотиёқ унутди-қўйди. Энди у бошқа нарса, момақалдирикка нима сабаб бўлиши ҳақида ўйлай бошлади. Аммо кўк очиқ ва мусаффо эди, гўё бу осмон узокдаги, ҳеч қачон жазирама бўлмайдиган бошқа шаҳарча устида осмонга ўхшарди, яна кўкка тикилган кўзлари ҳам ўзиники эмас, бошқа бировникига ўхшаб туюларди. Шундан кейин у пальма ва занглаган рух томлар оша шимолга боқди ва ахлат уюми устида астагина, жим ва бамайлихотир айланаётган қузғунлар тўдасини кўрди.

Ҳис-гуйғулар орасидаги ғалати боғлиқлик туфайли шу дақиқаларда бир вақтлар семинарияда биринчи мукофот олишидан олдин, якшанба куни бошдан ўтказган ҳиссиётни

қайта ҳис қила бошлади. Ректор унга ўз кутубхонасидан фойдаланишга рухсат этган ва у могор ҳиди анкиб турадиган, ҳошияларига ректор лотинчада майда, жимжимадор ёзувлар битган китобларни (айниқса, якшанба кунлари) соатлаб мук тушиб ўқир эди. Бир якшанбада у уззукун китоб ўқиди, кутилмаганда хонага ректор кириб келди ва бироз хижолат бўлиб, Антонио Исабель ота ўқиётган китоб орасидан тушиб қолган откриткани шоша-пиша олди. Амалдор шахснинг хижолатпазлигига у ўзини тавозе билан бефарқ кўрсатди, лекин откриткадаги ёзувни ўқишга улгурди. Откриткада бинафша сиёҳда равон ва аниқ-равшан қилиб: «Madame Ivette est morte cette nuit»<sup>1</sup>, деб ёзиб қўйилган эди. Энди, ярим асрдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин, у ташландиқ шаҳар устидаги кузғунларни кўриб, ғира-шира маҳали рўпарасида ҳаяжондан тин олганча жим ўтирган ректор қолдирган таассуротни эслади.

Мана шу ўхшашлик таъсири остида у энди ҳароратни сезмай қўйди; тамоман аксинча, чови ва товони совуқдан титраётганини ҳис қилди. Борлигини даҳшат камради, бунинг боисини ўзи ҳам тушунмади; у тўзғиган фикрлар ва ҳиссиётлар гирдобиде адашиб қолди, бу ҳиссиётлар орасида балчикқа ботган иблиснинг туёқлари ва ерга қулаб тушаётган кўпданкўп қушларни, лекин ўзининг бу ҳодисага бефарқ турганини ўйлаганида пайдо бўладиган жирканч ҳиссиётни фарқламаслик асло мумкин эмасди. У ўрнидан турди, худди кимгадир салом бермоқчи бўлгандай, қўлини ҳайрат билан юқорига кўтарди ва даҳшат аралаш ҳайқирди:

– Дажжол!

Худди шу онда паровоз хуштак чалди. Неча йиллар мобайнида руҳоний паровоз хуштагини биринчи марта эшитмади. У фақат қуюқ буғ булутига ўралган поезд станцияга яқинлашаётганини кўрди ва кўмир дўли занглаган рух тахталар устига қандай тўкилаётганини эшитди, холос. Лекин буларнинг ҳаммаси худди узоқ, тушуниб бўлмайдиган тушда юз бераётганга ўхшарди. У кун бўйи, хатто, соат тўртдан, кўнғироқ чалиб бўлганидан кейин ҳам бу уйқудан уйғонолмай гарангсиб юрди. Бу кўнғироқ якшанба куни ирод қилиши ло-

---

<sup>1</sup> Бугун тунда мадам Иветта вафот этди (фр.).

зим бўлган даҳшатли ваъздан дарак бераётган эди. Саккиз соатдан кейин унинг хузурига келиб, ўлаётган аёл устида тиловат қилиб, хушбўй зайтун ёғи билан мойлаб қўйишини илтимос қилишди.

Шундай қилиб, руҳоний ўша куни поездда ким келганини билолмай қолди. У қачонлардан буён ранги унникқан, шарти кетиб парти қолган тўртта вагон қандай ўтиб кетишини томоша қилар, лекин кейинги йиллари кимдир тушиб қолганини ҳеч эсламасди. Олдинлари бошқача бўлган: банан ортилган поездни кечаси билан кузатиши мумкин эди, бир юз қирқ вагон бирин-кетин ўтаверар, ўтаверарди, ниҳоят қоронғи тушганда охирги вагон ҳам ўтар, унинг пиллапоясида яшил фонарь ушлаган киши турарди. Поезд ўтиб кетганидан сўнг темир йўлнинг нариги томонидаги шаҳарча кўринар, у ерда чироклар ёнган бўларди ва гарчи поездни фақат томоша қилиб турган бўлсада, поезд уни бошқа шаҳарчага олиб кетаётгандай туюларди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам у ҳар куни станцияга боришга одатланган бўлса керак, банан плантацияларининг ишчиларини отиб ташлашганидан кейин бир юз қирқ вагонли поездлар ҳам юрмай қўйганидан ва фақат ҳеч кимни олиб келмайдиган ва олиб кетмайдиган чанг босган сариқ поезд қолганидан кейин ҳам руҳоний станцияга қатнашни қанда қилмади.

Аммо бу шанба куни, барибир, кимдир тушиб қолди. Антонио Исабель ота станциядан кетаётганида очликдан жовдираётган кўзларидан бошқа эътиборга лойиқ ҳеч вақоси бўлмаган бир ёш йигит кечадан бери туз тотмаганини эслаган лаҳзада охирги вагон деразасидан руҳонийни кўрди. У: «Модомики, бу ерда руҳоний борми, демак меҳмонхона ҳам бўлиши керак», деб ўйлади. Йигитча вагондан сакраб тушди, август куёши қиздираётган кўчани кесиб ўтди ва станция рўпарасидаги салқин, нимқоронғи бинога кирди. Бинодан эски патефон саси эшитилаётганди, икки кундан бери туз тотмаган йигитчанинг ҳид сезгиси бу ер меҳмонхона эканини аниқ топган эди. Йигит бу ерга кирар экан, иморат устидаги «Макондо меҳмонхонаси» ёзувини кўргани ҳам йўқ.

Меҳмонхона бекаси олти ойлик ҳомиладор эди. Аёлнинг териси ханталранг бўлиб, у икки томчи сувдай онасига ўхшарди. Онаси унга ҳомиладор бўлганида худди шу рангда эди. Йигит-

ча унга зудлик билан овқат келтиришни илтимос килди, лекин бека шошилишни хаёлига ҳам келтирмай, курук суякдан бошқа нарсаси бўлмаган шўрва ва кўк банан эзмаси олиб келиб кўйди. Худди шу чоғда паровоз хуштак чалди. Шўрва солинган ликопчадан кўтарилаётган иссиқ, мазали ҳовур эндигина димоғига урган йигит бирдан станциядан қанча узоқда эканини пайқаб қолди ва шу ондаёқ ваҳимага тушди. Ҳаммамиз ҳам поездга кеч қолсак, ана шундай ваҳимага тушамиз.

Йигит станцияга чопди. Кўча эшигига етиб борди, бироқ остонадаёқ поездга кеч қолганини англади. Қайтиб жойига ўтирди, очлигини ҳам унутди; граммофон ёнида унга қараб турган қизга кўзи тушди; қизнинг кўзларида ачинишдан дарақ йўқ эди – у куйруғидан тортилган итдек ғазаб билан қараб турарди. Эрталабдан бери биринчи марта шляпасини ечди, уни тиззалари орасига қистириб, овқат ейишга тутинди. Дастурхондан турганида поезддан кеч қолгани ҳам, ҳафта охирини номини сўрашни хаёлига ҳам келтирмаган бу шаҳарчада ўтказиш истиқболи ҳам энди уни ташвишлантирмай қўйганга ўхшарди. Йигитча зал бурчагида, қаттиқ стулнинг суянчиғига ўзини ташлаб ўтирди. У шу ҳолатда узоқ ўтирди, пластинка саси қулоғига ҳам кирмади, ниҳоят пластинка қўяётган қиз деди:

– Айвонга чиқсангиз, бироз салқинроқ.

Унинг табиати тирриқ бўлганди. У хамиша ноганиш кишилар билан сўзлашишга қийналарди. Биров билан суҳбатлашишга мажбур бўлиб қолса, кўзига қарашга тоқати бўлмас, ўйлагани эмас, бошқа нарсалар ҳақида гапирарди.

– Маъқул, – деб жавоб берди у.

Эти увишгандай бўлди. У остидаги тебранма курси эмаслигини эсдан чиқариб, тебранмоқчи бўлди.

– Бу ерлик кишилар стулларини айвонга олиб чиқишади, у ер салқинроқ, – деди қиз.

Йигит унга қулоқ солар экан, ғуссага ботди, қизнинг жудаям сўзлашгиси келаётганини сизди. Қиз граммофонни бураётган чоғда унга қарашга журъат қилди. Қиз бу ерда бир неча ойдан, балки бир неча йилдан бери ўтиргандай ва ҳечам ўз жойидан қимирлагиси йўқдай туюларди. Қиз граммофонни бураётган бўлса-да, бутун фикру зикри йигитда эди. У жилмайди.

– Раҳмат, – деди йигит ўрнидан кўзгаларкан, ўзини эркин тутишга уриниб. Қиз унга кўз узмай тикилиб турарди.

– Шляпани илгичда қолдиришади, – кўшимча қилди у.

Шунда йигитча қулоқларига қадар кизариб кетганини ҳис қилди. Аёллар шунақа йўллар билан ниятига эришиши мумкинлигини ўйлаб, сесканиб кетди. У ўзини жуда ноқулай ҳис қилди, доводиради ва поезд кетганини эслаб, яна ваҳимага тушди. Лекин шу чоғда залга бека кириб келди.

– У бу ерда нима қиляпти? – сўради бека.

– Барча эсли-хушли одамлар сингари, стулини айвонга олиб чиқмоқчи, – деди киз.

Йигитга киз бу сўзларни масхараомуз тарзда айтгандай туюлди.

– Ўзингизни уринтириб ўтирманг, – деди бека, – ўзим сизга курси олиб чиқаман.

Қиз кулди ва йигит ўсал бўлди. Кун жуда иссиқ эди. Қуруқ ва бир маромдаги иссиқдан йигит терлаб кетди. Бека чарм сирилган ёғоч курсини айвонга олиб чиқди. Йигит унга эргашмоқчи бўлди, лекин киз яна унга гап қотди:

– Бу қушлар ҳаммани даҳшатга солаётгани кўп ёмон бўлдида, – деди у.

Йигит беканинг қизга таънаомуз қараганини сезиб қолди. Оний давом этган бу нигоҳ маънодор эди.

– Сен овозингизни ўчириб ўтир, – деди бека ва йигитга ўгирилиб табассум қилди. Шунда йигит ўзини унчалик ёлғиз ҳис қилмади ва сўзлашгиси келди.

– Нима ҳақда гапиряпсиз? – сўради у.

– Мен шу паллада айвонга ўлик қушлар ёғилаётганини айт-япман, – деди киз.

– Бу киз қачон қарасанг нималарнидир тўкиб-бичади, – деди бека.

Бека зал ўртасидаги стол устида турган сунъий гулларнинг новдасини тўғрилаб қўйиш учун эгилди. Унинг бармоқлари титрар эди.

– Ҳечам унақа эмас, – жавоб берди киз. – Ўзингиз кеча иккита ўлик қушни чиқариб ташладингиз-ку.

Бека унга жаҳл билан қаради. Бека аянчли аҳволга тушиб қолди, у ҳамма гапни шубҳага ўрин қолдирмайдиган

йўсинда тушунтириб беришни хохлаётгани яккол кўриниб турарди.

– Гап шундаки, сеньор, болалар бу қизни кўркитиш учун кеча айвонга иккита қушнинг ўлигини ташлаб кетишибди, сўнгра осмондан ўлик қушлар ёғмоқда, дейишган. Бу қиз эса, ёлғонларга лаққа тушадиган хилидан.

Йигит кулимсиради. Бу изоҳ унга ажиб туюлди; у қўлларини ишқалади ва унга маънос тикилиб турган қизга юзланди. Граммофоннинг овози ўчди. Бека бошқа хонага чиқди. Йигит айвонга йўналган чоғда қиз овозини пасайтириб деди:

– Қушларнинг ўлиб тушаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Менга ишонавер! Буни ҳамма кўрди.

Қизнинг граммофон савдойиси эканининг ҳам, беканинг жиззакилигининг сабабини ҳам энди тушунгандай бўлди.

– Гап бу ёқда экан-да, – деди у муроса оҳангида.

Айвонга чиқар экан кўшимча қилди:

– Уларни мен ҳам кўрдим.

Бодом дарахтларининг сояси анча салкин эди. У курсини эшик кесақисига тираб қўйди, бошини орқага ташлаб ўтирди ва онасини эслади: онаси тебранма курсида ўтирганча, узун супурги билан товукларни хайдаб солар эди – шунда йигит бирданига уйдан биринчи марта сафарга чиққанини ич-ичдан ҳис қилди.

Бир ҳафта бурун йигитча бутун ҳаёти – сўнгги фуқаролар урушидан кейинги ёмғирли эрта тонгда пахсадан кўтарилган қишлоқ мактаби биносида дунёга келган вақтдан бу йилнинг июль ойи тонгигача текис ва равон бўлган, деб ўйлаши мумкин эди. Бу июль тонгида у йигирма икки ёшга тўлди ва онаси унинг осма ҳайинчаги ёнига келиб: «Азиз ўғлим, туғилган кунинг муборак бўлсин», деб ёзилган откритка қистирилган шляпа совға қилди. Йигитча гоҳо бекорчиликдан безиб, мактабини, тоштахтани, пашшалар булғатиб ташлаган қандайдир мамлакат харитасини ва деворга осиб қўйилган қатор кўзаларни соғинарди. Бу кўзалар устига ҳар бир ўқувчининг номи ёзиб қўйилган бўларди. У ер иссиқ эмасди. У тинчгина, ям-яшил шаҳарча эди, у ерда узун, кулранг панжали товуклар бўлар, улар мактаб дахлизиди югуришар ва қазноққа яширинар эдилар. Унинг онаси ўша вақтлари маънос, одамови хотин

эди. Окшом палласи у қахва плантациясидан келаётган соф ҳаводан нафас олиш учун ўтириб олар ва «Манауре – дунёдаги энг яхши шаҳарча» дер, кейин унга юзланар ҳамда кунини осма ҳайинчакда ўтказадиган ўғлининг кундан-кунга вояга етаётганидан хурсанд бўлиб: «Ҳали катта бўлганингда буни билиб оласан», дерди. Лекин у ҳеч нарса ни тушунмасди. Ўн беш ёшга кирганида ҳам буни тушунмади; бу вақтда у ёшига нисбатан катта кўринар ва соғлиғи ташқи кўриниши ҳавас қилгудек бўлса-да, аслида хийла заиф эди. Йигирма ёшга етгунча ҳаёти ўзгаришсиз, осма ҳайинчакда ўтди. Лекин айна шу вақтга келиб ревматизм сабабли онаси ўн саккиз йил ишлаган мактабини тарк этишга мажбур бўлди. Улар олдида каттакон пешайвони бўлган икки хонали уйчада яшай бошладилар. Бу ерда ҳам мактаб даҳлизида чопиб юрадиганга ўхшаш кулранг панжали товукларни бокишарди.

Товук бокиш унинг ҳаётида илк иш бўлди. То июль ойига-ча бу унинг биринчи ва ягона машғулоти бўлиб келди. Шунда онаси пенсияга чиқишни ўйлаб қолди ва ўғли онасининг пенсиясини расмийлаштиришни уйдлаши мумкин бўлган даражада улғайиб қолди деган қарорга келди. Ўғил дарҳол энг шимариб ишга киришди, зарур ҳужжатларни тайёрлади, ҳатто ўз қавмининг руҳонийига онасининг чўқинтирилганлиги ҳақидаги маълумотномани кўрсатиб, онасининг ёшига олти йил қўшишга эришди, холбуки бошқа ҳужжатларга қараганда онаси ҳали пенсия ёшига етмаган эди. Пайшанба куни педагогик тажрибасига суянадиган онасидан миридан-сиригача ўйлаб қўйилган панд-насихатларни эшитди ва ёнига ўн икки песо, қўшимча ич кийимлари ва бир тўда ҳужжатларни олиб, пойтахтга йўл олди. У «пенсия» ҳақида ибтидоий тушунчага эга эди; соддалиги учун пенсия ҳукумат унга чўчка бокиши учун бериши лозим бўлган маълум миқдордаги пул деб ўйлар эди.

Иссиқдан мияси гангиб, меҳмонхона айвонида мудрар экан, нақадар жиддий вазиятга тушиб қолгани тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмади. У кўргуликлари эртага, поезд келган вақтда барҳам топади деб ўйлар ва шунинг учун ҳам қилиши мумкин бўлган ягона иш – якшанбани кутишдан иборат эди: якшанба куни истаган жойига кетади ва жазирама иссиқ куйдираётган

бу шаҳарчани қайтиб эсламайди ҳам. Соат тўртларга яқин у уйкуга кетди, лекин уйкуси беҳаловат кечди, осма ҳайинчагини олиб келмаганига, ҳатто тушида ҳам ўкинди. Худди шу чоғда ич кийимлари ва пенсия олиш учун керакли ҳужжатлар солинган тугунчакни поездда қолдиргани миясига урди. Йигитча шу заҳоти уйғониб кетди, ўрнидан ирғиб турди, онасини эслади ва уни яна ваҳима босди.

Йигитча курсини залга олиб кирганида, шаҳарча чироклари ёнган эди. У ҳеч қачон электр чирокларини кўрмаган эди, шунинг учун меҳмонхонанинг хира ва кир-чир электр чироклари унга кучли таъсир қилди. Шундан кейин у онасининг электр ҳақида айтиб берган гапларини эслади ва ўзини ойнага ўқдай ураётган сўналардан қочиб, курсини ошхонага олиб ўтди. Ўзи тушиб қолган вазиятни аниқ-равшан тасаввур қилаётгани, даҳшатли иссиқдан гангигани, ҳаётида илк бор ёлғизлик аламини тортаётганидан эсанкираб қолган йигитча кечки овқатни иштаҳасиз еди. Соат тўққиздан кейин уни уй тўрида жойлашган хонага олиб боришди. Хонанинг ёғоч деворларига газета ва журналлар ёпиштирилган эди. Ярим тунда у оғир ва беҳаловат уйкуга кетди. Бу вақтда ундан беш кўча нарида Антонио Исабель ота буклама каравотида чалқанча ётганча бу тундаги мушоҳадалар эрталаб соат еттида ирод қилиши лозим бўлган ваъзини қандай бойитиши мумкинлиги ҳақида ўйларди. Искабтопарларнинг қулоқни коматга келтиргудай зингиллаши остида руҳоний ўзининг узун, чиппа ёпишган сарж шимида ётиб дам олаётган эди. Ярим кечга яқин у ўлаётган аёл устида ўтириб тиловат қилди, кафтини мойлаб қўйди ва шунчалик асабийлашиб, ҳаяжонландики, уйга қайтгач, табаррук эҳсонларни каравоти ёнига қўйди, узанди ва эрталабки ваъзини фикран такрорлай бошлади. Тонггача, узоқдан кўлбуқа кичкиригини эшитгунча бир неча соат шу тахлит чалқанча ётди. Шунда қаддини кўтарди, тўшакдан зўрға турди, кўнғироқчани туртиб юборди ва полга юзтубан йиқилди.

Биқинидаги шиддатли оғриқдан ҳушига келди. Шу лаҳзада у неки оғирлик бўлса, ҳаммасини – гавдасининг оғирлигини ҳам, гуноҳларининг оғирлигини ҳам, ёшининг залворини ҳам ҳис қилди. Чаккаси полга ётқизилган тошларнинг нотекис юзасини сездди. Антонио Исабель ота ваъзга тайёрланар экан, бу

тош пол неча марталаб жаҳаннам йўлини аниқ тасаввур этишига хизмат қилган.

– Ё, Исо Масих! – шивирлади ва даҳшат аралаш ўйлади: «Энди ўрнимдан туrolмасам керак, бу ойдай равшан».

Полда ҳеч нарса ҳақда ўйламай, қанча вақт ётганини билмади, ҳатто, ўлим олдидан калима қайтариш ҳам эсига келмади. У ҳақиқатан ҳам бевақт ўлиб қолгандай, қимирламай ётаверди. Лекин ҳушига келганида на оғриқ, на қўрқув сезди. Эшик остидаги тирқишдан тушаётган оқиш, хира нурни кўрди; узокда галма-гал маъюс қичқираётган хўрозлар овозини эшитди ва тирик эканини, ваъзини аъло даражада эслашини англади.

Эшик тамбасини туширганида атроф ёришган эди. У ҳануз оғриқ сезмас ва, ҳатто, унга санчки хуружи қарилик жафоларидан халос этгандай туюларди. Сахармардонда хўрозлар қичқираётган паллада илк бора соф ҳаво симирганида шаҳарчасининг барча эзгуликлари, барча иштибоҳларию уқубатлари қалбининг тўридан жой олганди. Сўнгра у худди ёлғизлигига тан бермоқчидай, атрофга аланглади ва тонг ғираширасида пешайвонда ётган бир... икки... учта куш мурдасини кўрди.

У роппа-роса тўққиз дақиқа давомида кушларнинг жасадини кўздан кечирди ва ўқийдиган ваъзи эсига тушди-да, кушларнинг бунақа ёппасига ажал топиши гуноҳлардан фориғ бўлишни такозо этиши ҳақида ўйлади. Шундан кейин ҳар учала ўлик қушни қўлига олди, пешайвоннинг нариги томонига ўтди, каттакон сопол хумга яқинлашди, қопқоғини очди ва нимага шундай қилаётганини ўзи ҳам англамай, қушларни бирин-кетин кўкимтир сассик сувга ташлади. «Уч бўлса, учда – бир ҳафта ичида анча бўлиб қолади», деб ўйлади ва шу чоғда илохий пайғом унга ҳаётида буюк кун бошланаётганидан дарак берди.

Эрталаб соат еттиданок кун қизиб кетди. Меҳмонхонада ягона мижоз нонушта беришларини кутиб ўтирарди. Граммофон ёнида ўтирадиган қиз ҳали уйқудан уйғонмаган. Бека мижознинг ёнига келди, шу лаҳзада йигитга беканинг каттакон қорни соат еттига занг ургандек туюлди.

– Қачон қарама, қимдир поездга кеч қолади, – деди бека бефойда ҳамдардлик билан.

Шундан кейин нонушта – сутли қаҳва, қуймоқ ва етилиб пишмаган банан бўлақларини келтирди.

Йигитча таомга қўл уришга чоғланди, лекин егиси келмади. У иссиқ борган сари кучаяётганидан ташвишлана бошлади. Терлаб-пишиб кетди. Бўғила бошлади. У ечинмасдан, беҳаловат ухлаган ва энди бўлса, эти сал жунжикаётган эди. Йигитча яна кўрқувдан ваҳимага тушди ва катта, яшил гуллар тасвири туширилган янги қўйлак кийган бека идиш-товоқни олиб кетиш учун тепасига келган паллада онасини эслади. Беканинг қўйлагини кўриб, бугун якшанба экани эсига тушди.

– Бугун черковда ибодат ўтказиладимиз? – сўради у.

– Ўтказилади, – жавоб қилди аёл. – Лекин ўтказмаса ҳам бўлаверади, чунки барибир, у ерга деярли ҳеч ким бормайди. Бунинг боиси шуки, бизга янги руҳоний юборишни хохлашмаяпти.

– Ҳозиргисига не бўлди?

– У юзга кирай деб қолди, бунинг устига мияси суюлган, – деди аёл ва кўлида ликопча ушлаганча, ўйга ботиб қолди.

Бироздан кейин яна деди:

– Бир куни у минбардан туриб иблисни кўрганини айтиб қолди, ана ўшандан буён унинг ёнига бормай қўйишди.

Шундай қилиб, йигитча, бир томондан, тушкунликка тушгани, иккинчи томондан, қарийб юз ёшга кирган кишини кўргиси келгани учун черковга борди.

Йигитча шаҳарча хувиллаб ётганини кўрди, чанг кўчаларнинг учи-кети йўқ, рух тунука томли ёғоч уйларнинг кўриниши ғамгин, бу уйлар кимсасиздек туюларди. Якшанба кунги шаҳарча: кўчаларда дов-дарахт йўқ, уйлар симтўр билан ўраб олинган, тубсиз, жодули фалакдан ёғилаётган иссиқ нафасни қайтаради. Йигитча бу шаҳарчада якшанба исталган бир бегим кунидан ҳеч қандай фарқ қилмас экан, деб ўйлади ва кимсасиз кўчадан кетиб борар экан, онасининг: «Барча шаҳар кўчалари сўзсиз равишда ё черковга ёки қабристонга олиб боради», деган сўзларини эслади. Шу дақиқада у тош ётқизилган чоғроқ майдончага чиқди; майдончада деворлари окқа бўялган, минорачали черков бор эди. Минорачанинг учи-га ёғоч хўроз ўрнатилган, соати эса, ўн дақиқаси кам бешда тўхтаб қолган эди.

Йигитча майдонни шошилмай кесиб ўтди, эшик олдидаги зинанинг учта пиллапоясидан юқорига чикди ва деярли бўм-бўш, нимқоронги, салқин черковга кирди; шу заҳоти димоғига хушбўй тутатки аралаш ўтириб қолган тер хиди урилди.

Антонио Исабель ота эндигина минбарга кўтарилган эди. У ваъзини бошламоқчи бўлиб турганди, бирдан шляпа кийган ёш йигит маъбадга кирганини кўриб қолди. Руҳоний йигитча катта, тиниқ ва равшан кўзлари билан деярли кимсасиз ибодатхонани бошдан-оёқ кўздан кечираётганини кўрди. Йигитчанинг охирги қаторда ўтириб, бошини қуйи солганини, қўлларини тиззалари устига қўйганини ҳам кўрди. Руҳоний йигит бу ерлик эмаслигини англади. У бу шаҳарчада йигирма йилдан кўпроқ вақтдан бери яшар ва шаҳарликларни, ҳатто ҳидидан таниб олиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам ҳозиргина черковга кирган кишининг бу ерлик эмаслигини билди. Бу йигитчанинг минғаймас ва бироз маъюс киши эканини билиб олиш учун оний жиддий назар ташлаш кифоя бўлди. Йигитчанинг кийим-боши ғижим ва исқирт эди. «Уст-бошини ечмасдан ухлаганга ўхшайди», деб ўйлади Антонио Исабель ота жирканч аралаш ачиниш билан. Сал ўтмай йигитчанинг ўриндиққа чўкканини кўриб, руҳоний қалби миннатдорлик туйғуси билан лиммо-лим тўлганини ҳис қилди ва умридаги энг муҳим ваъзни ирод қилишга шайланди. «Ё, Исо Масих, – деди у ичиди, – шундай қилгинки, у бошида шляпаси борлигини эсласин, мен уни черковдан қувиб чиқармай». Шундай қилиб, у ваъзни бошлаб юборди.

Ётоқхонасида ўтирган сеньора Ребека хушини йўқотаётганини ҳис қилди ва яна бир дақиқадан сўнг иссиққа дош беролмаслигини англади. Агар у бу шаҳарчада нимадир содир бўлишидан қаттиқ қўрқув ҳисси қарор топганини ҳис қилмаганида, ашқол-дашқолини куя дори солинган жомадонига жойлаб, ҳайё-ҳай деб бош олиб кетган бўларди; айтишларича, катта бобоси шундай қилган экан. Лекин сеньора Ребека пешонасига шу шаҳарчада, сон-саноксиз даҳлизлари, тўққизта хобгоҳи, симтўрлари бўлган шу уйда вафот этиш ёзилганини ич-ичдан билар эди. Аёл иссиқ пасайгач, симтўрларни тиканакли ойнага алмаштириш даркор, деган фикрда эди. Шундай қилиб, у шу ерда қолади, бу ҳақда узил-кесил қарорга келинган

(аёл ҳамиша кийим жавонидаги уст-бошларини тартибга келтирганида шундай қарорга келарди), бундан ташқари, ўзининг «улуғ мартабали ҳазраги олийларига» бу ерга ёш руҳоний юборишни сўраб, мактуб ёзишга қарор қилган, шунда у яна духоба гуллар тақилган шляпасини кийиб, черковга бориши, ибодат қилиши мумкин. Янги руҳоний бутун қоидаларга риоя қилган ҳолда ибодатни ўтказган, у бўлса, доно фикрларга тўлибтошган, ибратли ваъзларни тинглаган бўларди. «Эртага душанба», – деб ўйлади у ва епископга мактуб ёзиш керакми-йўқми, деб тарадудлана бошлади (полковник Буэндиа бир вақтлар бу ишни енгилтаклик ва ҳурматсизлик нишонаси, деб атаган эди), лекин шу чоғда Архенида симтўрли эшикни очиб, бақирди:

– Сеньора! Руҳонийимизни ақлдан озди, дейишяпти!

Бева у томонга ўгирилди, юз-кўзида, одатдагидек, хўмрайган, ранжиган ифода акс этиб турарди.

– У бундан камида беш йил олдиноқ ақлдан озганди, – таъкидлади у ва кийим-бошини диққат билан текширишда давом этар экан, деди: – У яна иблисни кўргандир-да.

– Йўқ, бу гал иблисни кўрмабди, – жавоб қилди Архенида.

– Унда кимни кўрибди? – калондимоғларча лоқайдлик билан сўради сеньора Ребека.

– Бу гал Дажжолни кўрдим, деяпти.

Бева бутун бадани жимирлаб кетганини ҳис қилди. Узок болалигидан бери эсига тушмаган «Дажжол» сўзини эшитганида шикастланган симтўрлар, жазирама иссиқ, ўлган қушлар ва вабо тўғрисидаги фикрлар миясида ғужғон ўйнади. Шунда юзлари мурданикидек оқариб кетган, борлиғи музлаган сеньора Ребека хонада у ёқдан-бу ёққа югура бошлади. Архенида бўлса, оғзини очганча, ҳайрат билан бақрайиб турарди.

– Тўппа-тўғри, – бўғиқ товушда деди бева. – Қушлар нега ўла бошлаганини энди тушундим.

Борлиғини даҳшат қамраган бева бошига қора тўр рўмолини ташлади ва шоша-пиша узун даҳлиздан, турли нокерак ашқол-дашқолларга тўла залдан ошиқиб ўтди, уйдан отилиб чиқди, уйдан черковгача бўлган икки кўчадан чопиб ўтди. Черковда Антонио Исабель дель Сантисимо Сакраменто дель Алтар башоратдан пайғом бераётган эди:

– ...Сизга қасам ичиб айтайки, мен уни кўрдим. Қасам ичиб айтаманки, бугун эрта тонгда дурадгор Ионаникидан мархумаси ҳақиға дуо ўқиб қайтаётганимда у йўлимни кесиб ўтди. Сизга қасам ичиб айтаманки, Парвардигорнинг лаънати-га гирифтор бўлгани учун унинг афти қоп-қора эди, орқасидан буруқсиган кул излари қолаётганди.

Унинг узук-юлуқ сўзлари ҳавода акс-садо берар эди. Руҳоний қўлларининг қалтироғини тўхтатишга қодир эмаслигини, аъзойи бадани титраётганини ва елкасидан совуқ тер секин оқиб тушаётганини ҳис қилди. Руҳонийнинг аҳволи ёмонлашди, сув ичгиси келди, қалбида аллақандай бўшлиқ борлигини ҳис қилди, кулоғига қаттиқ сур товуши эшитилгандай бўлди. Шу топда унга ҳақиқат аён бўлди.

У черковдаги одамларни аниқ кўра бошлади, ўрта қатордан минбар томонга ҳаяжонга тушган, юз-кўзида мусибат ва сўниклик ифодаси акс этган, бошини юқори кўтарган сеньора Ребека қўлларини паҳса қилганча ошиқиб келаётганини кўрди. У нима бўлганини ғира-шира пайқади ва бу ҳодисани мўъжизага йўйиш мақтанчоқлик бўлишига ақли етди. Руҳоний ожизона равишда қалтираган қўллари билан минбарнинг ёғоч тутқичига таянди ва ваъзини қайта бошлади.

– Шундан кейин у менинг ёнимга келди, – давом этди у. Овозининг жўшқин ва ишонарли чиқаётганини энди ўзи ҳам сезди. – У ёнимга келди, кўзлари зумрадга ўхшаш яшил, териси эса, ғадир-будур, ўзидан така ҳиди анқир эди. Мен Парвардигор номи билан уни ҳайдаб солиш учун кўлимни кўтардим ва унга: «Тўхта! Якшанба куни кўзичоқни қурбон қилиб бўлмайди», дедим.

Ваъзини тугатганида черков жуда исиб кетган эди. Эсдан чиқмайдиган бу август ойининг энг шиддатли, турғун, жазирама куни эди. Лекин Антонио Исабель ота иссиқни ҳечам ҳис қилмаётганди. У бу ерда, унинг ёнида ваъзини эшитиб, яна ғуссага ботган, ларзага тушган одамлар турганини билар, аммо, қақраган томоғини шароб билан хўллаб олганида бўлганидек, қалбида заррача қувонч ҳис қилмасди. Ўзини ғариб ва ўксик ҳис қиларди. Фикри тарқоқ эканини, мўъжизакор ибодатнинг авж нуқтасига келганида фикрларини жамлай олмаганини ҳис қиларди. Бу унинг ҳаётида

илгарилари ҳам бир неча бор юз берган, лекин бу галги па-ришонхотирлик бошқача, қандайдир алағда хавотир бошқа туйғуларни босиб кетаётган эди. Худди шунда ўз умрида би-ринчи марта ғурур нелигини англаб етди. Ўзи қандай тасав-вур қилган бўлса, шундай ва ўз ваъзларида таърифлаганидек, ғурур ташналикка ўхшаш туйғу эканини ҳис қилди. У эҳсон кутисини куч билан ёпди ва сас берди:

– Пифагор!

Хизматкор – устарада қирилган боши ялтираётган бола (Антонио Исабель ота уни чўкинтирган ва Пифагор деб исм қўйган эди) меҳробга яқин келди.

– Хайр-эҳсонларни йиғиб ол, – деди унга руҳоний.

Боланинг кўзлари пирпиради, ўгирилди ва шивирлади:

– Таксимча қаерда қолганини билмайман.

У ростини айтаётган эди. Неча ойлардан бери хайр-эҳсон йиғилмаётганди.

– Ризахонадан халтача олиб чик, фақат каттароқ бўлсин ва имкон борича кўпроқ садақа йиғиб ол, – деди руҳоний.

– Нима дейишим керак? – сўради бола.

Руҳоний боланинг кўкимтир рангли қирилган бошига, қимираётган лабларига ўйчан тикилиб турди. Энди унинг кўзлари пирпиради.

– Дажжолни даф қилиш учун дегин, – деди у. Шундай деди-ю, кўксини тошдай оғир юк босганини ҳис қилди.

Кўп ўтмай черков сукунати қўйнида кулоғига каттакон мум шамларнинг шитирлаши ва ўзининг узук-юлук, ҳансираб на-фас олишидан бошқа нарса эшитилмай қўйди. Шундан кейин катта кўзлари чўчинқираб боқаётган боланинг елкасига қўлини ташлади ва деди:

– Пулларни йиғиб бўлгач, уларни бу ерга биринчи бўлиб келган ва дастлаб ёлғизгина ўзи ўтирган йигитчага бергин ва бу пулларни янги шляпа сотиб олишингиз учун руҳоний бериб юборди дегин.



## СУНЬИЙ АТИРГУЛЛАР

Тонг ғира-ширасида Мина кечқурун каравоти ёнига илиб кўйган энгсиз кўйлагини пайпаслаб топди, кийди ва тақма энгликларни ахтариб, сандикнинг тит-питини чиқарди. Топмагач, шу хонада ухлаётган сўқир бувисини уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилиб, девор ва эшикка қоқилган миҳларни текшира бошлади. Минанинг кўзлари қоронғига ўргангач, бувисининг тўшакда йўклигини кўрди ва ундан энгликлари қаерда эканини сўраш учун ошхонага йўналди.

– Энгликларинг ҳаммомда, – деди сўқир. – Кеча кечқурун уларни ювиб кўйгандим.

Энгликлар ҳаммомда дорга иккита ёғоч қисқич билан осиб кўйилганди. Энгликлар ҳали қуримаганди. Мина уларни олди, ошхонага қайтди ва печка четига ёйиб кўйди. Буви печка ёнида ўтириб, сўқир кўзларини пешайвонга олиб чиқадиган даҳлиз девори бўйлаб тортилган ғиштин карнизларга тикканча, қозончадаги қаҳвани аралаштираётганди. Карниз устида доривор ўсимликлар экилган гулдонлар қаторлашиб турарди.

– Бундан кейин менинг нарсаларимга тегма, – деди Мина. – Ҳозир қуёшга ишониб бўлмайди.

– Бугун пасха арафасидаги жума экани бутунлай эсимдан чиқибди.

Ҳавони ҳидлаб кўриб, қаҳва пишганига амин бўлган сўқир қозончани оловдан олди.

– Энгликларингнинг остига қоғоз кўй, тошларни чанг босган, – маслаҳат берди у.

Мина бармоқларини тошларнинг устида юритди. Тошларни ҳақиқатан ҳам чанг босган экан, лекин тош сиртидаги қурум қотиб қолганди, энглик билан тош артилган тақдирдагина унга кир юқиши мумкин эди.

– Агар кир бўлса, бунга сен айбдор бўласан, – деб кўйди Мина.

Сўқир ўзининг финжонига қаҳва куйиб бўлганди.

– Аччиғинг чиқаётир, – жавоб қилди у даҳлизга стул судраб чиқар экан. – Жаҳл чиққанда ибодат қилиш гуноҳ бўлади.

У кўлида финжон билан даҳлиз этагида, пешайвондаги атиргуллар ёнида ўтирди. Ибодатга чакириб учинчи марта

қўнғироклар даранглади. Мина енгликларини печкадан олди. Улар ҳали нам бўлишига қарамай, барибир кийиб олди. Қўли яланғоч бўлса, Анхель ота уни ибодат қилдиришдан бош тортган бўларди. Қиз ювинмади, фақат ҳўл сочиқ билан кечадан қолган упа-эликларини артди, сўнгра тўр рўмоли ва дуолар китобини олиш учун хонага кирди, кейин кўчага чиқди. Чорак соатдан кейин қайтиб келди.

– Бунақада Инжилни ўкиб бўлган чоғларида черковга етиб борасан, – деди сўқир. У хануз атиргуллар ёнида ўтирарди.

– Мен у ерга боролмайман, – деди Мина хожатхонага йўналаркан. – Енгликларим қуримаган, кўйлагим дазмолланмаган.

Қизга ҳамма нарсани кўрадиган кўз уни тўхтовсиз кузатиб тургандай туюлаётганди.

– Бугун пасхадан олдинги жума, сен бўлсанг ибодат қилгани бормоқчи эмассан.

Хожатхонадан қайтиб келган Мина ўзига бир финжон қахва кўйди ва сўқирнинг ёнига чўқди, оққа бўялган эшик ёндорига суянди. Аммо қахвани ичолмади.

– Бунга сен айбдорсан, – пичирлади у кўзига ёш қуйилиб келаётганини ҳис қилар экан, бўғиқ овозда дарғазаб бўлиб.

– Нима бало, йиғляяпсанми?! – хитоб қилди сўқир.

У кўлидаги гулчелакни гултуваклар ёнига кўйди ва пешайвонга чиқаркан, такрорлай бошлади:

– Сен йиғляяпсан! Сен йиғляяпсан!

Мина финжонни полга кўйди, сўнгра бир амаллаб ўзини босиб олди.

– Жаҳлим чиққани учун йиғляяпман. – Бувисининг ёнидан ўтар экан, кўшимча қилди: – Энди сен тавба қилишинг керак, чунки сенинг дастингдан мен жумада ибодат қила олмадим.

Сўқир Минанинг хобгоҳ эшигини ёпишини кутиб турди, сўнгра даҳлиз этаги томон юрди, бармоқларини узагганча эгилди, пайпаслади ва ниҳоят Мина оғзини ҳам урмаган финжонни топди. Қахвани ахлат челагига тўқар экан, деди:

– Яратганнинг ўзи гувоҳ, менинг виждоним тоза.

Хобгоҳдан Минанинг онаси чиқди.

– Ким билан гаплашяпсан? – сўради у.

– Ҳеч ким билан, – жавоб берди кампир. – Сенга аллақачон айтувдим-ку, ақлдан озяпман деб.

Хонасига қамалиб олган Мина кўйлагининг ёқасини бўшатиб, англиз тўғноғичига илинган учта калитчани олди. Калитчаларнинг бири билан жавоннинг пастки ғаладонини очди ва у ердан нафис ёғоч сандиқчани олди, бошқа калитча билан уни очди. Сандиқчада рангли қоғозга битилган ва резина билан боғланган мактублар бор эди. У мактубларни кўксига яширди, сандиқчани жойига қўйди ва ғаладонни яна қулфлади. Кейин хожатхонага кетди ва мактубларни ўрага ташлади.

– Сен ибодат қилгани бормоқчи эдинг-ку, – деди онаси.

– У боролмади, – гапга аралашди сўқир. – Мен бугун жума эканини унутиб, кеча англикларини ювиб қўйган эдим.

– Улар ҳалиям куригани йўқ, – ғулдуради Мина.

– Шу кунларда у кўп ишлади, – давом этди сўқир.

– Пасхагача юз элликта атиргул топширишим керак, – деди Мина.

Ҳали эрта бўлишига карамай, куёш роса қиздира бошлаган эди. Эрталаб соат еттида катта хона сунъий гуллар тайёрланадиган устахонага айланди – япроқлар ва сим солинган сават, қатланган қоғоз солинган катта қути, икки жуфт қайчи, ип ғалтаклари ва елим пайдо бўлди. Сал ўтмай картон қути қўлтиқлаб олган Тринидад келди ва Мина нега ибодатга бормаганини сўради.

– Англикларим йўқ эди, – жавоб қилди Мина.

– Ахир, истаган кишинг сенга қарзга бериб турган бўларди-ку, – деди Тринидад.

У стулни сурди ва япроқлар солинган сават ёнида ўтирди.

– Бу гап калламга келганида кеч бўлди, – деди Мина.

У атиргул ясади, сўнгра қайчи билан япроқларни чийраш учун сават ёнига келди. Тринидад япроқларни ундан яхшироқ чийрар эди ва Мина поя яшаш учун сим бўлақларига яшил қоғоз ўрай бошлади. Улар хонага тушаётган куёшга парво ҳам қилмай, индамай ишлайверишди. Хона деворларига осойишта табиат тасвири туширилган расмлар ва оилавий фотосуратлар осибди эди. Поя яшашни тугатган Мина Тринидадга юзланди, юз-кўзи паришон кўринарди. Тринидад бармоқларининг

учи билан енгил, хайратда қоларли даражада аник ҳаракатлар қиларди; у оёқларини жуфтлаб ўтирарди. Мина унинг оёқларидаги эркакча ботинкаларга қаради. Тринидад бошини кўтармаёқ, унинг нигоҳини сезди, оёқларини стул тагига тортиди ва ишдан тўхтади.

– Нима бўлди? – сўради у.

Мина у томонга эгилди.

– У кетди.

Тринидаднинг қўлидаги қайчи тиззаларига тушиб кетди.

– Бўлиши мумкин эмас!

– Кетди дедим-ку, – такрорлади Мина.

Тринидад унга бакрайиб қолди. Чимирилган қошларининг ўртасида иккита тик ажин пайдо бўлди.

– Энди нима бўлади?

Минанинг овози равон ва қатъий эди:

– Эндими? Ҳеч нима.

Соат ўнга яқинлашганда Тринидад у билан хайрлашди. Мина бу вақтгача дардлашиб, аламдан чикқанди. У Тринидадни тўхтатиб, ўлик сичқонларни ҳожатхонага ташлаш кераклигини эслатди.

Сўқир кампир атиргулни қайчилаётган эди.

– Манави қутимда нима борлигини ҳеч қачон тополмайсан, – деди Мина унинг ёнидан ўтаётганида.

У қутини силкитди. Сўқир кулоқ солди.

– Яна бир марта силкит.

Мина қутини иккинчи марта силкитди, лекин учинчи силкитганида ҳам кўрсаткич бармоғи билан қулоғининг солинчагини қайириб, диққат билан эшитаётган кампир, барибир қутида нима борлигини билолмади.

– Булар кеча черковда қопқонга тушган сичқонлар, – тушунтирди Мина.

Қайтишда сўқирнинг ёнидан ўтаркан, ғиқ этмади. Бирок сўқир унга эргашди. Буви катта хонага кирганида, ёпиқ дераза олдида ўтирган Мина атиргул ясаб бўлган эди.

– Мина, – деди сўқир, – агар бахтли бўлай десанг, ҳеч қачон сирингни бегоналарга айтма.

Мина унга тикилди. Сўқир рўпарасига ўтириб ишламоқчи бўлди, бироқ Мина рухсат бермади.

– Асабийлашяпсан, – деди сўқир.

– Бунга сен айбдорсан.

– Нега ибодатга бормадинг?

– Нега бормаганимни биласан.

– Агар бунга энглик сабаб бўлса, сен уйдан чикмаган бўлардинг. Сени биров кутиб тургани учун уйдан чикдинг ва у сенга қандайдир хунук гап айтган.

Мина гўё кўринмайдиган ойнанинг чангини артаётгандек, сўқирнинг кўзлари олдидан қўлларини ўтказди.

– Сен башоратчисан, – деди у.

– Бугун эрталаб сен икки марта хожатхонага бориб келдинг, – эслатди сўқир. – Ҳолбуки, эрталаблари ҳеч қачон бир мартадан кўп бормайсан.

Мина ишлашда давом этди.

– Жавоннинг пастки ғаладонидаги нарсангни менга кўрсата оласанми? – сўради сўқир.

Мина шошилмай атиргулни дераза ромига санчди, ёқасидан учта калитчани чикарди, сўқирнинг кафтига қўйди ва ўзи унинг кафтини ёпди.

– Ўз кўзинг билан кўрақол, – деди у.

Сўқир бармоқларининг учи билан калитларни пайпаслаб кўрди.

– Лекин ахлат ўрага ташлаган нарсаларингни кўзларим кўрмайди-да, – деди у.

Мина бошини кўтарди, бирдан сўқир унинг нигоҳини сезаётгандай туюлди.

– Менинг нарсаларим сени шунчалик қизиқтираётган бўлса, ўша ерга тушақол.

Бироқ сўқир ўзини кинояни эшитмаганга солди.

– Ҳар куни тўшакда ўтириб, тонггача бир нарсаларни ёзасан, – деди кампир.

– Ие, чироқни ўзинг ўчирасан-ку.

– Ўчирдим дегунча, чўнтак фонарини ёқиб оласан. Қолаверса, нафас олишингга қараб, нима ҳақда ёзаётганингни ҳам айтиб беришим мумкин.

Мина ғазабини зўрға босди.

– Яхши, – деди у бошини кўтармай, – шундай ҳам бўлсин, лекин нима қипти?

– Ҳеч нарса. Лекин мана шу сабабдан сен пасха арафасида-  
ги жумада ибодатга бормадинг.

Мина иплар, қайчи ва гулларни бир жойга тўплади,  
ҳаммасини саватга солди ва сўқирга юзланди.

– Яъни, сен нега ҳожатхонага борганимни айтишимни ис-  
таяпсан, шундайми?

Орага танг сукунат чўкди ва ниҳоят Мина деди:

– ...гани бордим.

Сўқир унинг саватига калитларни ташлади.

– Буни рост гап деса бўларди, – тўнғиллади у ошхонага йўл  
олиб. – Ҳа, агар сендан шу чокқача бир марта бўлсин беадаб  
сўз эшитганимда, бу гапингга ишонса бўларди.

Даҳлизнинг у томонидан бир кучоқ тиканакли буток  
кўтарган Минанинг онаси келаётган эди.

– Нима бўлди? – сўради у.

– Ақлдан озяпман, дедим-ку, – жавоб берди сўқир. – Ле-  
кин, афтидан, жонга тегмагунимча мени дорулојизинга  
жўнатишмайди, шекилли.



## УЛУҒ ОНАНИНГ ЖАНОЗАСИ

Барча турдаги қавлсиз кимсалар, роппа-роса тўксон  
икки йил ҳукмдорлик қилган ва ўтган сентябрнинг охири  
сешанбасида жонини Парвардигорга таслим этган Макон-  
до шоҳлигининг яққа ҳукмдори Улуғ Онанинг ҳақиқий та-  
риhini эшитинг. Жанозасига Ватикандан Олий Руҳоний  
ҳазратларининг шаҳсан ўзи ташриф буюрган Улуғ Она  
ҳақидаги ҳикояга кулоқ беринг.

Эндиликда, Улуғ Онанинг содиқ табаалари бундай  
даҳшатли ларзадан ниҳоят ўзларига келганларида, эндилик-  
да, Сан-хасинтолик хуштакчилар, гуахиралик контрабандист-  
лар, сиалик шоли ўроқчилар, Гуака-майялик фоҳишалар,  
сиерпелик азайимхонлар, аракатакилик банан терувчилар эс-  
хушларини йиғиб, бедор ўтказилган шунча тунлардан сўнгра  
мириқиб ухлаб олиш учун пашшахона қурганларида, энди-  
ликда, лозим бўлган арбоблар, ҳатто Республика Президенти,  
колаверса, инсоният тарихида энг тантанали дафн маросимида

нафақат дунёвий, балки диний ҳокимият номидан вакиллик қилиш имконидан фойдаланиб қолган барча кишиларнинг кўнгиллари хотиржам бўлиб, давлат ишлари билан шуғуллана бошлаганларида, эндиликда, Олий Руҳоний ҳазратларининг тани ва жони бақо оламига кетганида, чор атроф консерва банкалари, бўш шишалар, сигарета қолдиқлари, ғажилган суякларга, бу тарихий ҳодисага келган сон-саноксиз одамлар тўдаси қолдирган ва аллақачон қуриб улгурган уюмларга тўлиб кетгани учун Макондо кўчаларидан на юриб, на ўтиб бўлмайдиган пайтда, эндиликда дарвозалар олдига ўриндикни қўйиб олиб, тарихнавис доно жаноблар бостириб келмасидан олдин, бутун мамлакатни ҳаяжонга солган айни ҳодисалар ҳақида ақл-идрок билан ҳикоя қилиб бермоқ даркор.

Ўн тўрт ҳафта муқаддам, узоқ вақт давомида кетма-кет зулук солишлар, хантал қоғоз қўйишлар ва дори боғлашлардан тунлари азоб-уқубат тортган Улуғ Она ўлим олди иситмасидан сўнг синди, ўзи яхши кўрадиган тўқима тебранма курсига ўтказишларини буюрди, чунки ниҳоят сўнгги васиятини эълон қилишни хоҳлаб қолди. Шу билан у гуноҳга ботган бу дунёдаги амалларига хотима ясамоқчи эди.

Сахармардондан жанозасига оид барча ишларни Антонио Исабель ота билан маслаҳатлашиб олган Улуғ Она меросига тааллуқли ишларни шунча кун мобайнида тўшагидан нари кетмаган бевосита меросхўрлари – ўнта эркак ва аёл жиянлари билан келишиб олишга киришди. Қандайдир мужмал нарсалар ҳақида ўзича ғўлдираётган, салкам юз ёшга кирган Антонио Исабель ота шу ерда ўтирарди. Ўнта норғул йигит мункиллаган руҳонийни олдинданок иккинчи каватга, тўппа-тўғри Улуғ Онанинг ётоқхонасига олиб чиққан ва сўнгги дақиқаларда у ёқдан-бу ёққа ташиб юрмаслик учун шу ерда қолдиришга қарор қилган эдилар.

Жиянларнинг каттаси Никанор – темиртепкили этик, мошранг камзул кийган, қўйлаги остига узун стволли ўттиз саккизинчи калибрли тўппонча тақиб олган давангирдай ва бадқовоқ йигит – нотариусни олиб келишга жўнади. Асал қиёми ва жамбил ҳидлари уфурган, нимқоронғи ертўлаларида сандиқлар, қутилар, суяклари аллақачон чириб бўлган тўрт авлоднинг аллақандай қақир-қуқурлари қалашиб кетган икки

каватли данғиллама уйидаги тўралар икки ҳафтадан буён қаттиқ танглик ичида кутавериб, донг қотган эди. Даҳлиз деворларига қоқилган чангакларда яқиндагина нимталанмаган чўчка гўштлири осилиб турганди, август ойининг якшанба кунлари иссиқдан ҳаво ўта дим бўлиб кетган вақтларда ўлдирилган буғуларнинг қони оқиб ётганди, энди бўлса, ишора бўлиши биланоқ отларини эгарлаб, ададсиз Макондонинг чор атрофига қайғули хабарни етказишга шай, чарчаган чопарлар туз тўлдирилган қоплар, уюлиб ётган иш асбобларининг шундоққина устида думалаб ухлаётгандилар.

Улуғ Онанинг барча қариндош-уруғлари залга йиғилди. Тунги бедорликлардан, умуман, ярамас ирсият сабаб камқонликдан сўлгин хотин-қизлар, ҳар доимгидек, абадий, оғир мотамда эдилар, чунки уларнинг ҳукмфармоси уруғида ҳамиша кимдир вафот этиб турарди.

Улуғ Она қаттиққўл аёлларга хос қатъият кўрсатиб, уруғаймоқлари ва бойликларини ўтиб бўлмас девор билан ўраб олганди ва бу ўрамдан бир қадам ташқарига чикмайдиган жиянлар холаларига, амакилар жиянларига, акалар келинларига уйланад эдилар, яқин қариндошларнинг бунақа ножоиз оила қуриши шу даражага бориб етдики, наслни давом эттиришнинг ўзи катта муаммога айланди. Фақат жиянларнинг энг кичиги Магдаленагина бу темир тўсиқни ёриб ўтишга муваффақ бўлди. У Антонио отадан кечалари тушига кириб, мудҳиш босинқирашларига сабаб бўлаётган жинларни ҳайдаб солишини ўтинди, сўнгра Апостол префектурасининг ибодатхоналаридан бирига кетди ва сочини қирдириб, дунё лаззатлари ва ташвишларидан воз кечди.

Аммо эркак жиянлар эркаклик шаънига доғ туширмадилар ва қишлоқда, хуторда, йўл четидаги бута тагида, хуллас, дуч келган жойда биринчи кеча ҳуқуқидан ғайрат билан фойдаланавердилар ва қонуний оилаларидан ташқарида беадад валади зиноларни дунёга келтирдилар; бу ҳаромзодалар Улуғ Онанинг ҳомийлиги остида қарол-малайлари орасида яшар эдилар.

Ўлим яқин қолгани одамларни оёққа турғазиб юборди. Иzzат-хурмат ва итоат қилишларига ўрганган ўлаётган кампирнинг овози зўр-базўр чиқаётган бўлса-да, айтганлари Макондонинг энг чекка гўшаларигача етиб борди. Бу ўлимга бефарқ

бўлган кишининг ўзи йўқ эди. Улуғ Она бутун аср мобайнида Макондонинг диққат марказида бўлиб келди. Ундан икки аср олдин акалари, ота-онаси, бобо-бувилари бу ерда худди шу тарзда ҳукмфармолик қилган эдилар.

Макондо шохлигининг ўзи уларнинг буюк уруғи атрофида кенгайганди. Кампирнинг мол-мулкининг манбаи, ҳақиқий баҳоси, мулкларининг худудини ҳеч ким аниқ билмасди, чунки одамлар оқар ва қўлмак сувлар, ёғиб ўтган ва ёғаётган ёмғирлар, йўллар ва сўқмоқлар, ҳар бир симёғоч, қурғоқчилик ва кабиса йиллари, умуман, шаксиз мерос ҳуқуқига кўра, ер юзида, ҳаётда нима бўлса барчаси унинг ҳукмида эканига аллақачон кўникиб қолишганди. Улуғ Она кечки ҳаводан нафас олиш учун айвонга сузиб чиқиб, ҳаддан ташқари қаппайиб кетган гавдасининг қудратли залворини улуғворлик билан эски тебранма курсига ташлаган вақтларида ҳақиқатан ҳам ёруғ оламнинг энг бадавлат ва қудратли ҳукмдоридек бўлиб кўринар эди.

Барча одамларга ўхшаб, у ҳам ўлиши мумкинлиги, албатта, яқин қариндошлари ва, айниқса, кекса Антонио Исабель отанинг қароматли панд-насихатлари жонига тегиб кетган соатларда ўзидан бошқа кимсанинг, биронта табаасининг хаёлига ҳам келмаган. Шунга қарамай, Улуғ Она она томондан бувиси га ўхшаб юз йилдан кўпроқ умр кўришига ишонарди. Бувиси 1875 йилда ошхонасига биқиниб олиб, Аурелиано Буэндиа солдатларига каттиқ қаршилик кўрсатган эди. Фақат шу йилнинг апрелига келибгина Улуғ Она Парвардигорнинг унга марҳамати чексиз эканига ва федералист масонлар тўдасини шахсан ўзи очиқ жангда қириб ташлай олишига шубҳалана бошлади.

Улуғ Она бутунлай тўшакка миҳланиб қолганида, уй табиби бир ҳафта давомида танасига хантал қоғози ёпиштирди ва жун пайпоқларини ечмасликни буюрди. Бу табиб кампирга отамерос қолган бўлиб, Монпелье университетини тамомлаган, лекин файласуфона қарашларига кўра, илмий тараққиётни рад қилар эди. Улуғ Она врачлик билан шуғулланувчиларнинг ҳаммасини Макондодан қувиб юбориб, унга чекланмаган ҳуқуқлар берди. Рақиб қолмаган доктор бир вақтлар умрининг охири кўриниб қолган оғир касалларни бориб кўриш учун отга

миниб, бутун ўлкани айланиб юрар эди. Сахий табиат дипломли врачни кўпдан-кўп ноқонуний болаларнинг отасига айлантирди, лекин бир куни у қайиқда кетар экан, шафқатсиз бод касали бехосдан оёқдан олди. Ўшандан буён Макондо аҳлини даволаш ишлари сиртдан, турли тавсиялар, тахминлар ва қисқа ёзувлар орқали амалга ошириб келинарни.

Аммо Улуғ Она чақирувидан сўнгра доктор иккита кўлтиқтаёққа суяниб, майдондан амал-тақал қилиб ўтди ва уй кийимида тўғри кампирнинг ётоқхонасига кириб борди.

Фақат саккизинчи куни валинеъматининг куни битганига акли етди ва устига лотинча ёзувлар битилган шишача ва банкахалар сакланадиган сандиқчасини олиб келишларини буюрди ҳамда қолган уч ҳафта мобайнида даққионусдан қолган усулларни ишлатиб, фойдасиз суюқликлар, шамлар ва боғламалар билан ўлаётган кампирнинг тинкасини қуритди. Белига зулук солди, оғриқ жуда кучли бўлган жойларига пиширилган курбақа ёпди. Ниҳоят, бир тонгда машҳур докторни шубҳа босди, у Улуғ Онадан қон олиш учун саргарошними ёки инс-жинсларни ҳайдаш учун Антонио Исабель отани чақириб керакми, дея иккиланиб қолди. Ана шунда Никанор қароллар орасидан ўнта норғул йигитни руҳонийни олиб келишга жўнатди, улар черковнинг кекса арбобини ғижирлайдиган, ранги унниққан гулдор қимматбаҳо ипак тахтиравонда Улуғ Онанинг ётоқхонасига келтиришди.

Тахтиравоннинг қўнғироқчасининг жириглаган товуши ўлаётган кампирга охириги ҳадялар билан ошиқиб келаётган Антонио отадан ўзиб кетиб, Макондо аҳлига биринчи мужда бўлиб эшитилди. Қуёш чиқиши билан Улуғ Онанинг уйи олдидаги майдон бамисоли қувноқ ғала-ғовурга тўла бозорга ўхшаб қолди.

Кўп кишилар ўтган замонларни, Улуғ Она етмиш ёшлик тўйини қандай шоду хуррамлик билан ташкил қилганини, қандай зиёфат берганини эслардилар. Оддий кишилар учун майдондаги четанга ўралган каттакон шароб шишаларини думалатиб олиб чиқишган, шу ернинг ўзида мол сўйишган, баланд кўтармада уч кеча-кундуз оркестр тинмай мусиқа чалган эди. Асримизнинг биринчи ҳафтасида полковник Аурелиано Буэндианинг қароргоҳи ўрнашган бодом дарахтининг сийрак

соясида ичкиликлар, колбасалар, қовурилган ичак-чавоқлар, турли-туман пишириқлар, кокос ёнғоқлари савдоси қизиб кетганди. Лотерея столлари, хўроз уриштирилаётган қўралар атрофи тирбанд бўлганди. Бу тўс-тўполонда, ҳаяжонга тушган оломон ичида Улуғ Онанинг тасвири туширилган кўкрак нишонларини сотишарди.

Одатда, Макондода барча байрамлар муддатидан икки кун олдин бошланар ва ҳукмфармонинг данғиллама уйида берилган балдан сўнг мушакбозлик ташкил қилинар эди. Танланган меҳмонлар ва уларнинг оила аъзолари янги русумдаги мусика садолари остида шўх-шодон раксга тушардилар. Эски пианинодан бўғиқ мусика овози янграрди. Бу меҳмонларга уларнинг ноқонуний болалари учиб-қўниб хизмаг қилишарди.

Улуғ Она нафис матодан тикилган жилдлар сирилган ёстиқларга суянган ҳолда оромкурсида савлат тўкиб ўтирар ва бешта бармоғига ҳам ялтироқ узуклар тақилган ўнг кўлининг кичик бир ишоратига барча киприк қокмай бўйсунарди. Ўша кун Улуғ Она – баъзан севишганлар билан келишган ҳолда, кўпинча ўз ташаббуси билан – бу йили қилинадиган тўйларни эълон қилиб қоларди. Сершовқин байрам якунида у гулчамбарлар ва рангли чироқлар билан безатилган айвонга чиқиб, оломон устига бир ҳовуч танга сочарди.

Бу шонли анъаналар қисман тўхтовсиз мотамлар, асо-сан, Макондони ларзага солган сиёсий ғалаёнлар сабабли аллақачон асфаласофилинга кетган эди. Янги авлод бу тантаналар ҳақида фақат эшитган, Улуғ Онани байрам маросимида кўриш уларга насиб қилмаган. Бу байрамларда ҳокимият вакилларидан бири, албатта, каттакон елпиғич билан Улуғ Онани ҳамиша елпиб турар, Муқаддас эхсонларни олиб чиқишганида голландча кашталар билан безатилган кўйлаги ва крахмалланган этаги ғижимланмаслиги учун фақат унгагина тиз чўкмасликка рухсат берилар эди. Хурматли отасининг вафотидан сўнгра «Улуғ Она» деган янги ва олий унвонга мушарраф бўлган йигирма икки яшар Мария дель Росарио Кастаньеда-ва-Монтеро қадимий данғиллама уйдан Асосий меҳробгача икки юз метр масофага ёзилган гилам-поёндоздан қандай юриб ўтгани кексаларга ёшлигидан элас-элас хотира бўлиб қолган. Ўрта асрларга муносиб бу ёрқин ходиса

эндиликда фақат Улуғ Она уруғининггина эмас, балки бутун миллат тарихининг мулкига айланган.

Улуғ Она ҳазратларининг барча ишларини катта жияни Никанор юритарди. Оддий бандалардан йироқдаги Улуғ Она бўлса, гуллаган ёронгуллар билан безатилган иссиқдан дим айвонда кўзга чалинмасдан, ўз шон-шуҳрати чамбарига чулғаниб, оромкурсида тебраниб ўтирар эди.

Улуғ Она васияти эълон қилинган, уч кечаю уч кундуз оммавий сайил ўтказишга ваъда берганидан ҳамма хабардор эди. У васиятини фақат ўлими олдидан ўқишини барча билар, лекин Улуғ Онанинг қазоси муқаррар эканига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди.

Мана, Улуғ Онанинг паймонаси ҳам тўлди. Бўйнигача ши-фобахш сабур барглари ёпиштирилган Улуғ Онанинг бокира ва бўлик кўкси чанг босган маркизет кўйлак, кўпчиган юмшоқ чойшаблар остида сал-пал кўтарилиб тушаётгани унинг ҳали тирик эканидан далолат бериб турарди. Жўшқин ва қатъиятли ошиқлар Улуғ Онани эллик ёшга тўлгунига қадар қийин-кистовга олаверди, лекин табиат уни уруғининг бўлғуси барча авлодларини боқишга қодир катта кўкраклар билан сийлаганига қарамай, барчасини рад қилди, бокира ва бефарзандлигича боқий дунёга риҳлат қилди.

Сўнги марта муқаддас зайтун ёғи суришга ҳамма нарса-ни тахт қилган Антонио Исабель ота бошқалар кўмакка кел-маса, Улуғ Онанинг кафтига хушбўй мойни суришга кучи етмаслигини тушунди, чунки ажал нафасини ҳис қилган кам-пир қўлларини мушт қилиб тугиб олган эди. Чаққонлик ва қатъият борасида бир-бири билан мусобақалашган қиз-жиян-ларнинг барча уринишлари чиппакка чиқди. Ўлаётган кампир кимматбаҳо узук тақилган қўлларини кўкрагига босиб олганча қаттиқ қаршилик кўрсатди ва нурсиз кўзларини жиянларига бақрайтириб, ғазаб билан «Ўғрилар!» дея вишиллади. Лекин тешворай деб қараётган кўзларини Антонио Исабель ота ва идиш билан кўнғироқча кўтариб турган ёшгина хизматкорга бурган Улуғ Она аста ва ҳолсизгина: «Мен ўлаётирман...», – деди. Шундай дегач, у аждодларидан қолган ниҳоятда гўзал олмос узукни бармоғидан чиқарди ва уни, қоидага кўра, энг кичик жияни Магдаленага узатди. Шундай қилиб, уларнинг

уруғига хос барқарор анъана барҳам топди, чунки мўмин-қобил Магдалена черков фойдасига меросдан воз кечган эди.

Тонг палласи Улуғ Она охирги топшириқларини бериши учун уни Никанор билан ёлғиз қолдиришларини буюрди. Ақли-хуши ва хотираси жойида экан, у Никанор билан Макондо шохлигидаги ишларнинг аҳволини муҳокама қилди, сўнгра ўзининг дафн маросими ҳақида сўзлай бошлади. «Кўзингга қара! – деди у. – Ҳамма қимматли нарсаларни кулфлаб қўй. Одамларни билиб бўлмади. Ўлик бор жойда кимдир ниманидир ўмариш пайида бўлади». Никанорни чиқариб юборгач, Улуғ Она рухонийни чақирди. Рухоний унинг узундан-узук, батафсил тавба-тазаррусини эшитиб бўлгач, ўлаётган кампирнинг охирги ибодат маросимида иштирок қилишлари учун барча қариндошларини ётоқхонага таклиф қилди. Ана шундагина Улуғ Она тўкилган тебранма оромкурсига ўтқазилларини ва охирги васиятини эълон қилишни хохлаб қолди. Гувоҳлар Антонио Исабель ота ва доктор иштирокида у қатъий, бурро-бурро товушда улуғлиги ва чексиз ҳукмронлигининг ягона ва мустаҳкам асоси бўлган бутун бойликлари рўйхатини нотариусга айтиб ёздирди. Бу рўйхатни ёзар экан, Никанор майда ёзуви билан йигирма тўрт саҳифа қоғозни тўлдирди. Улуғ Онанинг ҳақиқатда мавжуд мол-мулклари учта улкан ер-сув майдонини ташкил қилар, улар қирол ёрлиғи билан биринчи колонистларга берилган, лекин кейинчалик қандайдир устомонлик билан ва ҳамиша уруғлари фойдасига амалга оширилган никоҳ шартномалари натижасида Улуғ Онанинг тўла хусусий мулкига айланган эди. Бешта вилоятда жойлашган ҳамда хўжайинлар лоақал битта ҳам уруғ экмаган чексиз ва бўш ерларда уч юз эллик иккита оила ижарагир бўлиб яшарди.

Ҳар йили туғилган кунларида Улуғ Она бу хўжаликлардан салмоқли ўлпон йиғиб олар ва бу билан мазкур ерлар давлатга абадий қайтиб берилмаслигини кўрсатиб қўярди.

Пешайвонга чиқариб қўйилган оромкурсида гердайиб ўтирган Улуғ Она унинг мулкларида яшаш ҳуқуқини бериш учун ижарачилардан ҳақ оларди. Унинг ота-боболари ҳам ўз вақтида ҳозирги ижарачиларнинг аجدодларидан ҳақ олган эдилар. Ҳукмдорнинг ҳовлиси мол-дунёга тўлиб кетарди – одамлар уч кун мобайнида бу ерга чўчкалар, куркалар, томорка

ва боғлардан олинган биринчи ҳосилни ва жами ҳосилнинг ўндан бирини олиб келишарди. Кўпол ҳисоб-китобларга қараганда, юз минг гектардан ошадиган қўл урилмаган ерлардан Улуғ Онанинг уруғи оладиган ҳақнинг миқдори ана шунча эди. Тарих тақозоси билан бу майдонларда пойтахт Макондони ҳам кўшиб ҳисоблаганда, етгита шаҳар қад кўтарди, лекин фақат яшайдиган уйларигина шаҳарликларники бўлиб, улар ўз уйларида яшаш учун Улуғ Онага куртдай қилиб тўлашарди. Фақат бугина эмас, давлатнинг ўзи ҳам кўчалар ва майдонлар учун унга сахийлик билан ҳақ тўларди.

Хукмдорнинг беҳисоб чорваси истаган жойида ўтлаб юрарди. Ташналикдан тинкаси қуриган ҳайвонлар Макондонинг энг узок гўшаларида санқиб юришарди. Аммо уларнинг сағрисига осиглик қулф шаклида урилган тамғалар Улуғ Онанинг кудрати тўғрисидаги афсонанинг янада кўпиришига хизмат қиларди. Хукмдорнинг отхонаси ҳали фуқаролар уруши вақтидаёқ хийла бўшаб қолган ва бора-бора омборга айланган эди. Бу ерда эски, ишдан чиққан шоли янчадиган машина, бузук шакарқамиш тахтакачи ва бошқа ашқол-дашқоллар сақланарди. Бунинг сабаблари тўғрисида бош котириш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Улуғ Онанинг бойликлари рўйхатида олтин ёмбига тўла учта машҳур кўза ҳам бор эди. Бу кўзалар аллақачонлар бўлиб ўтган Мустақиллик уруши вақтида хукмдор уйининг қайсидир махфий жойига кўмиб қўйилган ва кунт билан тўхтовсиз олиб борилган қидирувга қарамай, ҳануз топилмаган эди. Ижарагирлардан ер ҳақини, биринчи ҳосил, ҳосилнинг ўндан бири ва шу сингари бошқа тўловларни олиш ҳуқуқини қўлга киритган меросхўрлар ҳар сафар қазув ишларининг пухта ўйланган ва мукамал режасини ҳам олишар ва муваффақият қозонишларига астойдил ишониларди.

Макондо шоҳлигидаги барча кўзга кўринарли бойликларини санаб адоғига етиши учун Улуғ Онага роппа-роса уч соат вақт керак бўлди. Ўлим тўшагидаги кампирнинг овози дим хонада аниқ-равшан эшитилар ва тилга олинган ҳар бир нарсанинг қимматини алоҳида таъкидлаб кўрсатаётганга ўхшарди. Ниҳоятда қимматли қоғозга Улуғ Она ўргимчаксимон имзо чекди, унинг остига иккита шоҳид қўл қўйди. Шунда Улуғ

Онанинг уйи олдида, чанг босган бодом оғочи остида кутиб турган тумонат оломон енгил тин олди.

Шундан кейин Улуғ Она, ўз ахлоқий тушунчаларига кўра, ўзининг моли деб ҳисоблайдиган барча нарсаларни батафсил санашга ўтди. Маҳобатли ёнбошларига таянган Улуғ Она ақл бовар қилмайдиган ирода кучи билан ўзини тикланиб ўтиришга мажбур қилди, ҳатто, ўлими олдидан ҳам улуғворлигини унутмайдиган барча аждодлари шундай қилар эдилар, ҳамда қатъий ва амирона оҳангда бурро-бурро қилиб, беҳисоб хазиналарини ёдаки санай бошлади:

«Ер ости бойликлари, худудий сувлар, давлат байроғининг ранглари, миллий суверенитет, анъанавий сиёсий партиялар, инсон ҳуқуқлари, инсон эркинликлари, биринчи ва иккинчи боскич судлари, ҳакамлар суди, тавсия мактублари, тарихий тараққиёт қонунлари, энг муҳим нутқлар, эркин сайловлар, гўзаллик танловлари, умумхалқ шодиёналари, латофатли сеньоралар, интизомли хушторлар, олийжаноб зобитлар, Руҳоний Ҳазрати Олийлари, Олий суд, олиб кириш тақиқланган моллар, либерал кайфиятдаги хонимлар, тил софлиги муаммоси, гўшт етиштиришнинг келажаги, бутун дунёга ўрناق бўлишга арзирли хулқ-атвор, ўрнатилган ҳуқуқ-тартибот, эркин ва ҳақ сўзни ёзадиган матбуот, Атенеум Жанубий Америка маданият маркази, жамоатчилик фикри, демократия сабоқлари, насроний ахлоқи, валюта танқислиги, сиёсий бошпана ҳуқуқи, коммунистик таҳдид, доно давлат сиёсати, кундан-кунга ортиб бораётган қимматчилик, республикачилик анъаналари, жамиятнинг камбағал қатламлари, бирдамлик номаси ва...»

Охирига етказишга муваффақ бўла олмади. Бунчалик узоқ санок ақл бовар қилмайдиган ирода кучининг сўнгги шиддатини кесди. Икки асрдан буён уруғининг чексиз ҳукм-фармолигининг негизи бўлиб келган ахлоқий, бинобарин, ҳуқуқий мавҳум формулалар ва тушунчалар гирдобида бўлган Улуғ Она қаттиқ кекирди ва жон таслим қилди.

Узоқ ва булутли пойтахт аҳли ўша кечаси барча шошилинч хабарларда йигирма яшар аёлнинг суратини кўрди ва бу янги гўзаллик қироличаси бўлса керак, деб ўйлади. Газеталарнинг тўртта саҳифасини эгаллаган каттайтирилган суратларда Улуғ Онанинг ўтмишдаги ёшлиги акс этди. Шоша-пиша сайқал

берилган суратда у куюқ сочлари суяк терисидан ишланган тарокда таралган, чиройли турмакланган, кўнгил сушт кетадиган кунгураддор кўкракларининг ораси тўғноғич билан бириктирилган ҳолда тасвирланган эди. Улуғ Онанинг аср бошида Макондога келган сайёҳ-фотограф томонидан олинган сурати газета архивларида сабр билан ўз вақтини кутиб ётган ва, ниҳоят, толе ёр бўлиб, келгуси авлодлар хотирасида қолиш имконияти пайдо бўлган эди.

Шалоғи чиққан автобуслар, вазирликларнинг лифтлари, деворларига унниққан гиламлар осилган ғамгин ошхоналарда безгак юртида, чидаб бўлмайдиган жазирама ўлкада вафот этган ҳазрати олиялари тўғрисида, Улуғ Она ҳақида хурмат билан шивирлашиб гаплашишарди, чунки матбуотнинг сеҳрли кучи бир неча соат ичида унинг номини жаҳонга машҳур қилган эди.

Майдалаб ёғаетган ёмғир сийрак йўловчиларнинг юзларига оҳиста уриларди. Барча черковларнинг кўнғироклари мархуманинг шарафига даранглай бошлади. Тўққизта зобитнинг ўқув юртини битиришига бағишланган тантанали маросимга тайёрланаётган Республика Президенти қўққисдан қайғули хабар олгач, ўша заҳотиёқ телеграмманинг орқасига ўз кўли билан ҳарбий вазирга бир неча калима битди ва унга якуний нутқида бир дақиқалик сукут билан Улуғ Онанинг хотирасига хурмат бажо келтиришни топширди.

Бу ўлим шу заҳоти мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётига таъсир ўтказди. Ҳатто, миллатнинг қизиқишию кайфиятлари ҳақида тозаловчи сузгичдан ўтган хабарлар бериладиган Республика Президенти машина деразасидан сукунат кўйнида қотиб қолган шаҳарни томоша қилаётиб, қандайдир ачиштирадиган, оғир ҳиссиёт гирдобиди қолди. Шаҳарда фақат ёмон ном чиқарган ковоқхоналар ва тўққиз кунлик тантанали маросимга шай турган Бош маъбад эшиклари очик эди, холос.

Дорий услубида ишланган устунлар ва мархум президентларнинг соқов ҳайкаллари бошпанасиз, эски газеталар ёпиниб ётган гадоларнинг уйқусини ғамхўрлик билан кўриқлаётган Миллий мақбаранинг рўпарасидаги Конгресс деразаларидан даъваткорона ёрқин ёғду сочилиб турарди. Умумхалқ мотамидан ларзага тушган Биринчи вакил ўз кабинетига ки-

рар экан, ҳаммаси бирдай мотам боғичи боғлаб олган, ранги ўчган ва одатдагидан тантанавор кўринадиган вазирлар оёққа қалқдилар.

Олий мартабали давлат аъёнлари чинакамига одамгарчиликка риоя қилганлари учунгина эмас, балки қарашлари бири-бирига мутлако зид, умуман, бир-бирига қарши томонлар қахрамонона фидокорлик кўрсатиб, умумий миллий ғоя – Улуғ Онани дафн қилиш масаласида ўзаро келишувга эришганлари учун ҳам вақти келиб, бу ва кейинги кечалари бўлиб ўтган воқеаларни тарихнинг улуғ сабоқлари даражасига кўтаришади. Улуғ Она сохта сайлов бюллетенлари солинган учта кути туфайли Макондо шоҳлигида узоқ йиллар мобайнида ижтимоий тинчлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаб келди. Табиийки, бу қутилар ҳам унинг махфий мулкининг таркибий қисми эди.

Ҳукмфармонинг уйида яшайдиган барча эркаклар – хизматкорлар, ижарагирлар, кексаю ёшлар фақат сиёсий сайловларда иштирок этибгина қолмай, шу билан биргаликда кейинги асрда ўлиб кетган вакилдорлар ҳуқуқларидан, албатта, фойдаланар эдилар. Улуғ Она анъанавий ҳокимиятнинг янги, беқарор йўлбошчилардан, ҳукмрон синфнинг қора халқдан, боқий дунё азалий кадриятларининг фоний дунё ўткинчи акидаларидан устунлиги рамзи эди. Тинчлик вақтлари Улуғ Она одамларни шахсан ўзи сийлар ёки жазолар, руҳонийларни мансабга тайинлар ёки бўшатар, тарафдорларининг фаровонлиги тўғрисида қайғулар, махфий фитналар уюштирар, шу билан бирга, сайлов бюллетенларини сохталаштиришга олий фармонлар берар эди. Алғов-далғовли йилларда Улуғ Она ўз иттифоқчиларига яширинча қурол-яроғ етказиб берар, ўз қурбонларига бўлса, очиқдан-очиқ кўмаклашарди. Унинг ҳеч кўрилмаган ватанпарварлик саъй-ҳаракатлари энг юксак мукофотлар билан тақдирланган эди.

Республика Президенти фуқаролар олдидаги ўз тарихий масъулияти даражасини бу гал маслаҳатчиларнинг йўл-йўриғисиз ўзи белгилашни хоҳлаб қолди. У сарв дарахтлари қорайиб турган боғчада қадамлаб бироз кезди. Мустамлака бошқарувининг охирларида бу ерда севгида толе кулиб бокмаган португалиялик бир роҳиб ўзини осиб ўлдирган эди. Президент шахсий тансоқчиларига – кўкси нишонга тўла

кўпдан-кўп зобитларига унчалик ишонмасди, шунинг учун ҳам тош ётқизилган ҳовлиси бўлган тантаналар зали билан боғланган бу боғчага қош қорайган вақтлари кириб қолса, ҳар гал этлари жимирлаб кетарди. Тош ётқизилган ҳовлида ўтмиш замонларда вице-қиролларнинг каретаси турарди. Лекин бу кечаси Президентнинг фикри жуда равшанлашди, чунки у зиммасига юклатилган буюк вазифанинг чуқур моҳиятини англаб етди ҳамда тўққиз кунлик умумхалқ мотами эълон қилиш ва Улуғ Онага вафотидан сўнг ватан озодлиги учун жангда ҳалок бўлган Миллий қаҳрамонга кўрсатиладиган даражада иззат-ҳурмат бажо келтириш тўғрисидаги фармонга ҳеч иккиланмай имзо чекди. Ватандошларга кўтаринки руҳдаги мурожаатида (бу мурожаат сахармардондан радио ва телевидениенинг барча каналлари орқали берилди) Президент Улуғ Онанинг жанозаси тарихий воқеа бўлишига ишонч билдирди. Бироқ, бундай улуғ мақсадни амалга оширишга ғоят жиддий тўсиқ халақит бериши маълум бўлди. Улуғ Онанинг узоқ аждоглари томонидан барпо этилган Макондо ҳуқуқ тизимида бу даражадаги улкан ходиса назарда тутилмаган эди. Қонунларни сув қилиб ичиб юборган тажрибали алкимёгарлар ва бағоят доно ҳуқуқ докторлари фидокорона равишда Президентга Улуғ Онанинг жанозасида қатнашиш имконини берадиган формулаларни ахтариб, силлогизмлар ва герменевтика чангалзорларида излана бошладилар. Сиёсий, молиявий ва диний мартабадаги кишилар учун мушкул кунлар бошланди. Миллий озодлик кураши қаҳрамонларининг портретлари ва буюк юнон файласуфларининг ҳайкаллари савлат тўкиб турган Конгресснинг кенг ва ярим доирали залида мавҳум қонунчиликнинг дим ҳавосида ўтириб, Улуғ Она шарафига тўхтовсиз мактовлар ёғдирилди, ҳолбуки, бу вақтда Макондонинг сентябрдаги жазирама иссиғи таъсирида мурдада беҳисоб пуфакчалар пайдо бўла бошлаган эди. Улуғ Она тўғрисида гапиришар экан, илк бора унинг тўқима тебранма оромкурсисини, тушдан кейин қарахт бўлишини, баданига кўйиладиган хантал қоғозларни тилга олишмаётган эди. Эндиликда бу бокира ўтган йиллар юкидан озод бўлган ва у ҳақда янги афсоналар тўқилаётган эди.

Тугамайдиган соатлар сўзлар ва сўзлар билан тўлиб-тошиб борар, бу сўзлар матбуот доҳийларининг саъй-ҳаракатлари

билан Республиканинг бутун худудида жўшқин акс садо бераётганди. Воқеликни тўғри идрок этиш туйғуси ато этилган, кимдир ҳарорат сояда қирк даражага кўтарилган бир вақтда, Улуғ Онанинг жасади масала ҳал қилинишини кутиб ётганини олий машваратга эслатмагунча ва бепушт қонунчи оталарнинг даҳанаки жанглари бўлмагунча бу ишлар давом этаверди. Аммо, барқарор Қонуннинг пок муҳитига оқилона фикрни олиб киришга уринишларга ҳеч ким эътибор ҳам бергани йўқ. Улуғ Онанинг жасадини мўмиёлашни буюришди холос ва яна янги формулалар ахтаришга киришиб кетишди, яна мувофиқлаштиришди, баҳслашишди, Конституцияга ўзгартириш киритишди, бу ўзгартиришлар Президентга тантанали дафн маросимида қатнашиш имконини берди.

Юқори мартабали вайсакилар томонидан шунчалик кўп гап сотилдики, бу гаплар давлат сарҳадларидан ўтиб, океан ошиб, Кастельгандольфодаги Папа ҳазратларига аён бўлди. Алоқчалоқ туш ваҳимасидан зўрға халос бўлган Олий Руҳоний ҳазратлари ваҳшийларча ўлдирилган қизнинг бошини кўл тубидан қидираётган ғаввосларга ўйчан тикилиб турарди. Кейинги ҳафтада газеталар фақат шу даҳшатли воқеа тўғрисида ёзишган ва Олий Руҳоний ҳазратлари унинг ёзги резиденцияси яқинида содир этилган бу жиноят сирига бефарқ қололмасди. Бироқ ўша оқшом ҳаммаси бирданига ўзгариб кетди, тахмин этилган қурбонларнинг суратлари газеталардан бирданига йўқ бўлди ва уларнинг ўрнида қора ҳошия ичида йигирма ёшли қизнинг портрети пайдо бўлди. «Улуғ Она!» – хитоб қилди Олий Руҳоний ҳазратлари. Қанча замонлар олдин Авлиё Пётр тахтига ўтириши муносабати билан унга совға қилинган ноаниқ тасвирни, у шу заҳотиёқ таниди. «Улуғ Она!» – дея бир овоздан оҳ уришди, ўз идорасида ўтирган кардиналлар коллегияси аъзолари. Бепоён насронийлар империясининг боши устида йигирма аср ичида учинчи марта бесаранжомлик, чалкашлик, тартибсиз югур-югур гирдоби чарх урди. Бу охир-оқибат Олий Руҳоний ҳазратларини узун қора қайиққа ўтказиш билан яқунланди. Қайиқ узоқ сафарга, Улуғ Онанинг фантастик жанозасига йўл олди.

Гуллаган шафтоли боғлари, эски Аппия йўли орқада қолди. Бу ерларда қуёш бениҳоя қайғули воқеадан беҳабар қолган

киноюлдузларининг баданини яйратар эди. Кастельсанта-желонинг маҳобатли тоғлари, уфқда элас-элас кўринаётган Тибр дарёси кўздан ғойиб бўлди. Авлиё Пётр маъбадида тортилаётган оҳ-воҳлар Макондо черковларидаги хўрсиниқларга кўшилиб кетди.

Рим империяси билан Улуғ Онанинг муқаддас мулкларига чегарасида жойлашган гадой топмас ботқоқликлардаги чакалакзорлардан одам ҳидидан безовталанган маймунларнинг чинқириқлари эшитила бошлади. Бу чинқириқлар қалин пашшахона ичида димдан азоб тортаётган Олий Руҳоний ҳазратларининг тинкасини қуритди. Тун қоронғисидан Папанинг каттақон қайиғи турли озиклар солинган қоплар, кўм-кўк банан шодалари, паррандалар солинган қафаслар ва, табиийки, эркаклар ва аёллар билан тўлди. Улар толеини синан ва Улуғ Онанинг жанозаси маросимида ўз молларини сотиб фойда кўриш умидида ишларини ташлаб чиққан эдилар. Христиан черкови тарихида биринчи марта Ҳазрати Олийлари уйқусизлик ва тропик ҳашаротлар чақиши сабабли эти увишиб, қалтираётган эди. Аммо Ҳукмдор Кампир замини устида отаётган тонгнинг сеҳрли ранглари, игуана ва гуллаётган хинагулнинг азалий гўзаллигини кўриб, барча саёхат кийинчиликлари шу заҳоти Папанинг ёдидан кўтарилди ва бундай фидокорлиги учун яхшиликлари ўзига минг чандон бўлиб қайтди.

Никанор эшикни уч бора тақиллатишларидан уйғониб кетди. Бу Ҳазрати Олийларининг ташрифидан дарак эди. Уйдан мотам ҳавоси уфурарди. Президентнинг бўёқдор ва жангдор нутқлари, депутатларнинг қизғин баҳслари (улар бақиришавериб аллақачон бўғилиб қолган ва бир-бири билан имо-ишоралар орқали гаплашишаётганди) туфайли юзлаб одамлар иссиқ гўшаларини тарк этиб, кимдир ёлғиз ўзи, кимдир катта гуруҳларга кўшилиб, Улуғ Онанинг уйига етиб келиб, йўсин босган зинапоя майдончалари, дим болохоналар ва қоронғи даҳлизларни тўлдирди бошлади. Кечикканлар бўлса, шинақлар, кузатув миноралари, тирқишлар, хуллас, дуч келган жойда кўним топдилар. Асосий ҳашаматли залда эса, Улуғ Онанинг мўмиёланган жасади олий қарорни кутиб ётар, устидаги телеграммалар борган сари тоғдай юксалиб борар эди. Кўз ёши тўкавериш ҳолдан тойган аёл ва эркак жиянлар

Ўзаро бадгумонлик жазавасига тушиб, жасаддан бир қадам ҳам узоқлашмаётгандилар. Жасад аста-секин курукшаб борарди.

Хуллас, жаҳон яна анчагача асабий кутиш ҳолатида яшадди. Муниципалитет залларидан бирида девор бўйлаб устига чарм сирилган курсилар, стол устига тозаланган сув солинган графин қўйилган эди. Бу ерда уйқусизликдан азоб чекаётган Олий Рухоний ҳазратлари хотира дафтарлари ва фармойишларни ўқиш билан дим кечаларни қисқартиришга уринаётган эдилар. Кундузлари у дераза остида уймалашаётган болаларга италян конфетлари улашар, чирмовуқгуллар билан ўралган шийпончада Антонио Исабель ота, гоҳида Никанор билан узундан-узоқ тушлик қилар эди. То майдон ўртасига Пастор Пастран чиқиб, барабанлар садоси – трам-тарарам–там-пам – остида Олий Кенгаш қарорини эълон қилгунга қадар у ана шундай, тинкани қуритадиган иссиқ кунларни тугамайдиган ҳафталарга, ҳафталарни ойларга улаб яшайверди. «Давлат ва хавфсизлигига таҳдид солувчи жамоат тартиби бузилиши ҳоллари кўпайганлиги муносабати билан Республика Президентига – трам-тарарам–там-пам – фавқулодда ваколатлар берилади, – трам-тарарам–там-пам, бу ваколатлар унга Улуғ Онанинг жанозасида қатнашиш ҳуқуқини беради! Трам-тарарам–там-пам!»

Тарихий кун етиб келди. Барваста ёйандозлар тезлик билан кўчалардан одамларни ҳайдаб, республика пешволарига йўл очдилар. Кўчалардаги дўкончалар, қимор, лотерея ўйингоҳларининг пештахталари олдида одамлар ғужғон ўйнар, кичкина майдон узра пашшахоналар тортилган, бу ерда бўйнига илон ўралган фолбинлар ўтирар, улар сарамас касалини даф қиладиган ва ажалдан асрайдиган дориворлар сотар эдилар. Сан-хорхелик кир ювувчи аёллар, Кабо-де-велалик марварид изловчилар, сиенагилик ов тўри тўқувчилар, тасажералик қисқичбақа дудловчилар, моханалик табиблар, мануарелик туз қайнатувчилар, вальедупаралик аккордеончилар, аяйпелялик от ўргатувчилар, Сан-пелайолик папайя сотувчилар, да-куэвалик лагифагўйлар, Лас-Сабанас-де-боливарлик оркестр мусиқачилари, ребололик юк ташувчилар, магдаленалик бекорчилар, момпокслик лўттибозлар, ҳикоя бошида тилга олинганлар ва яна кўплаб кишилар завқ-шавқ билан олий

лаҳзаларни қимирламай кутиб туришарди. Ҳатто, тантанали форма кийган, тирноқ ва тишлари бўлган, йўлбарс териси ёпинган полковник Аурелиано Буэндианинг ветеранлари герцог Мальборо бошчилигида Улуғ Она ва унинг яқинларига бўлган юз йиллик аламини ичига ютиб, етмиш йилдан бери беҳудага кутаётган ҳарбий пенсия тўғрисидаги илтимосномани Президентга топшириш учун дафн маросимида етиб келишган эди.

Эрталабки соат ўн бирда жазирама иссиқдан жинни бўлаёзган оломон (унинг шиддатли сиқувини гусарлар кийими, жиғали қалпоқ кийган, сараланган, вазмин тартиб посбонлари зўрға ушлаб турарди) завкланиб, бирдан бўкириб юборди. Телеграф биноти бурчагидан қора костюм-шим, қора, цилиндрсимон шляпа кийган вазирлар ва Президентнинг ўзи, уларнинг орқасидан – парламент комиссияси, Олий суд, Давлат кенгаши, анъанавий сиёсий партияларнинг аъзолари, олий диний арбоблар, банкларнинг эгалари, савдо ва саноат пешволари савлат тўкиб, салобат билан тантанали юриб келаверди. Сочлари тўкилган, пакана, анча ёшга бориб қолган Республика Президенти қачондир орқаворатдан уни олий ҳукмдор қилган ва у ҳақиқатан ҳам бор эканини эндигина кўриб турган кишиларнинг ҳайратомуз нигоҳлари остида майда қадам ташлаб борарди. Унинг ёнида ўз қадр-қимматини англашдан янада оғирлашган архиепископлар ва орденларининг кўплигидан ўқ ҳам тешиб ўтолмайдиган кўкракларини керган қўмондонлар юриб боришарди, лекин фақат Президентдангина олий ҳокимият ёғдуси ёғилар эди.

Ипақдан тикилган мотам кўйлақларининг бир маромдаги шитирлаши остида бугун ва келажак қироличалари иккинчи оқимда сузиб боришарди. Дунё қироличаси орқасидан биринчи марта ялтироқ, башанг кийинмаган манго қироличаси, яшил айуяма қироличаси, гвинея банани қироличаси, унли юкка қироличаси, гуайява қироличаси, кокос мойи қироличаси, қора ловия қироличаси, игуана тухумининг икки юз йигирма олти метрлик боғлами қироличаси ҳамда бу ерда тилга олинмаган ва санаб адоғига етиб бўлмайдиган бошқа қироличалар боришарди. Агар бу қироличаларнинг ҳаммасини эслайдиган бўлсак, узундан-узук рўйхатни ўкиб адо қилгунча ўқувчи чарчаб қолиши турган гап.

Фоний дунёдан саккизта мис таглик билан ажратилган ва бошдан-оёқ абадият формалинига тўйинган ҳолда қизил гажимли тобутда ётган Улуғ Она ўз кудратининг бутун буюклигини англаб етолмас эди. Дим ҳавода айвонда ўтирган чоғлари орзу қилган барча нарсалар мана, энди, қирқ саккизта мадхия янграган пайтда рўёбга чиқди. Бутун бир даврнинг тимсолига айланган олий мартабали зотлар унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Марҳума ўлими олдидан алахсираганида кўзига Папанинг Ватикан боғлари устидан олтин аравада учиб ўтаётгани кўринган эди. Энди бўлса, тропик жазирама иссиқдан пальма елпиғичи ёрдамида кутулган Олий Рухоний ҳазратларининг ўзлари мўътабар ташрифлари билан жаҳонда энг тантанали жанозада ҳозир бўлиб, марҳуманинг руҳини шод қилдилар.

Мисли кўрилмаган маросим шохиди бўлган оддий одамлар гарангсиб, ҳукмфармо уйи остонасида содир бўлаётган очкўзларча талашишларни кўздан қочирдилар. Бу ерда энг машҳур зотлар талашиб, даҳанаки жанг қилишди, пировардида уларнинг энг зўрлари Улуғ Онанинг тобутини кўтариб чиқиш шарафига муяссар бўлди. Макондонинг тандирдек қизиб ётган кўчаларидан илгарилаётган мотам кортежи орқасидан сузиб келаётган қузғунларнинг қўрқинчли соясига ҳеч ким эътибор қилмади. Маросимдан кейин барча кўчаларда қўланса чиқиндилар қолганини ҳеч ким кўрмади. Улуғ Онанинг аёлу эркак жиянлари, сиғиндилари ва эркатойлари, шунингдек, қароллари ҳам жасадни олиб чиқишди дегунча, полларни, деворларни бузиб, эшикларни кўчира бошладилар, бир сўз билан айтганда, кадрдон уйни бўлишиб олишга киришдилар. Лекин икки ҳафталик тиловат қилишлар, мадхия ўқишлардан сўнгра каттакон қўрғошин тахта билан қабрнинг устини ёпишган чоғларида оломоннинг каттиқ уҳ тортиб, енгил тин олганини уларнинг ҳаммаси эшитди.

Янги давр бошланганининг гувоҳи бўлаётганликларига бу ерда ҳозир бўлган баъзи кишиларнинг фаҳм-фаросати етди.

Гуноҳларга ботган бу дунёда ўзининг буюк вазифасини ўтаб бўлган Олий Рухоний ҳазратлари энди нариги дунёга риҳлат қилса ҳам бўлаверарди. Энди Президент давлатни

Ўзи хоҳлагандай бошқариши мумкин эди, бугун ва ўтмиш кироличалари энди севган кишиларига турмушга чиқишлари, бола туғишлари, оддий одамлар бўлса, бундан кейин Улуғ Она мулкнинг исталган жойида пашшахона қуриши мумкин эди. Чунки бандалар орасида бунга қарши чиқиши мумкин бўлган ва бунинг учун чексиз ҳокимиятга эга бўлган Улуғ Онанинг ўзи қўрғошин тахта оғирлиги остида чирий бошлаган эди.

Эндиликда уй олдидаги ўриндикда ўтириб олиб, ҳаммасини қандай бўлган бўлса, шундайича айтиб берадиган одамни зудлик билан қидириб топиш вақти келди. Унинг ҳикояси келгуси авлодларга сабоқ бўлсин ва қулдирсин, қавлсиз кимсаларнинг бари битта ҳам қолмай бу тарихни билиб олсинлар, бўлмаса бир фалокат юз беради-ю, чоршанба куни эрталаб серғайрат фаррошлар келади-да, Улуғ Онанинг тарихий жанозасидан қолган барча ахлатларни супуриб ташлайдилар.

«Үн иккитә сайёх  
ҳикоя» китобидан



---



## ПРОЛОГ

*Нима учун ўн иккита,  
нима учун ҳикоялар  
ва нега сайёҳ*

Ушбу тўпламга кирган ўн иккита ҳикоя кейинги ўн саккиз йил давомида ёзилди. Бу шаклга киргунга қадар улардан бештаси журналист қайди, киносценарий, биттаси телевизион сериал сценарийси шаклида эди. Яна биттасини эса, ўн беш йил аввал бир мулоқотда сўзлаб берган, суҳбатдош дўстим уни магнитофонга ёзиб олган ва кейинчалик эълон қилганди, энди бўлса, мен ўша нақлга асосланган ҳолда уни янгидан ёзиб чиқдим. Бу ғайриодатий ижодий тажриба эди ва, ҳеч бўлмаганда, ёзувчи бўлишга ҳаракат қилаётган ёшлар бу иллат – тинкани қуритадиган ёзиш иштиёқини асло кондириб бўлмаслигини билиб қўйишлари учун бу ҳақда сўзлаб берса арзийди.

Ижодий ният биринчи марта етмишинчи йилларнинг бошида, башоратли туш кўрганимда туғилган эди. Ўша вақтда Барселонада яшаётганимга беш йил бўлганди. Тушимда, гўё ўзимнинг дафн маросимимда иштирок этаётган эмишман. Тантанали дафн маросимига мос кийинган дўстларим билан кетиб бораётган эмишман, лекин ҳаммамизда байрам кайфияти ҳукмрон эмиш. Таассурот шундайки, бирга эканимиздан ҳаммамиз бахтиёрмиз. Ўлим Лотин Америкасидаги энг эски, энг суюкли дўстларим билан яна бирга бўлишдек ажойиб имкониятни бергани учун ҳаммасидан бахтиёри – мен эмишман. Дўстларим билан узоқларга кетмоқчи бўлармишман, лекин улардан бири мен учун байрам тугаганини менга қатъий ва кескин қилиб тушунтириб қўяр эмиш. «Энди биз билан кета олмайдиган ягона киши – сенсан» дер эмиш у. Шундагина мен, ўлим – дўстлар билан ҳеч қачон бирга бўлолмаслик, дегани эканини тушуниб етдим.

Негадир мен бу ибратли тушни ўзлимни, ўз мохиятимни англаш тарзида таъбирладим ва бу – Европага келган Лотин америкаликларнинг бошига тушадиган ғалати ҳодисалар тўғрисида ёзиш учун яхшигина замин бўлади, деб ўйладим. Бу умид бахш этадиган топилдиқ эди; мен яқиндагина «Патриархнинг кузи»ни, балки, ўзимнинг энг қалтис ва оғир ишимни битирган ҳамда энди нима қилишимни билолмаётган эдим.

Калламга келган мавзуларни икки йил давомида қоралаб бордим, лекин уларни нима қилиш кераклиги тўғрисида ҳали бир қарорга келмагандим. Ёзишга киришган оқшомим қоғозим йўқ эди ва болаларим менга мактаб дафтарини беришди. Кейинчалик бизнинг тез-тез бўлиб турадиган сафарларимиз вақтида йўқолиб қолишидан чўчиб, дафтарни ўзларининг папкаларида олиб юришди. Шундай қилиб, олтмиш тўртта мавзунини шунчалик батафсил қоралаб чиқдимки, ўтириш ва китобни ёзиш қолган эди, холос.

1974 йилда Барселонадан Мексикага қайтиб келганимда бу китоб олдин ўйлаганимдай роман эмас, журналистик далилларга асосланган кичик ҳикоялар тўпламидан иборат бўлиши кераклиги менга аён бўлди. Нафосатли поэзия санъати туфайли улар бадийлашиб, унутилишдан қутулиб қолган бўларди. Ўшангача мен учта ҳикоялар тўпламини ёзгандим. Бироқ, уч китобдан лоақал биттаси ҳам бир бутун асар тарзида ўйланмаган, ҳар бир ҳикоя ўз-ўзича мустақил ва тасодифий эди. Шунинг учун ҳам олтмиш тўртта ҳикояни ўқувчи онги шуурида чамбарчас боғланадиган йўсинда, оҳанг ва услубнинг ички бирлигига риоя қилган ҳолда бир ўтиришда ёзиб ташлай олсам, жуда ғаройиб иш бўлган бўларди.

Дастлабки иккита ҳикоя – «Қорда қолган қон изларинг» ва «Сеньора Форбеснинг бахтли ёзи»ни мен 1976 йилда ёздим ва дарҳол турли мамлакатларнинг адабий журналларида эълон қилдим. Бир кун ҳам дам олмасдан қаттиқ ишлай бошладим, лекин учинчи, яъни менинг дафн маросимим ҳақидаги ҳикоянинг ярмига келганда роман ёзгандагига қараганда кўпроқ чарчаганимни ҳис қилдим. Тўртинчи ҳикояни ёзаётганимда ҳам шундай бўлди. Қисқаси, ишни охирига етказиш учун менда на мадор, на иштиёқ қолди. Нега шундай

бўлганини энди тушунаман: катта роман ёзишга киришганда қанча куч керак бўлса, кичик ҳикоя ёзганда ҳам шунча куч сарфлайсан. Романнинг илк сатрлариданоқ ҳамма нарсани: қандай, қайси оҳангда, маромда ёзиш кераклигини белгилаб олиш, асар қанчалик узун бўлишини билиш, кўп ҳолларда эса, ҳатто, қайсидир персонажнинг характери тасвирлаш керак бўлади. Қолганларининг ҳаммаси – ёзиш жараёнининг ўзидан лаззатланишдир. Бу эса тасаввурга сиғдириш мумкин бўлган даражада ўз дунёсига чуқур ғарқ бўлишни, ёлғизликни тақозо қилади. Агар умрингнинг охирига қадар романни тузатиш ва қайта ёзишни давом эттирмасанг, бунинг ягона сабаби шуки, китоб ёзишни бошлаш учун керак бўлган ўша темир куч сени асарга нуқта қўйишга мажбур қилади. Ҳикоя ёзишга киришганда эса, унинг боши ҳам, охири ҳам бўлмайди: иш дарҳол қовушади ёки қовушмайди. Агар дарҳол қовушмаса, унда, буни ўз тажрибам ва ўзгаларнинг тажрибасига кўра биламан, кўп ҳолларда ҳикояни янгидан ва бошқача қилиб ёзган ёки ёзганингни ахлат қутисига ташлаб юборган яхшироқ. Кимдир (кимлиги эсимда йўқ) бу ҳолатни кишига тасалли берадиган қуйидаги ибора билан жуда ўхшатиб ифодалаган эди: «Эълон қилган асаридан кўра, йиртиб ташлаган асарига қараб ёзувчининг қанчалик зўр эканлиги билинади». Тўғриси айтганда, мен қоралама ва хомаки нусхаларимни йиртиб ташлаган эмасман, ундан ҳам баттарроқ иш қилганман: уларни, умуман, унутиб қўйганман.

Бу дафтар 1978 йилгача Мексикада ёзув столими устидаги қоғозларга қоришиб ётганини эслайман. Бир куни бошқа нарсани кидира бошладим ва дафтарга анчадан буён кўзим тушмаяпти, деб ўйладим. Аввалига ташвишланганим йўқ. Лекин дафтар ҳақиқатан ҳам стол устида йўклигини кўриб, чинакамига қўриқиб кетдим. Уйда мен кидирмаган тиркиш қолмади. Мебелларни у ёқдан-бу ёққа сурдик, жавондаги китоблар орқасига тушиб қолмаган бўлсин деб уларни олдик, уялмай-нетмай хизматчилар ва дўстларимизни саволга тутдик. Бари беҳуда кетди. Мумкин ёки мақбул бўлган ягона изоҳ шуки, столимининг устини тозалаётган вақтимда, мен бу ишни тез-тез қилиб тураман, дафтарни бошқа қоғозларга қўшиб, чиқинди қутисига ташлаб юборган бўлсам керак.

Бу ҳодисага жавобан қилган хатти-ҳаракатимдан ўзим ҳайратда қолдим: тўрт йилдан бери тушимга ҳам кирмаган мавзуларни эслаш мен учун шон-шараф ишига айланди. Мен нима қилиб бўлса ҳам, худди ёзаётган пайтдагидек зўр бериб, уларни эшлашга урина бошладим ва пировардида улардан ўттизтасининг қораламасини тиклашга муваффақ бўлдим. Мавзуларни эслар эканман, айти чоғда, уларни жиддий сараладим, шу боисдан бир иш чиқмайдигандек кўринганларини кўпам афсусланиб ўтирмай, ташлаб юбордим, натижада ўн саккизтаси қолди. Бу сафар уларни тин олмай, бир ўтиришда ёзиб ташлаш ниятида эдим, лекин кўп ўтмай илхомим сўнганини англадим. Бироқ, бошловчи ёзувчиларга ҳамиша берадиган маслаҳатимга зид ўлароқ, қораламаларни ахлат ўрасига ташлаб юборганим йўқ, балки яна четга олиб қўйдим. Ҳар эҳтимолга қарши.

1979 йилда «Ошқора қотиллик қиссаси»ни ёзаётганимда китоблар орасида танаффус қилиб, ёзиш кўникмасини йўқотиб қўйишимни тушундим, ҳар гал янги иш бошлашим тобора мушкул бўларди. Шунинг учун ҳам 1980 йил октябридан 1984 йил марти оралиғида ҳар ҳафта тартиб-интизомга риоя қилиш ва қалам ўтмаслашиб қолмаслиги учун турли мамлакатларнинг газеталарига мақолалар ёзиб турдим. Айти ўша вақтда бу дафтар устидаги ишимнинг юрмаётгани боиси қораламаларнинг адабий жанрини белгиламаганим билан боғлиқ бўлса керак ва улар, барибир, ҳикоя эмас, газета очерклари бўлиши даркор, деб ўйладим. Дафтардаги қораламалар асосида бешта очерк эълон қилганимдан кейин яна фикримни ўзгартирдим, бу мавзулар кўпроқ киноп. Шундай қилиб кино учун бешта ва телевизион сериал учун битта сценарий ёзилди.

Бир нарсани олдиндан кўра олмадим – газета ва кино учун қилинган иш ҳикоя ҳақидаги тасаввурларимни ўзгартириб юбориши мумкин эди. Бинобарин, бу ҳикояларни ҳозир эълон қилинаётган тарзда ёзаётган вақтимда ўз қарашларимни сценарийлар устида ишлаётганда режиссёрлар киритган ўзгартиришлардан аниқ-пухта, бамисоли жарроҳнинг пинцети билан ажратиб олишимга тўғри келди. Бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида беш нафар ҳар хил ижодий шахс билан бирга ишлаш янги услуб кашф этишимга ёрдам берди: бўш қолдим

дегунча ҳикоя ёзишга киришардим ва чарчаган ёки кўзда тутилмаган қандайдир бир иш чиқиб қолганида, ҳикоя ёзишни кейинга қолдирардим, сўнгра бошқа ишни бошлардим. Шундай қилиб, бир йилдан ўтиб-ўтмай ўн саккизта қораламадан олтитаси ахлат қутисига тушди. Ўзимнинг дафн маросимим ҳақидаги ҳикоя ҳам улар орасида эди, чунки тушимда бошимдан ўтказган қувончли байрам кайфиятини тасвирлашнинг удасидан чиқа олмаган эдим. Қолган ҳикоялар бўлса, узоқ яшайдиганга ўхшайди.

Мана, ўн иккита ҳикоя кирган китоб қўлингизда турибди. Ора-сира танаффуслар қилинган икки йиллик меҳнатдан кейин, ўтган йили сентябрь ойида улар нашрга тайёр бўлди. Шу тариқа бу ҳикояларнинг столдан ахлат қутисига, у ердан столга қилаётган сўнгсиз сафарлари, эҳтимол, охирига етгандай бўлди, лекин сўнги лаҳзада кўнглимга яна бирдан шубҳа оралади. Ҳикояларимда воқеалар Европанинг турли шаҳарларида бўлиб ўтади. Мен бу ерлар ҳақида хотирамга суяниб ёзгандим ва орадан анча вақт ўтганини ҳисобга олиб, деярли йигирма йилдан кейин бу жойларни аниқ эслаганманми ёки йўқлигини текшириш учун Барселона, Рим ва Парижга қисқа танишув сафарига йўл олдим.

Уларнинг биронтаси ҳам хотирамда қолган шаҳарларга ҳеч ўхшамас эди. Бугунги бутун Европа сингари, шаҳарларнинг ҳаммаси назаримда ажиб тарзда аралаш-қуралаш бўлиб кетди: ҳақиқий хотираларим менга хаёлот маҳсули бўлгани ёлғон, тўқиган воқеаларим эса шунчалик ишончли бўлиб туюлардики, уларнинг ростлигига шубҳа қилиб бўлмасди. Шу тариқа қайтган ихлосни ўтмишни кўмсашдан ажратадиган чегарани топиш мумкин эмасдай туюларди. Бу ҳаммасини ҳал қилди. Мен, ниҳоят, китобни тугатиш учун ўзимга етишмаётган энг муҳим нарсани – вақт истиқболини топдим, фақат ўтган йилларгина менга бу имкониятни берди.

Саёҳат кўнгилдагидай ўтди. Қайтганимдан сўнг саккиз ой босим ўтириб, барча ҳикояларни бошдан-оёқ қайта ёзиб чиқдим. Энди ҳақиқий ҳаёт қаерда тугаб, қаерда хаёлот бошланишини ўйлаб бош қотиришимга ҳожат йўқ эди, чунки йигирма йил олдин Европада бошдан ўтказганларимнинг биронтаси чин бўлмаган бўлса керак, деган гумон менга кўмакка

келган эди. Бу гал ҳикояларни бир ўтиришда ёздим ва гоҳо менга ҳикоя қилишдан лаззатланиш учунгина ёзаётганимдек туюларди. Эҳтимол, инсоннинг бу руҳий ҳолати руҳан осмону фалакларга парвоз қилишига кўпроқ ўхшаса керак. Бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида барча ҳикоялар устида тер тўқар ва биттасидан иккинчисига эркин сакрар эканман, мен воқеликни кенг кўришга эришдим, бу эса, мени чарчоқдан ҳамда курук сўзамоллик ва ҳалокатли зиддиятлардан кутқарди. Агар ҳар бир ҳикояни алоҳида-алоҳида бошлаганимда қаттиқ чарчаган бўлардим. Менимча, орзуимдаги китобимга жуда яқин бўлган китобни ёзишга муваффақ бўлдим.

Мана, ниҳоят, бекарор шубҳа-гумонларни барҳам топтириш учун роса курашиб, у ёқдан-бу ёққа тинимсиз саёҳат қилганларидан сўнг ҳикоялар китоб ҳолига келди ва энди уни қўлингизга олишингиз мумкин. Бу ҳикоялар дафтарда қандай бўлса, ўшандай тартибда жойлаштирилди.

Мен ҳамиша ҳикоянинг охириги варианты олдингисидан яхши бўлади, деб ҳисоблаб келганман. Лекин охиригиси қандай бўлиши лозимлигини қаердан билиш мумкин? Бу – касб сиридир ва у ақл-идрок қонунларига эмас, худди ошпаз аёл шўрванинг қачон пишганини билганидек, сезги сеҳрига бўйсунди. Ҳар ҳолда, нечоғлик шубҳалансам-да, ўзимни азобга қўймаслик учун, бу ҳикояларни қайта ўқимамайман. Зеро, мен ўз китобларимни ҳеч қачон қайта ўқимаганман. Уларни ўқиган киши нима қилиш кераклигини ўзи билади. Мазкур ўн иккита сайёҳ-ҳикоянинг қисматига охир-оқибат ахлат қутисига тушиш ёзилган бўлса, бунга ҳам шукр қилиш керак, чунки улар ўз уйига қайтган бўладилар.

*Габриэль Гарсиа Маркес.*



## ОҚ ЙЎЛ, ЖАНОБ ПРЕЗИДЕНТ!

У кимсасиз боғда, сарғайган япроқлар остидаги тахта ўриндиқда ҳассасининг кумуш тутқичига таянган ҳолда, чанг босган оққушларга тикилганча, ўлим ҳақида ўйлаб ўтирарди. Женевага илк бор келган вақтида кўл осуда ва шаффоф эди, кўлга ўргатилган чайкалар учиб келар ва кафтдаги егуликни чўкиб ерди, бурма кўйлак ва ипак шляпа кийиб олган аёллар эса, оқшом соат олтида арвоҳга ўхшаб кўринарди. Уларни пулга ёллаш мумкин эди. Энди бўлса, бўм-бўш соҳилда гул сотувчи аёлдан бошқа кимса йўқ. Вақт фақат унинг ҳаётинигина эмас, теварак-атрофни ҳам ана шундай остин-устун қилишга қодир эканига зўрага ишониш мумкин.

Номаълум кимсаларга тўлиб-тошган бу шаҳарда у ҳам бир номаълум киши эди. Оқ чизиқли тўқ кўк костюм, зарбоф нимча ва истеъфодаги судьялар киядиган дағал шляпада, мўйлови калондимоғ мушкетёрларникига ўхшаб кўкиш товланади, қалин, жингалак сочлари паришон, кўллари баайни арфа чолғувчи аёлларникидек, чап кўлининг номсиз бармоғида бевалигини кўрсатадиган узук, кўзлари масрур. Фақат бироз тиришган терисигина соғлиғини йўқотганини аён этиб туради. Шундай бўлса-да, у етмиш ёшида ҳам ўта пўрим. Аммо ўша тонгда унда манманликдан асар ҳам йўқ эди. Шухрат ва ҳукмронлик даври қайтмайдиган даражада ортда қолиб кетган, энди фақат ўлим замони келганди.

Мартиникадаги врачлар ҳечам аниқлай олмаган касаллигининг сабабини ниҳоят билиб олиш учун иккита жаҳон урушидан кейин Женевага қайтиб келганди. У бу ерда икки ҳафтадан кўп қолмоқчи эмасди, лекин, мана, қарийб олти ҳафта бўлдики, тинкани қуритадиган текширувларга гирифтор қилишди. Бу

текширувларнинг охири йўқдай туюлар, улар аниқ натижа бермаётган эди. Жигари, буйраги, ошқозон ости беши ва проста-та безини текшириб кўришди, ҳолбуки, бу ерларда ишқал йўқ эди. Ниҳоят, уни текширган бир тўда доктордан энг машҳури машъум пайшанба кунларининг бирида асаб хасталиклари бўлимига эрталаб соат тўққизга келишни тайинлади.

Кабинет роҳибларнинг хужрасига ўхшарди. Пакана ва ғамгин докторнинг ўнг қўли бош бармоғи сингани учун гипс-ланган эди. Чироқ ўчгач, экранда умуртқанинг сурати пайдо бўлди. Доктор таёқча билан белдан пастроқдаги икки бўғин бирлашган жойни кўрсатмагунча, у бу умуртқа ўзиники эканини тан олмади.

– Оғриқ мана шу жойда, – деди доктор.

У бу даражада оддий бўлмаса керак, деб ҳисобларди. Чунки оғриқни тушуниб бўлмас, у кезиб юрар, гоҳ ўнг биқинида, гоҳ қорнининг остида пайдо бўлар, тўсатдан чови санчиб қоларди. Доктор унинг сўзларини таёқчани экрандан олмасдан жимгина эшитди.

– Шунинг учун ҳам уни шунча вақт тополмадик-да, – деди у. – Лекин энди билиб олдик, у худди мана шу жойда. – Шундан кейин у кўрсаткич бармоғини чаккасига тиради-да, аниқлик киритди: – Қатъий айтаманки, жаноб президент, бутун оғриқ худди мана шу жойда.

Текширувларда шу даражада азоб торгандики, охириги ҳукм мурувватли бўлиб туюлди: президент муқаррар суратда ва таваккалига операция қилиниши лозим эди. Президент таваккал даражаси нечоғлиқ эканини сўради, кекса доктор мутлақо номаълум бўлган бу масалага мужмал жавоб берди.

– Ҳар ҳолда буни айтиш қийин, – деди у.

Шундай бўлса-да, яқин-яқинларгача бунақа операцияларда натижанинг машъум оқибат билан тугаш эҳтимоли жуда катта бўлганини, лекин иш кўпинча турли даражадаги фалаж билан яқунланганини илова қилди. Бироқ кейинги икки жаҳон урушида медицина эришган ютуқлар туфайли бундай таҳликалар ортда қолиб кетган.

– Хотиржам кетаверинг, – деди у сўзини яқунлар экан. – Яхшилаб тайёрланинг ва бизга хабар беринг. Шуни унутмангки, қанча эрта бўлса, шунча яхши.

Бундай ёмон янгиликни ҳазм қилиш учун бу эрта жуда беҳайр эди. Бунинг устига ҳаво ҳам айниб турган бўлса. У меҳмонхонадан жуда барвақт, пальто киймай чиққан, чунки деразадан куёш чарақлаб турганини кўрган эди. Оҳиста юриб, шифохона жойлашган Шмен-де-Бо-Солей кўчасидан Инглиз боғидаги Яширин севишганлар бошпанасига қадар бўлган йўлни босиб ўтди. У боғда бир соатдан кўпроқ тўхтовсиз ўлим ҳақида ўйлаб ўтирди. Шу паллада бирданига куз изғирини эсди. Кўл бўронда қолган океанга ўхшаб тўлқинланди, каттик эсган шамол чайкаларни тўзитиб юборди, дарахтлардаги сўнги япроқларни учириб кетди. Президент оёққа қалқди ва гулчи аёлдан гул сотиб олиш ўрнига, боғдаги тувакларда ўсаётган дасторгулдан биттасини узиб, кўкрагига тақиб олди. Гулчи хайрон бўлди.

– Бу гуллар тангрининг моли эмас, – деди у норози бўлиб. – Бу гуллар пошшоликники.

У пинагини ҳам бузмади. Ҳассасининг ўртасидан тутиб, бироз олифталарча ўйнатганча катта-катта ва шахдам қадам ташлаб узоқлашди. Мон-Бланш кўприги устига осилган Конфедерация байроқларини шамол йиртмасин, дея шоша-пиша йиғиштириб олишган, кўпириб ётган баланд фавворани олдинданок бекитишган эди. Президент соҳилда жойлашган ўзига яхши таниш қаҳвахонани танимай қолди – яшил матодан қилинган бостирмани аввалбошданок йиғиштириб олишган, энди бўлса, гултуваклар жойлаштирилган айвонни бекитаётган эдилар. Куппа-кундуз бўлишига қарамай, залда чироклар ёниб турарди, чолғучилар аллақачон Моцарт куйларини ижро этишга киришгандилар. Президент пештахтада мижозларга атаб қўйилган газеталардан биттасини олди, ҳассаси ва шляпасини илгичда қолдирди, стулга ўтириб ўқишга чоғланаркан, тилла гардишли кўзойнагини тақди ва шундагина куз кирганини тушунди. У халқаро саҳифадан бошлаб ўқий бошлади. Бу ерда Лотин Америкаси мамлакатлари ҳақидаги хабарлар жуда кам эди. У официант қиз, одатдагидек, унга бир шиша «Эвиан» минерал суви келтиргунча, шу тариқа охирги саҳифадан то биринчи саҳифагача ўқийверди. Мана, ўттиз йил бўлибдики, у врачлар тайинлагани учун қаҳва ичиш одатидан воз кечган. Лекин ўзига-ўзи: «Қачон ўлишимни аниқ билганимдан кейинок

яна қаҳва ичишни бошлайман», дерди. Эҳтимол, ўша вақт келган ҳам бўлса керак.

– Менга қаҳва ҳам келтирсангиз, – деб буюрди у французчани қойиллатиб. Тортинмай қочирим ҳам қилиб кўйди, – ўликларни ҳам тирилтирадиган италянча хилидан бўлсин.

У қаҳвани шакар аралаштирмасдан, култумлаб узоқ ичди, сўнгра финжонни тақсимчага тўнкарди. Неча йиллардан бери қилмаган ишини қилиб, қаҳва қуйқасига қараб, тақдирида нималар борлигини билмоқчи бўлди. Қаҳванинг таниш мазасини яна ҳис қилди, бир лаҳзага оғир хаёллардан чалғиди. Кўп ўтмай, худди ўша афсунгарлик давом этаётгандай, кимдир унга тикилиб турганини ҳис қилди. У гўё иттифоқо қилгандай саҳифани ағдараркан, кўзойнак устидан қаради ва спортчилар қалпоғи, ағдарма тери куртка кийиб олган, соқоли олинмаган рангпар йигитни кўрди. Йигит кўзлари тўқнаш келмаслиги учун шу заҳотиёқ бошқа томонга қаради.

Унинг юзи таниш эди. Улар касалхона айвонида бир неча бор тўқнаш келишганди. Бундан ташқари, оққушларни томоша қилиб ўтирганида, бу йигитнинг Променад-дю-Лак кўчасидан енгил мотоцикл ҳайдаб ўтганини кўрганди. Лекин бирон марта бу йигит уни танишини ҳис қилмаган эди. Бироқ у шунчаки хомхаёлга, қувғин туфайли пайдо бўлган таъкиб васвасасига берилган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмасди.

У Брамсинг нафис куйларидан ҳузурланиб, оғриқ мусиқанинг уюштирувчи кучидан устун чиққунга қадар шошилмай газета ўқиди. Шундагина у нимчасининг чўнтагида олиб юрадиган занжирли олтин соатини олиб қаради ва туш пайти ичиши лозим бўлган иккита ҳабдорини «Эвиан»нинг қолганқутган култуми билан ютди. Кўзойнагини олишдан олдин у қаҳва қуйқасига қараб, фол очмоқчи бўлди ва сесканди: тамоман мавҳум!

Ниҳоят, ҳисоб-китоб қилди, гадога бераётгандай озгина чойчақа ташлади, илгичдан ҳассаси ва шляпасини олиб, кўчага чиқди. Орқасидан кузатаётган одамга қайрилиб ҳам қарамади. У шахдам қадамлар билан нари кетди, шамолда синган гултувакларни айланиб ўтди ва шайтон васвасасидан қутулишга

муваффақ бўлдим, деб ўйлади. Бирок орқасидан кимдир келаётганини кўкқисидан сизди: муюлишга қайрилди, тўхтади ва хиёл ўгирилди. Таъқиб қилиб келаётган киши унга урилиб кетмаслик учун бирдан тўхтади ва шундоққина рўпарасида президентга бақрайганча қўрқувдан қотиб қолди.

– Сеньор президент, – гулдиради у.

– Сизни ёллаганларга бориб айтинг, хомхаёлга берилиб юрмасинлар, – деди президент жилмайганча мафтункор овозда. – Соғлигим аъло.

– Буни мендан яхшироқ биладиган одамнинг ўзи йўқ, – деди нотаниш киши президентнинг салобати остида эзилиб. – Мен касалхонада ишлайман.

Унинг лаҳжаси ҳам, сўзлаш оҳанги ҳам, хатто, журъатсизлиги ҳам соф карибча эди.

– Наҳотки, врач бўлсангиз? – сўради президент.

– Энди бунга етти қовун пишиғи бор, – деди йигит. – Мен «Тез ёрдам» шофёриман.

– Ҳамдардлик билдираман, – деди президент янглишганига ишонч ҳосил қилиб. – Кўп оғир иш.

– Сизникичалик оғир эмас, сеньор.

Президент унинг кўзларига тик қаради, иккала қўли билан ҳассасига суянди ва самимий қизиқиш билан сўради:

– Сиз қаердансиз?

– Карибданман.

– Буни аллақачон сездим, – деди президент. – Қайси мамлакатдан?

– Сизнинг мамлакатингиздан, сеньор, – деди йигит ва қўлини узатди. – Менинг исмим Омеро Рей.

Ҳайратга тушган президент унинг қўлини қўйиб юбормай, сўзини бўлди:

– Жин урсин! Бу қандай шарафли исм!

Омеро тин олди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди у. – Омеро Рей-де-ла-Каса<sup>1</sup>.

Кўча ўртасида очикда қолган суҳбатдошларни изғирин забтига олди. Президент суяк-суягигача қакшаб кетди ва пальтоси бўлмагани учун икки квартал наридаги арзон ошхонага пиёда

---

<sup>1</sup> *Ҳомер Хонадон Қироли (испанча).*

етиб боришга кучи етмаслигини тушунди. У одатда ўша ерда овқатланарди.

– Тушлик қилдингизми? – деб сўради Омеродан.

– Мен ҳеч қачон тушлик қилмайман, – жавоб берди Омеро. – Фақат бир марта, кечкурун уйда овқатланаман.

– Бугун истисно қилақолинг, – деди президент, имкон қадар самимийлик билан. – Сизни бирга овқатланишга таклиф қиламан.

Шундай деди-ю, уни қўлтиқлаганча кўчанинг нариги томонидаги ресторанга бошлади. Рестораннинг каноп бостирмаси устига «Le Voeuf Couronne»<sup>1</sup> деган ном зарҳал ҳарфлар билан ёзиқлиқ эди. Ичкари тирбанд ва иссиқ, афтидан биронта ҳам бўш жой қолмаганди. Президентни ҳеч ким танимаётганига ҳайрон қолган Омеро кўмак истаб, зал тўрига йўналди.

– Амалдаги президентми? – деб сўради ресторан хўжайини.

– Йўқ, – деб жавоб берди Омеро. – Ағдарилгани.

Хўжайин маъқуллаш оҳангида кулимсиради.

– Бундайлар учун, – деди у, – мен доим жой олиб қўяман.

Хўжайин уларни залнинг узоқ бурчагига ўтқазди. Бу ерда улар хоҳлаганча суҳбатлашиб олишлари мумкин эди. Президент хўжайинга миннатдорчилик билдирди.

– Қувғиндагиларни сизга ўхшаб хурмат қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, – деди у.

Кўмир чўғида пиширилган буқа коворғаси рестораннынг хос таоми эди. Президент ва меҳмони атрофга қараб, столларнинг устида нафис ёғга беланган катта гўшт бўлақларини кўришди. «Зўр гўшт, – гудранди президент. – Лекин уни ейиш менга тақиқланган-да». Сўнг, Омерога диққат билан тикилиб, энди бошқача оҳангда деди:

– Тўғриси айтганда, менга ҳамма нарса тақиқланган.

– Сизга қаҳва ҳам ман қилинган, – деди Омеро, – лекин, шундай бўлса-да, қаҳва ичяпсиз-ку.

– Кўриб қолдингизми? – деди президент. – Лекин бу истисноли бир кун деб қилинган истисно эди.

Бу кун фақат қаҳва учун истисно қилингани йўқ. У буқа коворғаси, фақат зайтун мойи солинган янги сабзавот салати

---

<sup>1</sup> «Тождор буқа» (французча).

буюрди. Унинг меҳмони ҳам шуларни ва яна ярим кўза қизил шароб келтиришларини илтимос қилди.

Гўшт келгунча Омеро чўнтагидан ичи пул эмас, турли қоғозларга тўлиб кетган ҳамёнини чиқарди ва президентга сарғайиб кетган бир фотосуратни кўрсатди. Президент ўзини таниди: у энги калта кўйлақда, ҳозиргисидан бир неча фунт озгинрок, сочи ва мўйлови ҳозиргисидан анча қора, нима қилиб бўлса ҳам суратга тушишга уринган ёш йигитлар қуршовида турарди. У бу жойни дарҳол таниди, ўша лаънати сайловолди кампаниясининг рамзини ва ўша бахтсиз кунни ҳам эслади. «Жин урсин, – деб ғулдуради у. – Мен ҳамиша одам ҳаётдагига қараганда суратда тезроқ қарийди деб айтардим». Сўнгра фотосуратни, ҳамма нарсага чек қўйган одамдек, кескин ҳаракат билан эгасига қайтарди.

– Жуда яхши эслайман, – деди у. – Бу минг йиллар олдин Сан-Кристобаль-де-лас-Касас деган овулда бўлганди.

– Бу менинг овулим, – деди Омеро ва суратдан ўзини кўрсатди. – Мана бу менман.

Президент уни таниди.

– Ҳали болакай экансиз!

– Шундай деса бўлади, – деди Омеро. – Мен жануб сафарига доимо сизнинг ёнингизда юргандим, университет бригадаларига раҳбарлик қилгандим.

Президент таънанинг олдини олди:

– Мен бўлсам, албатта, сизга эътибор қилмаганман, – деди у.

– Аксинча, сиз бизга жуда яхши муносабатда бўлгансиз.

Энди, биз кўпчилик эдик, ҳамма эсда қолмайди.

– Ундан кейин-чи?

– Буни мендан яхшироқ биладиган борми? – деди Омеро. – Ҳарбий тўнтаришдан кейин сиз билан бу ерда буқанинг ярмини емоқчи бўлиб турганимизнинг ўзи бир мўъжиза. Бунақа омад ҳаммага ҳам қулиб боққани йўқ.

Уларга ликоп келтиришди. Президент, худди сўлакай болалардай, бўйнига сочиқ осди ва меҳмоннинг сал-пал хайрон қолганини сизди. «Шундай қилмасам, ҳар гал овқатдан кейин бир галстукдан кечигишга тўғри келади» – деб ғулдуради. Таомга қўл уришдан олдин гўшт пишган-пишмаганини текшириб кўрди, сўнг маъқуллаб, бош ирғади ва мавзуга қайтди.

– Лекин бир нарсани тушунолмаётирман, – деди у. – Менинг кетимда айғоқчидай изгиб юрмай, нега олдинроқ рўпара бўлмадингиз?

Шунда Омеро президент касалхонанинг алоҳида ҳолларда очиладиган эшигидан кирган заҳотиёқ уни таниганини айтди. Ёз авжида эди. Президентнинг эгнида оппоқ канопо костюм, оёғида оқ-қора туфли, камзулининг қайтарма ёқасида дасторгул, чиройли сочларини шамол тўзғитиб юборганди. Омеро президент Женевада ёлғиз эканини, унга ҳеч ким ёрдам бермаётганини, Женевани юристликка ўқиган вақтларидан буён беш қўлдай билишини билиб олди. Касалхона дирекцияси, президентнинг илтимосига кўра, унга махфийликни таъминлаш учун тегишли фармойиш берганди. Ўша оқшомда хотини билан маслаҳатлашиб олган Омеро президент билан учрашишга қарор қилди. Шундай бўлсада, кулай фурсатни кутиб, орқасидан роса беш ҳафта пойлаб юрди, эҳтимол, агар президентнинг ўзи у билан юзма-юз бўлмаганида, саломлашишга ҳам юраги бетламай юраверган бўларди.

– Шундай қилганимдан хурсандман, – деди унга президент. – Лекин, тўғриси айтганда, ёлғизлик мени эзолмайди.

– Бу адолатдан эмас.

– Нега? – чинакамига ҳайрон бўлди президент. – Мени унутишларига эришганим – ҳаётимдаги энг катта ғалабамдир.

– Биз сизни сиз ўйлагандан кўпроқ эслаймиз, – деди Омеро ҳаяжонини яширмай. – Сизни мана шундай соғлом ва ёш кўриб турганимизнинг ўзи катта гап.

– Ҳолбуки, – деди президент бамайлихотир, – ҳамма нарса яқинда ўлишимдан далолат бермоқда.

– Ахир, сиз ҳар қандай вазиятдан чика оласиз-ку, – деди Омеро.

Президент ҳайратдан сапчиб тушди, бу ҳаракатни у жуда нафислик билан қилди.

– Жин урсин! – хитоб қилди президент. – Нима, гўзал Швейцарияда врачларнинг сир сақлаш қондаси бекор қилинганми?

– Дунёнинг биронта касалхонасида «Тез ёрдам» шофёрининг билмайдиган сири йўқ, – деди Омеро.

– Буни атиги икки соат олдин бу гапни билиши лозим бўлган ягона одамдан эшитдим.

– Нима бўлгандаям, сиз бекорга ўлиб кетмайсиз, – деди Омеро. – Сизни юксак шон-шараф намунаси сифатида муносиб ўринга қўядиганлар топилади.

Президент ўзини хайратланганга солди.

– Тасалли учун раҳмат, – деди у.

У овқатни, ҳамма ишларни қандай қилса шундай, шошилмай еяётганди ва тановул қиларкан, Омеронинг кўзларига тик боқарди. Бундан Омерога президент унинг фикрларини кўриб-билаётгандай туюларди. Қўмсашдан иборат хотираларга тўла узоқ суҳбат сўнггида президентнинг юзида масхараомуз табасум зоҳир бўлди.

– Мен жасадимнинг қисмати ҳақида ташвиш тортмаслик ҳақида бир қарорга келгандай бўлувдим, – деди у. – Лекин энди кўряпманки, мурдамни ҳеч ким тополмаслиги учун детектив романларда ёзилганига ўхшатиб, баъзи эҳтиёт чораларини кўришимга тўғри келади, шекилли.

– Бефойда, – деб ғулдуради Омеро. – Касалхоналарда бир соат ўтмай ошқора бўлмайдиган бирорта сир йўқ.

Қаҳвани ичиб бўлишганидан кейин президент финжон тубида қолган куйқага назар солди ва яна сесканди: куйқадан яна ўша мажхул маъно чиққан эди. Шундай бўлса-да, пинагини бузмади. У нақд тўлади, лекин олдинига ҳисобни бир неча бор текшириб кўрди ва пулни қаттиқ диққат билан қайта-қайта санади, шунчалик арзимаган чойчака бердики, официант ковоғини солиб, тўнғиллаб қўйди.

– Мен ҳақиқатан ҳам жуда маза қилдим, – деди у якунида Омеро билан хайрлашаркан. – Операция қачон бўлишини ҳозирча билмайман, операция қилдиришга журъғатим етадим, йўқми, буни ҳам ҳозирча билмайман. Лекин ҳаммаси яхши ўтса, биз яна кўришамиз.

– Нега энди ундан олдинроқ эмас? – сўради Омеро. – Хотиним Ласара бойларникида ошпазлик қилади. Қисқичбақали гуруч таомини ҳеч ким унчалик зўр пишира олмайди. Бир куни кечки пайт меҳмонимиз бўлишингизни биз жуда хоҳлаймиз.

– Денгиз неъматлари менга ман этилган, лекин шундай бўлса-да, зўр мамнуният билан еган бўлардим, – деди у. – Қачон боришим керак?

– Пайшанба куни бўшман, – деди Оmero.

– Жуда зўр, – деди президент. – Пайшанба куни кечки соат еттида сизникига келаман. Мамнуният билан.

– Сизни опкетгани келаман, – деди Оmero. – Манзилингиз Отелери Дамедаги Индустри кўчаси, ўн тўртинчи уйда. Вокзал ортида. Тўғрими?

– Тўғри, – деди президент ва тавозе билан ўрнидан турди. – Кўряпманки, ҳатто, туфлимнинг размерини ҳам биласиз.

– Албатта, сеньор, – деди Оmero мамнун бўлиб, – қирқ биринчи.

Лекин Оmero Рей президентга бир гапни айтмади. Кейинчалик у узок йиллар мобайнида эшитгиси келган ҳар бир кишига бу гапни такрорлаб юрди: дастлаб унинг нияти унчалик яхши бўлмаганди. Касалхонанинг барча ҳайдовчилари сингари, у дафн идоралари ва суғурта компаниялари билан беморлар, айниқса, камбағал ажнабийлар ҳақида келишиб қўйган эди. Бундан келадиган даромад айтишга арзигулик эмасди, бунинг устига бу пулни оғир беморлар тўғрисидаги махфий маълумотларни оғиздан-оғизга етказадиган бошқа хизматчилар билан баҳам кўришга тўғри келарди. Лекин, шунга қарамай, ҳеч қандай истиқболи йўқ ва хотини ҳамда иккита боласи билан арзимаган маошга амал-тақал қилиб кун кечирадиган қочоқ учун бу биров мадад эди.

Унинг хотини Ласара Дэвис анча тадбирли эди. У Сан-Хуандан чиққан типик Пуэрто-риколик дурагай аёл бўлиб, тўладан келган, паст бўйли, териси жигарранг, кутурган канжикникига ўхшаган кўзлари феъл-атвориға жуда мос эди. Улар беморлар шафқат юзасидан текин даволанадиган бўлимда танишгандилар. Қизни ватандоши бўлган бир судхўр Женевага энагалик қилишга олиб келган, кейин ташлаб кетганди. Шундан кейин у навбатчи санитар бўлиб ишга кирган эди. Гарчи қиз йоруба қабиласига мансуб малика бўлса-да, улар католик маросимиға кўра турмуш қуришганди. Улар африкалик муҳожирлар яшайдиган лифтсиз тўққиз қаватли уйнинг саккизинчи қаватида жойлашган икки хона ва бир меҳмонхонадан

иборат хонадонда истикомат қилишарди. Уларнинг тўққиз ёшли Барбара исмли қизи, етти яшар Ласаро исмли ўгли бўлиб, ўғлида ақлий заифлик аломатлари бор эди.

Ласара Дэвис ақли, бадфеъл, лекин ботинан мушфик аёл эди. У ўзини аниқ-таниқ Бука буржига мансуб деб ҳисоблар ва юлдузлар башоратига кўр-кўрона ишонарди. Бироқ унинг миллионерларга фол очиб пул ишлаш орзуси амалга ошмаганди. Аксинча, у бойвучча хонимларга таом пишириб, тасодифан ишлаб топган пуллари ҳисобига рўзғор тебратарди. Баъзан бу даромадлар тузуккина бўларди. Бу бойвуччалар меҳмонларини иштаҳа қитиқловчи антилча овқатлар билан сийлашар, уларни ўзим пиширганман деб мақтанар эдилар. Омеро рисоладагидан четга чиқмайдиган тортинчок одам бўлиб, қилаётган ишидан бошқа нарса қўлидан келмасди. Шундай бўлса-да, Ласара ҳаётини усиз тасаввур қилолмас, покиза қалбли ва тўшакда айғирдек бўладиган эрини кадрлар эди. Йил ўтган сайин ҳаёт оғирлашиб бораётган, болалар вояга етаётган бўлса-да, қийинчиликларга қарамай, улар тотув яшашарди. Президент пайдо бўлган вақтга келиб, улар беш йил давомида йиққан пуллари ни оз-оздан сарфлашга киришган эдилар. Шунинг учун ҳам Омеро Рей президентни касалхонада махфий касаллар орасида кўрди дегунча, иштаҳалари карнай бўлиб кетганди.

Улар президентдан бу ишни қандай ва қайси ҳуқуққа асосан илтимос қилишларини аниқ билмасдилар. Аввалига жасадни мўмиёлаш ва ватанга жўнатишни ҳам ҳисобга олган ҳолда бутун дафн ишларини таклиф қилмоқчи бўлишди. Кейинчалик аста-секин президент даставвал туюлганидек, тез орада ўлмаслигини тушунишди. Меҳмон чақиришган куни улар гумонлар гирдобида қолишганди.

Тўғриси айтганда, Омеро университет бригадаларининг бошлиғи бўлмаганди, бунақа гап асти бўлмаган ҳам, сайлов кампаниясида ҳам атиги бир марта, мана шу фотосурат олинган куни иштирок қилган эди, холос. Фотосуратни жавонда қалашиб ётган эски қоғозлар орасидан зўрға қидириб топишганди. Лекин унинг ҳиссиётлари қизғин ва самимий эди. У ҳақиқатан ҳам ҳарбий тўнтаришга қарши кўчалардаги қаршилик ҳаракатида қатнашгани учун мамлакатдан қочишига тўғри келган, лекин Женевада бунчалик узоқ яшашининг саба-

би бор-йўғи қуёнораклиги эди, холос. Ёлғон каттароқ бўладими, кичикроқ бўладими, нима фарқи бор, президентнинг меҳрини қозониш йўлини топса бўлди-да.

Ҳар иккаласи учун ҳам биринчи кутилмаган янгилик: машҳур қочоқ кўримсиз Гротт даҳасидаги тўртинчи тоифа меҳмонхонада, осийлик муҳожирлар ва фоҳишалар орасида яшар ҳамда арзон ошхоналарда овқатланарди. Ваҳоланки, қувғинга учраган сиёсатчилар учун Женевада муносиб резиденциялар тегилиб ётибди. Омеро президент улар танишган кунда нима қилган бўлса, ҳар куни шундай қилганини ўз кўзи билан кўрди. Президент эски шаҳарнинг ваҳимали, сарик қўнғирокгуллар чирмашган деворлари орасида қиладиган сайрларида Омеро уни кузатиб борар, баъзан эҳтиётсизлик қилиб, масофани қискартириб кўярди. У президентнинг Кальвин ҳайкали пойида соатлаб ўйга чўмиб туришларини кўрди. Унинг орқасидан ясминларнинг иссиқ бўйидан нафаси тегилай-тегилай деб, тош зинапоялардан Бур-де-Фур тепалигига қадам-бақадам кўтарилар, ёзги куёшнинг аста-аста бо-тишини томоша қиларди. Бир куни кечки пайт уни пальтосиз ва шамсиясиз, ёмғир остида Рубинштейн концертига билет олмоқчи бўлиб турган талабалар орасида кўрди. «Шамоллаб қолмаганига ҳайронман», деди Омеро хотинига. Яқинда, ҳаво айний бошлаган шанба куни президент қувғиндаги амирлар савдо қиладиган Рю-де-Рон кўчасидаги ҳашаматли магазиндан эмас, балки эски-туски бозоридан сунъий мўйна ёқали кузги пальто сотиб олганини кўрди.

– Демак, бош қотириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ! – хитоб қилди Ласара Омеро бу ҳақда сўзлаб бераркан. – Ўтакетган қурумсоқ экан. У ўзини давлат ҳисобига умумий мазорда дафн қилдирса керак. Биз ҳеч қачон ундан бир чака ҳам ундира олмаймиз.

– Балки у ҳақиқатан ҳам қашшоқдир! – деди Омеро. – Неча йиллардан бери ишсиз!

– Мен сенга шуни айтайки, Балик буржи остида туғилган кишиларнинг ҳаммаси ҳам унга ўхшаб сувдан қурук чиқишни эплашолмайди, – деди Ласара. – Давлатнинг олтинларини ўмариб кетганини ва Мартиникадан чиққан энг бой одам эканини ҳамма билади.

Хотинидан ўн ёш катта бўлган Омеро президент Женевада ўқиган вақтлари қурилишда оддий ишчи бўлиб ишлаганини билар ва шу таассурот остида ўсиб-улғайганди. Ласара эса, аксинча, президентга душман бўлган матбуотнинг шов-шувли фoш этишлари мухитида ўсиб катта бўлганди. Бу шов-шувлар у ёшлигидан энага бўлиб ишлаган президент душманининг хонадолида янада бўрттириларди. Шунинг учун ҳам Омеро президент билан овқатланганидан боши кўкка етиб қайтган куни президентнинг Омерони қиммат ресторанга таклиф қилгани Ласара учун асосий нарса бўлди. Омеронинг ўзлари орзу қилган нарсаларнинг биронтаси – на болалар учун нафақа, на ўзи учун касалхонада тузукроқ иш сўрамагани унга маъқул бўлмади. Ласаранинг гумонлари тўғри бўлиб чиқди: президент муллажиринглари жасадини муносиб тарзда дафн қилишга ва шон-шараф билан ватанига қайтаришга сарфлашдан кўра, мурдасини кузғунларга ташлашларини афзал кўради, шекилли. Омеро гапнинг сўнгига асраб қўйган хабар – президентни пайшанба куни қискичбақали гуруч тановул қилишга таклиф этгани Ласаранинг сабр косасини тошириб юборди.

– Бизга шу етмай турувди, – бўкирди Ласара, – қискичбақа консервасидан захарланиб шу ерда ўлиб қолса ва болаларга асраб қўйган арзимаган пулимизни уни кўмишга сарфламасак гўрга эди.

Шундай бўлса-да, хотинлик бурчига содиқ қолди. Кўшни аёлдан учта мельхиор қошиқ-пичоқ, шиша салатдон, бошқасидан электр қаҳва қайнатгич, учинчисидан каштали дастурхон ва хитойча қаҳва финжонлари олиб туришга тўғри келди. У эски пардаларни янгисига алмаштирди, холбуки, уларни фақат байрам кунлари осарди. Мебелларнинг ғилофини олиб ташлади. Кун бўйи полларни ювиб тозалади, чанглари артди, нарсаларни у ёқдан-бу ёққа сурди. Хуллас, охир-оқибат натижа ниятининг тамомила тескариси бўлиб чиқди, ваҳоланки, у ҳалоллиги учун камбағал яшашларини кўз-кўз қилиб, президентнинг кўнглини юмшатмоқчи эди.

Пайшанба оқшоми эски пальто ва урфдан қолган шляпа кийиб олган, қўлида Ласарага аталган атиргул ушлаган президент саккизинчи қаватга кўтарилиб, нафасини ростлаб олгач, остонада ҳозир бўлди. Ласара унинг мардонавор қиёфаси

ва ўзини зодагонларга хос тутишидан хайратда қолди, лекин, барибир уни қандай хоҳлаган бўлса, шундай иккиюзламачи ва йирткич деб топди. Президент унга кўпол, беандиша бўлиб кўринди, чунки овқат пишираркан, уйни қисқичбақа хиди тутиб кетмасин деб, ойналарни ланг очиб кўйганди, у бўлса, остонадан хатлар-хатламас, гўё тўсагдан хайратга тушгандай кўзларини юмди ва кўлларини ёзиб: «Ўҳ, денгизимизнинг бўйлари!» дея хитоб қилди. У Ласарага хасисларнинг хасиси бўлиб туюлди, чунки атиги бир дона атиргул келтирган эди. Униям, албатта, жамоат боғидан ўғирлаган. У такаббур бўлиб туюлди, чунки унинг собиқ шон-шуҳрати ҳақида газета қийқимларини, сайловолди кампанияси вимпеллари ва байроқчаларини нафрат билан кўздан кечирди. Уларни Омеро соддадиллик билан меҳмонхона деворларига осиб чиққанди. У Ласарага бағритош бўлиб туюлди, чунки ўз кўллари билан президентга совға тайёрлаган Барбара ва Ласаро билан, ҳатто, саломлашгани ҳам йўқ, бунинг устига овқат пайти гап орасида икки нарса – итлар ва болаларга тоқати йўқлигини қистириб ўтди. Ласара уни ёмон кўриб қолди. Бироқ, қарибча туғма меҳмондўстлик таассуб устидан устун чиқди. Ласара байрамларда кийиладиган африкача кенг ва узун чопонини эгнига илди, ўзининг бор муқаддас тақинчоқлари, билагузукларини тақди, дастурхон устида биронта ортиқча қилиқ қилмади, ортиқча гап айтмади. У фақат бекамикўстлик эмас, балки, байни, мукамаллик тимсоли эди.

Тўғриси айтганда, қисқичбақали гуруч унинг ошпазлик санъатининг шоҳ асари эмасди, лекин у бор ҳунарини ишга солди ва натижада таом жуда зўр бўлиб чиқди. Президент, гарчи уй эгаларининг қўмсаш тўла хотираларига қўшилмасида, мактай-мактай ликопчасини икки марта гуручга тўлдирди, етилган бананлар, қовурилган бўлақлар ва авақо салатидан боши осмонга етди. Ласара ширинликка гал келгунча ва Омеро Парвардигор барҳақлиги масаласининг моҳиятига етиб бормасданок бутунлай чалкашиб қолгунга қадар сабр билан тинглади.

– Мен худонинг борлигига ишонаман, – деди президент, – лекин у одамларнинг ишига аралашмайди. Унинг ўз ишлари бор.

– Мен бўлсам, фақат юлдузларга ишонаман, – деди Ласара президентнинг юзида зоҳир бўлган қизиқишдан боши осмонга етиб. – Туғилган кунингиз қачонлигини айтинг.

– Ўн биринчи март.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, – деди Ласара шодон овозда ва тавозе билан сўради: – Бир дастурхон устида иккита балиқ кўплик қилмасмикан?

Эркаклар худо тўғрисида суҳбатни давом эттирдилар, Ласара қаҳва қайнатиш учун ошхонага кетди. Дастурхондаги овқат қолдиқларини у аллақачон йиғиштириб олган ва меҳмондорчилик яхшилик билан тугашини жуда хоҳлаётганди. У қаҳвани кўтариб меҳмонхонага кирар экан, гап давомида президент айтган гапдан қотиб қолди:

– Ҳеч шубҳаланманг, азиз дўстим, агар мен яна президент бўлсам, бадбахт мамлакатимиз учун энг катта фалокат бўларди.

Омеро хитой финжонлари ва қарзга олинган қаҳва қайнатгични кўтарганча остонада қотиб қолган Ласарани кўрди ва у ҳозир хушдан кетиб йиқилса керак деб ўйлади. Президент ҳам аёлга қараб қўйди.

– Менга бунақа қараманг, сеньора, – деди у юмшоқкина қилиб. – Мен самимий гапиряпман. – Сўнг Омерога ўгирилиб, сўзини якунлади: – Тентаклигим боис мана шундай кунлар бошимга тушгани кўп яхши бўлди.

Ласара қаҳваларни тарқатди, аёвсиз ёғду суҳбатга халақит бермаслиги учун, стол устидаги чирокни ўчирди. Меҳмонхонага фараҳбахш ғира-шира қоронғулик чўқди. Ниҳоят меҳмон Ласарада қизиқиш уйғотди – гапга чечанлиги унинг қайғу-ҳасратини пардалай олмаётганди. Президент қаҳвани ичиб бўлгач, финжонни ликопчага тўнкариб қўйганида Ласаранинг қизиқиши янада ортди.

Ширинликни тановул қилишгач, президент уларга кувинда яшаш учун нега Мартиникани танлаганини айтиб берди: чунки у шоир Эме Сезер билан дўст эди – у ўша кунлари «*Cahier d'un retour au pays natal*»<sup>1</sup> китобини чоп эттирган ва янги ҳаёт бошлаши учун президентга ёрдам қилиши мумкин эди. Хотинига қолган мерос пулларига улар Фор-де-Франс

---

<sup>1</sup> «Ватанга қайтиш кундаликлари» (французча).

тепалигидаги қимматбаҳо ёғоч уйни сотиб олишди. Уйнинг деразаларига симтўр тутилган, денгиздан ёқимли шабада эсан, стол устида шакарқамиш ромига тўла стакан турган, чирилдоқлар сайраётган вақтларда денгизга қараган ва жўн гулларга тўла айвонда мудраш жуда оромбахш эди. У бу ерда ўзидан ўн тўрт ёш катта бўлган, бор-йўғи бир марта тукқан вақтидан буён касал хотини билан азалий нуқсони – лотин классикларини оригиналда ўқиш билан тақдирдан қочиб, ўз умрининг охириги, якуний босқичини бошидан кечириётганига ишониб яшади. Кўп йиллар мобайнида саноксиз васвасаларга қарши бардош беришига тўғри келди. Тор-мор қилинган тарафдорлари унга қандай қалтис авантюраларни таклиф қилишмади.

– Мен биронта мактубни очиб кўрганим ҳам йўқ, – деди у. – Энг ошиғич нарсалар бир ҳафтадан кейин унчалик ошиғич бўлмай қолиши, икки ойдан сўнгра эса, ҳатто, бу хабарни ёзган кишилар ҳам уни нутишларини тушуниб етганимдан сўнг бу мактубларни бирон марта ҳам очганим йўқ.

У олов шуъласида Ласарага қаради. Аёл чекаётган эди ва у очкўзларча сигаретани тортиб олди. Қаттиқ тортиди ва тутунни томоғида ушлаб турди. Ҳайрон бўлган Ласара сигарета қутиси ва гугуртни олиб, янгидан тутатмоқчи бўлди, лекин у сигаретани қайтариб берди.

– Сиз шундай хузурланиб чекапсизки, нафс қутқусига бас келолмадим, – деди у. Шундай деркан тутунни чиқаришга тўғри келди ва йўтал тутди. – Бу қусурдан кўп йиллар олдин воз кечгандим, лекин у мендан кечгани йўқ, – деб қўйди у. – Кўпинча у қолиб келади. Худди ҳозиргидай.

Йўталдан уни бир неча бор қалтироқ тутди. Оғриқ пайдо бўлди. Президент чоғрокқина чўнтак соатига қаради ва оқшомги иккита ҳаб дорисини ичди. Сўнгра қаҳва финжони тубини диққат билан текширди: яна ҳеч нарса ўзгармаган, бироқ у энди сесканмади.

– Собик тарафдорларимнинг баъзилари мендан кейин президент бўлишди, – деди у.

– Сайаго, – деди Омеро.

– Сайаго ва бошқалари, – деди у. – Ҳаммаси менга ўхшаб муносиб бўлмаган шарафни, эплай олмайдиган лавозимга

қўшиб тортиб олишди. Айримлари фақат ҳокимиятга, кўпчилик бўлса, бундан ҳам камроғига, мансабга интилишди.

Ласаранинг жаҳли чиқди.

– Сиз ҳақингизда нималар дейишларидан хабарингиз борми? – деб сўради ундан.

Чўчиб кетган Омеро гапга аралашди:

– Бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон.

– Ҳам ёлғон, ҳам рост, – деди президент бамайлихотир. – Президент ҳақида гап борганида энг даҳшатли иғво айни вақтда униси ҳам, буниси ҳам: рост ҳам, ёлғон ҳам бўлиши мумкин.

Кувғинлик йилларида у расмий газеталардаги камчил маълумотларни ҳисобга олмаганда, ташқи дунё билан ҳеч қандай алоқа қилмасдан, Мартиникада яшади. Кун кўриш учун давлатга қарашли лицейда испан тилидан дарс берди, гоҳ-гоҳ Эме Сезер бериб турган нарсаларни таржима қилди. Август ойининг иссиғига чидаб бўлмасди, у ётоқхонасидан чиқмай, осма тўр беланчада пешингача шамолпаррақнинг бир маромдаги шовқини остида ўқиб ётарди. Қуёшдан сақланиш учун сунъий мевалар ва гуллар билан безатилган, айвони кенг сомон шляпа кийиб олган хотини, ҳатто, куннинг энг жазирама палласида ҳам эркин қушларни боқиш билан шуғулланарди. Жазирама сусайган вақтлари салқин айвонда ўтириш роҳат бўларди. У кош қорайган паллада кимирламай денгизни, йиртиқ шляпа кийган, барча бармоқларига йирик тошли узуклар тақиб олган хотини эса, тебранма тўр курсига ястанганча ёнларидан сузиб ўтаётган жаҳон кемаларини томоша қиларди. «Бу Пуэрто-Рикодан келяпти, – деб қўярди у. – Тўлдириб банан ортгани учун зўрға имиллаб келаётган буниси бўлса, Пуэрто-Сантодан». Қадрдон ўлкасидан бошқа мамлакатларнинг кемалари ҳам бу ердан ўтиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмасди. Президент ҳамма нарсага лоқайд эди, лекин унутиш борасида, ҳарқалай, хотини ундан ҳам ўтиб тушди, у хотирасини йўқотди. Қуёш ботиб, кош қорайгунга қадар улар шундай ўтиришар, шундан кейин ҳашаротлар ҳужумидан қочиб, уйга киришарди. Ана шундай август кунларидан бирида газета ўқиётган президент хайратдан сакраб турди:

– Жин урсин, бу канакаси?! Мен Эсториледа ўлган эмишман!

Яхшигина мудраётган хотини кўркиб кетди. Шундоққина биқинларида, муюлишда босиладиган газетанинг бешинчи саҳифасида олти қатор хабар босилган эди. Газетада унинг таржималари онда-сонда босилиб турар, газета мудирини гоҳо уларни зиёрат қилиб турарди. Энди шу газетада унинг Лиссабонда, Эсториледа вафот этгани ҳақида ёзишганди. Эҳтимол, у ўлишни ҳечам хоҳламайдиган ягона жой ўша ер эди. Хотини эсида қолган ягона хотира – яккаю ёлғиз ўғлининг ҳасратида бир йилдан кейин ўлди. Ўғил отасини ағдаришда қатнашган ва кейинчалик ҳамтовоқлари томонидан отиб ташланганди.

Президент тин олди.

– Биз ана шундаймиз ва тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди, – деди у. – Қитъа дунёнинг севги нималигини етти ухлаб тушида кўрмаган пасткашларидан ҳомиладор, болалар бўлса, хайвоний ёки қароқчиларча зўравонлик, бир-бирини асти кўролмайдиган душманларнинг оғиз-бурун ўпишишлари мевасидир.

У Ласаранинг уни аёвсиз тилкалаётган африкача кўзларига тик қаради ва аёлни ўзининг синовдан ўтган курули – гапга чечанлиги билан мафтун қилмоқчи бўлди.

– «Метислаштириш», қориштириш ёки чагиштириш деган сўз кўз ёши билан қонни аралаштиришни англатади. Бунақа қоришмадан нимани ҳам кутиш мумкин?

Ласара миқ этмади, сукути билан уни ўтирган жойига михлади. Бироқ ярим кечга яқин ўзини босиб олди ва хайрлашув олдидан уни тавозе билан ўпиб қўйди. Президент Омеронинг уни меҳмонхонагача кузатиб боришига йўл қўймади, лекин такси топишга ёрдам беришига қаршилик кўрсатмади. Қайтиб келган Омеро хотинининг жаҳдан жиғибийрон бўлганини кўрди.

– Уни ағдариб жуда тўғри қилишган, – деди хотини. – Бориб турган итвачча.

Омеро хотинини тинчителишга ҳарчанд уринмасин, кечани бедор ўтказишди. Ласара президентдай келишган эракни кўрмаганини, у ўта мафтункор ва наслдор айғирга хос барча сифатларга эга эканини эътироф қилди. «Қари туллак ва тин-

каси қуриган бўлишига қарамай, ҳатто ҳозир ҳам тўшакда йўлбарсдай кучли бўлса керак», – деди у. Бироқ, унинг фикрига қараганда, худонинг бу неъматини у муғамбирлик йўлида исроф қилган. Унинг мактанчоқлигига, гўё мамлакатининг энг ёмон президенти бўлганман дейишига тоқат қилиб бўлармиди?! Ўзини зоҳид қилиб кўрсатганига нима дейсиз, у Мартиникадаги шакар фабрикаларининг ярмининг эгаси эканига Ласаранинг имони комил-ку. Ҳокимиятни ёмон кўраман деб мунофиқларча ёлғонлади, кўриниб турибди: душманларига тупроқ чайнатиш учун бир лаҳзага бўлса-да, президентликни қайтариб олиш учун борини беради.

– Буларнинг ҳаммаси, – деб хулоса қилди аёл, – бизни оёқлари остида кўриш учун холос.

– Бундан унга нима наф? – сўради Омеро.

– Ҳеч қандай, – деди Ласара. – Шунчаки ноз-финок – бу иллатни тўйдириб бўлмайди.

У ғазабдан шу даража кутурган эдики, Омеро тўшакда қола олмади ва кўрпага ўралиб, диванда ухлаб олиш учун меҳмонхонага кетди. Уй ичида қип-яланғоч юришга ва ухлашга одатланган Ласара ҳам тонгга яқин тўшакдан турди, қип-яланғоч ўтирганча, ўзига-ўзи узундан-узоқ сўзланди. Ниҳоят, вақти келганида у бу исталмаган зиёфатни, заррача из қолдирмай, хотирасидан бутунлай сидириб ташлади. Эрталаб қарзга олинган нарсаларни эгаларига қайтариб берди, янги пардаларни эскиларига алмаштирди, мебелларни ўз жойига кўйди ва уй яна кечаги оқшомгача бўлган ҳолатига, муносиб ва фақирона кўринишга қайтди. Пировардида деворлардаги газета парчалари ва фотосуратларни, лаънати сайловолди кампаниясининг байроқларини юлиб олди ва ҳаммасини ахлат кутисига улоқтираркан, ҳайкирди:

– Ўлиб кетсин!

Зиёфатдан бир ҳафта ўтганидан кейин Омеро касалхонанинг чиқиш эшиги олдида президентни кўрди. Президент уни кутиб турган экан. У Омеродан бирга меҳмонхонага боришини илтимос қилди. Улар баланд-баланд уч қаватни босиб ўтиб, ягона деразаси кулранг осмонга қараган болохонага кўтарилишди. Хона бўйлаб тортилган дорда ювилган кийимлар осиглиқ эди. Хонанинг ярмини икки кишилик қаравот эгаллаган, бундан

ташқари стул, юз ювадиган жўмрак, мўъжазгина биде ва ой-наси тутилган оддийгина жавон ҳам бор эди. Президент буларнинг ҳаммаси Омерога қандай таъсир кўрсатганини кўрди.

– Талабалик йилларим ўтган уй худди шу, – деди у худди кечирим сўрагандай. – Мен уни олдинданок, хали Фор-де-Франсда эканимдаёқ ижарага олдим.

У духоба сумкадан қолган-кутган захираларини, қиммат-баҳо тошлар билан зийнатланган бир нечта олтин билагузук, уч қатор дур шодаси, нодир тошли иккита тилла зебигардон, авлиёлар тасвири туширилган тилла занжирли учта медаль, зумрад исирғалар, битта бриллиант, битта ёқут зирак, иккита ладанли тумор, турли тошлари бўлган ўн битта узук, эҳтимол қироличаники бўлган бриллиант тиллақошни олиб, тўшак устига ёйди. Кейин махсус ғилофдан уч жуфт кумуш запонка, галстукка қадаладиган икки жуфт олтин тўғноғич, яна оқ олтин суви юритилган чўнтак соатини олди. Ниҳоят, пойабзал солинадиган картон қутидан ўзининг олтига – иккита олтин, битта кумуш, қолганлари шунчаки темирдан ишланган орденларини олди.

– Менда қолган нарсаларнинг бори шу, – деди у.

Нима ҳам қиларди, даволаниш ҳақини тўлаш учун уларни сотишга тўғри келганди. У Омеронинг бу қатта сирни сақлаган ҳолда ўзига ёрдам беришини хоҳлаётган эди. Аммо Омеро илтимосни бу нарсаларни дўкондан патта олмасдан бажара олмаслигини айтди.

Президент бу буюмлар хотинига тегишли эканини, унга мустамлака йилларидан, бувисидан мерос бўлиб қолганини айтди. Буви бўлса, ўз навбатида, Колумбиядаги тилла конлари ҳиссасини мерос тариқасида олганди. Соат, запонка ва галстук тўғноғичлари унинг ўзиники. Орденлар бўлса, табиийки, олдин ҳеч кимга тегишли бўлмаган.

– Кимдир бу нарсаларга даъвогар бўлади деб ўйламайман, – деди у.

Омеро ўз сўзида туриб олди.

– Ундай бўлса, – деди президент, – ҳаммасини ўзим қилишимдан бошқа чорам йўқ.

У хотиржамлик билан жавоҳирларни йиғиштира бошлади.

– Ўтинаман, азизим Омеро, мени авф этинг, фақир президентнинг қашшоқлигидан даҳшатлироқ нарсанинг ўзи йўқ, – деди у. – Ҳатто, тирик юришнинг ўзи ҳам номақбул.

Шунда Омеронинг қалб кўзи очилди ва у таслим бўлди.

Шу куни Ласара уйга кеч қайтди. Остонадан ҳатлар-ҳатламас, меҳмонхонада ялтираётган жавоҳирларга кўзи тушиб, тўшагида чаён кўргандай қотиб қолди.

– Майнабозчиликни бас қил, хой бола, – деди у кўркаписа. – Бу нарсалар қаердан келиб қолди?

Омеро ҳамма гапни тушунтиргандан кейин баттар хавотирланди. У ўтириб олиб, жавоҳирларни гўё заргардек битта-битталаб синчиклаб текшира бошлади. Ниҳоят, тин олди. «Афтидан, дунёнинг бойлиги бўлса керак». Омерога тикилиб қолди, нима гаплигини тушуниб етмоқчи бўлди, лекин у гангиб қолганди.

– Жин урсин, – деди у. – Бу одам тўғриси айтяптими-йўқми, қандай текшириш мумкин?

– Нега энди тўғриси айтмас экан? – деди Омеро. – Ҳалигина ўз кўзим билан кўрдим. У кирини ўзи ювиб, худди биз сингари, хонасида куритар экан.

– Бу очкўзликдан, – деди Ласара.

– Ёки камбағалликдан, – деди Омеро.

Ласара яна жавоҳирларни кўздан кечира бошлади, лекин энди олдингидай диққат қилмаётганди. Дили вайрон бўлди. Шундай қилиб, эртасига ўзича энг қиммат кўйлақларини кийган, бўйнига тақинчоқларни осган, ҳар иккала қўлининг бармоқларига, ҳатто бош бармоғига сикқанича узук таққан, билакларига билагузук солган ҳолда, у жавоҳирларни сотгани кетди. «Қани, кўрайлик-чи, Ласара Дэвисдан ким патта сўра экан» деди у гердайиб уйдан чиқаркан ва кулиб қўйди. У атайлаб ҳашаматли бўлмаган одмирок тилла дўконни танлади, чунки бу ерда ортиқча савол бериб ўтирмасдан тилла буюм олиб-сотишларини биларди. Ласара дўконга ичида кўрқув бўлса-да, шахдам қадам ташлаб кирди.

Форма кийган озгин ва рангпар саркор уни тавозе билан кутиб олди, қўлини ўпиб, хизматга шай эканини айтди. Дўконнинг ичкараси кундузгидан ёруғ бўлиб, ойналар ва ёрқин чироклардан ҳаммаёқ бриллиантга тўлиб кетгандай

бўлиб туюларди. Ласара хийласини сезиб қолишидан чўчиб, саркорга деярли қарамай, дўкон тўрига йўналди.

Сотувчи Людовик XV замонаси услубига хос, хусусий пештахта сифатида ишлатиладиган учта столнинг бири ортида ўтиришни таклиф қилди ва олдига оппоқ сочик ёзди. Ўзи бўлса унинг рўпарасига ўтириб, кута бошлади.

– Хўш, хизмат?

Ласара узуклар, билагузуклар, дуру исирғаларни тақиб, осиб келган жавохирларининг барчасини пештахта устида шахмат тартибида қўйиб чиқди. Ўзи бу нарсаларнинг ҳақиқий қийматини билишни хошлаётганини айтди.

Заргар чап кўзига моноклни қистирди ва жавохирларни текшира бошлади. Текширишда давом этар экан, ниҳоят сўради:

– Ўзингиз қаерлик бўласиз?

Ласара бундай саволни кутмаганди.

– О сеньор, – уф тортди у. – Узоқдан.

– Мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим.

Сотувчи яна жим қолди, Ласара бўлса, сариқ кўзлари билан унга тешворгудай қилиб тикилиб ўтираверди. Заргар бриллиант тиллақошга алоҳида эътибор берди ва уни бошқаларидан ажратиб қўйди. Ласара хўрсинди.

– Сизнинг Паризод эканингиз очиқ-ойдин аён бўлиб турибди, – деди у.

– Бу гапни қаердан олдингиз?

– Хатти-ҳаракатларингиз айтиб турибди, – деди Ласара.

Заргар жавохирларни текшириб бўлгунча бошқа ҳеч нарса демади, сўнгра худди олдингидай расмий сиполик билан Ласарага мурожаат қилди:

– Буларни қаердан олгансиз?

– Бувимдан мерос қолган, – деди Ласара овозида бетоқатлик оҳанги пайдо бўлиб. – У ўтган йили Парамарибода вафот этди, тўқсон олти ёшга кирганди.

Шунда заргар унинг кўзларига тикилди.

– Қаттиқ афсусдаман, – деди у. – Бу нарсаларнинг ягона қиймати олтинлигига, яъни вазнига кўра.

У бармоқ учида тиллақошни кўтарди. Тиллақош кўзни камаштиргудай ярақлаб кетди.

– Мана шундан бошқаси, – деди у. – Бу жуда қадимий нарса, балки Мисрники бўлса керак. Агар бриллиантлари унниқмаганида унинг баҳоси йўқ бўлган бўларди. Лекин, барибир, у тарихий аҳамиятга молик. Бошқа тақинчоқлардаги тошлар – сафсарлар, зумрадлар, опалларнинг ҳаммаси истисносиз сохта. Шубҳасиз, олдинига уларнинг ўрнида ҳақиқий тошлар бўлган. – Заргар Ласарага қайтариб бериш учун жавохирларни йиғиштира бошлади. – Лекин бу нарсалар авлоддан-авлодга ўтаверган, ҳақиқий тошлар йўқолиб, ўрнини шиша эгаллаган.

Ласаранинг кўнгли қаттиқ беҳузур бўлиб кетди, чуқур тин олди ва кўркувини босди. Сотувчи унга тасалли берди:

– Бунақа ишлар тез-тез бўлиб туради, сеньора.

– Биламан, – деди Ласара тинчланиб. – Шунинг учун ҳам улардан қутулмоқчиман.

Шу чоғда у ўйин тугаганини ҳис қилди ва ўзини тутиб олди. Ортиқча сипогарчилик килиб ўтирмай, сумкасидан запонка, чўнтак соатлари, галстук тўғноғичлари, олтин ва қумуш орденларни, президентнинг барча қақир-қуқурини олиб, стол устига қўйди.

– Буларни ҳамми? – сўради заргар.

– Ҳа, ҳаммасини, – деди Ласара.

Унга ҳақини яп-янги швейцария пуллари билан тўлашди. Ҳатто, Ласара пулларнинг янги бўёғи бармоқларимни кир қилмасмикан, деб чўчиди. У пулни санамай олди. Заргар бўсағада аёл билан қандай сиполик билан саломлашган бўлса, шундай хайрлашди. Ойна эшикни очиб, уни ўтказар экан, хиёл имиллади.

– Охирги гапни айтай, сеньора, – деди у, – мен сувчиман.

Шу окшомда Омеро Ласара билан бирга пулни меҳмонхонага олиб боришди. Қайта-қайта санашдан кейин маълум бўлдики, яна озроқ пул етмас экан. Шунда президент никоҳ узуги, занжирли чўнтак соати, запонка ва галстук тўғноғичини чиқариб, тўшакка қўйди.

Ласара никоҳ узугини қайтариб берди.

– Фақат бу эмас, – деди у. – Хотира сотилмайди.

Президент унинг важ-қорсонини тўғри деб топди ва узукни бармоғига тақди. Ласара чўнтак соатини ҳам қайтиб берди.

«Буни ҳам», – деди у. Президент бу гапга қўшилмади, лекин Ласара соатни жойига солиб қўйди.

– Швейцарияда ким ҳам соат сотиши мумкин?

– Биз биттасини сотдик-ку, – деди президент.

– Лекин соат бўлгани учун эмас, тилла бўлгани учун олишган.

– Буниси ҳам тилладан, – деди президент.

– Ҳа, шундай, – деди Ласара. – Лекин сиз операция қилдирмасангиз ҳам яшай оласиз, соатсиз яшай олмайсиз.

Гарчи президентнинг бошқа, мугуз кўзойнаги бўлса-да, Ласара тилла гардишли кўзойнакни ҳам олмади. Аёл буюмларни кафтида салмоқлаб қўрди ва шубҳаларга чек қўйди.

– Бўлди, – деди у. – Шулар етади.

Эшикдан чиқишдан олдин бир оғиз сўзламай, дорда осиглиқ ҳўл кийимларни йиғиштириб олди, куритиш ва дазмоллаш учун олиб кетди. Улар мотоциклда, Омеро рулда, Ласара орқада уни белидан кучган ҳолда кетишди. Оқшом осмон қизғиш тусга кирганида кўча чироклари ёнди. Шамол дарахтларнинг сўнги япроқларини ҳам учириб кетди ва улар пати юлинган кушга ўхшаб қолди. Рона дарёси бўйлаб куйига сузиб кетаётган юк кемасида радио варанглаб, сохил бўйи кўчаларини мусиқага тўлдирди. Жорж Брассен куйлаётганди: «*Mon amour tient la barre, le temps va passer par là, et le temps est un barbare dans le genre d'Attila, par là où son chèvre passé l'amour ne gerousse pas*»<sup>1</sup>. Омеро билан Ласара ашуладан ва сўлимайдиган сунбуллар хидидан сармаст ҳолда чурқ этмай кетиб боришарди. Бироз вақт ўтгандан кейин Ласара узок уйқудан уйғонгандай бўлди.

– Жин урсин, – деди у.

– Нима демоқчисан?

– Шўрлик қария, – деди у. – Бу ҳаёт дегани б..нинг ўзгинаси!

\* \* \*

Кейинги жума куни, еттинчи октябрда президентни операция қилишди. Беш соат давом этган операциядан кейин ҳам

---

<sup>1</sup> Биз севгини йўлларга ўхшатамиз, вақт йўлдан ўтиб боради, вақт – ваҳший, хун Атилла қўшини билан Римга бостириб бораётир. Севги сен мени унинг отининг туёқлари остига ташлайсан.

аҳвол олдин қандай бўлса, шундай муҳмаллигича қолаверди. Гапнинг пўсткалласини айтганда, унинг тирик қолгани ягона тасалли эди. Ўн кундан кейин президентни умумий палатага ўтказишди. Энди уни бориб кўриш мумкин эди. У тамомила бошқа: паришон, озиб-тўзган, сийрак сочлари ёстиққа тегиши билан тўкиладиган одамга айланганди. Унинг биринчи марта бир жуфт махсус ортопедик қўлтиқтаёқ ёрдамида юришга уринганини кўриб, кишининг юраги эзилиб кетарди. Ласара кечки санитаркага пул кетказмаслик учун палатада тунаб қолди. Касаллардан бири ўлимдан кўрқиб, кечаси билан бақириб чиқди. Бедор ўтган бу кечалар Ласаранинг қалбидаги президентга нисбатан сўнгги ғазаб қолдиқларини таг-томири билан куритди.

Президентга касалхонадан чиқишга рухсат беришганида унинг Женевага келганига роппа-роса тўрт ой тўлганди. Президентнинг тақчил маблағларининг тежамкор бошқарувчиси бўлган Омеро касалхона харажатларини тўлади, ўзининг «Тез ёрдам» каретасида уни ўз уйига олиб борди ва кўмакка келган ҳамкасблари билан уни саккизинчи қаватга олиб чиқди. Улар президентни болаларнинг хобхонасига жойлаштирдилар ва президент аста-секин тузала бошлади. У ҳарбийларча мунтазамлик билан тикловчи машқлар қиларди, сўнгра аста-секин ҳассасига суяниб юра бошлади. Лекин эндиликда, ҳатто пўрим кийимида у ташқи кўриниши билан ҳам, хулқ-атвори билан ҳам олдингисига ҳечам ўхшамасди. Қиш совуғидан чўчиб (қиш қаттиқ келадди дейишганди, дарҳақиқат, бу кейинги юз йил ичида энг қаҳратон қиш бўлди) врачларнинг яна бироз вақт кузатувда тутиш ниятига қарамай, ўн учинчи декабрда Марселдан жўнайдиган кемада уйга қайтишга қарор қилди. Охири лаҳзаларда йўлга пул етмаслиги маълум бўлиб қолди ва Ласара эрига билдирмай, болалар учун йиғиб қўйган пулидан озроқ қўшмоқчи бўлди. Аммо қараса, ўзи ўйлаганидан камроқ пул қолган экан. Шунда Омеро унга билдирмай, бу пулларнинг бир қисмини касалхона харажатини тўлашга сарфлаганини тан олди.

– Майли, – ён берди Ласара. – Уни бизнинг катта ўғлимиз деб ҳисоблаб қўяколамиз.

Қорбўрон кутуриб турган ўн биринчи декабрь куни улар президентни Марселга борадиган поездга ўтқазишди. Уйга қайтиб келишганида эса болалар хонасидаги кичик жавон устида унинг видолашув мактубини топишди. Ўзининг никоҳ узугини ва марҳум хотинининг сотишни ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган узугини Барбарага, занжирли соатни эса, Ласарога шу ерда қолдирган эди. Президентнинг кетадиган куни якшанбага тўғри келди ва сирдан аллақачон воқиф бўлган карблик баъзи қўшнилари арфа чаладиган веракруслик созандалар билан Корнавэн вокзалига келишди. Президент унниқиб кетган пальто ва илгарилари Ласараники бўлган узун, рангдор шарфда хансираб нафас олаётган бўлса-да, охириги вагоннинг очиқ тамбурида турганча бўралаб ёғаётган қор остида кузатувчиларга шляпасини силкитиб кетди. Омеро кўлида президентнинг ҳассаси қолганини тўсатдан сезиб қолганида, поезд тезликни оширганди. Омеро платформа охиригача чопиб борди ва президентнинг илиб олиши учун ҳассани бор кучи билан отди, лекин ҳасса ғилдирак тагига тушиб, бўлак-бўлак бўлиб кетди. Бу жуда аянчли манзара эди. Ласаранинг энг охирида кўргани – ҳассани тутишга уринган, лекин тутолмаган қалтираган қўллар ва ҳавода муаллақ қолган, бошдан-оёқ қорга беланган қарияни шарфидан ушлаб қутқариб қолган йўл бошловчи бўлди. Кўзлари ёшга тўла бўлса-да, кулишга уринган Ласара дахшатга тушиб, эри томонга ошиқди.

– Ё, худойим-ей, – хайқирди у. – Уни оладиган ажалнинг ўзи йўқ.

Президент узундан-узоқ миннатдорчилик телеграммасида ёзганидай, манзилга эсон-омон етиб борганди. Кейин бир йилдан кўпроқ вақт ичида улар у ҳақда ҳеч қандай хабар эшитишмади. Ундан сўнгра қўлда ёзилган олти саҳифалик мактуб келди. Бу хатни тамомила бошқа одам ёзганга ўхшарди. Яна илгаригисига ўхшаш қаттиқ ва кетмас оғриқлар бошланган, лекин у бунга парво қилмай, бориға шукур қилиб яшашга қарор қилган эди. Шоир Эме Сезер унга ялтироқ қадама нақшли ҳасса совға қилди, лекин у ҳасса ишлатмасликка қарор қилди. Мана олти ой бўлдики, у мунтазам суратда гўшт истеъмол қилади, кунига йигирма финжон энг аччиқ қаҳва ичади. Лекин қаҳва куйқасига қарамайдиган бўлди, чунки очилган фолларнинг тескариси

бўлиб чиқди. Етмиш беш ёшга тўлган куни у бир неча қадах зўр мартиника роми ичди ва ўзини жуда яхши ҳис қилди ва яна чекишни бошлаб юборди. Албатта, унинг аҳволи яхшилангани йўқ, лекин ёмон ҳам бўлмади. Бироқ мактуб ёзишдан асосий мақсади адолат ва ватан шон-шуҳрати учун янгидан бошланган ҳаракатга бошчилик қилишдир балки. Эҳтимол, кексалик тўшагида ўлиб кетмасликдек мағрурона истак учунгина ватанга қайтишга ҳаракат қилаётганини уларга билдириш бўлганди. Шу маънода, деб яқунлаганди у мактубини, Женева сафари унинг учун туб бурилиш бўлганди.



## АВЛИЁ

Мен Маргарито Дуартени йигирма йилдан кейингина кўрдим. У ҳеч қутилмаганда Трестевере даҳасининг сирли тор кўчаларидан бирида пайдо бўлди. Уни зўрға танидим: у испанчани илгаригидай раvon гапирмас, ўзини қадимги римликлардек тутарди. Сочлари сийраклашган ва оқарган, Анд адабиётчиларига хос ғамбодалигидан асар ҳам қолмаган, мотамсаро уст-бошини ташлаган эди. Бир вақтлар у Римга ана шундай қопқора либосда келганди. Лекин у билан суҳбатлашар эканман, аста-секин хиёнаткор йиллар қаъри остида пинҳон кўринган асл қиёфасини, олдин қандай бўлса, шундай одамови, тутуми бетайин ва тошйўнувчи каби қатъиятли ҳолда кўрдим. Бир вақтлари доим бориб турадиган барларнинг бирида иккинчи финжон қаҳва ичишдан олдин ичимни таталаётган саволни беришга қарор қилдим:

– Хур киз нима бўлди?

– Хур киз шу ерда, – деди у. – Ҳалиям кутиб ётибди.

Фақат хонанда Рафаэль Рибера Сильва билан менгина унинг сўзлари замирида нақадар кучли танглик борлигини тушунишимиз мумкин эди. Биз унинг можаросини яхши билардик ва узок йиллар мобайнида Маргарито Дуарте ёзувчилар умр бўйи ахтарадиган персонажнинг худди ўзи деб ҳисоблар эдик. Унинг тарихининг интиҳоси тасаввуримга сиғмагани боисидан шу чокқача у ҳақда ёзмаган эдим.

У Римга Папа Пий XII ҳикичокқа йўликкан ўша фусункор баҳорда келганди. Ҳеч нарса – на врачлар, на дуохонлар ва на жодугарларнинг маҳорати Папага фойда бермаганди. Дуарте Колумбиядаги Анд тоғлари чўкқисида жойлашган Толима қишлоғидан илк бора четга чиққанди. Унинг бутун туриш-турмушидан, ҳатто ухлаш тарзидан ҳам қишлоқилиги яққол сезилиб турарди. Ажойиб кунларнинг бирида у эрталаб қарагайдан ясалган, локланган, шаклан ва ҳажман виолончель ғилофини эслатадиган жомадонини кўтарган ҳолда бизнинг консулхонамизга кириб келди ва консулга бу ғаройиб ташрифининг боисини баён қилди. Консул шу заҳотиёқ ўзининг ҳамшаҳари тенор Рафаэль Риберо Сильвага телефондан кўнғироқ қилди ва Маргарито Дуарте учун пансиондан жой ижарага олишни ўтинди. Рафаэль билан мен шу пансионда яшаётган эдик. Маргарито Дуарте билан шу тариха танишгандим.

Маргарито Дуарте, ҳатто бошланғич мактабни ҳам тугатмаган, лекин бадий адабиётга иштиёки, тўхтовсиз ўқиш унга анча чуқур маълумот олиш имконини берганди. Маргарито қўлига нима тушса, ҳаммасини, ҳар қандай босма нашрни битта қолдирмай ўқирди. Ўн саккиз яшарлигида, маҳаллий муниципалитетда мирза бўлиб ишлаётган вақтида у жуда сулув қизга уйланди. Аммо хотини кўп ўтмай, туғуруқ пайтида вафот этди, ундан бир қиз дунёга келди. Онасидан ҳам гўзалроқ бўлган қизалоқ етти ёшга кирганида безгақдан ўлди. Бироқ Маргарито Дуартенинг асл можароси у Римга келишидан ярим йил илгари бошланди. Ўшанда тўғон кўтариладиган жойга тўғри келгани учун қишлоқ қабристонини кўчира бошлашди. Барча ҳамқишлоқлари сингари, Маргарито янги қабристонга кўчириш учун хеш-ақраболарининг хокларини қовлашга киришди. Хотинининг жасади чириб йўқ бўлиб кетганди. Қўшни қабрда ётган қизининг жасади эса, ўн бир йил ўтганига қарамай, ўлганида қандай бўлса шундай турарди. Ҳатто, шу даражадаки, тобутни очган вақтларида жасадга қўшиб кўмилган янги агиргуллар бўйи уфурди. Бироқ энг хайратланарлиси, жасад вазнсиз, қушдай енгил бўлиб қолган эди.

Мўъжизани эшитган юзлаб кишилар қишлоқни босиб кетди. Шубҳага ўрин қолмади. Жасаднинг чиримагани қизчанинг, шубҳасиз, хурлигидан далолат берувчи белги эдики, ҳатто,

маҳаллий епархиянинг епископи бу мўъжизани Ватиканга ҳавола қилиш лозим, деган фикрга кўшилди. Маргарито Дуартенинг шахсий ҳам, ҳатто маҳаллий ҳам эмас, энди умумхалқ ишига айланган ишини деб Римга бориб жанг қилиши учун маблағ тўпланди.

Осойишта Париоли даҳасида жойлашган пансионда бизга бу ҳақда гапириб берар экан, Маргарито Дуарте ўзининг ғаройиб жомадони бурнига осилган осма қулфни очди ва қопқокни кўтарди. Шу тариқа биз тенор Риберио Сильва билан бирга мўъжизага шохид бўлдик. Жасад дунёнинг кўпгина музейларида кўриш мумкин бўлган буришиб-тиришган мўмиёга мутлақо ўхшамасди, келинчак либоси кийдирилган қизча шунча йил тупроқ остида қолганига қарамай, осуда ухлаётгандек эди. Қизчанинг териси силлиқ ва совуқ, очиқ кўзлари тиниқ бўлиб, у бизни нариги дунёдан кузатаётганга ўхшарди. Атлас ва бошидаги сунъий оқ гулчамбар, теридан фарқли равишда, шафқатсиз вақт синовига дош беролмаган, лекин қизалоқнинг кўлига тутқазилган атиргуллар яп-янги эди. Жасадни чиқариб олганимиздан кейин қарағай жомадоннинг вазни ҳақиқатан ўзгармади, олдингидай қолаверди.

Маргарито Дуарте келганининг иккинчи куниёқ югур-югурга киришди. Олдинига амалийдан кўра кўпроқ хайрихоҳона берилган дипломатик ёрдамга суянди, кейин бўлса, Ватиканга кириш йўлидаги беадад тўсиқларни айланиб ўтиш учун қўлидан келган барча хийла-найранглари ишлатди. У хатти-ҳаракатлари тўғрисида гапиришни ёқтирмасди, лекин кўп машаққатларни бошдан ўтказаётганини ва ҳаракатлари беҳудага кетаётганини билиб турардик. У кириб чиқмаган диний идора ва жамоат фонди қолмади. Унга диққат билан, лекин хайратланмасдан қулоқ солишар ва дарҳол воситачилик қилишни бошлашлари ҳақида ваъда беришар, лекин пировардида ҳаммаси пучга чиқарди. Тўғриси айтганда, бу ишнинг вақти эмасди. Муқаддас Минбарга қандайдир алоқаси бўлган барча ишлар кейинга – Папа ҳикичокдан кутулгунга қадар сурилганди. Папанинг ҳикичоғини академик медицинанинг энг таниқли кучларигина эмас, бутун дунёдан юборилаётган турли мўъжизавий воситалар ҳам тутата олмаётган эди.

Ниҳоят, июлнинг охирида Пий XII касалдан фориг бўлиб, Кастельгандольфога ёзги таътилга жўнаб кетди. Маргарито биринчи ҳафтадаги қабул маросимида ҳур қизни Папага кўрсатиш умидида ўша ёкка жўнади. Папа ичкари ховлида, жуда пастак балконда пайдо бўлди. Маргарито, хатто, унинг яхши бўялган тирноқларини ҳам кўрди, Пападан таралаётган лаванда хиди димоғига урилди. Лекин, Маргаритонинг умидига хилоф равишда, Папа бутун дунёдан келган туристларнинг ёнига тушмади, фақат олти тилда айни нутқни сўзлади ва пировардида барчани бирваракайига дуо қилди.

Иш пайсалга солинавергач, бу билан Маргаритонинг ўзи бевосита шуғулланишга қарор қилди. Шунинг учун ҳам қарийб олтмиш саҳифалик мактубни қўлида ёзиб, Ватикан девонига ўзи олиб бориб берди, лекин жавоб олмади. У шундай бўлишини кутган эди, чунки мактубни барча расмийликларга рия қилган ҳолда қабул қилган амалдор ҳур қизга кўз ҳам ташлагани йўқ, шу ердан ўтиб-кешиб юрган ходимлар жасадга шунчаки қараб қўйишди, холос. Улардан бири бултур дунёнинг турли жойларида топилган чиримаган жасадларни авлиёлар сафига қўшишни илтимос қилиб ёзилган саккиз юздан кўпроқ мактуб олишганини айтиб берди. Шундай бўлса-да, Маргарито жасаднинг вазни йўқ эканини текшириб кўриш ва ишонч ҳосил қилишни ундан ўтинди. Амалдор текшириб кўрди, лекин мўъжизани тан олишдан бош тортди.

– Бу оммавий равишда ўз-ўзини ишонтириш ҳодисаси бўлиши керак, – деди у.

Бегим кунлари камдан-кам бўш қолган вақтлари ва жазирама якшанба кунлари Маргарито хонасида ўтириб олиб, китоб устига мук тушарди. Унга кетида юрган ишига бу китобларнинг нафи тегадигандек бўлиб туюларди. Ҳар ойнинг охирида унинг сафарига пул тўплаб берган ҳамқишлоқларига кейинчалик ўз вақтида аниқ ҳисобот бериш учун ўз ташаббуси билан ўқувчилар дафтарига қилинган харажатлар ҳақида батафсил ёзиб қўярди. Йил охирига бориб, у худди шу ерда туғилиб ўсгандай, Римнинг гадой топмас кўчаларигача билиб олди, испанчанинг анд лаҳжасида сўзлагандай, кам бўлса-да, итальянча эмин-эркин гаплашадиган бўлди, черков акидалари, маросимларини ҳаммадан яхшироқ билиб олди. Бироқ у судья-

ларникига ўхшаш коп-қора, машъум уст-бошини, нимчаси ва шляпасини бошқасига алмаштиргунга қадар анча вақт керак бўлди. Ўша вақтлари Римда мақсад ва вазифаси номаълум яширин жамиятларнинг аъзоларигина ана шундай кийингучи эдилар. У хур қиз жойлаштирилган жомадонни кўтарганча каллаи сахардан чиқиб кетар, кечкурун алламаҳалда ҳориб-чарчаган, тўзган, ғамгин ҳолда қайтиб келарди. Лекин кўзларида ҳамиша умид учкунлари порлаб турарди. Бу умидворлик кейинги кунга куч-ғайрат бағишларди.

– Хур қизлар ўз замони ва маконида яшайди, – дерди у.

Мен ўша вақтлари илк бора Римга борган ва Кинематография тажриба марказида ўқиётган эдим. Бу машаққатли даврда ҳаётим можароларга тўлиқ бўлганини ҳеч қачон унутмайман. Биз яшаётган мусофирхона ҳақиқатан ҳам замонавий бўлиб, Боргезе вилласидан икки қадам нарида жойлашганди. Уй бекаси ўзига иккита хона қолдирган, тўрттасини бўлса, чет эллик талабаларга ижарага берганди. Биз уни Гўзал Мария деб атардик. Аёлликнинг куз палласига қадам қўйган жувон хануз сулув ва жўшқин бўлиб, ҳар ким ўз хонасида ўзига подшо деган қоидага қатъий амал қиларди. Кундалик ташвишлар унинг опаси, Антониета холанинг зиммасига юкланган эди. Қаноти бўлса, нақ фариштанинг ўзи бўлган бу аёл кун бўйи тинмай ишлар, челаги ва туклари қаттиқ чўткасини кўтарганча у ёқ-бу ёққа ўтиб қайтаверар, ёғ тушса ялагудек мрамор полни қайта-қайта ишқалаб юаверар эди. Сайроқи қушлар гўштини ейишни бизга шу аёл ўргатди. Унинг эри Бартолино сайроқи қушларни овларди. Бу ярамас одатни у уруш вақтлари орттирган эди. Пировардида Гўзал Мариянинг мусофирхонасида яшаш учун Маргаритонинг маблағи қолмаганида бу аёл уни уйига олиб кетди.

Маргаритонинг ҳаёт тарзи учун ўша сершовкин уйдан баттарроғи топилмаса керак. У ерда доимо, ҳатто сахар мардондан нималардир содир бўлиб турарди – тонг отар-отмас биз Боргезе Вилласининг ҳайвонот боғидаги шернинг қаттиқ ўқиришларидан уйғониб кетардик. Тенор Рибера Сильва имтиёзга эришди, римликлар унинг жўшқин ашула машқларига кўникишди. У эрталаб соат олтида туриб, шифо мақсадида муздай сувга тўлатилган ваннада чўмилиб олар, Мефисто-

фелникига ўхшаш қошлари ва соколини тартибга келтирар ва ўзини ҳар жиҳатдан тайёр деб ҳисоблагандан кейин шотландча катак халатни кийиб, ўзининг махсус атири сепилган хитойи шохи шарфини ўраб олганча, бутун борлиғи билан, қалбан ва жисман берилган ҳолда ашула машқларини бошлаб юборарди. У хонасининг деразаларини ланг очиб қўяр, у ердан киш осмонининг юлдузлари кўриниб турарди ва овозини чархлашга киришарди, олдин энг яхши севги-муҳаббат опералари арияларидан парчаларни паст овозда ижро қилар, овози аста-секин кучайиб борар, ниҳоят бор овози билан ашула айтарди. Ҳар куни айни ҳодиса такрорланарди. У дога етай деб қолганида Боргезе Вилласидаги шер ўқирик билан жавоб қайтарар, арслоннинг ўқиригидан еру кўк ларзага келар эди.

– Эхе, сен Авлиё Маркнинг ўзи экансан-ку, *figlio mio*<sup>1</sup>, – хитоб қиларди Антониета хола чинакамига хайратга тушиб. – Фақат ўша авлиёгина шерлар билан тиллаша олган.

Лекин бир куни саҳарда шер унга жавоб қайтармади. Риберо «Отелло»даги севги дуэтини: «*Gia nella notte densa s'estingue ogni clamor*»<sup>2</sup>ни куйлай бошлади. Тўсатдан ҳовли тўридан кимдир унга гўзал сопранода жавоб қайтарди. Тенор куйлашда давом этди, ҳар иккала хонанда шу тарзда дуэтни охиригача тўла-тўкис ижро этишди. Кўни-қўшнилари завқ-шавққа тўлишди, улар тизгинсиз севгининг қудратли даъвати уйларини ҳам табаррук қилиши учун деразаларини ланг очиб олгандилар. Риберо Сильва бу кўринмас Дездемона буюк Мария Канильянинг ўзи эканини эшитган чоғда, сал бўлмаса, ҳушдан кетаёзди.

Менда шундай таассурот туғилдики, айни шу ҳодиса Маргарито Дуартенинг уй ҳаётига кўшилишига асосий сабаб бўлди. Ўша кундан эътиборан у умумий дастурхон атрофида ҳамма билан бирга овқатланадиган бўлди. Илгарилари у ошхонада овқатланар, Антониета хола худонинг берган куни уни ўзининг хос таоми – сайроқи қуш гўштидан пиширилган қовурдоқ билан сийлар эди. Овқатдан кейинги ширинлик ўрнига итальянча талаффузни яхши ўрганишимиз учун бизга

<sup>1</sup> Болажоним (итальянча).

<sup>2</sup> Тун оғушида эшитилмас тиқ этган товуш (итальянча).

Гўзал Мария янги газеталарни ўқиб берар, ўқир экан ора-сира зукколик билан шунақанги кўпол луқмалар ташлаб кўярдики, кулгидан қотиб ўлай дердик. Бир куни, хур қиз ҳақида гап очилганда, у Палермо шахрида катта музей борлигини, у ерда эркаклар, аёллар, болаларнинг чиримаган жасадлари намойиш қилинишини, хатто капуцинлар қабристонига битта мозордан ковлаб олинган бир нечта епископнинг жасади борлигини айтиб қолди. Бу хабар Маргаритони шунчалик ҳаяжонлантириб юбордики, биз Палермога йўл олмагунга қадар тиним билмади. Тасалли берадиган хулосага келиши учун унинг одамни дилгир қилиб юборадиган тасқара мўмиёларга тўла залларга бир назар ташлашининг ўзи кифоя бўлди.

– Қилчалик ҳам ўхшамайди, – деди у. – Буларнинг ҳаммаси жонсиз.

Августда тушдан кейин Рим осудалик оғушига тушарди. Офтоб осмонда қотиб қолганга ўхшар, соат иккиларда ҳаммаёқни сукунат босар, фақат ариқларда оқаётган сувнинг шилдираши эшитиларди, холос. Буни Римнинг ҳақиқий саси деса бўларди. Бироқ кечки соат олтига борганда барча деразалар ланг очилар, у ердан хоналарга эндигина кўтарилган шабада билан соф ҳаво бостириб кирар, шоду хуррам оломон фақат бир мақсадда – мушаклар ва мотоцикллар шовқини, тарвуз сотувчиларнинг бақир-чақирлари, гулларга бурканган айвонлардан эшитиладиган севги кўшиқларини эшитиб, ҳаётдан завқланиш учун кўчаларга тошиб чиқар эди.

Хонанда икковимиз бундай байрам оқшомлари ҳечам ухламасдик. Биз унинг «веспа»сида у рудда, мен эса орқа ўриндикда айланишга чиқиб кетардик ва муздеккина бадани ёзги офтобда қорайган фоҳишаларни олиб келардик. Улар Боргеце Вилласининг асрий дафна дарахтлари орасида тентираб юрар, жазирама қуёш остида ҳам сандироклаб юрадиган бедор туристларни овлар эдилар. Бу камбағал фоҳишалар хушрўй ва назокатли бўлиб, ўша замондаги кўпгина итальян аёллари сингари ҳарир мовий кофта, пушти ипак кўйлак кияр, яшил рўмол ўрар ва яқинда ўтган уруш ёмғирларидан илма-тешик бўлган шамсиялар билан ўзларини офтобдан пана қилар эдилар. Улар билан кўнгилхушлик қилишдан ҳақиқатан ҳам вақтимиз чоғ бўларди. Улар ўз касбининг қонун-қоидаларини ҳеч тап тор-

май бузиб ўтишар, биз билан яқин атрофдаги барга бориб, бир финжон қаҳва ичиш баҳонасида валақлашиш ёки ёлланган фойтунга миниб парк йўлкаларида айланишни, ёхуд сири фoш бўлган шахзодалари ва оқшомлари манежда от ўйнатадиган мусибатли жазманлари устидан шикоят қилишни деб яхши миждозни қўлдан чиқаришдан тоймас эдилар. Йўлдан адашган қандайдир америкалик сайёҳлар билан суҳбатлашганларида биз уларга бир неча бор таржимонлик ҳам қилдик.

Биз Маргарито Дуартени Боргезе Вилласига фоҳишаларни эмас, балки шерни кўргани олиб бордик. Шер чуқур хандақ билан ўралган кичкина қумлоқ оролда эркин юрарди. Қарши қирғоқда бизни кўриши биланок, шер безовталаниб ўкирди. Бундан қоровул хайрон бўлди. Боғда айланиб юрган кишилар нима гаплигини билиш учун югуриб келишди. Тенор тонги баланд *доси* билан ўзини арслонга танитмоқчи бўлди, лекин шер парво ҳам қилмади. Шер барчамизга қарата ўкираётганга ўхшарди, лекин шер боқувчи хизматчи у фақат Маргаритога ўкираётганини айтди. Ҳақиқатан ҳам Маргарито каёққа ўтса, шер ҳам шу томонга юрар, Маргарито кўздан ғойиб бўлди дегунча ўкиришдан тўхтарди. Сиен университетининг мумтоз адабиёт доктори бўлган хизматчи Маргарито шу куни бошқа арслонларни бориб кўрган ва ундан шер ҳиди келаётган бўлса керак, деб хулоса чиқарди. У мутлақо куракда турмайдиган ана шу бўлмағур хулосадан бошқа ваз тополмади.

– Нима бўлишидан қатъи назар, – деди у, – бу жанговар эмас, балки ҳамдардларча ўкириқдир.

Аммо бу ғайритабиий ҳодиса эмас, балки боғда қизлар билан валақлашишга тўхтаган пайти Маргаритонинг ҳаяжонланиб кетгани тенор Рибери Сильвага каттиқ таъсир қилди. У бу ҳақда овқат маҳали гапириб берди ва ҳаммамиз – айримларимиз шумликка бориб, айримларимиз бўлса, ҳамдардлик юзасидан Маргаритони ёлғизликдан кутқариш керак, деган қарорга келдик. Раҳмдиллигимиздан тўлқинланиб кетган Гўзал Мария ялтироқ тошли узуклар билан безалган қўлларини катта кўкрақларига мушфикона босди.

– Мен бу вазифани азбаройи раҳмдиллик юзасидан бажарган бўлардим, – деди у, – лекин бахтга қарши, нимча кийган эркакларни жиним суймайди.

Хуллас, тенор тушки соат иккида Боргезе Вилласини айланиб, «веспа»сида бир «кушча»ни олиб келди. Маргарито билан бир соат бўлиши учун унга бу қиз жуда бопдай туюлган эди. Тенор кизни ўз хонасига олиб кириб, ечинишни буюрди, хушбўй совун билан ювди, артди, ўзининг хос атирини, соқол олганидан кейин ишлатадиган камфорали кукунни бошдан-оёқ сепди. Ниҳоят, бу ерда кетган вақти ва Маргарито билан ўтказадиган бир соати учун кизга пул тўлади, кейин нима қилиши лозимлигини икир-чикиригача тушунтирди.

Қип-яланғоч париваш ярим қоронғида, худди рўёдагидек, оёқ учида юриб ўтди ва даҳлиз тўрида жойлашган ётоқхона эшигини икки марта оҳистагина тақиллатди. Оёқяланг ва ярим яланғоч Маргарито Дуарте эшикни очди.

– Buona sera gionvanotto, – деди қиз мактаб ўқувчисидек шивирлаб. – Mi manda il tenore<sup>1</sup>.

Маргарито зарбани жуда муносиб қарши олди. Эшикни катта очиб, кизни ичкарига киритди. Қиз шу захотиёқ кўрпага кирди, у бўлса кизга лозим даражада хурмат бажо келтириш учун тезда қўйлагини ва туфлисини кийиб олди. Кейин тўшак ёнидаги курсига ўтириб, гапга киришди. Қиз хайрон бўлди ва бор-йўғи бир соат вақтлари борлиги учун тезроқ ишни битириши кераклигини айтди. У ўзини тушунмаганга солди.

Қиз кейинчалик, барибир у қанча хоҳласа, шунча қолган ва эвазига бир чақа ҳам олмаган бўлишини, чунки ер юзида унингдай хушмуомала киши кўрмаганини эътироф этди. Ўша аснода қиз нима қиларини билмай, хонани кўздан кечирди ва камин устида турган ғилофни кўриб қолди ва «Бу саксофон эмасми?» деб сўради. Маргарито ҳеч нарса демади, ёруғроқ бўлиши учун пардани сал кўтарди, ғилофни олиб, тўшак устига қўйди ва қопқокни очди. Қиз нимадир демоқчи бўлди, лекин тили калимага келмади. Ёки, у кейинчалик бизга айтганидай: Mi si gel oil culo<sup>2</sup>. Қиз даҳшатга тушиб, хонадан отилиб чикди, лекин даҳлизда тескари томонга қараб югура кетди ва хонадаги куйган лампочкани алмаштиргани келаётган Антониета холага урилди. Ҳар иккови ҳам шу даражада кўрқиб кетишди-

<sup>1</sup> Хайрли кеч. Мени тенор юборди (итальянча).

<sup>2</sup> Асалдонимгача музлаб кетди (итальянча).

ки, тунга довур тенорнинг хонасидан чиқишга кизнинг юраги бетламади.

Антониета хола гап нимадалигини ҳеч қачон билолмади. У хонамга кўрқувдан қалтираганча кириб келди, ҳатто лампочкани бурашга ҳам ҳоли келмади, қўллари титрайверди. Мен нима бўлганини суриштирдим. «Бу уйни арвоҳ босибди, – деди у. – Куппа-кундузи арвоҳлар изғиб юришибди». Шундан кейин хола сўзларининг тўғрилигига қатъий ишонч билан, уруш вақтида бир немис офицери ҳозир тенор яшаётган хонада ўйнашининг калласини кесганини айтиб берди. Антониета хола иш юзасидан у ёқ-бу ёққа ўтганида ўлдирилган гўзалнинг арвоҳи даҳлизларда кезиб юрганини кўп бора кўрган.

– Мана, бу арвоҳ ҳозиргина қип-яланғоч ҳолда даҳлизда чопиб юрган экан, – деди у. – Худди шунинг ўзи.

Кузга бориб шаҳар ҳаёти зерикарли бўлиб қоларди. Гулларга бурканган айвонлар илк изғириндаёқ тақа-тақ ёпилар, биз тенор билан Трастевердаги эски ресторанимизга қайтар, одатда, Карло Кальканьининг шогирдлари бўлган вокалистлар ва киномактабда мен билан ўқиган баъзи синфдошларим билан бирга овқатланар эдик. Рестораннинг доимий мижозлари орасида ақлли ва ёқимтой грек Лакис ҳам бор эди. Ижтимоий адолатсизлик тўғрисида уйку бостирадиган ваъзлар ўқиши, унинг ягона камчилиги эди. Яхшиямки, тенор ва сопранолар баланд овозда опералардан парчалар ижро этиб, унинг овозини ўчиришарди. Лекин бу хонишлар, ҳатто, ярим кечаси ҳам ҳеч кимнинг ғашига тегмасди. Аксинча, бу ерга адашиб кириб қолган тунги дайдилар уларга жўр бўлишга киришар, қўшнилар бўлса, деразаларини ланг очиб, қарсак уришар эди.

Бир куни тунда ҳаммамиз шу йўсинда жўр бўлиб куйлаётганимизда, Маргарито бизга халакит бермаслик учун оёқ учида кириб келди. Кўлида қарағайдан қилинган ғилоф. У хур қизни Сан-Хуан-де-Летран черковининг Муқаддас даргоҳда нуфузи катталиги билан машхур бўлган руҳонийига кўрсатган ва пансионга бормасдан тўғри шу ёққа келганди. Кўз қирим билан у ғилофни бир чеккадаги столча устига қўйганини, ўзи бўлса, ашула айтиб бўлишимизни кутиб ўтирганини кўрдим. Ресторан, одатдагидек, ярим кечга яқин сийракла-

ша бошлаганда, биз – ашула айтаётганлар ҳам, кино ҳақида суҳбатлашаётганлар ҳам, уларнинг дўстлари ҳам столларимизни суриб, бирлаштириб олардик. Бу ердагилар Маргарито Дуарте индамас ва ғамгин колумбиялик деб билишар, у ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Қизиқиб қолган Лакис ундан виолончель чаласизми, деб сўраб қолди. Мен нокулай вазиятдан қандай чиқишни билолмай, довдираб қолдим. Мендан ҳам кўпроқ ўнғайсизланган тенор сўзлагани сўз топмади. Фақат Маргарито саволни мутлақо табиий деб билди.

– Бу виолончель эмас, – деди у. – Бу ҳур киз.

Ғилофни стол устига қўйди, калитни бураб, копоқкни очди. Ресторандагиларнинг барчаси донг қотиб қолди. Миждозлар, официантлар ва, ҳатто, боғлаган этакларини қон доғлари бошган ошхона хизматчилари мўъжизани кўриш учун ёпирилишди. Баъзилари кўрқувдан чўкина бошлади. Ошпаз хотин эса, қўлларини қовуштирганча, тиз чўқди ва безгак тутгандай, қалтираб дуо ўқишга киришди.

Бироқ дастлабки ҳаяжон ўтиб кетгач, замонамизда муқаддас нарсаларнинг зиғирчалик қадри қолмагани ҳақида бақириб-чақириб баҳслаша кетдик. Табиийки, Лакис кескинликда ҳаммамиздан ўтиб тушди. Пировардида Лакис ҳур киз тўғрисида танқидий фильм олиш ғоясини ўртага қўйди.

– Аминманки, – деди у, – қария Чезаре бу мавзунини қўлдан чиқармаган бўларди.

У бизга сюжет ва сценарийдан сабоқ берган, кино тарихида буюқлардан бири ва мактабдан кейин ҳам биз билан доимо мулоқотда бўлган устозимиз Чезаре Дзаваттинини назарда тутаетган эди. У бизга касбнигина эмас, балки ҳаётни бошқача назар билан кўришни ўргатишга ҳаракат қиларди. У сюжет тўқишга устаси фаранг эди. Сюжетлар унинг ихтиёридан қатъи назар, ўзидан-ўзи қуюлиб келаётганга ўхшарди. Бунинг устига сюжетлар шунчалик шиддат билан ёпирилиб келардики, йўл-йўлақай уларни обдан пишириб баён этиши учун доимо унга кимдир кўмакка келиши керак бўларди. Иш ниҳоясига етганда, маънос бўлиб қоларди. «Ғоят афсуски, бу энди суратга олинади-да», дерди. Чунки экранга кўчирилганида дастлабки сеҳрнинг кўп қисми йўқ бўлиб кетади, деб ҳисобларди. У ўз ғояларини откриткаларга ёзиб юрар, уларни мавзуларига кўра

тартибга солар ва деворга ёпиштириб кўярди. Откриткалар шунчалик кўпайиб кетдики, хобхонасининг деворларида жой қолмади.

Кейинги шанба куни биз Маргарито Дуарте билан уникига йўл олдик. Биз унга ғояни телефон орқали баён қилдик. Янгилик деса ўзини томдан ташлайдиган одам бўлгани учун ҳам сабрсизликдан тоқати тоқ бўлганча бизни Анжело Мери-чи кўчасидаги уйи эшиги олдида кутиб турган экан. У, ҳатто одатича сертакаллуфлик билан саломлашгани ҳам йўқ, дарҳол Маргаритони олдиндан тайёрланган стол ёнига бошлади ва ўзи ғилофни очди. Лекин етти ухлаб тушимизга қирмаган воқеа со-дир бўлди. Ақлдан озадиган даражада ҳаяжонланиш ўрнига, у серрайганча қотиб қолди.

– Ammazza!<sup>1</sup> – деб шивирлади у кўркув аралаш.

У ҳур қизга икки ёки уч дақиқа чурқ этмай тикилиб тур-ди, сўнгра қопқокни ёпди ва ҳеч нарса демай, Маргаритони худди атак-чечак қилаётган ёш болани етаклагандай, эшик то-монга бошлади. Елкасига астагина қоқиб, у билан хайрлашди. «Раҳмат, бўтам, катта раҳмат», – деди. Орқасидан эшикни ёп-гач, бизга юзланди ва ҳукм чиқарди.

– Кинога ярамайди, – деди у. – Ҳеч ким ишонмайди.

Трамвайда уйга етиб келгунча, устознинг бизни ларзага солган хулосаси ҳақида сўзлашдик. Модомики, устоз шундай дедими, демак бош қотиришнинг ҳожати йўқ, бу кинога яра-майди. Лекин Гўзал Мария бизни кутиб оларкан, Дзаваттини зудлик билан бугуноқ етиб боришимизни илтимос қилганини айтди. Аммо ёнимизда Маргарито бўлмаслиги керак экан.

Биз уни авж пардага чиққан ҳолда учратдик. Лакис икки нафар шогирдини бирга олиб келганди, лекин устоз эшикни очар экан, афтидан уларни кўргани ҳам йўқ.

– Топдим! – ҳайқирди у. – Агар Маргарито мўъжизанинг уддасидан чиқса, қизчани тирилтиролса, бу бомба бўлади.

– Фильмдами ёки ҳаётдами? – сўрадим мен.

У таажжубимни босди.

– Тентаклик қилма, – деди у менга. Шунда унинг кўзлари босиб бўлмайдиган ғоя алангасида порлаётганини

---

<sup>1</sup> Онангни!.. (итальянча).

кўрдик. – Агар у қизалокни реал ҳаётда тирилтиришга кодир бўлмаса... – деди у ва чуқур ўйга толди: – Ҳар ҳолда, уриниб кўриш керак.

Бир лахзагина чалғиди, сўнгра ҳикоя қила кетди. Устоз бахти кулган тентакларга ўхшаб, қўлларини силкитганча, хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юриб, бор овози билан фильм мазмунини сўзлайверди. Биз ҳайратланиб кулоқ солар ва у айтаётган воқеаларни ўз кўзимиз билан кўраётгандек эдик: образлар ўзидан нур чиқарадиган қушлар каби, нур сочиб, бутун хонани тўлдирди.

– Уни қабул қилмаган йигирмата Папанинг барчаси оламдан ўтиб кетганидан сўнг, ниҳоят бир куни оқшом палласи озиб-тўзган ва қартайган Маргарито уйга қайтади, ғилофни очади, хур қизнинг ёнокларини силайди ва мисли кўрилмаган даражада меҳр-муҳаббат билан дейди: «Қизгинам, отанг ҳаққи, ўрнингдан тур ва юргин».

У бизга бошдан-оёқ тикилди ва тантанавор оҳангда яқунлади:

– Ва қизалок ўрnidан туриб, юриб кетади!

У биздан ниманидир кутаётганга ўхшарди. Лекин биз нима дейишимизни билолмай, серрайиб турардик. Фақат грек Лакис худди мактаб боласидай, қўлини кўтариб, сўз сўради.

– Ҳамма бало шундаки, мен бунга ишонмайман, – деди у ва бизни ҳайрон қолдириб, тўғридан-тўғри Дзаваттинига муурожаат қилди. – Мени кечиринг, устод, лекин мен бунга ишона олмайман.

Ҳайратга тушиш навбати Дзаваттинига келди.

– Нега?

– Қаёқдан билай? – деди Лакис гангиб. – Бунақа бўлиши мумкин эмас, тамом вассалом.

– Ammazza! – бор овози билан ҳайқирди устод. Бу ҳайқириқ, афтидан, бутун даҳадагиларга эшитилган бўлса керак. – Сталинчиларнинг аини шу феъли қонимни қайнатиб юборади-да улар реал ҳаётга асло ишонмайдилар.

Ўзи менга айтганидай, Маргарито шундан кейин хур қизни Папага кўрсатиш умидида ўн беш йил давомида Кастельгандольфога қатнаган. Иоанн XIII Лотин Америкасидан келган икки юзта зиёратчини қабул қилган вақтида ён-

веридигиларнинг тирсақлари билан туртишларига, итаришларига дош бериб, хайрихоҳ Папага ҳур қиз ҳақида сўзлаб берган. Лекин қизчани кўрсата олмаган. Чунки у ғилофни остонада қолдиришга мажбур бўлганди. Суиқасддан чўчиганлари учун зиёратчиларнинг қоплари ва ашқол-дашқолларини эшик олдида қолдиришга мажбур қилишганди. Папа оломон орасида уни мумкин қадар диққат билан эшитди, юзини силаб, кўнглини кўтариб қўйди.

– Bravo, figlio mio, – деди Папа унга. – Парвардигор сенга қатъиятинга яраша мукофот бергусидир.

Сертабассум Альбино Лучианининг қисқа муддатлик ҳукмронлиги вақтида унинг орзуси сал бўлмаса, амалга ошай деди. Папанинг бир қариндоши Маргаритонинг ҳикоясидан қаттиқ таъсирланди ва кўмаклашишга ваъда берди. Ҳамма бу ваъдани шунчаки гап деб ўйлади. Аммо икки кундан кейин мусофирхонадагилар тушлик қилишаётган вақтда кимдир телефон қилиб, Маргаритога Римдан ҳеч қайққа кетмаслиги, чунки пайшанбага қадар уни Ватиканга хусусий қабулга чақиришлари тўғрисидаги қисқа хабарни етказишни тайинлади.

Бу ҳазилмиди, чинмиди, ҳеч ким ҳеч қачон билолмади. Маргарито бунга чиппа-чин ишониб, доимо шай ҳолда кута бошлади. У уйдан чиқмасди. Ҳожатхонага кетаётганида эса баланд овозда: «Мен ҳожатхонага кетяпман» деб бақирарди. Бостириб келаётган кексалик остонасида турган бўлишига қарамай, доимо хушчақчақ бўлган Гўзал Мария эркин аёлларга хос қаҳ-қаҳ отиб куларди.

– Биламиз, биламиз, Маргарито, – деб қичқирарди у. – Сенга Папа кўнғироқ қилиши керак.

Кейинги ҳафтаси, ваъда қилинган кундан икки кун олдин эшик остига ташлаб кетилган газетанинг «Morto il Papa»<sup>1</sup> сарлавҳасини кўрибқ Маргарито йиқилиб тушди. Бу газета эскидир, уни янглишиб олиб келишгандир, деган оний умид учкунни йилт этди, чунки Папаларнинг ҳар ойда ўлишига ишониниш қийин-да. Лекин бу ҳақиқат эди, ўттиз уч кун муқаддам сайланган сертабассум Альбино Лучианини эрталаб тўшагида жонсиз топишганди.

---

<sup>1</sup> «Папа вафот этди» (итальянча).

Маргарито Дуарте билан танишганимдан йигирма икки йил ўтгандан кейин мен Римга қайтиб келдим, агар тасодифан кўриб қолмасам, балки уни эсламаган ҳам бўлардим. Замонанинг ёмон ўзгаришларидан шунчалик қаттиқ эзилгандимки, умуман, ҳеч ким ҳақида ўйлагим келмасди. Ёвғон шўрвага ўхшаш илиқ-милиқ, аҳмоқона ёмғир тўхтамай ёғар, ўтган йилларнинг биллурдек ёғдулари хира тортган, авваллари менга қадрдон бўлган ва соғинган жойларим бошқача ва бегона бўлиб қолган эди. Пансион жойлашган уй хануз ўша жойда, лекин Гўзал Мария ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Бир неча йиллардан кейин тенор Риберио Сильва менга ёзиб юборган олтита телефон рақамидан биттасига ҳам ҳеч ким жавоб бермади. Киночиларнинг янги авлоди билан тушлик қилар эканми, устозимни эсладим, хонага бирданига жимлик чўкди, ниҳоят кимдир оғиз очишга журъат қилди:

– Zavattini? Mai sentito<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам у ҳақда ҳеч ким эшитмаган эди. Боргезе Вилласидаги дарахтлар ёмғир остида шалвираб ётарди, бир вақтлар маъюс маликалар от ўйнатиб юрадиган майдонларни ёввойи ўт босган, улар орасида гуллар кўринмас, олдинлари тун малаклари тентираб юрадиган жойларни кўлтиғида ясантусан қилган жононлари бўлган мушакдор атлетикачи спортчилар эгаллаган эди. Илгариги табиат барбод бўлган, фақат кўтир очган ва хириллаган шергина омон қолганди. Шер хануз кўлмак сув билан ўралган оролчасида яшарди. Энди ҳеч ким ашула айтмасди. Испания майдонида жойлашган ва деворларига пластик ёпиштирилган ресторанларда севгидан ўлаёзган ошиқлар ҳам йўқ эди. Энди Рим бизнинг ўтмишни кўмсаган хотираларимизда Цезарлар замонидаги кўҳна Рим ичидаги қадимий Римга айланиб улгурганди. Трастеве даҳасидаги бир кўчада тўсатдан қадим замонлар қаъридан келган бир сас мени тўхташга мажбур қилди:

– Шоирга саломлар!

Бу қартайган, озиб-тўзган Маргарито эди. Бешта Папа ўлиб кетган, асрий Рим абгорликка юз туггани нишонлари намоён бўлаётган эди. У бўлса, ҳали-хануз умидвор эди. «Мен узок

---

<sup>1</sup> Дзаваттини? Ҳеч қачон эшитмаганман (итальянча).

кутдим, энди оз колди, – деди у тўрт соат хасратлашганимиздан сўнг, – яна бир неча ой холос». Шундай деди-ю, оёғини судраб босганча, кўча ўртасидан юриб кетди. Оёғида солдатча этик, бошида эса, кекса римликлар киядиган унниккан қалпоқ. Нур тушиб ялтираётган халқобларга эътибор қилмай кетиб борарди. Агар авлиёлар ҳақиқатан ҳам бор бўлса, авлиё Маргаритонинг худди ўзи эканига шак-шубҳам қолмади. У ҳаётининг йигирма икки йилини кизчасининг қандай бўлса, шундайлигича турган жасадини кўтариб, ўз ақидасини, ўзининг муқаддас ишини химоя қилишга сарфлади. Лекин муқаддас иш қилаётгани унинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ.



## САМОЛЁТДА УХЛАЁТГАН ГЎЗАЛ

У жуда гўзал, хипчабел, бугдойранг териси силлик, кўзлари бамисоли яшил бодомга ўхшар, силлик қора сочлари елкасига тушиб турарди. Унда қандайдир антикийлик, балки индонезиялик ёки андликларга хос нимадир бор эди. Кийим-кечаги ҳам нозик дидидан далолат бериб турарди. Эғнида силовсин терисидан тикилган камзулча, табиий ипакдан очранг кофта, хом сурп шим ва пошнасиз туфли. «Умримда кўрган аёлларнинг энг чиройлиси экан», – деб ўйладим Парижнинг Шарль де Голль аэропортида Нью-Йоркка учадиган йўловчилар орасида самолётга чиқишга навбат кутиб турарканман, мода шерга ўхшаб сирли қадам ташлаб ёнимдан ўтаётганида унга суқланиб. Бир лахзадан сўнг бу мўъжизавий хилкат кўздан йўқолди.

Эрталабки соат олти бўлганди. Кечадан буён қор бўраларди. Кўчаларда машиналар одатдагига қараганда анча тирбанд, катта йўлларда қатнов камайган, қор босган юк машиналари йўл чеккасида тўхтаб турар, енгил машиналардан ҳовур кўтарилар эди. Лекин аэропорт биносида ҳеч нарса бўлмагандай, баҳор нафаси уфурарди.

Мен чиптамини рўйхатдан ўтказиш учун бир голланд кампирнинг орқасида навбатда тургандим. Кампир деярли бир соатдан бери ўн битта жомадонининг оғирлиги масаласида талашиб-тортишаётган эди. Мен зерика бошладим, лекин шу чоғда

бу хилқат ёнимдан ўтиб қолди-ю, дамим ичимга тушиб кетди, ҳатто баҳс қанақа яқунланганини ҳам сезмай қолдим. Ходима мени паришонхотирликда айблаб, ҳушимни жойига келтирди. Мен кечирим сўраш ўрнига ундан бир кўришда севиб қолиш мумкинлигига ишонасизми, деб сўрадим. «Албатта ишонаман, – деди у. – Бошқачаси бўлиши мумкин эмас». Компьютер экранидан кўз узмаган ҳолда менга қандай – чекувчилар ёки чекмайдиганлар ўриндигидан жой бериш кераклигини сўради.

– Менга барибир, – дедим ростига кўчиб, – фақат ўн бир жомадонлик кампирнинг ёнида ўтирмасам бўлди.

Ходима ёруғ экрандан кўз узмаган ҳолда хизматчиларга хос табассум ила менга миннатдорчилик билдирди.

– Сиз уч рақамдан бирини танлашингиз мумкин, – деди у, – уч, тўрт ёки етти.

– Тўрт.

У мамнун жилмайди.

– Мен шу ерда ўн беш йилдан бери ишлайман, – деди у, – лекин етти рақамини танламаган одамни биринчи марта кўриб туришим.

У миниш талонига жойимнинг рақамини ёзди ва уни бошқа қоғозлар билан бирга узатар экан, биринчи марта бошини кўтариб, кўм-кўк кўзлари билан менга боқди. Ҳалиги гўзал кўздан ғойиб бўлгани учун шу билан кифояланишга мажбур бўлдим. Лекин ходима бирдан аэропорт ёпиқ ва барча парвозлар кечиктирилганини айтди.

– Хўш, қачон учамиз?

– Унисини худо билади, – деди у кулиб. – Эрталаб радиодан бу йилги энг кучли қор ёғишини айтишганди.

Хато қилишган экан, бу кейинги юз йил ичидаги энг кучли қор бўлди. Лекин биринчи тоифа йўловчиларига ажратилган кутиш залида баҳор ҳавоси ҳукмрон эди, гулдонларда янги атиргуллар турар, динамиклардан улуғвор ва аллаловчи мусиқа янграр эди. Бастакор ҳам шундай бўлишини хоҳлаган бўлса керак. Бир вақт менинг гўзалимга мана шу гўша жуда муносиб, деган фикр қалламга келиб қолди ва заллар оралаб уни қидира бошладим. Ўз жасоратимга ўзим қойил қолаётган эдим. Бироқ кутаётганларнинг кўпчилиги одатий турмушнинг одатий эр-каклари бўлиб чиқди, улар инглизча газеталарни ўқиётган

эдилар. Ҳолбуки, бу вақтда уларнинг хотинлари катта деразалардан қор босган жонсиз самолётлар, муз қоплаган фабрикаларни томоша қилганча, ўзга эркаклар ҳақида ўйлаётган эдилар. Пешиндан кейин залларда биронта бўш жой қолмади, заллар иссиқдан димиққани учун чидаш мумкин бўлмай қолди ва мен нафас олгани ташқарига чиқдим.

Кўз олдимда кўрқинчли манзара намоён бўлди. Заллар ҳар хил ирқ ва мазҳабга мансуб турли-туман оломонга тўлиб кетган, одамлар диққинафас дахлизларда, ҳатто, зина пиллапояларида ўтиришар, болалари, ҳайвонлари ва қақир-кукури билан полга узала тушиб ётишар эди. Шаҳар билан алоқа узилган ва пластикдан кўтарилган сарой бўронда қолган улкан космик станцияга ўхшаб бораётган эди. Гўзал мана шу ерда, сукунатга чўмган халойиқ орасида бўлиши керак, деган фикр менга тинчлик бермас ва бу бемаъни фикр мени излашга ундар эди.

Тушлик пайтида биз ўзимизни ҳалокатга учраган одамлардай ҳис қила бошладик. Еттита ресторан, қаҳвахона ва барлар эшиги олдида одамлар узундан-узок навбатга туриб олдилар. Навбатда турганларнинг кети кўринмасди. Лекин уч соат ўтмай барча ошхоналар ёпилди, чунки ейдиган-ичадиган ҳеч вако қолмаган эди. Дунёнинг барча болалари шу ерга йиғилганга ўхшарди. Улар бараварига йиғлай бошлашди, оломондан поданикига ўхшаган сассиқ хидлар анқий бошлади. Ғайриихтиёрий кезиш вақти келганди. Қалашиб кетган оломон орасида юриб топишга муваффақ бўлган ягона егулигим – болалар дўкончасида қолган охирги икки стакан музқаймоқ бўлди. Официантлар курсиларни йиғиштириб, столлар устига тахлай бошлагани сабабли, музқаймоқни пештахта ёнида туриб ер эканман, қаҳвахона тўридаги кўзгудаги аксимни томоша қилдим: кўлимда охирги картон стакан ва охирги картон қошиқча тутганман, калламда бўлса, гўзал ҳақидаги ўй-фикрлар ғужғон ўйнайди.

Нью-Йоркка эрталаб соат ўн бирда учиши керак бўлган самолёт кечки саккизда парвоз қиладиган бўлди. Мен самолётга чиққанимда биринчи тоифа йўловчилар ўз жойларини эгаллаб бўлишганди. Стюардесса мени жойимга бошлаб борди. Бирдан нафасим тикилиб қолай деди: ёнимдаги ўриндикда тажрибали сайёҳлардек хотиржам менинг гўзалим ўтирарди. «Бу

ҳақда ёзсам, ҳеч ким ишонмаган бўларди», деб ўйладим мен. Мен тараддуланиб салом бердим, лекин у буни сезмади. Қиз бу оромкурсида узоқ йиллар яшамоқчи бўлгандек бамайлихотир ўтириб олган, ўтирган жойи ашёлар қўл узатса етадиган даражада жойлаштирилган идеал хонага ўхшаб кетарди. У нарсаларини тахлаётганида катта стюард йўловчиларни табриклар экан, ҳаммани шампань виноси билан сийлай бошлади. Мен унга тақдим қилиш учун бир қадаҳ олдим, лекин вақтида фикримдан қайтдим. Маълум бўлдики, у фақат бир стакан сув сўраётган экан. Қиз олдинга англаш мушкул бўлган француз тилида сўнгра инглизчани ундан ҳам чалкашроқ гапириб, манзилга етгунга қадар мутлақо уйғотмасликларини стюарддан илтимос қилди. Унинг оҳиста ва мулоим сўзлаш тарзида шарқона ғусса оҳанглари сал-пал сезилиб турарди.

Сув олиб келишганида у кирраларига мис ғўния қоқилган, бамисоли бувиларнинг сандиқчасига ўхшайдиган кичкина пардоз қутичасини тиззасига қўйди ва уни очиб, зарҳал қоғозга ўроғлиқ иккита ҳабдори олди. Қутичада ранг-баранг ҳабдорилар бисёр эди. Қиз бу ишларни оламдаги барча ишларни олдиндан, туғилганиданок режалаштириб қўйгандек, бир маромда ва пухта бажарди. Ниҳоят, иллюминатор пардасини туширди, оромкурсининг суянчиғини охиригача туширди, туфлисини ечмади, белигача одеялга ўралди, кўзига ниқоб тутди, менга тескари ўгирилиб олди-ю, шу захоти уйқуга кетди. У шу тариқа бирон марта уйғонмай, хўрсинмай, ҳолатини ҳам ўзгартирмай саккиз соату ўн икки минут ухлади. Нью-Йоркка етиб олишимиз учун шунча вақт кетди.

Парвоз анча қийин кечди. Мен ҳамиша табиатда чиройли аёлдан ғўзалроқ нарсанинг ўзи йўқ, деб ҳисоблардим, шунинг учун ҳам ёнгинамда ухлаётган афсонавий хилқат сеҳридан бир дақиқа ҳам айрила олмадим. Ердан оёғимиз узилар-узилмас, катта стюард кўздан ғойиб бўлди, унинг ўрнига бошқа стюардесса пайдо бўлди ва пардоз ашёлари солинган халтача ва радио кулоқликни бериш учун кизни уйғотмоқчи бўлди. Мен ғўзалимнинг катта стюардга қилган илтимосини такрорладим, лекин стюардесса нима қилиб бўлса-да, овқат ҳам емаслигини қизнинг ўзидан эшитишни хоҳлаётган эди. Катта стюард ҳам ғўзалнинг илтимосини такрорлади, сўнгида қиз уни безовта

қилмасликлари тўғрисидаги қоғозчани бўйнига осиб олмагани учун менга таъна қилди.

Ёлғиз овқатланар эканман, бу гўзал бедор бўлган вақтда унга айтишим мумкин бўлган гапларни ичимдан ўтказдим. Гўзал шунчалик қаттиқ ухлаётган эдики, бир вақт у уйқу дори ўрнига захар ичиб қўймаганмикан, дея ташвишлана бошладим. Ҳар гал қадах кўтарар эканман, қадахсўз айтардим:

– Сенинг соғлигинг учун, гўзал.

Кечки овқатдан сўнг чирокларни ўчиришди ва фильм кўйиб юборишди ва икковимиз зулмат дунёсида қолдик. Бутун юз йиллик ичидаги энг даҳшатли қорбўрон орқада қолган, Атлантика устидаги кеча тубсиз ва тиниқ бўлиб, самолёт юлдузлар орасига тикилиб қолганга ўхшарди. Шунда узундан-узук мушоҳадага берилдим: мен қизни бошдан-оёқ, қаричма-қарич кўздан кечира бошладим ва ягона ҳаёт аломатини – худди сузаётган булутлар сувда акс этганидек, кўраётган туши пешонасига кўланка ташлаётганини сездим, холос. Бўйнига осилган нозиккина занжирча бадани буғдойранг бўлгани учун қарийб кўринмасди, бежирим кулоқлари тешилмаган, пушти тирноқлари соппа-соғлом эканидан далолат бериб турарди, Чап қўлида эса, силлиқ узук кўриниб турарди. Ёши нари борса йигирмаларда бўлгани учун бу никоҳ узуги эмас, ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган унаштириш нишонаси бўлса керак, деган фикр билан ўзимни овутдим. «Кошкийди бир билсанг, ёнгинамда ухламоқдасан, ҳеч нарсадан хабаринг йўқ, кўзларим эркалар сени, лекин меҳрли оғушимдан йироқсан», – шампань виносининг кайфи остида Херардо Диегонинг мисраларини ичимда қайта-қайта такрорлай бошладим. Шундан кейин оромкурсимнинг суянчиғини туширдим ва биз тўшакдаги эрхотиндан ҳам яқинроқ бўлиб қолдик. Иссиккина нафаси саси сингари ёқимли, баданидан таралаётган бўй бўлса, шубҳасиз, унинг гўзаллигига мос эди. Ақл бовар қилмасди, ўтган баҳорда мен Ясунари Кавабатанинг Киото шаҳрида яшайдиган икки нафар бой чол ҳақидаги ажойиб қиссасини ўқигандим. Улар ухлатувчи модда бериб ухлатиб ва яланғочлаб кўйилган энг гўзал ёш қизлар ёнида тунни мушоҳада билан ўтказишлари учун жуда катта пул тўлайдилар. Чоллар қизлар билан бир тўшакда ёнма-ён ётишади, эхтирос азобидан ўлиб

колишларига оз қолади, лекин улар кизларни уйғотишлари, ҳатто, уларга қўл тегизишлари ҳам мумкин эмас. Чунки улар тотадиган бутун лаззатнинг моҳияти қизлар кўраётган тушни мушоҳада қилишдан иборат. Ўша бедор ўтказилган кечада ухлаётган гўзалга тикилиб ётар эканман, мен ҳам чоллар тотган ғаройиб лаззатни ақлан тушуниб қолмай, балки тўла-тўқис ҳис қилдим.

«Мен лаззат оғушида боши кўкларга етган ўша қариянинг худди ўзи бўлсам керак, – деб шивирларди шампандан сархуш бўлган нафсониятим. – Бу етти ухлаб тушимга кирмаган бўларди».

Шундан кейин шампань виноси ва овозсиз ўтаётган кинокадрлар таъсирида мени уйқу элитди. Бир неча соатдан кейин уйғонганимда бошим оғрир эди. Ўрнимдан туриб, ҳожатхона томонга кетдим. Мендан икки қатор орқада ўн битта жомадон эгаси бўлган кампир, бамисоли жангдан кейин майдонга ташлаб кетилган мурда каби оромкурсида хунукдан-хунук ялпайиб ётарди. Ўриндиклар орасидаги йўлка ўртасида занжирининг халқалари ранг-баранг кўзойнаги ётарди ва ўзимнинг пасткашлигимдан, кўзойнакни олмаганимдан оний мамнуният ҳис қилдим.

Шампань виноси хизматидан қутулгач, ўзимни енгил ҳис қилиб, бехосдан кўзгуга кўзим тушди ва севги изтироблари одамни шунчалик разил ва хунук ҳолга солиши мумкинлигидан ҳайратга тушдим. Ҳеч қутилмаганда самолёт кескин пастлади, сўнгра амал-тақал қилиб тўғриланди ва сакраб-сакраб учишда давом этди. Ҳамма ўз жойига қайтиши лозимлиги тўғрисидаги буйруқ чироғи ёнди. Мен жойимга шошилдим. Қайтарканман, Парвардигор юборган уюрма силкинишлари ухлаётган гўзални уйғотиб юборишини ва у қўркувдан ўзини кучоғимга ташлашини орзу қилардим. Шошилишда голланд кампирнинг кўзойнагини босиб олишимга сал қолди, шундай қилсам, эҳтимол, бир маза қилган бўлардим. Лекин ўзимни вақтида босдим, эгилиб кўзойнакни олдим, уни кампирнинг тиззасига қўйдим ва мендан олдин чаққонлик қилиб тўртинчи жойни танламагани учун ичимда унга миннатдорчилик билдириб қўйдим.

Гўзал ҳануз қаттиқ уйқуда эди. Самолёт яна текис уча бошлагач, мен қандайдир баҳона топиб уни уйғотишдан ўзимни

зўрға тийдим, чунки парвозимизнинг шу охириги соатида биргина истак – уни уйғонган, жаҳли чиққан ҳолда бўлсаям, майлига, фақат уйғоқ ҳолда кўриш истаги мени қисти-бастига олди. Чунки шу йўл билангина мен яна озодликка эришган, балки, ҳатто, яшарган бўлардим. Лекин журъат қилмадим. «Жин урсин, – деб ўйладим мен. – Мен нега энди Буқа белгиси остида туғилмаган эканман?!» Самолёт қўнишга ҳозирланаётгани ҳақидаги чироқ ёнган лаҳзада унинг ўзи уйғонди ва у худди боғда, атиргуллар орасида ухлаб олгандек, тетик ва гўзал эди. Фақат шу вақтдагина мен самолётда уйқудан уйғонган кўшнилар, баайни минг йиллардан бери бирга яшайдиган эрхотин сингари бир-бирига салом бермаслигидан афсусландим. Бу гўзал ҳам худди шундай қилди. Кўзлари устидаги ниқобни олди, порлаётган кўзларини очди, оромкурси суянчилигини кўтарди, жун рўмолни бир томонга ташлади, қалин жинглак сочларини силкиди, сочлар ўз оғирлиги остида ўзидан ўзи таралиб қолди, тиззаларига яна пардоз қутчасини олди ва тезгина сал-пал бўянган бўлди. Бу ишга менга бир назар ташлашга қанча вақт сарф қилган бўлса, шунчалик вақти кетди. Самолёт эшиклари очилди дегунча, силовсин нимчасини кийиб олди-да, соф Лотин Америка испанчасида, бунақа пайтларда қилишганидай, кечирим сўраб, деярли устимдан сузиб ўтди. Хайрлашгани ҳам, ҳатто, кечани бунчалик бахтиёр ўтказишимиз учун қилган зўр саъй-ҳаракатим учун бир оғиз раҳмат ҳам айтмай, чиқиб кетди ва Нью-Йоркнинг чангалзорларида ғойиб бўлди ва бугунгача қорасини кўрсатгани йўқ.



## «МЕН ТУШ КЎРИШ УЧУН ЁЛЛАНАМАН»

Эрталабки соат тўққизда, Гавананинг «Абана Ривера» меҳмонхонаси пешайвонида ўтириб нонушта қилаётган вақтимизда гарчи куёш порлаб турган бўлса-да, даҳшатли денгиз тўлқини бу вақтда соҳил ёқалаб кетаётган ёки йўлкада турган автомашиналардан бир нечасини кўтариб кетди, биттасини эса, тош тўсиққа зарб билан уриб пачақлаб, парчинлаб қўйди. Кучли бомба портлашига ўхшаган сув қасирғаси

бинонинг барча йигирма қаватида яшаётганларнинг юрагига кўркув солди ва пастки қаватларнинг ойналарини кунпаякун қилди. Бу ердаги кўпсонли туристларни ҳаво тўлқини мебеллар билан бирга иткитиб ташлади, баъзилари дўлдай ёпирилган шиша синиқлари остида қолиб, ярадор бўлди. Афтидан, пўртана жуда кучли бўлган, чунки тўлқин сохил панжараси билан меҳмонхона ўртасидаги кенг кўчадан ошиб ўтгандан кейин ҳам меҳмонхонанинг ойнаванд дераза-эшиklarини чилпарчин қилган эди.

Хушчакчақ кубалик кўнгиллилар ўт ўчирувчилар ёрдамида олти соатга қолмай, барча қақир-қукурлар, шиша синиқларини йиғиштириб олишди, денгизга қараган эшикларни зичлаб бекитишди, бошқаларини очиб кўйишди ва яна ҳаммаси ўз жойига тушди. Тўлқин тўсиққа парчинлаган машина ҳеч кимнинг эсига ҳам тушмади – бу йўлқада турган автомобиллардан бири бўлса керак, деб ўйлашди. Лекин кўтарма кран машинани кўтариб олганида ҳайдовчи ўрнида хавфсизлик камари боғлаган аёл мурдасини кўришди. Зарба шунчалик қаттиқ бўлган эдики, унинг бирон жойи соғ қолмаганди. Юз-кўзининг дабдаласи чиққан, туфлиси йиртилган, кўйлаги тилка-пора бўлган. Бармоғида илон тасвири туширилган тилла узук. Илоннинг кўзлари зумраддан қилинган. Полиция бу аёл Португалиянинг янги элчисининг уй бошқарувчиси эканини аниқлади. Ҳақиқатан ҳам у элчи ва унинг рафиқаси билан Гаванага икки ҳафта олдин келган ва ўша куни эрталаб янги автомобилда бозорга чиққан экан. Ҳодиса тафсилотлари ҳақида газетадан ўқиганимда унинг исмига эътибор ҳам бермадим, лекин зумрад кўзли илон тасвири туширилган узук диққатимни тортди. Тўғри, бу узук аёлнинг қайси бармоғига тақилганини ҳеч билолмадим.

Бу жуда муҳим эди. Мен даҳшатга тушиб, бу ҳақиқий исмини билмаганим, ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғига худди шунақа узук тақиб юрадиган ўша унутилмас аёл эмасмикан, деб ўйладим. Ўша вақтлари узукни бунақа йўсинда тақиш мутлақо ғайриодатий эди. Мен бу аёл билан ўттиз тўрт йил олдин Венада, қовоқхонада қайнатилган картошкали сосиска еб, пиво ичаётган вақтимда танишгандим. Бу қовоқхонага Лотин Америкасидан келган талабалар танда кўйган эдилар.

Ўша куни эрталаб Римдан келгандим ва аёлнинг кўкракдан чиқадиغان баланд овози, пальто устидан бўйнига ташлаб олган момиқ тулки мўйнаси ва бу илонсимон миср узуги менга қанчалик қаттиқ таъсир қилганини ҳозиргача эслайман. Испанчани зўрға, кучли акцентда бетиним гапиришига қараб, мен уни узун юпка тахта стол атрофида ўтирганлар орасида ягона австриялик аёл бўлса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, бундай эмас экан: у Колумбияда туғилган бўлиб, мусиқа ва ашула айтишни ўрганиш учун ҳали қизалоқлигидаёқ икки уруш орасида Австрияга келган экан. Биз танишган вақтда у аллақачон ўттиз ёшга кирган ва машаққатли ҳаёт кечиргани билиниб турарди. У, афтидан ҳеч қачон чиройли бўлмаган ва вақтидан олдин қаргая бошлаган. Шунга қарамай, у ҳали мафтункор эди. Аммо, негадир, кишида кўркув туйғуси уйғотарди.

У вақтлари Вена ҳали империянинг қадимий шаҳарларидан бири эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган икки муросасиз дунё ўртасида жойлашгани сабабли шаҳар чайқов бозори ва жаҳон жосуслиги учун жаннатга айланганди. Мен қочоқ ватандошим учун бундан яхшироқ шароит бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Бу аёлнинг мол-дунёси, гарчи бу қовоқхонани бутун лаш-лушларию хўрандалари билан қўшиб сотиб олишга бемалол етса-да, азбаройи ватандошларига садоқат юзасидан, бу талабалар қовоқхонасида овқатланишда давом этар эди. У ўзининг ҳақиқий исмини ҳеч қачон айтмаган. Биз уни талаффуз қилиш қийин бўлган немисчада Фрау Фрида деб чакирардик. Бу исми Венада ўқиётган Лотин америкалик талабалар қўйишганди. Бизни таништиришди дегунча, мен сал беандишалик қилиб қўйдим, шамоллар бағридаги Киндьо қояларидан бунчалик узоқ ва тамомила фаркли бу дунёга мослашишга қандай муваффақ бўлганини сўрадим. У ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб берди:

– Мен туш кўриш учун ёлланаман.

Ҳақиқатан ҳам бу унинг ягона иши эди. У кўхна Кальдас шаҳрининг омади чопган аттори оиласидаги ўн бир фарзанднинг учинчиси бўлиб, тили чиқди дегунча, оилада оч қоринга, нонуштага ўтирмай турибок, кўрган тушини айтиб беришдек яхши одатни жорий қилди. Чунки тушлар бу вақтда эсда турган ва башоратлилик хусусиятлари сақланган бўларди. Етти

яшарлигида укаларидан бирини сув олиб кетганини тушида кўрди. Ғирт хурофотчи бўлган онаси болага энг севимли эрмаги – сойда чўмилишни шу заҳотиёқ тақиқлади. Лекин Фрау Фриданиянг ўз таъбир йўли бор эди.

– Бу туш укамнинг ғарқ бўлишини эмас, балки ширинлик эмаслиги кераклигини англатади, – деди у.

Тушни бунақа таъбир қилиш, одатда, яқшанба кунлари бериладиган ширинликни ўлгудай яхши кўрадиган беш яшар болага нисбатан пасткашлиқдан бошқа нарса эмасдек кўринарди. Лекин қизининг кароматли туш кўриш қобилияти борлигига ишонч ҳосил қилиб улгурган она огоҳлантиришга рия қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатди. Лекин она бир гал назоратни кўздан қочирганида болакай яширинча ширинлик олиб еди ва бўкиб қолди. Уни қутқаришнинг иложи бўлмади.

Фрау Фрида Венанинг қаҳратон қишида қорин ташвиши гирибонидан олмагунга қадар бу қобилияти туфайли пул топиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ўшанда у кўзига яхши кўринган дуч келган биринчи уйдагилардан иш беришларини илтимос қилди. Қўлидан нима келишини сўрашганида, у бор ҳақиқатни айтди: «Мен кароматли тушлар кўраман». Бу нарсанинг нималигини уй бекасига қисқача тушунтиришининг ўзи етарли бўлди ва бека озгина маош эвазига уни ишга олди, лекин тузуккина хона берди ва кунига уч мартадан овқатлантирди. Энг муҳими, нонушта эди, чунки яқин келажакда уни нима кутаётганини билиб олиш учун оиланинг барча аъзолари судхўр бўлган сертавозе оила бошлиғи, романтик камер мусикасини ўлардай яхши кўрадиган хушчақчақ она ҳамда ўн бир ва тўққиз яшар иккита бола нонушта вақтида дастурхон атрофига жам бўлишарди. Уларнинг ҳаммаси художўй бўлиб, хурофотга мойил кишилар эдилар. Шунинг учун ҳам Фрау Фридани фақат биргина вазифа – ҳар куни оила аъзоларининг тушларини таъбир қилиб бериши учун мамнуният билан ёллаган эдилар.

У тушларни жуда яхши, айниқса, воқелик даҳшатли тушдан ҳам кўрқинчлироқ бўлган уруш йилларида янада яхшироқ ва узундан-узок таъбирлар эди. Нонушта устида кун давомида ким нимани қандай қилиши кераклигини фақат у ҳал қиларди. Шу тарика у, таъбирчилиги туфайли, бора-бора уйда

ягона ҳукмфармога айланди. Оила устидан у мутлак ҳукмрон эди, унинг кўрсатмаси бўлмаса, ҳеч ким қилт этолмасди. Мен Венага келган кезларимда уйнинг эгаси эндигина вафот этган ва биргина шарт – оила аъзолари учун то охирига қадар туш кўришда давом этиш шари билан мулкидан келадиған фойданинг бир қисмини унга васият қилган эди.

Мен Венада бир ойдан кўпроқ бўлдим ва талабалар билан бирга фақирона кун кечирдим. Пул келишини кутаётгандим, лекин қанча кутмай пул келмади. Фрау Фрида ошхонага доимо кутилмаганда келар, сахийлиги тутиб кетар эди. Оч-наҳор ўтирган бизлар учун унинг ҳар бир ташрифи байрамга айланиб кетарди. Ана шундай оқшомлардан бирида, барча пиво ичавериб бўшашган бир лаҳзада у қулоғимга шивирлай бошлади. Унинг қатъият билан айтаётган сўзларидан вақт кутиб турмаслиги аён бўлганди.

– Бу ерга кеча сени тушимда кўрганимни айтиш учунгина келдим, – деди у. – Сен зудлик билан бу ердан кетишинг ва беш йилгача Венага қайтиб келмаслигинг лозим.

Айтаётган гапларига ишончи комил экани яққол кўриниб турарди, шу боис ўша кечасиёқ Римга кетаётган охирги поездга чиқдим. Унинг сўзлари мени қаттиқ қўрқитган эди ва ҳозиргача менга номаълум аллақандай балодан кутулиб қолдим, деб ўйлайман. Шундан кейин мен Венага қайтиб бормадим.

Гаванада юз берган фалокатдан олдин мен Фрау Фридани Барселонада ҳеч кутилмаганда ва тасодифан учратиб қолгандим. Мазкур учрашув мен учун сирли жумбоқ бўлиб қолаверди. Бу Пабло Неруда фуқаролар урушидан сўнг, денгиз орқали Вальпараисога узоқ саёҳатидан кейин, биринчи марта испан тупроғига қадам қўйган куни юз берганди. У биз билан бирга бутун кунни эски китоблар сотиладиған дўконларни айланишга бағишлади ва «Портер»дан бир кўхна китобни харид қилди. Муқовасиз, унниқиб кетган бу китобни сотиб олишга Рангунда консуллик даврида олган икки ойлик маошини сарфлаган бўлса керак. У халойик орасида бесўнақай филга ўхшаб юриб борар, ҳар бир нарсанинг ичида нима борлигига, унинг ишлаш механизмига болаларча қизиқарди, чунки унинг наздида дунё улкан ўйинчокқа ўхшар, ҳаёт шундан иборат эди.

Уйғониш даври Папасига ундан кўпроқ ўхшайдиган киши йўқ бўлса керак. Одатда бу Папани назокатли ва лаззатли овқатларга ўч баднафс одам сифатида тасвирлашади. Ҳатто, ўзи истамаган вақтлари ҳам Пабло дастурхон устида асосий хўранда бўлиб қолаверарди. Хотини Матильда Паблонинг ёқасига дастурўмол боғлаб қўяр, бу мато дастурхон устида кўкракка осиладиган рўмолчага эмас, балки сартарошхонанинг лунгисига кўпроқ ўхшарди. Бу Паблонинг уст-бошига овқат тўкмаслиги учун қўлланиладиган ягона чора эди. «Карвалейре»даги ўша тушлик жуда типик бўлган. У бутун бошли учта қискичбақани жарроҳларча маҳорат билан бўлаклаб, паққос туширди. Шу орада бошқаларнинг ликопларидаги овқатларга ҳарислик билан тикилиб қўяр, гоҳ-гоҳ ҳар бир овқатдан шунақа мамнуният билан тагиб қўярдики, барчанинг иштаҳаси карнай бўлиб кетди. Таомлар орасида Галисия балиқлари, Кантабрия денгиз ўрдакчалари, Аликанте қискичбақаси, Коста-Брава неъматлари бор эди. Айни вақтда, худди французлар сингари, фақат бошқа ажойиб таомлар, асосан, ватани – Чилининг ибтидоий моллюскалари ҳақида сўзларди. Чилига муҳаббат ҳамиша унинг юрагининг тўридан жой олган эди. Бирданига у овқат ейишдан тўхтади, кулоқларини қискичбақаникига ўхшатиб динг қилди ва менга астагина шивирлади:

– Орқамда кимдир кўз узмай менга тикилиб турибди.

Мен елкам оша назар ташладим, ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Унинг орқасида, биздан уч стол нарида удумдан чикқан фетр шляпа кийган ва малларанг шарф ўраган аёл хотиржам ўтирганча, аста-аста овқат чайнар ва ундан кўз узмасди. Мен уни дарҳол танидим. Анча кексайган ва семирган бўлса-да, бу ўша аёлнинг худди ўзи, чунки кўрсаткич бармоғида илон тасвири туширилган узук бор эди.

У Неаполдан Нерудалар билан бир кемада сузиб келган бўлса-да, кемада бир-бирини кўришмаган. Биз бир чашка қахва ичиш учун уни дастурхонимизга таклиф этдик. Шоирни ҳайрон қолдиришни хоҳлаганим учун гапни айлантириб, аёлни тушдан сўзлашга ундадим. Лекин шоир бунга унчалик эътибор бермади ва шу заҳотиёқ ҳеч қандай кароматли тушларга ишонмаслигини айтди.

– Фақат шеъриятгина ғойибдан хабар бериши мумкин хос, – деди у.

Тушлиқдан кейин, албатта, Рамблас бўйлаб сайрга чиқардик. Бу сайр вақтида эски хотираларимизни бегона кулоқлардан четда эслаш мақсадида биз Фрау Фрида билан бошқалардан сал орқароқда қолдик. У Австриядаги барча мулкани сотганини, ишни йиғиштириб қўйганини, Портуда, Португалияда, бутун океан кўринадиган тепалиқда жойлашган уйда, ўзининг таърифича, сохта саройда яшашини айтиб берди. Гарчи буни ўзи очик-ойдин эътироф этмаган бўлса-да, ҳикоясидан маълум бўлишича, тушлар таъбирини айтавериш, веналик ажойиб хўжайинларининг бутун бойлигини аста-секин ўз қўлига олган. Лекин бу мени кўпам ҳайрон қолдирмади, чунки мен ҳамиша унинг тушлари – айёрликдан, кун кўриш учун пул топиш усулидан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблардим. Буни унинг ўзига ҳам айтдим.

У ўзини тутолмай, хахолаб қулиб юборди. «Сен ҳануз ўша-ўша, қўрслигингча қолибсан», – деди у. Мен ҳеч нарса демардим. Ҳамроҳларимиз Рамбласнинг қушлар бўлимида Неруданинг қафасдаги тўтиқушлар билан чилича жаргонда сўзлашиб бўлишини анчадан бери кутиб туришарди. Яна суҳбатлаша бошлаганимизда Фрау Фрида мавзуни ўзгартирди.

– Айтганча, – деди у, – сен энди Венага боришинг мумкин.

Фақат ана шу чоғдагина танишганимиздан буён ўн уч йил ўтганини англадим.

– Ҳатто, барча тушларинг ғирт ёлғон бўлса-да, мен энди у ерга ҳеч қачон бормаيمان, – дедим мен. – Ҳар эҳтимолга қарши.

Соат учда биз айрилишдик ва Неруда билан бизнинг уйимизда унинг муқаддас ишини – пешин уйқусини ташкил қилгани кетдим. У уйқуга ётишдан олдин японларнинг чой маросимини эслатадиган бир қанча тантанали тадбирларни амалга оширишни талаб қиларди. Муайян даражадаги иссиқликни, ёруғлик ўзига хос бўлиши ва керакли йўналишда тушишини таъминлаш учун бир деразани очиш, бошқасини ёпишга тўғри келарди. Ҳаммаёқ сув қуйгандек сукунат қўйнида бўлиши лозим эди. Неруда шу заҳотиёқ уйқуга кетди ва болаларга ўхшаб ҳеч қутилмаганда, ўн дақиқадан кейин уйғонди. У залга тетик-

лашган, чаккасида ёстикжилд накшининг изи қолган ҳолда кириб келди.

– Ўша туш кўрадиган хотин тушимга кирибди, – деди у.

Матильда тушини айтиб беришини илтмос қилди.

– У тушида мени кўраётгани тушимга кирди, – деди у.

– Бу Борхес асарларини эслатади, – дедим мен.

У ҳафсаласи пир бўлиб, менга юзланди:

– Нима, бу ҳақда ёзилганми?

– Ҳозирча ёзмаган бўлса бордир, лекин у қачондир бу ҳақда, албатта, ёзади, – дедим мен. – Яна бир жумбоқ асар дунёга келади.

Соат олтида кемага кўтарилди дегунча Неруда биз билан хайрлашди, чеккадаги стол ёнида ўтириб, яшил сиёҳда шеър битишга киришди. У гуллар, балиқлар ва кушларни доимо яшил сиёҳда чизар, китобларига яшил сиёҳда дастхат ёзиб берарди. Жўнаш ҳақида биринчи сигнал чалинган, Фрау Фридани қидиришга тушдик ва, ниҳоят, хайр-хўшлашмасдан кетишга шайланган вақтимизда уни туристлар палубасида кўриб қолдик. У ҳам тушки уйқудан эндигина уйғонган эди.

– Шоир тушимга кирди, – деди у бизга.

Ҳайратдан тонг қотдим ва тушини сўзлаб беришини сўрадим.

– Тушида мени кўраётгани тушимга кирди, – деди у. Ҳайратга тушганим уни чалғитди. – Нима ҳам қилардик? Бунақа минглаган тушлар орасида чинакам ҳаётдан узоқда бўлганлари ҳам бўлиши мумкин.

Шундан кейин мен «Абана Ривера» меҳмонхонаси ёнидаги пўртана вақтида ҳалок бўлган аёлнинг қўлида илон тасвири туширилган узук борлигини эшитмагунча уни ҳеч қачон кўрмадим ва суриштирмадим. Бир неча ойдан кейин Португалия элчиси билан дипломатик қабул вақтида танишганимизда ундан Фрау Фрида ҳақида сўрашдан ўзимни тия олмадим. Элчи жонланиб кетди ва у ҳақида ҳаяжонланиб сўзлай бошлади. «У нақадар ғаройиб аёл эканини тасаввур ҳам қилолмайсиз, – деди у. – Билганингизда бу аёл ҳақида ҳикоя ёзмасдан турулмаган бўлардингиз». Шундан кейин у турли ғаройиб тафсилотларни шу йўсинда сўзлай кетди, лекин менинг айтганларидан у ўша аёлмиди ёки бошқасими, буни билолмадим.

– Хулласи калом, – дедим мен охир-оқибат аниқлаб олиш учун, – у нима қиларди?

– Ҳеч нарса, – деди у ҳафсаласи бирмунча пир бўлиб. – Туш кўрарди.



## «МЕН ТЕЛЕФОНДАН ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИШ УЧУНГИНА КЕЛГАНДИМ»

Мария-де-ла-Лус Сервантес ёлғиз ўзи баҳорнинг ёмғирли кунда ижарага олган автомобилида Монтенегрос деган кимсасиз жойга етган чоғда машина бузилиб қолди.

Кўхликкина ва жиддий, йигирма етти яшар мексикалик жувон бир неча йил олдин варъетенинг анча танилган артисткаси эди. Кейинчалик у бировларнинг уйларида томоша кўрсатадиган кўзбойлоқчи-иллюзионистга турмушга чиқди. Энди бўлса, Сарагосада яшайдиган қариндошларини бориб кўрганидан кейин эриникига қайтаётганди. Ёмғир остида йўлдан ўтган-кетган энгил автомобиллар ва оғир юк машиналарига жизганак бўлиб, роса бир соат беҳудага қўл силкиди. Ниҳоят лойга беланган автобус шофёрининг унга раҳми келиб тўхтади. Лекин узокқа бормаслигини айтиб огоҳлантирди.

– Майли, – деди Мария. – Мен телефондан қўнғироқ қилиб олишим керак.

Ҳақиқатан ҳам у фақат қўнғироқ қилиб, кечки соат еттига етиб боролмаслиги ҳақида эрини огоҳлантириб қўйиши лозим эди. Талабалар пальточаси ва пляж бошмоғида у сувга бўккан жўжага ўхшарди. Бошига тушган кўргиликдан шу даража гангиб қолган эдики, ҳатто машина калитини олишни ҳам унутди. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган қадди-комати ҳарбийларникидек бўлса-да, хушмуомала аёл унга сочиқ, адёл берди ва ёнига ўтқазиш учун нарироқ сурилди. Мария адёлга ўраниб ўтирди, сигарета чеккиси келди, лекин гугурт намиқиб қолган экан. Қўшниси гугурт чақди ва битта сигарета сўради. Қутидаги озгина сигаретанинг бир нечтаси қуруқ қолганди. Улар сигарета тутатишди. Мария ичидагини тўкиб солишдан ўзини тўхтата олмади. Ёмғир ва гувиллаётган мотор шовқинини босади-

ган даражада баланд овозда гапира бошлаган ҳам эдики, аёл кўрсаткич бармоғини лабига босиб, уни тўхтатди.

– Ухлашяпти, – шивирлади у.

Мария елка оша орқага назар ташлади ва автобус турли ёшдаги ва турли мавкедаги аёлларга тўла эканини кўрди. Уларнинг ҳаммаси худди Марияникига ўхшаш адёлларга ўралганча ухлаётган эдилар. Қўшнисининг бамайлихотирлиги Марияга ҳам «юқди» ва у тузукроқ жойлашиб олди-да, ёмғир шовқини остида мудрай бошлади. Уйғонганида қоронғи тушган, жала кучли аёзга алмашганди. Мария қанча ухлагани ва ҳозир қаерга келиб қолганидан мутлақо беҳабар эди. Қўшни хотин жанговар ҳолатга кирганга ўхшарди.

– Қаёққа келдик? – сўради Мария.

– Келдик, – жавоб қилди хотин.

Автобус тош ётқизилган ҳовлига кирди. Бахайбат да-рахтлар билан ўралган катта мудҳиш бино эски монастирға ўхшаб кетарди. Хира кўча чироғи ёритаётган аёллар қомати ҳарбийларникидек хотин боғча опадай оддий буйруқлар бериб, уларни автобусдан тушишга мажбур қилмагунча қимир этмадилар. Аёлларнинг барчаси анча ёшга бориб қолган бўлиб, ғира-шира ҳовлида шунчалик эҳтиёткорона боришардики, Мария уларни гўё тушида кўраётгандек бўлди. Энг охирида тушган Мария улар роҳибалар бўлса керак, деб ўйлади. Лекин аёлларни автобус эшиги олдида кутаётган формали хотинлар намиқмасликлари учун уларнинг бошига одеял ташлаб, сафга тизиб, бир оғиз ҳам гапирмасдан, турнақатор аёлларни бир маромда қарсақ урган ҳолда ҳайдаб кетишганида, ҳатто, нима деб ўйлашини ҳам билмай қолди. Мария кўшни аёл билан хайрлашди, унга адёлни қайтиб бермоқчи бўлди, лекин у ҳовлидан ўтаркан, бошини ёпиб олиши кераклигини, сўнгра адёлни коровулхонага топширишни айтди.

– У ерда телефон борми? – сўради Мария.

– Албатта, – жавоб берди аёл. – Қаерда эканини сизга кўрсатишади.

У Мариядан яна битта сигарета сўради. Мария намиққан кутидаги сигареталарнинг ҳаммасини унга берди. «Йўлда куриб қолади», – деди у. Аёл автобус пиллапоясида турганча қўл силкиб хайрлашаркан, «Омадингизни берсин» деб

кичкирди. Автобус ўрнидан кўзгалди ва бир зумда ғойиб бўлди.

Мария кириш эшиги томонга чопди. Соқчи хотин қаттиқ қарсақ уриб, уни тўхтатмоқчи бўлди, лекин қатъий оҳангда бақиришга мажбур бўлди: «Тўхта дедим!». Мария адёл тагидан мўралади ва муздай нигоҳни ҳамда эътирозга ўрин қолдирмай сафни кўрсатган кўрсаткич бармоқни кўрди. У бўйсунди. Дахлизда гуруҳдан ажралиб, дарвозабондан телефон қаерда эканини сўради. Соқчилардан бири елкасига қоқиб, сафга қайтишга мажбур қиларкан, ширинсўзлик билан деди:

– У ёқда, гўзал қиз, телефон у ёқда.

Мария аёлларга эргашиб, қоронғи дахлиздан ўтди ва каттакон умумий ётоққа кирди. Бу ерда соқчилар адёлларни тортиб олдилар ва аёлларни каравотга таксимладилар. Марияга бошқаларига қараганда одамшаванда кўринган ва мансаби каттароқ соқчи аёл рўйхатни хотинларнинг кўкрагига тикилган картон қоғозга ёзилган исмлари билан солиштириб, ётоқни айлаиб чиқди. Марияга гал келганида, унинг исми ёзилмаганига хайрон бўлди.

– Гап шундаки, мен телефондан кўнғирок қилиш учунгина келдим, – деди Мария.

Шундан кейин у йўлда машинаси бузилиб қолганини шоша-пиша тушунтира бошлади. Кўзбойлоқчи-иллюзионист эри уни Барселонада кутяпти, бу оқшом эри уч марта томоша кўрсатади, Мария етиб боришга улгурмайди ва томошаларга боролмаслиги тўғрисида эрини огоҳлантириб қўймоқчи. Ҳозир соат етти бўлай деб қолди. Ўн минутдан кейин эри уйдан чиқиб кетади ва хотини кечиккани учун томошаларни бекор қилишидан чўчимоқда. Соқчи, афтидан, кизни диққат билан эшитаётганга ўхшарди.

– Исминг нима? – сўради у.

Мария исмини айтди ва енгил тортди, аммо рўйхатни яна бир неча бор кўздан кечирган аёл унинг исмини топмади. Ташвишланиб, бошқа соқчи аёлдан нима гаплигини сўради, у ҳеч нарса демай, елкасини учирди, холос.

– Гап шундаки, мен телефондан кўнғирок қилиш учунгина келувдим, – деди Мария.

– Яхши, гўзал киз, – деди каттаси уни каравот томонга бошлар экан. – Агар ўзингни яхши тутсанг, кимга хоҳласанг, шунга телефон қилишинг мумкин. Лекин фақат бугун эмас, эртага.

У бу сўзларни шунчалик меҳрибонлик билан айтдики, ишонмасликнинг иложи йўқ эди.

Шундагина Мария ҳамма гапни тушуниб етди, хотинларнинг автобусдан нега бу қадар гарангсираб чиққанларининг сабабини англади. Уларнинг ҳаммаси асабни тинчлантирадиган укол қилишгани учун шу қадар гангиб қолган, қалин деворлари йўнилган тошлардан кўтарилган, машъум зинапояли, зулматга кўмилган бу сарой бўлса – жиннихона. Даҳшатга тушиб, ётоқдан қочиб чиқди, лекин айвонгача етиб боролмади. Норғул соқчи аёл, худди уста полвонлардек уни ушлаб олди, моҳирона усул ишлатиб ерга йикитди ва полга босди. Мария кўз кири билан унга қараб, даҳшатдан мурда бўлиб қолди.

– Худо ҳаққи, – дея олди, – сенга марҳум онам ҳаққи қасам ичиб айтайки, мен фақат телефондан кўнғироқ қилиш учун келдим.

Бироқ, ақл бовар қилмайдиган даражада кучли бўлгани сабабли Геркулина деб аташадиган бу кутурган девни ҳеч қандай тавалло билан юмшатиб бўлмаслигини англаш учун унинг юз-кўзига назар ташлашнинг ўзи кифоя эди. Уни алоҳида ҳоллар учун ёллашганди, иккита зоҳид аёл унинг йўл-йўлакай ўлдиришга ўргатилган оқ айикникидек каттакон панжалари остида бўғилиб, жон таслим қилганди. Биринчи ҳодиса бахтсиз ҳодиса деб топилганди. Иккинчи ҳодиса сабаблари номаълум қолган, аммо кейинги гал синчиклаб тергов ўтказилиши хусусида Геркулинани каттиқ огоҳлантиришган эди. Подасидан адашган бу номдор махлуқ Испаниянинг бир нечта жиннихоналарида қатор шубҳали бахтсиз тасодифларга йўл қўйгани ҳақида миш-мишлар юрарди.

Биринчи кечаси Марияни ухлатиш учун унга уйку доридан укол қилишга тўғри келди. Сигарет хумор қилгани учун тонг чоғи уйғониб, ўзини билаклари ва тўпикларидан каравотга боғлиқ ҳолда кўрди. Ҳарчанд бақирмасин, ҳеч ким келмади. Эрталаб, эри уни Барселонадан қидириб, изини ҳам топмаган вақтда, ўз нажасига булганган ҳолда беҳуш ётган Марияни лазаретга ўтказишларига тўғри келди.

Беҳуш ҳолатда қанча ётганини билмайди. Аммо энди бутун олам ҳузур-ҳаловат ва меҳрга кўмилган, каравотининг тепасида бўлса, айиқдай лапанглаб юрадиган ва табассуми асабни тинчлантирадиган доридай таъсир қиладиган улуғвор қария турарди. У кўзбойловчилардек моҳирона иккита қўл характери билан Марияга хуш кайфият бағишлади. Кекса врач санаторий директори эди.

Мария у билан саломлашмасданоқ, энг аввало, сигарета сўради. Қария унга туташтирилган сигарета берди ва деярли тўла бир қути сигарета совға қилди. Мария ҳўнграб юборди.

– Кўп яхши, кўп яхши, яхшилаб йиғлаб олгин, – деди врач аллаловчи овозда. – Йиғи – энг яхши доридир.

Мария уялиб-нетиб ўтирмай, ҳасрат тўкишга киришди. Ҳолбуки, ҳатто, тасодифий жазманлари билан тўшакдан кейин зерикаш ва нафрат лаҳзалари бостириб келганида ҳам у бу даража ёзилиб сўзлашишга муваффақ бўлолмаганди. Врач унга қулоқ соларкан, панжаси билан жувоннинг сочларини таради, енгил нафас олиши учун ёстиғини тўғрилаб қўйди ва Мариянинг шубҳаларини шундай усталик ва назокат билан тарқатиб юбордики, бундай бўлишини у ҳеч қачон орзу ҳам қилмаганди. Жувоннинг умрида биринчи бор мўъжиза рўй берган, эрақ унга диққат билан қулоқ солаётган, бутун борлиғи билан тушуниб етган, бунинг учун мукофот – қиз билан ётишни кутмаётган эди. Жувон ичида борини роппа-роса бир соат тўкиб солди ва охирида эрига телефондан кўнғироқ қилишга рухсат беришларини илтимос қилди.

Врач мансабига яраша ўзига муносиб улуғворлик билан қаддини ростлади. «Ҳозирча мумкин эмас, маликам, – деди у Мариянинг ёнокларини шу чокқача қиз ҳеч кимдан, ҳеч қачон кўрмаган назокат билан силаб қўяркан. – Ҳамма нарсанинги ўз вақти-соати бор». Остонада ўгирилиб, қизга руҳонийона дуо ишорати қилди ва шу билан абадий гум бўлди.

– Менга ишонавер, – деди у чиқаркан.

Ўша куниеқ Мариянинг исми шифохона мижозлари рўйхатига навбатдаги рақам остида тиркалди ва шоша-пиша қуйидагича илова қилинди: *шахси номаълум, насл-насаби аниқланмаган*. Ҳошияга директорнинг ўз қўли билан бундай хулоса битилганди: *асов*.

Мария тахмин қилганидек, эри уларнинг Орта даҳасидаги камтарона квартираларидан ярим соат кечикиб чиқди ва томоша кўрсатишга жўнади. Уларнинг салкам икки йиллик эркин ва тотув иттифоқи мобайнида Мария илк бор ўз вақтида келмаганди. Эри бунга шанба ва якшанбада теварак-атрофда куни бўйи қутуриб ётган жала сабабчи бўлган деб ўйлади. Кетиш чоғида Мариянинг ўқиши учун кечки томошаларининг жадвалини ёзиб, эшикка қистириб кетди.

Барча болалар кенгуру қиёфасига кирган биринчи томошада ўзининг машҳур кўринмас балиқлар фокусидан воз кечди, чунки Мариянинг ёрдамисиз бу фокусни кўрсата олмасди. Иккинчи томошаси тўксон уч яшар кампирнинг уйида бўлиши керак эди. Кампир сўнги ўттиз йилда ҳар бир туғилган кунини янги кўзбойлоқчи иштирокида нишонлашни ўзига одат қилганди. Мария кечиккани учун унинг дили шу даражада хира бўлгандики, хатто, энг оддий найрангларни ҳам уддалай олмасди. Учинчи томоша Рамблас қаҳвахонасида кундалик кечки дастур асосида ўтказилди. Сеҳрни шунчаки лўттибозлик деб ўйлагани учун кўраётганига ҳеч ишонмаётган француз туристлари олдида ҳеч бир илҳомсиз ишлади. Ҳар бир томошадан кейин уйига қўнғироқ қилиб, Мариянинг гўшакни кўтаришини ишониб-ишонқирамай кутди. Охири қўнғироқдан кейин у ичига оралаган фалокат туйғусини боса олмай қолди.

Томошалар учун махсус жиҳозланган мўъжаз юк машинасида уйга қайтаркан, Пасео-де-Грасиа кўчасида баҳорда кўркамлашиб кетган ажойиб пальмаларга кўзи тушди ва Мария бўлмаса бу шаҳар нақадар ғариб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрдан ларзага келди. Ўзи ёзиб кетган мактубчаси хануз эшикка осиглиқ эканини кўриб, охири умиди ҳам йўққа чиқди.

Таъби шу даража тиррик бўлдики, мушукка овқат беришни ҳам унутди.

Фақат шу чоғда, мана шу сатрларни ёзаётиб, мен кўкқисдан унинг ҳақиқий исмини ҳеч қачон билмаганимни тушундим. Барселонада ҳаммамиз унинг артистлик лақабинигина билардик холос: Афсунгар Сатурно. Унинг феъли-хўйи ғалати, одамови бўлиб, ўзгалар билан чиқиша олмасди. Унга етишмаган тавозе ва мулозамат деган нарса Марияда тўлиб-тошиб ётарди.

Улкан жумбоқларга тўла халойиқ оламида Мария уни етаклаб юрар ва бу оламда хотинининг тақдиридан ташвишланиб, ярим кечаси кимгадир кўнғироқ қилиш ҳеч қачон ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Бир куни, қачонлардир, Сатурно Барселонага келибоқ тун ярмида кимгадир кўнғироқ қилган ва шундан буён бу ҳақда эслашни ҳам хоҳламай кўйганди. Шундай бўлса-да, у хозироқ Сарагосага кўнғироқ қилишга қарор қилди ва уйқусираган буви, заррача ташвишланмай, Мария тушдан кейин жўнаб кетганини айтди. Тонгга яқин Сатурнонинг кўзи илинди ва бор-йўғи бир соат ухлай олди, холос. Алағда туш кўрди: Мария қонга бўялган, жулдур келин кўйлақда эди. У даҳшатдан уйғониб кетди ва хотини уни энди абадий ёлғиз ташлаб кетганига амин бўлди, усиз поёнсиз бу олам ҳувиллаб қолгандай бўлди.

Кейинги беш йил ичида хотини уни, ўзини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, уч нафар эркак билан уч бора ташлаб кетганди. Танишганларидан ярим йил ўтгандан сўнг Ансурес туманидаги мўъжазгина хизмат хонасида телбаларча ишқлари авжига чиққан, бахт-саодатдан ёрилиб ўлай деганларида Мария уни ташлаб кетган эди. Бир гал бутун кечани тийиксиз ишқ ўйинлари билан ўтказганларидан кейин саҳармардонда Мария ғойиб бўлиб қолди. У ўзининг барча нарсаларини, ҳатто, олдинги никоҳидан қолган узугини ҳам бир мактуб билан ташлаб кетганди. Мактубда у бу тийиксиз севги тўфонига ортиқ дош беролмаслигини ёзганди. Сатурно у олдинги эрининг ёнига қайтган бўлса керак, деган хаёлга борди. Улар мактабдош бўлиб, Мария вояга етмагани учун яширинча турмуш қуришган, лекин севгидан холи икки йиллик турмушдан кейин Мария кетиб қолган эди. Йўқ, Мария собиқ эриникига эмас, ота-онасиникига қайтган экан. Сатурно нима қилиб бўлса ҳам қайтариб олиб келиш учун уни излаб борди. Ҳеч қандай шарт қўймасдан, бажариши мумкин бўлганидан ҳам каттароқ ваъдалар бериб, роса ялинди. Бироқ қаттиқ қаршилиikka дуч келди. «Узоқ давом этадиган севги ҳам, қисқаси ҳам бўлади, – деди Мария унга ва шафқатсизларча хулосалади: – Буниси қисқа бўлиб чиқди». У оёғини тираб олди ва Сатурно таслим бўлди. Лекин деярли бир йил муқаддам етим қолган квартирасига Барча авлиёлар куни эрта тонгда қайтиб, сунъий оқ гуллар билан безатилган гулчам-

бар таққан ва покиза бокираларнинг узун хилпироқ шаффоф рўмолини ўраган Марияни меҳмонхонадаги каравотда ухлаб ётган ҳолда кўрди.

Мария унга ростини айтди. Янги куёв, деярли осуда ҳаёт кечираётган бефарзанд бева католик черковидан никоҳдан ўтиб, уйланишга астойдил қарор қилган, лекин келин кўйлак кийган қизни меҳроб олдида ташлаб кетганди. Қизнинг ота-онаси, шунга қарамай, тўйни ўтказишга қарор қилишган, у ҳам бу ўйинга рози бўлган эди. Рақс тушди, отарчиларга қўшилиб ашула айтди, кўпроқ ичиб қўйди ва кечиккан виждон азобиди ўртаниб, ярим кечаси Сатурнониқига йўл олди.

Сатурно уйида йўқ эди, аммо у даҳлиздаги гултувак остига қўйилган калитни топди. Улар калитни доимо ўша ерда қолдиргувчи эдилар. Аёл бу гал ҳеч қандай шартсиз таслим бўлди. «Энди бу қанча давом этади?» – сўради Сатурно. Мария Виннисиус ди Морайснинг сўзлари билан жавоб қайтарди: «Давом этган севги – абадийдир». Мана, орадан икки йил ўтган бўлса-да, севгилари хануз абадийлигича қолаётганди.

Мариянинг эси кириб қолганга ўхшарди. Актёрлик орзуларидан кечиб, иш борасида ҳам, ишқ борасида ҳам ўзини бутунлай эрига бағишлади. Йил охирида улар афсунгарларнинг Перпиньяндаги конгрессига боришди, қайтишда Барселонага киришди. Шаҳар уларга шунчалик ёқиб қолдики, мана, қарийб тўққиз ойдан бери шу ерда истиқомат қилишяпти. Ҳаммаси кўнгилдагидай эди – типик каталон даҳаси Ортадан квартира сотиб олишди. Уй сершовкин, қоровули йўқ, лекин хоналари бешта болани ҳам сиғдирса бўладиган даражада кенг-мўл эди. Бундан катта бахт бўлиши мумкин эмасди. Бахт-саодат Мария ижарага машина олиб, қариндошларини кўриб келгани Сарагосага кетган ўша ҳафта охирига қадар давом этди. Мария душанба куни кечки соат еттида қайтиб келишга ваъда берганди. Пайшанба ўтиб бораётган бўлса-да, ундан дарак йўқ.

Кейинги ҳафтанинг душанба куни ижара автомобиллари суғурта компаниясидан кўнғироқ қилишди ва Марияни сўрашди. «Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, – деди Сатурно. – Уни Сарагосадан қидиринглар». Шундай деб, гўшакни қўйиб қўйди. Бир ҳафтадан кейин уйига полициячи келиб, машинани Мария қолдирган жойдан тўққиз юз километр узоқда, Ка-

дис якинидаги кимсасиз йўлда шип-шийдам қилинган ҳолда топишганини айтди. Полициячи ўғирликнинг қандайдир тафсилотларини Мария билиш-билмаслигини сўрамоқчи бўлиб келганди. Сатурно бу паллада мушукни овқатлантираётганди, вақтни беҳуда ўтказмасликлари, хотинининг уйдан қочиб кетгани, унинг ким билан ва қаерда эканини билмаслигини пичинг қилмасдан айтиш учунгина ўгирилиб қаради, холос. Айтганларига унинг имони комил эди. Полициячи ўнғайсизланиб, узр сўради. Шу билан қидирув тўхтатилди.

Пасха байрамини ўтказишга Кадакешга борганларида бўлган воқеани эслаганида Сатурнони Мария уни яна ташлаб кетгани тўғрисидаги гумон босди. У ерга уларни Рос Регас елканли кемада сайр қилишга таклиф қилганди. Биз «Маритим»да, тирбанд ва ирkit барда, Франко даврининг заволли даврига хос «La gauche divine»да<sup>1</sup> темир стол атрофидаги темир курсиларда ўтирган эдик. Гарчи стол атрофига олти киши зўрға сиғиши мумкин бўлса-да, биз ўн икки киши жойлашгандик. Эргалабдан буён иккинчи кутини чекиб тугатаркан, Мария гугурт қолмаганини сезиб қолди. Билагига романча жез билагузук таққан озғин, эркакча жундор қўл стол устидаги тикилинч орасидан туташтириши учун унга олов узатди. Ким эканига эътибор ҳам бермаган жувон миннатдорчилик билдирди, лекин Сатурно йигитга диққат қилди: юзи мурданикидек қонсиз, белигача тушган узун кўкимтир-қора сочини отнинг думидек боғлаб олган мўйловсиз бир қоқсуяк. Барнинг дераза ойналари баҳор изғирини пўртанасига зўрға дош бераётган бўлса-да, у дағал читдан тикилган энгил костюм кийиб олганди, оёқларида эса, деҳқонча бошмоқ.

Кузда уни Барселонета даҳасидаги моллюска таомлари ресторанчасида учратишди. У хануз ўша соддагина кийимида, лекин бу гал сочини отнинг думидай эмас, майда ўриб олганди. Йигит уларнинг ҳар иккови билан эски дўстлардек сўрашди, аммо Марияни ўпганини ва хотини ҳам унга қандай жавоб қилганини кўриб, Сатурно ўтган вақт мобайнида улар пинҳона учрашиб юрган бўлишса керак, деган гумонга борди. Бир неча кундан сўнг уйдаги телефон дафтарида Мария томони-

---

<sup>1</sup> Айнан: илохий сўллик (французча).

дан ёзилган янги рақамни кўриб қолди ва тўсатдан уйғонган шафқатсиз рашк бу кимнинг телефони эканини шипшиди. Йўк ердан пайдо бўлган дўст ҳақида тўпланган маълумотлар уни бутунлай адоий тамом қилди: ёши йигирма иккида, ўзи бой одамларнинг ягона фарзанди, ҳашаматли дўконлар витринасини безовчи рассом, хотинбозлиги билан тутуриқсиз шухрат қозонган ва эрли хонимларга тасалли беришга устаси фаранг деб ном чиқарган бир кимса. Бироқ Сатурно ўзини кўлга олди ва Мария Сарагосадан уйга қайтмаган кунгача чидади. Шундан кейингина у ўша рақамга, олдинига, ҳар икки ёки уч соатдан кейин, эрталабки соат олтидан кейинги тонггача, сўнгра телефонни кўрган заҳоти тўхтовсиз кўнғироқ қила бошлади. Ҳеч ким жавоб бермас ва бундан у янада баттар азобланар эди.

Тўртинчи кун уй тозалашга келган андалус аёл телефонга жавоб берди. «Сеньорита кетдилар», деб жавоб берди у мужмал қилиб. Бундан Сатурнонинг фиғони фалакка чикди. У: «Тасодифан сеньорита Мария ўша ерда йўқмилар?» – деб сўрашдан ўзини тия олмади.

– Бу ерда ҳеч қанақа Мария-пария дегани яшамайди, – жавоб берди аёл. – Сеньорита сўққабошлар.

– Бундан хабарим бор, – деди у. – Яшамаса яшамас, лекин ўқтин-ўқтин келиб туради, шундай эмасми?

Аёлнинг қони қайнаб кетди:

– Сенга нима, алжиган ит?

Сатурно гўшакни қўйди. Андалус аёл билан бўлган суҳбат гумонини қатъий ишончга айлантирди. У ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кейинги кунлари у Барселонадаги барча танишларига алфавит бўйича кўнғироқ қила бошлади. Ҳеч ким ҳеч қандай хабар айтолмас, лекин у ҳар бир кўнғироқдан кейин ўзини янада бахтсизроқ хис қилар, бўлмағур рашки «La gauche divine»да тонг оттирадиган барча ашаддий мижозлар ўртасида ҳазил-мазахга сабаб бўлган, унга ҳазил билан жавоб қайтаришар, у бўлса жижғанак бўлар эди. Фақат шундагина Сатурно бу гўзал, буқаламун ва бағритош шаҳарда нақадар ёлғиз эканини тушунди. Бу ерда, афтидан, у ҳеч қачон бахтли бўлолмасди. Эрта тонгда мушукни овқатлантириб бўлгач, ўлиб қолмаслик учун юрагига тош боғлади ва Мариани унутишга қатъий қарор қилди.

Икки ой ўтган бўлса-да, Мария санаторий ҳаётига кўни-колмади. Тарашланган узун столга занжир билан боғлаб қўйилган пичоқ ва санчки ёрдамида турма овқатини азбаройи яшаш учун чўкиларди. Овқатланаркан, бу мудхиш ўрта аср ошхонасида гўё раислик қилаётган генерал Франсиско Франкнинг портретига тикилиб ўтирарди. Аввалига монастирнинг мутаассибона эрталабки, кечки ва шу каби диний ибодатлардан иборат аҳмоқона кун тартибига қарши туриб кўрди. Монастирда асосий вақт шу ибодатларга сарф қилинарди. Ҳовлида тўп ўйнашдан, устахонада ишлашдан, сунъий гуллар ясашдан бош тортди. Баъзи зоҳид аёллар бу машғулотни ўлардай яхши кўрардилар. Уч ҳафта ўтганидан кейин Мария аста-секин монастир ҳаётига кўникди. Ҳаммаси жойида, дейишарди врачлар, бошида барча саркашлик қилади, сўнгра эртами, кечми, бошқаларга қўшилади.

Дастлабки кунлари Мария сигаретани тилла баҳосида сотадиган соқчи хотиндан олиб юрди. Шундоқ ҳам камгина пули тугаганидан кейин сигаретасиз қолгани турган-битгани азоб бўлди. Анча вақтгача у зоҳид аёллар кир ўрадан олган сигарета қолдиқларидан газета қоғозига ўраб ясайдиган папиросни чекиб, овуниб юрди. Бора-бора чекиш истаги телефондан кўнғироқ қилишга ўхшаш миядан кетмайдиган хира фикрга айланди. Бироз вақт ўтгач, сунъий гул ясаб, арзимаган чақа ишлаб топадиган бўлди, бу чақаларга оладиган сигареталари сал бўлса-да, ўткинчи хуморни ёзишга ярарди.

Тун палласи ёлғиз қолиш – ҳаммасидан ёмони эди. Зоҳид аёлларнинг кўпчилиги унга ўхшаб қоронғида бедор ётишар, қимир этишга юраклари бетламас эди, занжирбанд, осма қулф урилган эшик ёнидаги тунги соқчи ухламай кузатиб ўтирарди. Шундай бўлса-да, оғир ўйлардан кийналган Мария бир тунда ёнидаги аёл эшитадиган даражада баланд овозда сўради:

– Биз қаердамиз?

– Жаҳаннамнинг тубида.

– Бу ерни маврлар юрти дейишади. – Узоқроқдан янграган овоз бутун ётоққа эшитилди. – Бу гап тўғри бўлса керак, чунки ёзда ойдин кечалари денгиз бўйидаги итлар ойга қараб улигани эшитилади.

Эшик ҳалқасидаги занжир, худди кема лангари сингари, қаттиқ шалдиради ва эшик очилди. Қопонғич ит – бирдан чўккан сукунат ичида ягона тирик махлукқа ўхшаган соқчи аёл ётоқнинг у ёғидан-бу ёғига кезиб кела бошлади. Мария даҳшатдан қотиб қолди. Чунки соқчининг қандай ниятда келганини фақат у биларди.

Касалхонага ётқизилганидан кейин бир ҳафта ўтмасданок кечки соқчи хотин Марияга шама-пама қилиб ўтирмасдан, тўғридан-тўғри қоровулхонада у билан ётишни таклиф қилди. Олдинига амалий таклифдан бошлади, севги эвазига сигарета, шоколад, хуллас, нима керак бўлса, шу. «Ҳамма нарсанг бўлади, – деди у хирсдан қалтираб. – Худди маликалардай яшайсан». Соқчи рад жавобини олгач, тактикани ўзгартирди. Хотин Марияга ишқий мактублар ёзиб, ёстиғининг тагига, халатининг чўнтагига солиб қўядиган, ҳеч кутилмаган жойларда қолдирадиган бўлди. Юракни эзадиган ўтинчларга тўла мактублар тошни ҳам эритиши мумкин эди. Бир ой бўлдики, у мағлубиятни тан олгандай туюлганди, энди бўлса, мана тунда яна изғиб келди.

Мария уни қўли билан шунчалик қаттиқ итариб юбордики, хотин кўшни каравотга йиқилди. Уйғониб кетган зоҳидалар саросимага тушишди, қутурган соқчи сакраб турди.

– Сен, – деб бўқирди у, – ҳали кўрасан, бу чўчқахонада чирийсан, ҳали оёғимдан ўпасан.

Июннинг биринчи якшанбасида кўкқисдан жазирама ёз бошланди ва ошиғич чоралар кўришга тўғри келди. Иссиқдан дами қайтган зоҳидалар ибодат вақтида эғнидаги юнг матодан тикилган кенг, узун чакмонларни ечиб, улоқтира бошладилар. Мария бу томошадан завқланди, соқчи хотинлар, гўё қувлашмачоқ ўйнаётгандек, кип-яланғоч маҳбусларни бутун ибодатхона бўйлаб кува бошлади. Тўс-тўполонда бехосдан зарба ейишдан қочиб, Мария нимадир бўлиб, кимсасиз хизмат хонасига кириб қолди. Телефон тинимсиз аянчли жириглаётганди. Мария ғайриихтиёрий равишда гўшакни кўтарди ва узокдан шодон овоз эшитди – кимдир телефон орқали бериладиган вақт хизматига таклид қилиб, кўнгилхушлик килаётганди:

– Ҳозир соат кирк бешдан тўқсон икки минути бир юз етти секунд ўтди.

– Эшшак, – деди Мария.

Хурсанд бўлиб, гўшакни кўйди. Эшикка яқинлашганида бошқа такрорланмайдиган имкониятни бой бераётганини тўсатдан англади. Шунда шу даража қизгинлик билан шошапиша олтига рақамни тердики, ҳатто ўз телефон рақамини тўғри терганига ҳам ишончи комил эмасди. Кутди, юраги қинидан чиққудай бўлиб урарди. Таниш ғамгин гудок эшитилди. Бир, икки, уч гудок ва ниҳоят, хожаси бўлган, усиз уйдаги эркакнинг товуши янгради:

– Эшитаман?

Кўз ёшлари потирлаб, томоғига бир нарса тикилгандай бўлди. Нафасини ростлагунча бироз кутишга тўғри келди.

– Мушукча, ҳаётим, – деди у энтикиб.

Кўз ёшлари шашкатор бўлди. Симнинг у томонида хатарли сукунат муаллақ бўлди, сўнгра рашкдан бўғриққан сас янгради:

– Фоҳиша!

Гўшакни улоқтиришди.

Кечкурун Мария ғазаб тутқаноғи тутиб, генераллиссимуснинг ошхона деворига осиглик портретини юлиб олди, бор кучи билан деразага отди ва қонга беланганча полга йиқилди. Шундай бўлишига карамай, соқчи хотинларнинг ҳужумини даф қилишга кучи етди. Соқчилар харчанд уринмасинлар, уни тинчлантиришни эплай олмадилар. Остонада қўлларини кўкрагида чалиштириб олган ва кўзини лўқ қилиб турган Геркулинага кўзи тушмагунча олишаверди. Мария таслим бўлди. Шундай бўлса-да, уни асовларга мўлжалланган хонага олиб боришди, шлангдан совуқ сув уриб тинчлантиришди, сонига укол уришди. Уколдан Мариянинг оёқлари шунчалик шишиб кетдики, юролмай қолди. Шунда у бу дўзахдан қутулиш учун ҳамма нарсага тайёр эканини англади. Кейинги ҳафтаси умумий ётоққа қайтганида, оёқ учида юриб, кечки соқчининг дарчасини тақиллатди.

Мария иш баҳоси ва шартларини айтди, олдинига иш бажарилиши, эрига мактуб элтиб берилиши лозим эди. Соқчи хотин

рози бўлди, лекин бу гаплар мутлако сир сақланиши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирди. Бармоғини Марияга нуқиб, қатъий деди:

– Агар сир очилса, сен ўласан.

Шундай қилиб, Афсунгар Сатурно кейинги шанба куни жиннихонага етиб келди. Унинг юк машинаси Мариянинг тантанали қайтиб келишига атаб ясатилган эди. Директорнинг шахсан ўзи худди ҳарбий кемалардагидек топ-тоза ва саришта кабинетида уни қабул қилди ва марҳамат кўрғазиб, хотини ҳақида сўзлаб берди. Мария қандай қилиб, қаердан касалхонага тушганини ҳеч ким билмайди, у ҳақидаги айрим маълумотларни бўлса, Мария билан суҳбатдан кейин шахсан ўзи ёздирган. Ўша куни бошланган текширув ҳеч қандай натижа бермади. Директорни ҳаммасидан ҳам Сатурно хотини қаерда эканини қандай билгани қизиқтираётганди. Сатурно соқчини сотмади.

– Ижара автомобиллари суғуртаси компаниясидагилар ҳабар қилишди, – деди Сатурно.

Директор қониқиб, бош силкиб қўйди.

– Бу суғурта компаниялари ҳамма нарсани билиб оладилар, буни қандай қилишларини тушуниш кийин, – деди у. Бўм-бўш столда ётган касаллик тарихини яна бир бор кўздан кечирди ва хулоса чиқарди: – Бир нарса аниқ: унинг ахволи оғир.

Зарур эҳтиёт чораларига риоя қилган тақдирда кўришишларига рухсат беришга тайёр эди. Афсунгар Сатурно рафиқасининг бахт-саодати йўлида директор нима деса шуни қилиши керак эди. Мария билан фавқулодда мулойим гаплашиш даркор, ақс ҳолда кутуриш тутқаноғи тутиб қолиши мумкин. Ҳолбуки, кейинги вақтларда Мариyani тез-тез тутқаноқ тутадиган бўлган ва бу борган сари хатарли тус олиб бормоқда.

– Ғалати, – деди Сатурно, – у ҳамиша кучли ҳиссиёт эгаси бўлса-да, ўзини тутадиган аёл эди.

Врач кўп нарса биладиган одамга хос ишора билан уни тўхтагди.

– Кўпинча касаллик узоқ йиллар давомида пинҳон етилади, ажойиб кунларнинг бирида портлаш шаклида юзага чиқади, – деди у. – Нима бўлгандаям, унинг омади бор экан

ки, бу ерга тушди, чунки биз қаттиққўллик кўрсатиш талаб қилинган ҳолларда ҳозир нозир мутахассислармиз.

Сўз ниҳоясида у телефондан кўнғироқ қилиш тўғрисида Мариянинг калласига ўрнашиб қолган ғалати фикр тўғрисида огоҳлантирди.

– Унга гап қайтарманг, – деди у.

– Хотиржам бўлинг, доктор, – деди Сатурно жилмайиб. – Бу – менинг касбим.

Учрашув зали турма ёки истиғфор келтириладиган хонага ўхшаш бир жой бўлиб, олдинлари монастирда қабулхона вазифасини бажарганди. Сатурнонинг пайдо бўлиши туфайли ҳар иккови қувончдан ёрилай демади. Ҳолбуки, иккови ҳам шуни кутган бўлишлари мумкин эди. Мария зал ўртасидаги иккита стули бўлган стол ёнида гулдон ушлаб турарди, унинг касалхонадан чиқишга ҳозирлангани кўришиб турарди. Эғнида кўримсиз қизил кўйлак, оёғида кимдир унга раҳми келиб берган тасқара кир бошмоқ. Бурчакда қўлларини кўкрагида чалиштирган Геркулина кўзга ташланмай турарди. Кириб келаётган эрини кўриб, Мария ўрнидан кимирламади, дераза ойнаси кесиб юборган, яралар битмаган юзида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади. Улар астагина ўпишдилар.

– Ўзингни қандай ҳис қиляпсан? – сўради эри.

– Ниҳоят келганингдан бахтиёрман, мушукчам, – деди Мария. – Бу ерда ажалнинг комида эдим.

Ўтирадиган жой йўқ эди. Мария йиғидан хўрсина-хўрсина унга монастирдаги даҳшатли ҳаёт, соқчи хотинларнинг шафқатсизлиги, ит ҳам емайдиган овқат, даҳшатдан титраб мижда қокмай оттириладиган тонглар ҳақида сўзлаб берди.

– Бу ерда неча кун, неча ой ёки неча йил ўтирганимни билмайман, лекин шуни аниқ биламанки, ҳаммаси бир-биридан ёмон бўлди, – деди у ва энтикиб, чуқур нафас олди. – Энди асти ўзимга келолмасам керак.

– Энди ҳаммаси ўтиб кетди, – деди Сатурно бармоқларининг учи билан унинг юзидаги битмаган яра изларини оҳиста силаркан. – Ҳар шанба куни сени кўргани келиб тураман. Агар директор рухсат берса, бундан ҳам тез-тез келаман. Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Мария даҳшатдан олайган кўзлари билан унга бақрайиб қолди. Сатурно давраларда синалган усулини ишга солди. Болаларни лақиллатадиган оҳангда докторнинг ширин тахмини-ни айтиб берди.

– Хуллас, гапнинг пўсткалласини айтганда, – деди охирида, – тўла соғайиб кетишинг учун бор-йўғи бир неча кун қолган холос.

Мария гап нимадалигини тушунди.

– Худо ҳаққи, мушукча! – гангиб ҳайқирди у. – Сен ҳам гўё ақлдан озганимга ишонганингни айта кўрма!

– Қанақасига бундай деб ўйлашинг мумкин?! – деди у жилмайишга уриниб. – Сен бу ерда яна бироз вақт қолсанг, ҳаммага яхши бўлади-да. Албатта, яхшироқ шароитда.

– Ахир мен сенга айтдим-ку, телефондан қўнғироқ қилиш учунгина бу ерга келгандим деб! – деди Мария.

Бу даҳшатли хира фикрга қандай жавоб беришини билолмади. Геркулинага қаради. У фурсатдан фойдаланиб соатни кўрсатди: учрашув вақти ўтиб бўлганди. Мария эрининг нигоҳини сезиб қолди, ўгирилиб, жанговарча шай турган Геркулинани кўрди. Бирданига эрининг бўйнига ёпишди ва энди ҳақиқий жиннилардек бақира бошлади. Сатурно бисотида бор меҳрибонлик билан уни ўзидан айирди ва ёнларига учиб келган Геркулинага қолдирди. Геркулина Мариянинг ўзига келишига йўл қўймасдан, чап қўли билан унинг қўлларини буради, ўнг қўли билан бўйнидан қайирди ва Сатурнога кичкирди:

– Кетинг!

Шунга қарамай, бошдан кечирган кўркувдан сўнг ўзига келган Сатурно мушук билан кейинги шанба куни яна касалхонада пайдо бўлди. Мушук унга монанд кийинтирилганди: буюк Леотар томошаларда кийиб чиқадиغان қизилсарик трикода, бошида цилиндрсимон шляпа, эғнида парвоз учун тикилганга ўхшаш бари кенг-мўл плаш. У монастыр ҳовлисига безатилган юк машинасида кириб келди ва уч соат мобайнида ажойиб томоша кўрсатди. Маҳбуслар хурсанд бўлишди, айвондан томоша қилиб, томоқ йиртиб билганича кичкиришди, ўрни бўлмаган ҳолларда қарсақ уришди. Томошага Мариядан бошқа барча келди. У эри билан

учрашишдан бош тортибгина қолмади, ҳатто айвондан ҳам қарамади. Сатурно ўзини ўладиган даражада яралангандай ҳис қилди.

– Одатий ҳол, – дея уни юпатди директор. – Бу ўтиб кетади.

Лекин ўтиб кетмади. Мария билан учрашишга кўп бора уриниб, уддасидан чиқолмаган Сатурно мумкин бўлмаган ишни қилди – хотинига мактуб киргазди. Лекин бу беҳуда бўлди. Мария тўрт марта унинг хатини очмасдан қайтарди, бир оғиз гап айтмади. Сатурно чекинди, лекин касалхона қабул бўлимига сигарета келтиришда давом этди. Сигареталар Марияга етиб боряптими, йўқми, буни билмасди. Ниҳоят, тақдирга тан берди.

У ҳақда бошқа эшитишмади. Маълум бўлгани шу эдики, Сатурно бошқатдан уйланиб, юртига кетиб қолган. Барселонадан кетиш олдидан очликдан эти устихонига ёпишган мушукни тасодифан танишган аёлга қолдирди. Бунинг устига бу аёл Марияга сигарета олиб бориб беришни ҳам ўз устига олди. Бироқ кўп ўтмай у ҳам ғойиб бўлди. Роса Регас уни ўн икки йил олдин бир куни «Корте-Инглес» дўкони олдида учратганини эслаганди. Ўшанда у боши тақир қирилган, қандайдир шарқона мазҳабдагилар қиядиган тўқ сарик жуббада бўлиб, ҳаддан ташқари катта қорин кўйган экан. Бу аёл Роса Регасга қачон йўли тушса, ўшанда Марияга сигарета олиб борганини ва бошқа қутилмаган ошиғич масалаларни ҳал қилишда ёрдам қилганини айтиб берган. Ниҳоят, ажойиб кунларнинг бирида касалхона ўрнида вайрона пайдо бўлганини кўргунча шундай қилган. Вайрона ўша уқубатли кунлардан ёқимсиз хотирага ўхшаркан.

Охирги марта кўрганида Мария унга эс-хуши кириб қолгандай, бироз семирган ва монастирдаги турмушидан мамнундай туюлган. Ўшанда аёл жониворни боқиш учун Сатурно ташлаб кетган пул аллақачон тугагани учун мушукни ҳам Марияга элтиб берган экан.



## АВГУСТ ДАҲШАТЛАРИ

Биз Ареццога пешиндан сал олдин етиб келдик ва Уйғониш даврига оид қасрни излаб, икки соатдан кўпроқ вақт йўқотдик. Тоскана водийсининг бир гўзал гўшасида жойлашган бу қасрни венесуэлалик ёзувчи Мигель Отеро Сильва сотиб олган эди. Августнинг биринчи якшанбаси бўлиб, ҳаво иссиқ, теварак ғала-ғовурга тўла ва туристлар тўла кўчаларда бирон нарса биладиган одамнинг ўзини топиш осон иш эмас эди. Кўп уринишлардан бир иш чиқмагач, биз яна машинага ўтириб, шаҳардан ташқарига чиқдик. Йўлнинг икки томонида сарв дарахлари қад кўтариб турар, лекин биронта йўл кўрсаткичи йўқ эди. Шунда ғоз боқиб юрган бир кампир қаср қаерда эканини бизга аниқ кўрсатиб юборди. Хайрлашар экан, у ерда тунаш-тунамаслигимизни сўради. Биз у ерга фақат тушки овқатга кетаётганимизни айтдик.

– Унда яхши экан, – деди кампир, – чунки бу уйни арвоҳ босган.

Биз, эр-хотин куппа-кундузи арвоҳ борлигига ишонгимиз келмади ва хурофотчи кампирнинг устидан кулдик. Лекин бири тўкқиз, иккинчиси етти яшар ўғилларимиз тирик арвоҳ билан танишишни ўйлаб, бошлари осмонга етди.

Яхши ёзувчилардан ташқари моҳир ошпаз бўлган Мигель Отеро Сильва бизни шоҳона дастурхон устида кутиб олди. Кечикиб келганимиз учун қасрни атрофлича кўриб чиқишга вақт қолмаган эди. Лекин бир қарашда қасрда ҳеч бир қўрқинчли нарса йўқдек туюлди, гулларга бурканган пешайвонда овқатланар эканмиз, хавотиру ташвишлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Пешайвондан бутун шаҳар кўришиб турарди. Уйлари тоғ ёнбағри бўйлаб қаторлашган ва аҳолиси нари борса тўксон минг кишидан ошмайдиган бу шаҳарчада бунчалик кўп умрбоқий, даҳо кишилар туғилганига ишониб қийин эди. Бироқ Мигель Отеро Сильва қарибликларга хос юмор билан, барибир, уларнинг орасида биттаси Ареццода энг машҳур бўлганини айтди.

– Энг буюк киши Людовик бўлган, – деб хулоса қилди у.

Шунчаки, оддийгина – Людовик. У санъатда ва ҳарбий соҳада буюк бўлган, лекин бу қасрни қуриб, бошига бало орт-

тирган. Бутун тушлик давомида Мигель Отеро Сильва бизга шулар ҳақида сўзлади. У Людовикнинг улуғвор кудрати, толесиз севгиси ва даҳшатли ўлими ҳақида ҳикоя қилди. Жаҳддан ақли кетган лахзада Людовик ҳозиргина севгилисини ачомлаган тўшак устида уни ханжар уриб ўлдирганини, сўнгра ўзининг йиртқич жанговар итларини ўзига қарши олқишлаганини, итлар уни пора-пора қилиб ташлашганини сўзлаб берди. Шундан кейин у тамомила жиддий сўзлаб, Людовикнинг арвоҳи ярим кечадан сўнг қасрда тентираб юришини, севги изтиробларидан кутулиш чорасини излашини айтди.

Қаср ҳақиқатан ҳам катта ва мудҳиш эди. Лекин куппа-кундузи экани, қорнимиз тўқлиги ва хотиржамлигимиз туфайли Мигелнинг ҳикояси меҳмонларнинг кўнглини овлаш учун у мохирона тўқийдиган ҳазиллардан бири бўлса керак, деб ўйладик. Тушдан кейин қасрнинг саксон иккита хонасини айланиб чиқдик. Ҳайрон қоладиган ҳеч гап йўқ эди. Бу хоналарни қасрга эгалик қилган турли хўжайинлар ўзлари хоҳлаганча ўзгартирган. Мигель ҳам пастки қаватни тамомила таъмирлатган. Унга полига мрамар ётқизилган замонавий хобгоҳ, сауна, жисмоний тарбия машқлари ўтказиладиган зал ва гулларга кўмилган пешайвон қуриб беришган. Биз мана шу пешайвонда овқатлангандик. Иккинчи қаватда, асрлар мобайнида энг гавжум бўлиб келган жойда турли даврларга оид мебелларга тўла ва тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган туссиз хоналар бор эди. Лекин юқоридаги бир хонага қўл тегизишмаган ва вақт бу хонани четлаб ўтгандай туюларди. Бу Людовикнинг хобхонаси эди.

Бу сирли-сехрли лахза эди. Каравот устида заррин пашшахона, ғоят нафис жиякли чойшаб устида ўлдирилган маъшуқанинг кон излари қотиб қолган. Каминда совиған кул ва қотиб тошга айланган охирги палён, жавонда ўқланган милтик, девордаги заррин ромда мойбўёқда ишланган ўйчан рицарь портрети – бу сурагни флоренциялик қайсидир рассом ишлаган. Бу рассомни кейинчалик унутиб юборишган. Лекин хобгоҳ ҳавосида қандайдир сақланиб қолган тар қулупнай хиди мени энг кўп ҳайратга солди.

Тосканада ёз кунлари узун ва секин ўтади ва кечки соат тўққизга қадар уфқ ёришиб туради. Қасрни кўриб бўлгани-

мизда соат бешдан ўтган эди. Лекин Мигель Пьетро делла Франческонинг авлиё Франциск черковидаги деворсуратларини бирга бориб кўрайлик, деб оёғини тираб олди. Ундан кейин биз майдондаги тим остида ўтириб қахва ичдик, дилдан суҳбатлашдик. Жомадонларимизни олиш учун қасрга қайтганимизда кечки овқат учун дастурхон ёзиб кўйилган экан. Хуллас, кечки овқатга қолдик.

Биз овқатланар эканмиз, гулхайри рангига кирган осмонда биттагина юлдуз милтиллаши билан болалар ошхонада машғалалар ёкишди ва юқори қаватларни текширгани чиқиб кетишди. Дастурхон атрофида ўтирар эканмиз, зиналардан чиқаётган болаларнинг пиллапояларни отларга ўхшаб дуқиллатишгани, эшикларнинг аянчли ғижирлагани, Людовикни чакирган саслари мудҳиш хоналарда акс садо бергани эшитиларди. Шу ерда тунаш тўғрисидаги бўлмағур гоё ҳам болалардан чиққан эди. Мигель Отеро Сильва уларни хурсандчилик билан қўллаб-қувватлаган ва унинг раёини қайтаришга кўнглимиз бўлмаган эди.

Хавотиримга қарамай, биз – эр-хотин пастки қаватнинг хобхонасида, болалар – қўшни хонада жуда яхши ухладик. Ҳар икки хона ҳам замонавий услубда пардозланган бўлиб, кўнгилини ғаш қиладиган ҳеч нарса йўқ эди. Уйкуга кетар эканман, меҳмонхонадаги бедор соатнинг ўн икки марта занг урганини санадим ва ғоз боқиб юрган кампирнинг даҳшатли огоҳлантириши эсимга тушди. Лекин биз шунчалик чарчаган эдикки, бошимиз ёстикқа тегиши билан қаттиқ уйкуга кетдик ва эрталаб соат еттидан ўтганда, қуёшнинг кўзни камаштирувчи нурлари дераза тирқишларидан ёриб ўтаётган бир вақтда уйғондик. Ёнимда хотиним ҳалиям ширин туш кўриб ётарди. «Бу қандай сафсата ўзи, – деб ўйладим мен, – бизнинг замонамизда арвоҳ борлигига ким ҳам ишонарди?» Аммо беҳосдан тар қулупнай хиди димоғимга урилиб, сесканиб кетдим ва совиган кулга тўла, сўнги палёни тошга айланган каминни, зарҳал ромдан бизга уч аср оша тикилиб турган ғамгин рицарнинг портретини кўрдим. Чунки биз кеча уйкуга кетган биринчи қаватдаги хонада эмас, балки Людовикнинг хобхонасида, чанг босган пашшахонаси остида, лаънати тўшагининг иссиқ қонга беланган чойшаблари устида ётар эдик.

## МАРИЯ ДУС ПРАЗЕРИШ

Дафн идорасининг хизматчиси аниқ вақтида келди, Мария дус Празериш хануз халатда, боши эса бигудиларга тўла эди. Жуда кўримсиз кўринмаслик учун кулоғининг орқасига қизил атиргул тақиб олишга улгурди, холос. Эшикни очиб, ўзи ўйлагандек ғамгин нотариус эмас, балки катак камзул кийган, гулдор галстук осган тортинчоқ йигитни кўрганида, бундай киёфада чиққанига қаттиқ афсусланди. Ажал тужжорларини у маънос қариялар киёфасида тасаввур қиларди. Барселона бахори ўзгарувчан, бир лаҳзада изғирин эсиб, ёмғир шивалаб қолиши, аёзи қишдан қаттикроқ бўлиши мумкинлигига қарамай, йигитнинг эғнида пальто йўқ эди. Кечаю кундуз, исталган вақтда қанчадан-қанча эркакларни қабул қилган Мария дус Празериш ниҳоятда ўнғайсизланди. Бунақаси камдан-кам бўларди. У эндигина етмиш олти ёшга кирган бўлиб, Янги йилдан олдин ўлишига ишончи комил эди. Шундай бўлса-да, уни муносиб қаршилаши учун кийиниб, ясантусан қилгунга қадар озгина кутишини илтимос қилишига ва эшикни ўлик тужжорнинг юзига ёпишига бир баҳя қолди. Лекин йигит қоронғи пиллапояда совқотиши мумкинлигини ўйлаб, уни уйга киритди.

– Қуйиб кўйгандек каламушнинг ўзиман, бунақа киёфам учун кечирим сўрайман, – деди аёл. – Барселонада эллик йилдан бери яшайман, аммо, мана, биринчи марта айни белгиланган вақтда келиб туришибди.

У каталончада бироз удумдан чиқаётан тўғри талаффузда жуда яхши гапирарди, аммо сўзлаш тарзида унутилган португалча оҳанглар сезилиб турарди. Кексайганига ва бошидаги сим гажакларига қарамай, у хануз сочлари қалин, эркакларга шафқатдан асар ҳам қолмаган сариқ кўзлари ёниб турадиган хушбичим дурагай аёл эди. Кўча ёғдусидан кўзлари қамашган тужжор ҳеч нарса демади, фақат остонадаги каноп латтага оёғини артди ва эҳтиром билан беканинг кўлини ўпди.

– Сен бизнинг замонлардаги эркакларга ўхшар экансан, – деди Мария дус Празериш ва хандон ташлаб кулди. – Қани, ўтир.

Гарчи йигит бу ишга эндигина кирган бўлса-да, ҳар ҳолда вазифасини етарли даражада биларди ва эрталабки соат саккизда, бунинг устига бешафқат кампир уни бунчалик шоду хуррамлик билан кутиб олишини кутмаган эди. Йигитга кампир дастлаб Жанубий Америкадан қочиб келган жиннига ўхшаб кўринди. Шунинг учун ҳам у нима деярини билмай, остонада туриб қолди, бу пайтда Мария дус Празериш деразаларнинг оғир бахмал дарпардаларини очди. Майин апрель нури батартиб меҳмонхонани бироз ёриштирди. Меҳмонхона антиқа моллар сотиладиган дўконга ўхшаб кетарди. Бу ердаги барча ашёлар кундалик рўзғор буюмлари бўлиб, ҳар бири ўз жойида турарди. Ашёлар шунчалик дид билан танлангандики, Барселона каби қадимий ва сирли шаҳарда бундан яхшироқ жиҳозланган уйни топиш мушкулга ўхшарди.

– Афв этинг, – деди йигит. – Мен янглишдим шекилли.

– Қанийди шундай бўлса, – деди Мария. – Лекин ажал ҳеч қачон адашмайди.

Тужжор қат-қат букланган, йўл харитасига ўхшаш чизмани тушлик қилинадиган стол устига ёйди. Чизмада ер участкалари турли рангда кўрсатилган бўлиб, рангларга мос тарзда хоч ва рақамлар ёзиб қўйилган эди. Мария дус Празериш бу улкан Монжуик қабристонининг тарҳи эканини тушунди ва саргузашт ишқибозларини бағрига олган номсиз мазорлар ва флорентина нақшлари билан безатилган мақбаралар орасида октябрь ойининг ёмғирлари остида тапирлар изғиб юрадиган Манаус қабристонини даҳшат билан эслади. Мария ҳали қизалоқ эканида бир куни эрталаб Амазонка тошиб, ҳамма ёқни кўнгил айнитадиган ботқоқликка айлантирган ва у ховлисида чириган тобутлар сузиб юрганини ўз кўзи билан кўрган эди. Тобутларнинг ёриқларидан кийим-бош парчалари, мурдаларнинг сочлари чиқиб турарди. Айни шу хотиралар нариги дунёда ётиши учун уйига яқин ва ўзи яхши биладиган Жервазио қабристонини эмас, Монжуик тепалигини танлашига сабаб бўлганди.

– Менга ҳеч қачон сув босмайдиган баланд жой керак, – деди у.

– Айтган жойингиз мана бу ерда, – деди тужжор буклама таёқча билан керакли жойни кўрсатиб. У бу таёқчани пўлат

авторучка билан ич чўнтагида олиб юрарди. – Бу ерга, ҳатто, денгиз ҳам чиқолмайди.

Кампир турли рангларга бўялган тархни кўришга киришди ва асосий дарвозани қидириб топди. Дарвоза яқинида бир хил ва номсиз учта қабр бор эди. Уларда Буэнавентура Дуррути ва анархистларнинг Гражданлар урушида ҳалок бўлган иккита дохийси ётарди. Ҳар кечаси кимдир уларнинг исмини яланғоч мозор тошларига битиб кетарди. Қалам, бўёқ, кўмир, қош бўяйдиган қалам, тирноқ бўёғи билан ёзиб кетишарди. Ҳар бир мозордаги мархумнинг исми шарифини рисоладагидек тўлиқ ёзишар, назоратчилар гунг мармар тошлар остида ким ётганини билмасликлари учун ёзувларни ҳар куни тонгданоқ ўчириб ташлашарди. Мария дус Празериш Дуррутининг дафн маросимида қатнашганди. Барселонада шу чокқача мисли кўрилмаган даражада қайғули маросимда одам жуда кўп бўлганди. Мария ҳам ўзини Дуррутининг қабрига яқин жойда дафн қилишларини истаётган эди. Аммо мозорлар тикилиб кетган бу қабристонда у истаётган ерда жой йўқ эди. Шунинг учун ҳам борига шукр қилишига тўғри келди.

– Шартим шуки, – деди у, – мени беш йилда адо бўладиган, почта жўнатмасига ўхшаган тор қутига тикмайсизлар. – Сўнгра асосий шартни эслаб, хулоса қилди, – энг асосийси, жасадимни ётқизган ҳолда дафн қиласизлар.

Гап шундаки, қабрларни олдиндан сотиш ҳақидаги шов-шувли рекламага жавобан, жой тежаш мақсадида тобутларни тиккасига кўмишармиш деган миш-миш тарқалган эди. Тужжор кўп такрорлайвергани учун ёд бўлиб кетган изоҳни баён эта бошлади: бу миш-миш қабр ўрни олдиндан сотиладиган замонавий усулни ёмонотлиқ қилиш учун анъанавий дафн хизматлари томонидан бадниятлик билан тарқатилаётир. Йигит бу гапларни айтаётганда эшикни астагина уч марта тақиллатишди ва у иккиланиб жим бўлди, лекин Мария дус Празериш давом этавериши тўғрисида ишора қилди.

– Ташвишланманг, – деди у астагина, – бу Ной.

Тужжор гапида давом этди. Мария дус Празеришга изоҳ мақбул бўлди. Бироқ эшикни очишдан олдин, икир-чикиригача ўйлаган ва Манаосдаги ўша тошқиндан кейин ўтган узок

йиллар мобайнида ичида пишиб етилган фикрни қисқача баён қилгиси келди.

– Хуллас, – деди у, – менга сув остида қолиш хавфидан холи ва агар, иложи бўлса, ёзда дарахтлар соясида ётадиган жой керак, яна анча вақт ўтгандан кейин жасадимни ковлаб олиб, ахлатхонага улоқтириб юрмасинлар.

У эшикни очди ва ёмғир остида шалаббо бўлган, ўта ирқит кучук кирди. Унинг бу аҳволи хонанинг кўринишига мутлақо зид эди. Кучук эрталабки сайрдан қайтиб келганди ва уйга кирди дегунча, ҳаммаёкни остин-устун қилди. Бўлар-бўлмаста ҳуриди, столга сакраб чиқди ва кир панжалари билан қабристон харитасини бурдалашига сал қолди. Лекин уни тинчителиш учун беканинг бир назар ташлаши кифоя бўлди.

– Ной, – деди у бақирмасдан, – *baixa d'aca!*<sup>1</sup>

Кучук думини қисди, атрофга кўрқа-писа аланглади ва кўзларидан икки тиниқ томчи бурнига оқиб тушди. Мария дус Празериш тужжорга юзланди ва унинг саросимага тушиб қолганини кўрди.

– *Collons!*<sup>2</sup> – хитоб қилди тужжор. – У йиғлаяпти-ку!

– Шу паллада уйда бегона одамни кўриб қутуриб кетди, Мария дус Празериш паст овозда узрхоҳлик қилди. – У, одатда, уйга кишиларга қараганда тоза ҳолда қиради. Лекин сенинг бошқалардан истисно эканингни кўрдим.

– Лекин йиғлаяпти-ку, онасини!.. – такрорлади тужжор ва тўсатдан ўзининг нақадар кўполлигини тушуниб қолди ва қизарди. – Ўтинаман, мени кечиринг, лекин бунақасини, ҳатто кинода ҳам кўрмаганман.

– Агар ўргатилса, барча итлар йиғлаши мумкин, – деди бека. – Гап шундаки, эгалари итларни асосан машаққатли ишларга, масалан, ялоқдан овқат ейишга ёки белгиланган вақтда бир жойда ҳожат чиқаришга ўргатишади. Ёки, аксинча, итларни табиий, хуш ёқадиган ишларга, масалан, қулиш ва йиғлашга ўргатишмайди. Хўш, нима деяётган эдик?

Аниқлаб олиш лозим бўлган нарсалар кам қолганди. Мария дус Празериш серсоя дарахтлар остида ётмасликка кўнишга

---

<sup>1</sup> Чик бу ердан! (*каталонча*).

<sup>2</sup> Онангни!.. (*каталонча*).

мажбур бўлди, чунки кабристонда кад кўтарган бир нечта дарахтлар ости режим ҳукмфарمولари томонидан аллақачон олиб қўйилган эди. Шартноманинг айрим шартлари ва таърифлари ортикча туюлди, чунки у олдиндан ва нақд тўланган тақдирда бериладиган имтиёзлардан фойдаланмоқчи эди.

Ишларни битиргач, тужжор қоғозларни йиғиштириб, папкасига солар экан, тажрибали киши кўзи билан хонани яна бир қур кўздан кечирди ва аёлнинг жозибадор гўзаллигидан ҳайратга тушди. У Мария дус Празеришга уни худди биринчи марта кўраётгандек тикилиб қолди.

– Сизга нокамтарона бир савол берсам майлими? – сўради тужжор.

Бека тужжорни эшик томонга бошлар экан деди:

– Албатта, ёшимдан бошқа истаган нарсангизни сўрашингиз мумкин.

– Мен одамларнинг касбини уйидаги анжомларига қараб аниқлаш касалига мубтало бўлганман. Бу ерда бўлса, тўғриси айтсам, тополмаяпман, – деди у. – Нима иш билан шуғулланасиз?

Мария дус Празериш қаҳқаҳа отди.

– Ахир, мен фоҳишаман-ку, бўтам. Ёки афт-ангоримдан бу сезилмаяптими?

Тужжор қизарди.

– Кечиринг, мен афсусдаман...

– Мен афсусланишим керак ўзи, – деди бека тужжор бошини эшик кесакисига уриб олмаслиги учун уни қўлтиқлар экан. – Эҳтиёт бўлиб юргин! Яна мени рисоладагидай кўммасдан олдин каллангни ёриб юрма.

Эшикни ёпар-ёпмас, кучукни қўлига олиб силлашга киришди ва шу аснода қўшни болалар боғчасидан эшитилаётган болалар хори ижро этаётган қўшиққа хуш овозда жўр бўла бошлади. Уч ой олдин тез орада ўлиши унга тушида аён бўлган ва ўшандан буён ёлғизликда унга ҳамдам бўлган бу жониворга қаттиқ боғланиб қолганини ҳамиша ҳис қиларди. У ўлимидан сўнг барча анжомлари ва жасадининг тақдирини шунчалик пухта хужжатлаштириб қўйгандики, энди ҳеч кимни ташвишга қўймай, исталган вақтда бемалол ўлаверса бўларди. Бироз олдинроқ у ўз ихтиёри билан ишдан воз кечди, ўзини кўпам

қийнамасдан, оз-оздан мол-дунё орттирди ва сўнгигача умргузаронлик қилиш учун аллақачон шаҳарга қўшилиб кетган Грасиа даҳасини танлади. Дудланган балиқ ҳиди анқийдиган, деворларини шўр емирган, шармандали уруш излари қолган ярим вайрона болохонани сотиб олди. Уйнинг қоровули йўқ эди. Гарчи барча хонадонларда одамлар яшаётган бўлса-да, зах ва қоронғи зинага бир неча пиллапоя етишмасди. Мария дус Празериш ваннахона ва ошхонани таъмирлатди, деворларга ёрқин рангдаги мато қоқтирди, деразаларга қиррадор ойна ўрнаттирди ва бахмал дарпардалар остирди. Ниҳоят, ҳашаматли мебель, идиш-товоқ, безак буюмлари, ипак ва зарбоф мато сирилган сандиқлар олиб келди. Буларнинг ҳаммасини мағлубиятдан сўнг қочган республикачилар қолдириб кетган уйлардан фашистлар ўғирлаган эдилар. Бу ашёларни Мария дус Празериш неча йиллар давомида оз-оздан, кези келганда ёпиқ савдодан харид қилганди. Граф Кардона билан дўстлиги уни ўтмиш билан боғлайдиган бирдан-бир ришта эди. Граф ҳар ойнинг сўнгги жумасида биргаликда овқатланиш, емакдан сўнгги ширинлик ўрнига эса суэт ишқ ўйини билан шуғулланиш учун уникага келарди. Лекин ёшлиқдан келаётган бу дўстлик ҳам пинҳон тугтилларди: граф уни, шунингдек, ўзини гап-сўзга қолдирмаслик учун рисоладаги барча геральдика белгилари билан безатилган машинасини эҳтиёткорлик юзасидан анча узоқда қолдирар, кўчанинг соя тарафидан пиёда юриб уникага келарди. Мария дус Празериш бу уйда яшайдиганлардан рўпарасидаги хонадонга яқинда кўчиб келган тўққиз яшар қизчаси бўлган ёш эр-хотиндан бошқа кимсани танимас эди. Гарчи, эҳтимолдан узоқдай туюлса-да, Мария дус Празериш ҳақиқатан ҳам зинапояда ҳеч қачон ҳеч кимни учратмаганди.

Аммо, меросни тақсимлар экан, у поқдомонлик миллий ифтихори бўлган қаттиққўл каталонияликлар жамоасига ўзи ўйлаганидан ҳам кўпроқ кўникиб қолганига ишонч ҳосил қилди.

Ҳатто, энг арзон ашёларини ҳам ўз кадрдонлари, айни, уйига яқин кишилар орасида тақсимлади. Пировардида ҳаммасини адолат юзасидан қилганига ўзи кўпам ишонмади, лекин бир нарсага ишончи комил эди: муносиб кишиларнинг биронтаси ҳам эсидан чиққани йўқ. Ҳаммаси шун-

чалик пухта хозирлангандики, дунёда кўрмаган-билмаган нарсам йўқ, деб ўйлайдиган Арболь кўчасидаги нотариус Мария дус Празериш ўрта асрга хос каталонча тилда нотариуснинг мирзаларига ўз тасарруфидаги ҳар бир нарсанинг номини, ундан кейин меросхўрларининг тўла рўйхатини, касбу кори ва манзилини, уларнинг ўзига яқинлик даражасини ёддан аниқ ва батафсил айтиб ёздирганида, ўз кўзларига ишонмади.

Дафн тужжори келиб кетганидан кейин у якшанба кунлари қабристонга борадиган кўпдан-кўп зиёратчиларнинг бирига айланди. Ўзига ажратилган майдончага, кўшни қабр эгалари қилиб қўйганидек, тўрт фаслга мос чечаклар экди, майсаларни суғорди, боғ қайчи билан ўрди, майдонча шаҳар муниципалитетидаги гиламдек бўлгунга қадар куймаланди. Бу ерга шунчалик боғланиб қолдики, майдонча унга олдин нега қаровсиздек туюлганига ҳеч тушунолмади.

Қабристонга биринчи марта келганида, кираверишдаги номсиз учта мозорни кўриб, юраги ҳаприкди, лекин у қабрларни кўриш учун тўхтагани ҳам йўқ, чунки бир неча кадам нарида хушёр соқчи турган эди. Аммо учинчи бозор куни келганида соқчининг нимагадир алахсиганидан фойдаланиб қолди ва ўзининг буюк орзуларидан бирини амалга оширди – ёмғир тозалаб қўйган биринчи қабртошга лаб бўёғи билан *Дуррути* деб ёзиб қўйди. Ўшандан кейин имкон топди, дегунча қабртошларнинг биттаси, иккитаси ёки ҳар учаласига ёзадиган бўлди, ёзаркан қўллари титрамас, юраги ўтмишдан қолган ҳузн ҳисларига тўлиб-тошар эди. Бир куни, сентябрнинг охириги якшанбасида у қабристонда ўтказилган дафн маросимида биринчи марта қатнашди. Уч ҳафтадан кейин изғиринли кунда кўшни мозорга ёшгина келинчакни кўмишди. Йил охирига бориб, яна еттита мозорга жасад қўйилди. Қиш ўтиб кетса-да, унга ҳеч вақо бўлмади. У касал-пасал бўлмади, кунлар исиган ва очик деразалардан қайноқ ҳаёт нафаси гуркираб уфуриб кира бошлаган чоғда, афтидан сирли туш башоратини унутиш учун ўзида куч топадиганга ўхшаб қолди. Жазирама иссиқ ойларини тоғда ўтказган граф Кардона шаҳарга қайтиб, уни хайратланарли даражада малоҳатли бўлган эллик ёшлик вақтидан ҳам жозибалироқ кўрди.

Бетўхтов уринишлардан сўнг Мария дус Празериш улкан тепалик устидаги саноксиз қабрлар орасидан эгасининг мозорини топишни Нойга ўргатишга муваффақ бўлди. Шундан кейин кучукка бўш қабр устида йиғлашни чидам билан ўргата бошлади. Ўлганидан кейин кучук унинг қабри устида йиғлашга одатланиши керак эди. У кучукни бир неча марта уйдан қабристонга қадар пиёда олиб борди, Рамблас йўналишидаги автобус йўлини эслаб қолиши учун кучукнинг эътиборини йўлда учраган турли-туман нарсаларга қаратди. Кучукни етарли даражада ўргатганига ва уни якка юбориши мумкинлигига ишонч ҳосил қилмагунча шундай қилди.

Якшанба куни бош репетиция ўтказиш мақсадида кундуз соат учда у, бир томондан, ёз нафаси сезилаётгани, иккинчи томондан, эътибор жалб қилмаслиги учун Нойнинг устидаги қишлоқ нимчани ечди ва қўйиб юборди. У кучукнинг аянчли равишда қисган думини ликиллатганча кўчанинг соя тарафидаги йўлкада югуриб бораётганини кузатиб турди, ҳам ўзининг, ҳам кучукнинг ҳолига, аламли йиллар қатидаги армонларига ачиниб йиғлаб юбормаслик учун ўзини аранг тийди, сўнгра кучук денгиз томонга бурилиб, Калье Майор кўчаси муюлишида ғойиб бўлганини кўрди. Ўн беш дақиқадан кейин Рамблас томонга кетадиган автобусга чиқди, кучукка кўринмасдан уни кузатиб боришга ҳаракат қилди ва ҳақиқатан ҳам кучукни якшанба сайрига чиққан болалар тўдаси ичида кўрди: кучук бегонасираган ва жиддий қиёфада Пасео де Грасиа кўчасида светофорнинг кўк чироғи ёнишини кутиб турарди.

«Ё, худойим-ей, – хўрсинди у. – У нақадар ёлғиз-а».

Монжуик тепалигида шафқатсиз офтоб остида қарийб икки соат кутишига тўғри келди. Аёл қандайдир мотамсаро кишилар билан саломлашди, уларни олдинги якшанба кунлари учратган бўлиб, зўрға таниди, чунки биринчи марта кўрганидан бери анча вақт ўтган эди. Энди уларнинг эгнида мотам либослари йўқ бўлиб, йиғламаётгандилар. Гарчи қабри устига гуллар келтирган бўлсалар-да, энди мархумни эсламаётган ҳам эдилар. Бироздан кейин ҳамма кетиб бўлгач, у чағалайларни чўчитиб юборган хунук ўкирик товушини эшитди ва Бразилия байроғи кўтарган оқ кема адоқсиз денгиз узра сузиб бораётганини кўрди ҳамда кема Пернамбуку зиндониди уни деб ўладиган

кимдандир мактуб келтиришини дил-дилдан истади. Соат эн-дигина олти бўлганида, белгиланганидан ўн икки минут олдин тепаликда чарчок ва иссиқдан сўлаклари оқаётган, лекин ғолиб боладай шоду хуррам Ной пайдо бўлди. Шу лахзада Мария дус Празеришнинг тепамда ҳеч ким йиғламайди, деган хавотири барҳам топди.

Кузга бориб унга аччиқ аломатлар аён бўлди, уларнинг маъносини чақа олмади ва юрагининг устига тош бостирилгандай бўлди. У яна Соат майдонидаги заррин арғувон дарахтлари остида қаҳва ича бошлади. Эгнида тулки мўйнали пальто, бошида сунъий гуллар тақилган шляпа бўларди. Бу алмисокдан қолган либослар яна янгидан урф бўлганди. Унинг сезгилари кучайди. Ўзини эзаётган ғам-ғуссанинг тагига етиш учун Рамблас кўчасида парранда сотувчи хотинларнинг ғала-ғовурига, китоб ёймачилари орасидаги эркакларнинг оҳиста суҳбатларига (улар неча йиллардан буён илк бор футбол ҳақида гапирмаётган эдилар), урушда майиб-мажруҳ бўлган ва нон ушоқлари билан каптар боқаётган кишиларнинг чуқур сукунатига кулоқ солди ва ҳаммасидан муқаррар ўлим белгисини топди. Янги йилга яқин қолганида арғувон дарахтларига осилган ранг-баранг чироқлар ёнди, айвонлардан шодиёна товушлар ва мусиқа эшитила бошлади, бизнинг тақдиримиздан йироқ бўлган туристлар тўдаси очиқ осмон остидаги қаҳвахоналарни тўлдирди, аммо, ҳатто, байрамда ҳам кишилар таранглашган асабларини зўрға босиб туришгани сезилиб турарди. Анархистлар кўча хўжайинига айланишидан олдин ҳам шундай бўлган эди. Улкан эҳтирослар жўш урган ўша даврда яшаган Мария дус Празериш ичидаги хавотир хиссини ҳеч босолмади ва умрида илк бор бир куни ярим тунда уйғониб кетди, борлигини қўрқув камраб, қаттиқ эзаётганди. Бир куни тунда Давлат хавфсизлиги агентлари шундоққина деразасининг тагида йўғон чўтка билан деворга «Visca Cataluna Niure»<sup>1</sup> деб ёзган талабани отиб ўлдиришди.

«Ё худойим, – деб ўйлади у хайратга тушиб, – гўё барча мен билан баравар ўлиб кетадиганга ўхшайди!»

---

<sup>1</sup> Яшасин Озод Каталония. *(каталонча)*.

Шунга ўхшаш ғуссали хавотирни у кизалоқ вақтида Ма-наусда, тонг отишига бир лаҳза қолганида тунги беадад шовқинлар бирдан тинчиб, сув тўхтаган, вақт гўё иккилана-ётганга ўхшаб қолган ва Амазонканинг бутун борлиги фақат ўлим сукунатига ўхшатиш мумкин бўлган тубсиз жимлик кўйинига ғарқ бўлган пайтда бошдан ўтказган эди. Асаблар чидаб бўлмайдиган даражада таранглашган бир вақтда, одатдагидек, апрелнинг сўнгги жума куни граф Кардона уникага кечки овқатга келди.

Унинг ташрифлари аллақачон одат тусига кирганди. Граф ҳамиша айни вақтда кечки еттидан тўққизгача бўлган вақтда, эътибор тортмаслиги учун кечки газетага ўроғлик бир шиша каталон шампань вноси ва бир қути трюфель конфети кўтариб келарди. Мария дус Празериш унинг учун қизартма ва юмшоққина жўжа гўшти қовуриб қўяр, маҳаллий каталония-ликларнинг бир вақтлардаги севимли таомларини ҳозирлар, каттакон лаганга фаслнинг меваларини тўлдириб қўярди. У ошхонада куймаланаётган вақтда граф энг яхши итальян операларидан парчалар ёзилган пластинкаларни кўйиб патефон эшитар ва оз-оздан шароб қултумлар, пластинка охирлаганда қадахдаги шароб ҳам тугаб битарди.

Дилдан қилинган узоқ суҳбат асносида таом еганларидан кейин эски замонларни, севги можароларини эслашарди. Бу доимо уларда ҳалокат ҳиссини уйғотарди. Тун яқинлашди дегунча ҳамиша ташвишга тушиб қоладиган граф кетиш олди-дан ётоқхонада кулдон остида йигирма беш песет қолдирарди. Граф билан Паралело меҳмонхонасида танишган вақтларида Мария дус Празеришнинг нархи шунча бўлиб, вақтлар занги емиролмаган ягона нарса шу эди.

На у, на аёл дўстликларининг қандай асосга қурилгани устида ҳеч бош қотирмасди. Мария дус Празериш арзи-маган қарзлар бериб тургани учун унга бурчли эди. Граф йиғган маблағини қандай сарфлаш кераклиги тўғрисида унга ўринли маслаҳатлар берган, хонасини безаб турган ашёлар-нинг ҳақиқий баҳосини аниқлашни ва бу ашёлар ўғирлик мол эканлигини билдирмаслик учун уларни қандай сақлаш керак-лигини ўргатган эди. Лекин, энг асосийси, бутун умри ўтган фоҳишахонада увадаси чиқди, эндиги эркакларга ёкмай қолди,

деб топганларидан кейин қариган фоҳишаларнинг яширин исловотхонасига жўнатмоқчи бўлганларида (бу исловотхонада фоҳишалар беш песет эвазига ўсмирларга аёллар билан яқинлик қилишни ўргатишарди) Мария дус Празеришга айна граф Грасиа даҳасида кексалигини муносиб тарзда ўтказиш йўлини кўрсатган эди. Ўз вақтида Мария графга онаси уни ўн тўрт ёшлигида Манаус бандаргоҳида сотиб юборганини, биринчи киши – турк кемасининг зобити Атлантика океанини кесиб ўтгунга қадар у билан бетўхтов аёвсиз ишрат қилганини, сўнгра тил билмайдиган, исми ҳам бўлмаган қизни нимқоронғи Паралело кўчасида бир тийин бермай ташлаб кетганини айтиб берганди. Ҳар иккови ҳам ораларида уларни боғлайдиган умумий нарса йўқлигини англаб, бирга бўлишганида ўзларини ўта ёлғиз ҳис этишар, лекин мафтункор одатдан воз кечишга ҳеч бирининг юраги бетламасди. Шунча йиллар мобайнида нечоғлик навозиш кўрсатганларидан қатъи назар, бир-бирини ёмон кўришларини айна вақтда бараварига тушунишлари учун миллий туйғуларнинг жунбишга келиши даркор бўлди.

Бирдан ақллари равшанлашди. Граф Кардона «Богема» дан Лючия Альбанеле ва Беньямино Джилья ижросидаги севги айтишувини тинглаётган вақтда тасодифан радио янгиликлари қулоғига чалинди. Мария дус Празериш ошхонада радиодан янгиликларни эшитаётган эди. Граф оёқ учида юриб келиб, қулоқ осди. Испаниянинг абадий диктатори генерал Франсиско Франко ҳозиргина ўлим жазосига ҳукм қилинган уч нафар баск сепаратчиларининг тақдирини узил-кесил ҳал қилиш масъулиятини ўз зиммасига олган эди. Граф мамнун бўлиб, тин олди.

– Демак, уларни албатта отишади, – деди у, – чунки каудильо адолатли киши.

Мария дус Празериш унга ҳақиқий кўзойнакли илонга ўхшаб тешиб юборгудай тикилди ва графнинг заррин кўзойнак остидаги ҳиссиз қорачиқларини, йирткичларникидек тишларини, рутубат ва зулматга ўрганган ваҳший қўлларини кўрди. У ҳақиқатда қандай бўлса, шундай кўрди.

– Шундай бўлмаслигини худодан тила, – деди аёл, – чунки, агар улардан биттасини отадиган бўлишса, мен шўрвангга заҳар қўшиб бераман.

Граф кўркиб кетди.

– Нега энди?

– Чунки мен ҳам адолатли ж...ман.

Граф Кардона қайтиб йўламади, Мария дус Празеришда эса, умрининг сўнгги босқичи яқунланганига ишонч пайдо бўлди. Ҳали яқин-яқиндагина унга автобусда жой беришса, кўчани кесиб ўтишга кўмаклашмоқчи бўлишса ёки зинадан кўтариларкан, қўлтиғига киришса жахли чиқарди, лекин энди бунга ёқимсиз бир зарурият деб қарайдиган, шундай қилишларига изн берибгина қолмай, ҳатто, буни истайдиган бўлиб қолди. Айни ана шу вақтлари у ўзига анархистларникидек, исми, ўлим тарихи битилмаган мрамор тош буюртма қилди ва уйкусида ўлиб қолса, Ной ташқарига чиқиб хабар бериши учун эшигини очиқ қолдирганча ухлайдиган бўлди.

Бир куни якшанбада қабристондан қайтиб келиб, зинапой майдончасида қўшни хонадонда яшайдиган қизалоқни учратди. У қизалоқ билан худди ўз бувиси каби у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, бир неча даҳани босиб ўтди ва қизалоқ Нойга дўстона муомала қилаётганини сизди. Диаманте майдонига етишганида, режалаштириб қўйганидек, қизалоқни музқаймоқ ейишга таклиф қилди.

– Кучукларни яхши кўрасанми? – сўради у қизчадан.

– Ўлгудай, – деб жавоб қилди қизча.

Шунда Мария дус Празериш аллақачон ўйлаб қўйган гапини қизчага айтди.

– Агар қачондир менга бир гап бўлса, Нойни олгин, – деди у. – Фақат бир шартим бор: якшанба кунлари уни қўйиб юборасан, лекин асло ташвишланма. У нима қилишини яхши билади.

Қизча жуда хурсанд бўлди. Мария дус Празериш бўлса, қалбининг тўрида бир неча йилдан бери пишиб етилган орзуси амалга ошганидан хуррам ҳолда уйга қайтиб келди. Бироқ кексалик чарчатгани учун ҳам, ажал кечиккани учун ҳам эмас, бу орзуси амалга ошмади. Бу иш унинг иродаси билан бўлгани йўқ. Унинг учун ҳаётнинг ўзи масалани ҳал қилди – совук ноябрь кунларининг бирида қабристондан чиққанида тўсатдан бўрон бошланди. Мария дарвоза ёнидаги ҳар учала қабртошга исмларни ёзишга улгурганди. Автобус бекатига бораётгани

да жала уриб бериб, ҳаммаёғи шалаббо бўлди. У кимсасиз даҳадаги бир уйнинг даҳлизига киришга зўрға улгурди. Бу даҳанинг ярим вайрона қовоқхоналари, иркит фабрикалари, улкан юк машиналари қутураётган жала остида янада мудҳиш кўринарди. Мария дус Празериш шалаббо бўлган кучукни танасининг иссиғи билан иситар экан, ёнидан ўтаётган тирбанд автобуслар, кўк чироғи ўчирилган бўш таксиларга қараб турарди, унинг жон ҳолатда қўл силкитишларига ҳеч ким эътибор бермасди. Мана, ниҳоят ҳеч қандай мўъжиза рўй бермайдигандек туюлган бир чоғда ҳашаматли пўлатранг автомобиль ёмғир босган кўчадан деярли овоз чиқармай юриб ўтди ва бирдан муюлишда тўхтади, сўнгра орқаси билан юриб у турган жойга қайтди. Худди афсун ўқигандек, машина эшигининг ойнаси пастга тушди ва ҳайдовчи унга олиб кетишни таклиф қилди.

– Мен узокқа бораман, – дея Мария дус Празериш ростини айтди. – Лекин сал нарироққа ташлаб қўйсангиз менга катта яхшилик қилган бўлардингиз.

– Қаёққа бормоқчи эканингизни айтаверсангиз-чи? – оёқ тиради ҳайдовчи.

– Грацияга, – деди аёл.

Гарчи ҳайдовчи қўл узатмаган бўлса-да, эшик очилди.

– Мен ҳам шу ёққа бораман, – деди у. – Ўтиринг.

Ёқимли бўйлар уфураётган автомобилда ўтирар экан, энди жала кўрқинчли туюлмас, шаҳар бошқача рангларга буркангандек туюлар ва Мария дус Празериш ўзини барча муаммолар олдиндан ҳал қилиб қўйилган бошқа бахтли оламга тушиб қолгандек ҳис қиларди. Тартибсиз кўча ҳаракати ичида ҳайдовчининг машинани чаптастлик билан бошқариши сеҳргарликка ўхшарди. Мария дус Празеришни ваҳима босди, у ўзига ниҳоятда, ҳатто тиззасида ухлаб қолган кучукдан ҳам аянчли бўлиб кўринди.

– Машинангиз худди океан кемасига ўхшайди-я, – деди у бунақа ҳолларда нимадир дейиши кераклигини ҳис қилгани учун. – Ҳаётда, ҳатто тушимда ҳам бунақасини кўрмаганман.

– Тўғриси айтганда, меники эмаслиги бу автомобилнинг бирдан-бир камчилиги, – деди ҳайдовчи каталончада зўр-базўр. Бироз жим қолгач, испанчалаб илова қилди: – Бир умр олган маошимга ҳам бу машинани харид қилолмаган бўлардим.

– Нимасини айтасиз... – дея хўрсинди аёл.

У кўз қири билан ҳайдовчининг асбобларнинг кўкиш ёғдуси ёритаётган юзига назар ташлади. Ҳали ёшгина йигит, калта жингалак сочлари, юзи ён томондан қараганда қадимий римликларни эслатади. Кўхлик эмас, лекин унда қандайдир жозиба бор, арзон чармдан тикилган курткаси ўзига жуда ярашиб турибди, уйга қайтганида онасининг боши осмонга етса керак, деб ўйлади аёл. Фақат дехқонча қўлларидан йигит ҳақиқатан ҳам бу машинанинг эгаси эмаслиги аён бўлиб турарди.

Йўл-йўлакай бошқа сўзлашмадилар, лекин Мария дус Празериш ҳайдовчи ҳам кўз қири билан унга бир неча бор қараганини кўрди ва кексайиб қолганидан яна бир марта ўкинди. У ёмғир бошланганда бошини сал-пал пана қилган бу ошхона рўмолида, елкасига илган кузги кўримсиз пальтода ўзини хунук ва аянчли ҳис қилди. Ажал кутаётгани учун янги пальто олгиси келмаганди.

Грацияга етиб келишганида ҳаво очилиб кетди, лекин кош қорайиб, кўча чироқлари ёнган эди. Мария дус Празериш муюлишда тушириши мумкинлигини айтди, аммо ҳайдовчи аёлни уй эшиги олдиғача олиб боришини айтиб, оёқ тиради. У эшик олдиға бориш билан чекланиб қолмади, балки аёлнинг оёқлари ҳўл бўлмаслиги учун машинани йўлка устиға ҳам чиқарди. Мария дус Празериш кучукни қўйиб юборди, машинадан гавдаси имкон берганча муносиб тарзда тушмоқчи бўлди, бироқ миннатдорчилик билдириш учун қайрилиб қараганида эркакнинг кўзига кўзи тушди, унинг нигоҳидан юраги ўйнаб кетди. Ким кимдан нимани кутаётганини кўпам тушунолмай бир неча сония унинг нигоҳига дош берди, шунда йигит қатъий оҳангда сўради:

– Мен чиқсам бўладими?

Мария дус Празериш ўзини камситилаётгандек ҳис қилди.

– Лутф этиб опкелиб қўйганингиз учун сиздан миннатдорман, – деди у, – лекин устимдан кулишингизға йўл қўймайман.

– Бировнинг устидан кулишим учун ҳеч қандай сабаб йўқ, – деб жавоб берди у жиддий йўсинда испанча-лаб. – Айникса, сиздай аёл устидан.

Мария дус Празериш унга ўхшаш кўпгина эркакларни кўрган, ўз жонига қасд қилган ундан ҳам ёвқур йигитларни

неча бор ўлимдан кутқариб қолган, лекин узоқ умри мобайнида бир қарорга келишидан олдин ҳеч қачон бунчалик кўркувга тушмаган эди. Йигитнинг ҳануз ўша заррача ўзгармаган, қатъий овозда такрорлаган гапи қулоғига чалинди:

– Чиксам бўладими?

Аёл эшикни ёпмасдан машинадан узоқлашди ва аниқ тушуниши учун унга испанча жавоб берди:

– Хоҳлаганингиздай қилақолинг.

Кўча чироқлари ғира-шира ёритаётган йўлакка кирди, зинадан кўтарила бошлади, тиззалари қалтирар, кўркувдан бўғилар эди. Унга ўлим олдидан киши худди шундай бўғиладигандек туюларди. Ўз квартираси эшиги олдига келиб чўнтагини пайпаслаб калитни қидираётганида бирин-кетин иккита – машина ва йўлак эшиги ёпилганини эшитди. Олдинга ўтиб кетган Ной ҳура бошлади. «Овозингни ўчир», – буюрди аёл ҳансираганча шивирлаб. Шу лаҳзада зинапоядан эшитилаётган қадам товушларини эшитиб, юраги қинидан чиққудай бўлди. Кейинги уч йиллик ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборган кароматли тушини оний бир тарзда эслади ва тушини янглиш йўйганини англади.

«Вой худойим-ей, – ҳайратланди у. – Демак, бу ўлим эмас экан-да!»

У қоронғида шахдам қадам товушларини, худди унга ўхшаб кўркаётган, ўзига яқинлашиб келаётган эракнинг тобора кучаяётган ҳансирашларини эшитар экан, ниҳоят калит ўрнини топди ва мана шу оний завқни тотиш шунча йил кутишга ва шунча қийналишга арзишини тушуниб етди.



## ЗАҲАРЛАНГАН ЎН ЕТТИ ИНГЛИЗ

Сеньора Пруденсия Линеро Неаполь бандаргоҳига келиб биринчи сезгани шу бўлдики, бу ер Риоача бандаргоҳи сингари сассиқ экан. Табиийки, бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса демади, чунки бу шарт кетиб парти қолган денгиз пароходидагиларнинг биронтаси уни тушунмаган бўларди. Пароход урушдан кейин илк бора уйига қайтаётган италияликлар билан лик тўла

эди. Етмиш икки ёшга кирганига, бунинг устига кутурган денгизда ўн саккиз кун сузганига қарамай, у бошқалардек ўзини ёлғиз, уйдан ва яқинларидан олисда сезмаётган, чўчимаётган эди.

Тонг палласи қирғоқ чироклари кўрина бошлади. Одатдиган эртароқ уйғонган ва янги уст-бошларини кийиб олган йўловчилар интиқ бўлиб туришарди, бутунлай мавхумликдан юрак сиқилар, хуллас, бутун сузиш мобайнида пароход бортидаги бу охирги якшанба ягона ҳақиқат бўлиб туюларди. Сеньора Пруденсия Линеро ибодат мақсадида келаётган кам сонли йўловчиларнинг бири эди. Сузиш кунларини у мотамсаро ўтказди, аммо етиб келиш шарафига қора матодан тикилган енгсиз, узун қора ридосини кийиб олди, белига францисларга хос чизим боғлади, оёғига хом теридан тикилган шиппак илди. Бу шиппак яп-янги бўлгани учун зиёратчилар киядиган пойабзалга ўхшамас эди. Папа ҳазратларини кўриши учун Парвардигор юкоридан унга Римга саёҳат марҳаматини туширадиган бўлса, то ўлғунига қадар монах либосини кийиб юриши ҳақида Яратганга ваъда бериб қасам ичган эди, мана, марҳамат туширгани учун у Парвардигорга миннатдорчилик билдириб ётибди. Ибодат тугагач, Кариб денгизида рўй берган об-ҳаво машаққатларини енгиб ўтиши учун унинг дилига жасорат бахш этган Муқаддас Рухга атаб шам ёқди, шу паллада шамол қутураётган Риоачадаги уйида ухлаётган ва тушларида уни кўраётган тўққизта ўғли ва ўн тўртта неварасининг ҳар бирига атаб дуо ўқиди.

Нонуштадан кейин палубага чиққанида пароходдаги ҳаёт ўзгариб кетганди. Рақс тушиладиган залда юклар хилма-хил афсунгарлик моллари сотиладиган Антиль ороллари бозорларидан италияликлар харид қилган турли-туман туристик ҳадялар билан айқаш-уйқаш бўлиб ётар, бар столи устидаги темир қафасда Пернамбуку макака маймуни гердайиб ўтирар эди. Август ойи бошидаги кўзни қамаштирадиган тонглардан бири, одатдаги ёз якшанбаси эди. Урушдан кейин худонинг берган ҳар куни бир неъмат ҳисобланарди. Катта пароход, бамисоли бемордай пишқириб, хириллаб шаффоф кўлмак сув узра аста сузиб борарди. Герцог Анжуйскийларнинг машғум кальаси кўринди, бортга қапишган йўловчиларга таниш жой-

лар кўринаётгандек туюла бошлади, улар дуч келган томонга бармоқ чўзиб, бу жойларни кўрсатишар, Ўрта денгиз шеваларида ҳаяжонла сўзлаб, пароходни бошларига кўтарар эдилар. Сеньора Пруденсия Линеро пароходда ота-оналари ракс тушган вақтлари болаларига қараб тургани учун кўпгина дўстлар ортиришга улгурган, ҳатто капитаннинг биринчи ёрдамчисининг камзулига тугма ҳам қадаб қўйган эди. Бироқ, ҳозир улар бегона ва узоқ бўлиб туюла бошлади. Ўзаро мулоқот ва меҳр тропик қарахлик вақтида бостириб келган соғинч туйғуларини бостиришда унга ёрдам берганди, энди улар эриб битганга ўхшарди. Бир умр хабарлашиб туриш ҳақида очиқ денгизда берилган ваъдалар кирғоқ кўринди дегунча йўқ бўлди-қўйди. Италияликларнинг ўзгарувчан атворидан беҳабар сеньора Пруденсия Линеро айб бошқаларда эмас, ўзида деб топди, чунки ватанига қайтаётган бу оломон орасида биргина ёт киши ўзи эди. Пароход бортидан теран денгиз остидаги турфа жонзоларни томоша қилар экан, саёҳатларда шундай бўлса керак, деб ўйлади ва ёт киши экани ҳақидаги фикр умрида илк бора миясини қакшатди. Ёнида турган ҳайратда қоларли даражада гўзал киз беҳосдан даҳшатга тушди ва қаттиқ кичкириб, уни кўркитиб юборди.

– Мamma mia! – бақирди у сувни кўрсатиб. – Қаранг.

Бу ғарқ бўлган кишининг жасади эди. Сеньора Пруденсия Линеро катта ёшдаги, тепакал, ниҳоятда башанг қийинган ва чалқанча ётган кишининг, тонгги осмон рангига ўхшаш – хушқакчақ кўзлари очиқ қолганини кўрди. Ўликнинг эгнида оҳорли костюм, заррин нимча, оёғида ялтироқ ботинка, ёқасида янги гул, ўнг қўлида ҳадялик қоғозга ўроғлик тўртбурчак пакетча, кўқарган қўли билан лентадан қилинган жамалакни қаттиқ ушлаб олган, афтидан, ўлим олдидан ёпишган охириги нарсаси шу бўлса керак.

– Қайсидир тўй маросимида сувга йиқилиб ўлган бўлса керак, – деди пароход зобитларидан бири. – Бу ерда ёзда бунақа ҳодисалар тез-тез содир бўлиб туради.

Жасад ёнидан тезда ўтиб кетишди, пароход кўрфазга кирди ва йўловчиларнинг диққати унчалик дилгир қилмайдиган нарсаларга қаратилди. Лекин сеньора Пруденсия Линеро ғарқ бўлган киши ҳақида ўйлашда давом этди,

бадбахтнинг камзулининг барлари хануз пароход ортида тўлқинланиб турарди.

Кўрфазга кирар-кирмас, эскигина салдов кемачаси пароходга пешвоз чиқди ва уни уруш вақти вайрон бўлган беадад кемалар ёнидан тортиб кета бошлади. Занглаган темир-терсақлар орасидан ўтаверган сари сув тобора булғаланиб, мойга айлана бошлади, жазирама Риоаченинг тушки соат иккидаги иссиғидан ҳам ўтиб тушди. Қатор турган кемалар орасидан эрталабки соат ўн бирда шахарнинг афсонавий саройлари, тепалик ёнбағрига ёпишган ранг-баранг эски кулбалари бирданга офтоб остида яраклаб кўринди. Бўтана сув тубидан чидаб бўлмайдиган қўланса хид кўтариларди, сеньора Пруденсия Линеро бу хидни ўз ховлисида чириётган қисқичбақаларнинг хидига ўхшаш деб топди.

Пароход кирғокқа боғланаркан, йўловчилар пристань устида қувончдан қий-чув кўтараётган қариндошларини таний бошладилар. Уларнинг кўпчилиги мотам либоси кийган, кўкракдор, ёши ўтинкираган хотинлар бўлиб, ёнларида дунёдаги энг чиройли ва сон-саноксиз болалар, паст бўйли ва олғир эрлар турарди. Бу эрлар газетани хотинидан кейин ўқийдиган ва жазирама иссиққа қарамай, албатта, пошшолик мирзаларига хос кийинадиган ўша ўлмас турга мансуб эдилар.

Бозор ғалвасига ўхшаш бу ғала-ғовур орасида қандайдир дайди чол иккала қўли билан жулдур пальтосининг чўнтақларидан бир ховуч жажжигина момик жўжаларни чиқарди. Жўжалар дадил чийиллаганча, бир лаҳзада пристанни тўлдирди. Мўъжизага тамомила лоқайд оломон уларни босиб-янчиб ўтди. Аммо сеҳрли бўлгани учун жўжаларнинг кўпчилиги омон қолди ва чопкиллайверди. Афсунгар шляпасини ерга қўйди, лекин шляпага ҳеч ким бир чака ҳам садақа ташламади.

Фақат ўзи миннатдорлик билдириб ибодат қилгани учун гўё унинг шарафига берилаётгандек туюлган бу ажойиб томошадан сеҳрланган Пруденсия Линеро нарвонни қандай туширишганини ва оломон қароқчилар абордажга олган кемаларига қандай бақир-чақир билан хужум қилсалар, худди шундай шовқин-сурон ва қатъият билан пароходга ёпирилганини сезмади. Ёпирилган оломоннинг шоду хуррамлигидан, улар-

дан анқиётган чириган пиёз ҳидидан, жомадонларни эгаллаш учун олишаётган ҳаммоллар тўдасидан эсанкираган Пруденсия Линеро пристандаги жўжалар бошига тушган шарафсиз ўлим хавфи боши устида чарх ураётганини сездди. Шунда у қирраларига бўялган жез қопланган тахта жомадонининг устида ўтириб олди ва тошдай қотиб ўтирганча, кофирлар заминидаги васвасаю бало-қазолардан ўзини химоя қилиш мақсадида дуо ўқий бошлади. Капитаннинг биринчи ёрдамчиси аёлга дуч келганида тўс-тўполон тугаган ва вайронаси чиққан залда ундан бошқа ҳеч ким қолмаган эди.

– Энди бу ерда ҳеч ким қолиши мумкин эмас, – деди у мулоимлик билан. – Сизга бирон ёрдамим керакми?

– Мен консулни кутишим керак, – деди у.

Ҳақиқатан ҳам, жўнаб кетишларидан икки кун олдин катта ўғли ўзининг ошнаси бўлган Неаполдаги консулга онасини кутиб олишни ва Римга жўнаб кетиши учун қоғозларни расмийлаштиришга ёрдам беришни сўраб телеграмма жўнатган эди. Ўғли телеграммада пароходнинг номи, бориш вақтини ва Пруденсия Линерони францискан роҳибларига ўхшаш уст-бошидан таниб олиши мумкинлигини кўрсатганди. Онаси қирғоққа тушиш олдидан ана шундай кийинса керак, деб ўйлаганди. Аёл консулни кутиш ниятини шунчалик қатъият билан айтдики, зобит кема командасининг тушлик қиладиган вақти келгани ва стулларни столлар устига ағдариб, палубани тозалашга киришганларига қарамай, аёлга яна бирмунча вақт пароходда қолишига рухсат берди. Ҳўл бўлмаслиги учун унинг сандиғини матрослар бир неча марта у ёқдан-бу ёққа суришди, у тўхтамай тиловат қилганича совуққонлик билан ўша ёққа ўтиб ўтираверди. Ниҳоят, охир-окибат залдан хайдаб чиқаришди ва у жазирама куёш остида палубада кутқарув қайиқлари орасидан кўним топди. Тушки соат иккиларда капитаннинг биринчи ёрдамчиси уни шу ерда учратди, тавба ридосига ўралган ва тер босган аёл энди ноумидлик билан тиловат қилаётган эди. У шунчалик таҳликага тушган ва ғамга ботган эдики, кўз ёшларини зўрға тутиб турарди.

– Ибодатнинг фойдаси йўқ, – деди зобит энди аввалгидай тақаллуф кўрсатмай. – Август ойида ҳатто Парвардигор ҳам таътилга чиқади.

У аёлга бу паллада, хусусан, якшанба кунлари Италия аҳолисининг ярми пляжда ётишини тушунтирди. Консул хизмат бурчи юзасидан таътилга кетмаган бўлиши мумкин, лекин у идорасини душанбагача очмаслиги турган гап. Меҳмонхонага кетиш, бир кеча дам олиш, кейинги кун консулликка телефон қилиш оқилона иш бўлади, консулнинг телефони, ҳеч шубҳасиз, телефон китобида мавжуд. Сеньора Пруденсия Линеронинг бу важ-корсонларга рози бўлишига тўғри келди ва зобит унинг кириш хужжатларини расмийлаштиришга, божхонадан ўтиб пул алмаштиришига кўмаклашди, сўнгра таксига ўтказиб, тузукрок меҳмонхонага олиб боришни тайинлади.

Ўлик ташийдиган аравани эслатувчи, дакқионуздан қолган такси титраб-силкинганча, бўш кўчалардан юриб кетди. Бу арвоҳлар шаҳрида ҳайдовчи билан ўзи яккаю ёлғиз тирик жон бўлсалар керак, яна тинмай, бунинг устига завқ-шавқ билан жавраётган бу одам Папани кўриш умидида океан ортидан бунақа таваккалига саёҳатга жазм қилган бечора ёлғиз аёлга ёмонлик қилишга вақт ҳам топмаса керак, деган фикр сеньора Пруденсия Линеронинг миясидан йилт этиб ўтди.

Қинғир-қийшиқ кўчалар охирида яна денгиз кўринди. Такси чўғдек қизиб ётган қумлоқ пляж бўйлаб силкина-силкина кетиб борарди. Пляж бўйида ёрқин бўёқларга бўялган мўъжаз меҳмонхоналар қатор тизилганди, лекин такси уларнинг ҳеч бири ёнида тўхтамай ўтиб кетди ҳамда баланд пальмалари ва оқ ўриндиклари бўлган жамоат паркиннинг ўртасида жойлашган кўримсиз меҳмонхона ёнида тўхтади. Шофёр сандикни олиб, серсоя йўлкага қўйди ва сеньора Пруденсия Линеронинг иккиланиб турганини кўриб, бу Неаполдаги энг яхши меҳмонхона эканига ишонтирди.

Келишган ва сертакаллуф ҳаммол сандикни елкасига ортиб, бутун ташвишни зиммасига олди. Ички ҳовли зинапояси ёнида қурилган металл катак ичидаги лифт ёнига олиб борди ва қатъият-ла, бор овози билан Пуччини ариясини куйлай бошлади. Унинг бу қилиғи хавотир туйғусини уйғотарди. Путурдан кетган бино тўққиз қаватли бўлиб, таъмирланган ва ҳар бир қаватда мустақил меҳмонхона жойлашган эди. Товуқхонага ўхшаш симкатак лифтга олиб киришганида ва лифт мрамар пиллапоялар бўйлаб гувуллаб аста кўтарилаётганида дераза-

лардан уйнинг ички ўта маҳрам ҳаётини, йиртиқ пайпоқларни кузатар, ачимсиқ ҳидлар димоғига урилар экан, сеньора Пруденсия Линеронинг мияси бир лаҳзага ғовлади. Лифт учинчи қаватда бир силкиниб тўхтади, ҳаммол куйлашдан тўхтади, металл ромблардан иборат йиғма эшикни очди ва тавозе билан эгилиб, сеньора Пруденсия Линерога уйига етиб келганини билдирди.

Дахлизда рангдор шиша нақшлар билан зийнатланган ёғоч пештахта ортида турган ёшгина қотма йигитчага ва мис гултуваклардаги сершоҳ ўсимликларга кўзи тушди. Йигитча бир кўришдаёқ унга ёкиб тушди, чунки унинг фаришталарникидай жингалак сочлари худди кичик неварасиникига ўхшар эди. Жез тахтачага ўйиб туширилган меҳмонхона номи ҳам, уфураётган карболка хиди ҳам, осиглик гултуваклардаги қирққулоқ ҳам, сукунат, деворқоғозлардаги лилиялар ҳам макбул бўлди. Лекин у лифтдан чиқди дегунча юраги тарс ёрилай деди. Кутиш залида турна қатор терилган оромкурсиларда калта иштон ва пляж шиппаги кийган инглиз туристлари мудраб ўтиришарди. Улар ўн етти нафар бўлиб, аслида бир киши-ю, худди кўзгуда кўпайтириб қўйишгандай, ҳаммаси айни ҳолатда ўтиришарди. Сеньора Пруденсия Линеро уларнинг ҳар бирига алоҳида қараб ўтирмай, бирварақайига назар ташлади, бамисоли қассоб дўконида қанора чангақларига илиб қўйилган сон гўшти сингари узун тизилган қатор пушти оёқлар унинг диққатини тортган ва ҳайратга солган ягона нарса бўлди. Аёл чиққан жойида тўхтаб қолди ва қўрққанидан тисарилиб, лифтга қайтиб кирди.

– Бошқа қаватга кетдик, – деди у.

– Signora, лекин фақат шу қаватда ошхона бор ҳолос, – деди ҳаммол.

– Ахамияти йўқ, – деди у.

Ҳаммол рози бўлганини билдириб ишора қилди, лифт эшигини сурди ва қўшиғини бошлади, бешинчи қаватга чиққанларида ашула ҳам сўнгига етди. Бу ер унчалик саришта бўлмаса-да, бека кўркам хотин бўлиб чиқди, у испанчани жуда яхши гапирарди, бунинг устига қабулхонада оромкурсида мудраётган одамнинг ўзи йўқ. Ҳақиқатан ҳам ошхона йўқ эди, лекин меҳмонхона яқин атрофда жойлашган бир ошхона билан шартнома тузган бўлиб, у ерда меҳмонхона миждозларини мах-

сус нарх асосида овқатлантиришарди. Сеньора Пруденсия Линеро бу ерда бир кеча қолишга рози бўлди. Ёқимтой беканинг гапга чечанлиги ва қабулхонада пушти шим кийган биронта ҳам инглиз йўқлиги бунга сабаб бўлди.

Кундуз соат икки бўлса-да, хонанинг пардалари туширилган, ярим қоронғида кўринмас ва осойишта эманзор сукунати ҳукм суларди, бу ерда кўз ёши тўкиш жуда макбул иш бўлар эди. Ёлғиз қолди дегунча, сеньора Пруденсия Линеро эшикнинг ҳар иккала лўқидонини суриб қўйди-да, эрталабдан бери биринчи марта бовул қилди ва ҳузурланди. Шундан кейин у шиппагини, ридосининг белидаги чилвирни ечди, ёлғиз ўзига жуда кенглик қиладиган икки кишилиқ каравотга чиқиб, сўл томони билан ётди-да, бошқа манбага – тошиб турган кўз ёшларига эрк берди.

У болалари оила қуриб, рўзгорини бўлак қилганларидан ва ҳушидан жудо бўлган эрига қараш учун ялангоёқ юрадиган иккита ҳинду оксоч билан ёлғиз қолганидан сўнг, умрида биринчи марта Риоачадангина эмас, балки, умуман, илк бора уйидан чиққан эди. Ҳаётининг ярми ёшлиқ йилларида муҳаббат тўшаги бўлиб хизмат қилган эчки терисидан қилинган тўшакда деярли ўттиз йилдан бери летаргик уйқуда ётган суюкли эрининг ёнида ўтди.

Ўтган йилнинг октябрида бемор кўзини очди, бирданига ақли равшанлашиб, яқинларини таниди ва фотосуратчини чақиришларини сўради. Истироҳат боғида ишлайдиган кекса фотосуратчини чақириб келишди. У уй шароитида суратга олиш учун қора қўлликлари бўлган қаттақон қатлама фотоаппаратини ва магний идишини олиб келди. Суратга олиш жараёнига беморнинг ўзи раҳбарлик қилди. «Битта сурат менга, севгисини ва бахтни инъом этган Пруденсияга», – деди у. Магний ялт этди. «Энди иккита сурат жондан ортиқ севадиган қизларим – Пруденсия ва Наталия учун», – деди бемор. Яна магний чарақлади. «Яна иккитаси ўғилларимга, улар лағиф севгиси ва оқиллиги билан бутун оиламизга ўрناق бўлмоқдалар», – деди у. Шу тариқа фотосуратчининг қоғози тамом бўлгунча иш давом этаверди ва у яна қоғоз келтириш учун уйига кетди. Пешиндан сўнг соат тўртда, магний тутунига ва суратини олишга ошиқиб келган қариндошлар, дўстлар ва танишларга тўлиб

кетган хобгоҳда нафас олиш имкони қолмаган бир вақтда бемор тўшакда бамисоли ўз-ўзидан эриётгандек бўлди ва қўлини беҳол кўтариб, барча билан видолашди-да, узоклашаётган кема палубасида кўздан ғойиб бўлгандек, бу дунёдан кетди.

Ҳамма эрининг вафотидан кейин бева енгил тортса керак деб ўйлаганди, лекин бундай бўлмади, аксинча, у шунчалик қаттиқ ғамга ботдики, барча болалари тўпланиб, унга қандай таскин беришлари мумкинлигини сўрашди. Шунда у фақат бир нарсани – Папани зиёрат қилиш учун Римга боришни хошлашини айтди.

– Лекин мен франциск роҳиблари ридосида ёлғиз ўзим кетаман, – деб огоҳлантирди у. – Шундай деб онт ичганман.

Бемор устида неча йиллаб бедор ўтказган тунлардан сўнг, у фақат тўйиб-тўйиб йиғлашдан ором оларди. Пароходда икки нафар кларисса-роҳиба аёл билан бир каютада яшашга мажбур бўлган вақтида биров кўрмаслиги учун ваннахонани ичкаридан кулфлаб, йиғлаб оларди. Неаполь меҳмонхонасидаги ўз хонаси Риоачадан чиққанидан буён биринчи марта тўйиб йиғлаб олиши учун ягона қулай жой бўлиб чиқди. Агар соат еттида бека эшик қоқиб, ҳозир ошхонага бормаса, оч қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмаганида эртагача, поезд Римга жўнагунга қадар йиғлаган бўларди.

Ходим уни ошхонага олиб борди. Денгиз томондан тоза шамол эсди, лекин бир нечта сузувчи ҳалиям пляжда бўзариб бораётган куёш остида ўтирар эдилар. Сеньора Пруденсия Линеро хизматчининг ортидан яқшанба уйқусидан уйғонган одамлар тошиб чиқа бошлаган тор кўчалар бўйлаб юриб борарди. Кўп ўтмай оқ-кизил катак дастурхонлар ёзилган столлар қўйилган серсоя бостирма ёнига етиб борди. Столлар устида гулдончалар ўрнида мураббодан бўшаган банкаларда қоғоз гуллар турарди. Ҳали жуда вақтли бўлгани учун фақат хизматчилар овқатланаётган эди. Бир чеккада камбағал руҳоний нон ва пиёз тановул қилаётганди. Ошхонага кирар экан, ҳаммининг диққати унинг қора либосига қаратилганини сизди, лекин парво ҳам қилмади, чунки кулгили бўлиш, кафоратнинг ажралмас белгиси эканини биларди. Официантка бўлса, аксинча, унда ачиниш ҳиссини уйғотди. Чунки бу сариқ соч қиз гўзал бўлиб,

сўзлаганида худди қўшиқ айтаётганга ўхшарди. Модомики, шундай қиз ошхонада ишлашга мажбурми, демак, урушдан кейин бу Италиянинг аҳволи хийла огир экан, деб ўйлади у. Лекин гуллар билан безатилган бу шийпончада ўтиришдан унинг бахридили очилди, ошхонадан келаётган овқат ва дафна япроғининг ҳиди кундалик ташвишлар туфайли мудроқ бўлган иштахасини кўзгади. Қачонлардан бери биринчи марта унинг йиғлагиси келмади.

Аммо қисман, гарчи сариқ соч официантка ёқимтой ва сабрли бўлса-да, у билан тиллаша олмагани, қисман таомномада бирдан-бир гўштли таом сайроқи куш гўшти бўлгани учун маза қилиб овқатлана олмади. Риоачада сайроқи қушларни уй шароитида қафасда сақлашарди. Бурчакда овқатланаётган руҳоний охир-оқибат таржимонликка бел боғлади ва аёлга Европада урушдан кейинги мушкулотлар ҳали барҳам топмаганини, шунинг учун ҳам ҳеч бўлмаганда ўрмон қушлари гўштини тановул қилиш мумкинлигига шукр қилиш лозимлигини тушунтиришга уриниб кўрди. Лекин у қуш гўшти ейишдан бош тортди.

– Бу қушларнинг гўштини ейиш боламнинг гўштини ейиш билан бир, – деди у.

Шу боисдан макарон шўрва, тахир чўчка ёғида димланган қовоқ ва тошдай қаттиқ нон бўлаги билан қаноатланишига тўғри келди. У овқатланаркан, руҳоний ёнига келиб ўтирди ва худо йўлига қаҳва билан сийлашини ўтинди. У югославиялик бўлиб, Боливияда миссионерлик билан кун кечирар, испанчани жуда ёмон ва ҳаяжонланиб сўзлар эди. Сеньора Пруденсия Линерога у кибрдан тамомила холи, ўртамиёна одам бўлиб кўринди. У руҳонийнинг касбига мос келмайдиган кир қўлларига, кемирилган тирноқларига эътибор берди. Руҳонийдан пиёз ҳиди шунчалик анқиб турардики, сеньора Пруденсия Линеро бу унинг феъл-атворига хос хусусият бўлса керак, деган фикрга борди. Лекин, нима бўлишидан қатъи назар, у худо йўлида хизмат қиладиган киши эди. Бунинг устига у уйдан шунчалик узоқларда гаплаша олиши мумкин бўлган кишини учратганди.

Атрофдаги столлар тўлган сари от бозоридагига ўхшаб кучайган шовкинга парво қилмай, улар шовилмай гаплашиб ўтиришарди. Сеньора Пруденсия Линеро Италия тўғрисида

узил-кесил хулоса чиқарди, бу мамлакат унга ёкмади. Бу ерлик эркаклар бироз шилқим эканининг ўзи етарли бўлгани эмас, бу ердагилар қуш гўшти ейишгани ҳам эмас (буни-си энди ҳаддан ташқари), балки сувга ғарқ бўлганларни ўз ҳолига ташлаб қўйишдек ярамас одатлари шу фикрга келишига сабаб бўлди.

Унинг ҳисобига қахвадан ташқари, яна бир қадах вино келтиришларини буюрган руҳоний бу фикр юзаки эканини исботлашга уриниб кўрди. Гап шундаки, уруш вақтида Неаполь кўрфазида сув юзасига қалқиб чиққан кўпдан-кўп мурдаларни ушлаб олиш, кимлигини аниқлаш ва табарруқ қилинган тупроқда дафн этиш хизмати жуда яхши йўлга кўйилганди.

– Кўп асрлар аввал, – деб хулоса қилди у, – италияликлар ҳаёт бир марта берилишини тушуниб олдилар ва имкон бори-ча яхши яшашга ҳаракат қиладилар. Бу уларни тадбиркор ва ўзгарувчан қилди, лекин феъл-атворини бағритошликдан буткул покизалади.

– Лекин пароход, ҳатто тўхтагани ҳам йўқ, – деди аёл.

– Улар радио орқали бандаргоҳ хўжайинларига хабар берадилар, – деди руҳоний. – Эндиликда бўлса, мурдани олиб, Парвардигор ҳаққига дафн қилган бўлишлари керак.

Бу гаплардан икковининг ҳам кайфияти бузилди. Овқатини еб тугатгачгина сеньора Пруденсия Линеро барча столлар эгалланганини кўрди. Шундоққина биқинларидаги столда ярим яланғоч туристлар овқатланыпти, овқат ейиш ўрнига ўпишаётган йигит-қизлар ҳам бор. Тўрдаги бар яқинида шу ерлик кишилар нарда ўйнаб, оқиш вино ичаётир. Сеньора Пруденсия Линеро бу ёқимсиз мамлакатда туриши учун биргина сабаб борлигини тушунди.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, Папани кўриш қийин эмасми? – деб сўради у.

Руҳоний ёз вақтида бу ниҳоятда осон эканини айтди. Папа таътилини Кастельгандольфода ўтказди ва чоршанба кунлари тушдан кейин бутун дунёдан келган зиёратчиларни расмий равишда қабул қилади. Кириш ҳақи жуда арзон, бор-йўғи йигирма лира.

– Тавба учун қанча олади? – сўради аёл.

– Авлиё Ота ҳеч кимнинг тавбасини қабул қилмайди, – жавоб берди руҳоний, бирмунча ҳайратланиб. – Бундан, табиийки, қироллар мустасно.

– Шунчалик узоқдан келган бечора аёлдан бундай марҳаматни дариф тутишига тушунолмаيمان, – деди аёл.

– Баъзи қироллар, ҳақиқий қироллар, навбат кутиб ўлиб кетишди, – деди руҳоний. – Айтинг, Авлиё Отага тавба қиламан деб шунча йўлни яккаю ёлғиз босиб келганингизга қараганда, катта гуноҳингиз борга ўхшайди.

Сеньора Пруденсия Линеро бир зум ўйланиб қолди ва руҳоний унинг юзига табассум қалққанини илк бор кўрди.

– Ave Maria Purissima! – деди у. – Мен уни кўрсам бўлди. – Сўнгра юрагининг тўридан чиққандай, чуқур хўрсинди: – Мен буни бутун умр орзу қилганман!

Аслида аёл хануз кўрқув ичида эди, ҳасрат юрагини кемирар ва фақат бир нарсани – бу ердан, фақат бу ердангина эмас, умуман, Италиядан ҳозироқ кетишни хоҳлар эди. Руҳоний бўлса, афтидан, бу орзуманд аёлдан бошқа фойда йўқ деб ўйлагани учун бўлса керак, унга муваффақият тилади ва Исо йўлига қаҳва билан сийлашларини ўтингани бошқа хўрандалар ёнига кетди.

Сеньора Пруденсия Линеро ошхонадан чиқиб, шаҳар ўзгарганини кўрди. Кечки соат тўққизда кўчалар нурга кўмилганидан хайрон бўлди, соф ҳаводан нафас олиб, тетиклашиш учун кўчага чиққан халойиқнинг ғала-ғовури уни чўчитди. Саноксиз қутурган «веспа»лар чиқараётган тутундан нафас олиш имкони йўқ. Рулда кўйлаксиз эркаклар, орқада уларни белидан кучиб олган чиройли қизлар, мотоцикллар чангакларга осилган сон гўшти расталари орасидан отилиб чиқар ва тарвуз тўла столлар орасида ғизиллаб айланишарди.

Байрам нафаси уфурар, лекин сеньора Пруденсия Линерога бало-қазо ёпирилгандай туюларди. У адашиб кетди. Бирдан қандайдир пастқам кўчага бориб қолди, ҳаммаси бир-бирига айнан ўхшаш уйлар эшиги олдида маъюс жувонлар ўтиришар, қизил чироклар ёниб-ўчарди. Сеньора Пруденсия Линеро даҳшатдан қалтиради. Бармоғига каттакон олтин узук, галстугига олмос тўғноғич қадаб олган, башанг кийинган бир эркак анчагача орқасидан юриб, итальянча, сўнгра инглизча,

французча гапириб, нималаргадир кўндирмоқчи бўлди. Жавоб бўлмагач, чўнтагидаги пакетдан бир сурат чиқариб кўрсатди ва аёлнинг жаҳаннамга тушганини англаши учун суратга кўзи тушишининг ўзи кифоя қилди.

У даҳшатга тушиб, бу ердан қочди, кўча охиригача чошиб, яна денгиз бўйига чиқиб қолди. Кечки паллада денгиздан баайни Риоача бандаргоҳиникига ўхшаш чириган моллюска хиди анқир эди. Шундан кейингина унинг юраги жойига тушди. У соҳил бўйлаб тизилган ранг-баранг меҳмонхоналарни, дафн араваси – таксиларни, тубсиз осмонда олмосдай порлаётган катта юлдузни таниди. Сеньора Пруденсия Линеро сузиб келган пароход палубаси ёритилган ҳолда кўрфаз тўрида, тўсик ёнида лангар ташлаб турарди. У энди пароходга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тушунди. Аёл чапга бурилди, лекин узок кета олмади, кўчани қизиқувчан оломон тўлдирган бўлиб, карабинерлар дастаси уни зўр-базўр ушлаб турарди. Меҳмонхонаси ёнида эса, эшиги очик «Тез ёрдам» машиналари турна қатор бўлиб кутиб турарди.

Сеньора Пруденсия Линеро кимнингдир елкаси оша қараб, яна англиз туристларини кўрди. Уларни бирин-кетин замбилда олиб чиқа бошлашди. Ҳаммаси ҳаракатсиз, виқор билан ётишарди, кечки овқатга бориш учун оҳорлик либосини: ёнлама чизикли галстук осган, фланель шим, кўкрак чўнтагининг устига Тринити коллежининг герби қадалган қора камзул кийган бир англизнинг ўзини қайта-қайта олиб чиқишаётгандек туюларди. Қўшни уйларнинг айвонларидан қараётган қўшнилари, кўчани тўсиб қўйган синчков йўловчилар баайни рингда бўлаётгандек, олиб чиқилаётган англизларни жўровоз бўлиб бирма-бир санайверди. Роппароса ўн еттита. Уларни машиналарга жуфт-жуфт чиқариб, худди ҳарбийларникига ўхшаш қаттиқ сирена чалган ҳолда олиб кетишди.

Кўрганларидан эсанкираган сеньора Пруденсия Линеро ўзга меҳмонхоналарда яшайдиган ва у тушунмайдиган тилда сўзлашаётган меҳмонларга лиқ тўла лифтда юкорига кўтарилди. Одамлар ҳар қаватда тушиб қолишарди. Фақат учинчи қаватда ҳеч ким тушмади. Бу қаватнинг эшиги ланг очик, барча чироқлар ёқиб қўйилган, аммо навбатчи ўрнида ва кутиш зали-

даги оромкурсиларда ҳеч ким йўқ эди. У яқиндагина бу оромкурсиларда мудраб ўтирган ўн еттита инглизнинг пушти тиззаларини кўрганди. Бешинчи қават бекаси бўлиб ўтган ҳодисани қаттиқ ҳаяжон аралаш сўзлаб берди.

– Ҳаммаси ўлди, – деди у сеньора Пруденсия Линерога испанчалаб. – Кечки овқат пайти устрица шўрвасидан захарланишибди. Тасаввур қилинг-а, август ойида устрица!

Бека унга хона калитини тутқазди ва энди унга қарамай бошқа мижозларга неаполитан шевасида сўзлай кетди: «Бизда ошхона йўқ, шунинг учун ҳам бизда яшайдиганларнинг ҳеч бири ўлиб қолмайди!» Сеньора Пруденсия Линеро яна ўпкаси тўлиб, кўз ёш тўккан ҳолда эшикни тамбалади. Сўнгра стол ва оромкурсини итариб, эшикка тиради, устидан сандиғини кўйди. Шу йўсинда бунақа кўрқинчли ҳодисалар содир бўладиган бу мамлакат даҳшатлари ҳатлаб ўтолмайдиган тўсиқ куриб олди. Кейин кечки кўйлагини кийди, тўшакка чалқанча узанди ва захарланиб ўлган ўн еттита инглиз ҳақиға ўн еттита дуо ўқиди.



## ТРАМОНТАНА

Мен уни фақат бир марта, даҳшатли ўлимидан бир неча соат олдин Барселонанинг сермижоз «Бокаччио» кабаресида кўргандим. Кадакеш сайрига олиб кетиш учун уринаётган ёш шведлар тўдаси уни сиқувга олганди. Улар ўн бир нафар бўлиб, бир-бирига шунчалик ўхшар эдиларки, қай бири йигит-у, қай бири киз эканини ажратиш мушкул эди. Ҳаммаси келишган, хипчабел, олтинсоч. У бўлса, нари борса, йигирма ёшларда эди. Сочлари жингалак, териси буғдойранг, чунки қарибликларни оналари сояда юришга ўргатадилар ва силлик, арабларниқига ўхшаш кўзлари швед қизларини ақлдан оздирадиган даражада мафтункор. Шведлар йигитни, бамисоли сўзлайдиган кўғирчоқдай, пештахта устига ўтқазиб кўйиб, қарсақ уриб, урф бўлган қўшиқларни айтишар ва бирга кетишга кўндирмоқчи бўлаётган эдилар. У кўркувдан жовдираб, боролмаслигининг сабабини тушунтирарди. Кимдир аралашиб,

уни тинч қўйинглар, деб кичкирди ва бир швед йигит қаҳқаҳа отиб кулганча, ҳимоячига юзланди.

– У бизники, – деб бақирди у. – Биз уни ахлатхонадан топиб олганмиз.

Биз дўстларимиз билан концертдан, Давид Ойстрахнинг Палау де ла Мусика залидаги сўнги концертидан чиқиб, эндигина кабарегга киргандик. Бу шведларнинг бунчалик худобехабарликларидан этларим жунжикди. Чунки йигит муқаддас нарсани сабаб қилиб кўрсатган эди. У ўтган ёзгача Кадакешда яшаган, токи трамонтана урмагунга қадар машхур ковоқхонада шартнома асосида антиль ўлкаси қўшиқларини ижро этганди. Кейинги куниёқ у ердан қочиб кетишга муваффақ бўлган ва трамонтана эсадими-йўқми, бундан қатъи назар, у ерга қайтиб бормасликка қарор қилганди. Чунки бу ерга қачондир қайтса, уни ажал олишига ишончи комил эди. Ёзги жазирамадан ва Каталониянинг тахир шаробидан кизишган, калласида мардонанов ғоялар чарх ураётган шимоллик рационалистлар тўдаси қарибликларнинг бу эътиқодини тушунмасди.

Мен уни бошқалардан кўра яхшироқ тушуниб турардим. Кадакеш Коста-Брава соҳилида жойлашган энг гўзал шаҳарлардан, сақланиб қолган бошқа шаҳарларнинг ҳаммасидан яхшироғи. Бу шаҳарга тубсиз жарлар ёқасидан ўтадиган эгри-бугри, тор карниз йўл орқали борилади. Бу йўлдан машинани соатига эллик километрдан тезроқ ҳайдаш учун асаблар жуда мустаҳкам бўлиши керак. Бу ердаги уйлар Ўрта денгизнинг балиқчилар посёлкасига хос анъанавий услубда оппоқ ва пастак қилиб қурилган. Машхур мейморлар бу ердаги уйғунликка риоя қилган ҳолда янги уйлар қураётгандилар. Ёзда, кўчанинг бевосита қарши томонидан Африка сахроларининг жазирамаси уфураётгандек туюладиган паллада, Кадакешда қиёмат кўпарди: бутун Европадан келган туристлар муттасил уч ой давомида ерликлар ва имкони бўлган вақтда омади келиб, бу ердан арзон-гаровга уй сотиб олган ўзгаларнинг жаннатидан жой олиш учун жикқамушт бўлишарди. Лекин баҳорда ва кузада, Кадакеш, айниқса, чирой очадиган мавсумда барча қитъадан эсадиган шафқатсиз ва қаттиқ шамол – трамонтана ҳақида ўйлаб, даҳшатга тушарди. Чунки туб аҳоли ва аччиқ тажриба орттирган айрим ёзувчилар-

нинг фикрига караганда, трамонтана одамларни ақлдан оздирар экан.

Ўн беш йилча олдин мен оилам билан доимий равишда Кадакешга бориб турардим. Сафарларимиз трамонтанани бошдан ўтказгунимизга қадар давом этди. Бир якшанбада, пешин уйқуси вақтида трамонтана эмасидан олдиноқ мен уни сездим, борлигимни тушунтириб бўлмайдиган ғалати ҳиссиёт қамраб олди, нимадир юз бериши керакдек бўлаверди. Кайфиятим дарҳол тушиб кетди, юрак сиқила бошлади ва менга ўғилларимнинг катгаси ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаганди, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юраётган отасини душманларча кузатаётгандек туюлди. Кўп ўтмай эшик-деразаларни мустаҳкамлаш учун асбоб-ускуналарини ва кема арконини кўтариб келган дарвозабон менинг тушкун кайфиятда эканимдан заррача ҳайратланмади.

– Бу трамонтана нишонаси, – деди у менга. – Бир соат ўтмай шамол бу ерга етиб келади.

У ҳаётини аллақачонлардан бери денгизга бағишлаган кекса киши бўлиб, олдинги касбидан нам ўтказмайдиган куртка, шапка, тамаки чекиладиган трубка қолган, устига-устак бутун баданини денгиз шўри босган эди. У бўш вақтларида мағлубият билан тугаган турли урушларнинг ветеранлари билан майдончада қарта ўйнар, каталонча ёрдамида исталган бир тилда сўзлашишдек ажойиб қобилиятга эга бўлгани учун соҳилдаги қовоқхоналарда туристлар билан шаробхўрлик қилар эди. У бутун дунёнинг бандаргоҳларини билишини айтиб мақтанишни яхши кўрар, лекин қитъа ичидаги биронта шаҳарни билмас эди. «Хатто ўша француз Парижини ҳам кўрмаганман», – дерди. У денгизда сузмайдиган биронта наклиёт воситасига ишонмасди.

Сўнгги йилларда у бирданига қартайди ва кўчага чикмай қўйди. Кўп вақтини дарвозахонасида ўтказар, хамишагидек яккаю ёлғиз ўтирарди. Спирт оловида тунука қозончада ўзига овқат пиширарди. Лекин қозончадаги готча лаззатли таомлар бизни сийлашига ҳам етарди. Эрта тонгданоқ у хонадонма-хонадон кезиб, уй ишлари билан шуғулланарди. У мен кўрган кишилар орасида хизматга доим шай турадиган энг яхши дастёрлардан бири бўлиб, фавқулудда сахий ва каталончасига жиддий-меҳрибон киши эди. Камгап, лекин аниқ-равшан

сўзлар, ишларини битиргач, соатлаб футбол лотереяси карточкаларини тўлдирар, лекин уларни камдан-кам ҳолларда жўнатар эди.

Ўша куни, келаётган фалокатнинг олдини олиш учун дераза ва эшикларни мустаҳкамлар экан, у трамонтана ҳақида гўё усиз яшашининг маъноси бўлмаган манфур хотин тўғрисида сўзлаётгандек гапирганди. Денгизчи одамнинг қирғоқдан эсадиган шамолдан бунчалик чўчиши мени ҳайратга солди.

– Гап шундаки, бу энг қадимий шамолдир, – деди у.

У йилни ойлар ва кунларга эмас, балки трамонтана эсадиган вақтларга кўра ҳисоблайдиганга ўхшарди. «Ўтган йили, иккинчи трамонтанадан уч кун ўтгандан кейин мени қаттиқ санчиқ туганди», – деганди у бир куни менга. Ҳар бир трамонтанадан кейин киши бир неча йилга кексайишига ишониши ҳам, эҳтимол шу билан изоҳланса керак. У трамонтана ҳақида тўхтовсиз гапиравериб, бизни ҳам кизиқтириб қўйди. Трамонтана ажалдек хавфли, лекин марғуб меҳмонни кутгандек, кута бошладик.

Кўп кутишга тўғри келмади. Дарвозабон кетди дегунча ғувиллаган товуш эшитилди, товуш борган сари кучайди, ниҳоят еру кўк ларзага келгудай бўлиб гумбурлади. Ниҳоят, шамол эсди. Олдинига ўқтин-ўқтин, кейингиси олдингисидан кучлироқ, охири танаффуссиз, бениҳоя кутуриб, кучли шиддат билан эса бошлади. Бу шамолда қандайдир ғайритабиий куч бор эди. Хонамизнинг деразаси, Қариб мамлакатларидаги анъанага тесқари ўлароқ, денгиз эмас, тоғ томонга қараган эди. Бу, афтидан, денгизни яхши кўрадиган, лекин унга қарамайдиган каталонияликларнинг дидига мос бўлса керак. Шунинг учун ҳам шамол шундоққина манглайдан урар, дераза ойналарини синдиргудек бўларди.

Ҳаммасидан ҳайратланарлиси шу эдики, об-ҳаво такрорланмас даражада фусункорлигича қолаверди, очиқ осмонда офтоб заррин нур сочиб тураверди. Шунда денгизда нималар бўлаётганини кўриш мақсадида болалар билан кўчага чиқишга қарор қилдим. Нафсиламрини айтганда, улар Мексика зилзиласини ҳам, Қариб тўфонларини ҳам кўришга улгуришган, бинобарин, шамол қаттиқ эсса нима-ю, секин эсса нима бўпти, ташвишланмаса ҳам бўлаверади, деб ўйладик.

Уйлар панасида бироз юришга муваффақ бўлдик, бироқ муюлишга етиб, панадан чиқдик дегунча, шамол учириб кетмаслиги учун симёғочни кучоклашга мажбур бўлдик. Кутурган офат кўйнида симёғочга ёпишганча, тинч ва шаффоф денгизни томоша қилиб туравердик. Дарвозабон кўшнилари кўмагида бизни кутқарди. Шундагина тўрт девор орқасида бикиниб ўтириш ягона оқилона иш бўлишини тушуниб етдик. Бу бало-қазо қачон тўхташи биргина Парвардигорга маълум эди.

Иккинчи кун охирига бориб бу кўркинчли шамол табиий офат эмас, балки кимдир томонидан шахсан ва фақат бизнинг бошимизга атайлаб ёғдирилган бало-қазодек туюла бошлади. Дарвозабон кайфиятимиз тушиб кетганидан хавотирланиб, биздан кунига бир неча марта хабар олар, болаларга мавсум мевалари ва кулчалар олиб келарди. Сешанба кунини тушликда бизни Каталониянинг машҳур таоми – чиганок кўшиб қовурилган куён гўшти билан сийлади. Бу даҳшат ичра шоҳона зиёфат бўлди.

Шамолдан бошқа ҳеч нарса содир бўлмаган чоршанба умримда энг узун кун бўлди. Тонг отгандан кейин тўсатдан қоронғи тушганга ўхшаш қандайдир ғалати ҳодиса юз берди, ярим тунда атроф бирданига сув қуйгандек тинчиб қолгани учун барчамиз бараварига уйғониб кетдик. Бу машҳум сукунат фақат ажал сукунати бўлиши мумкин эди. Дераза олдидаги дарахтларнинг биронта барги шитирламасди. Биз кўчага чиқдик, дарвозабоннинг кулбасида чироқ ўчгани ва тонг олдидан бўзараётган, ҳали юлдузлар чарақлаб турган осмону фалакка ва ёришаётган денгизга суқланиб тикилдик. Гарчи ҳали соат беш бўлмаган бўлса-да, офат ўтиб кетганидан энгил тортган туристлар соҳил бўйидаги тошлар устида ҳузурланиб ўтиришарди, уч кунлик тўфондан кейин елканли кемалар биринчи марта денгизга чиқишга тайёргарлик кўришарди.

Уйдан чиққанимизда дарвозабоннинг кулбаси қоронғи экани бизга ғалати бўлиб туюлмаганди. Аммо қайтиб келганимизда, денгиз сингари теварак-атроф ҳам ёришган, лекин кулбада ҳануз чироқ ёнмаган эди. Ҳайрон бўлиб эшикни тақиллатдим, ҳеч ким жавоб бермагач, эшикни очдим. Афтидан, болалар уни

мендан кўра олдинроқ кўришди, шекилли, даҳшатдан бакириб юборишди. Таникли денгизчиларга бериладиган нишонларини тақиб олган кекса дарвозабон асосий тўсинга осилиб ётар, мурдаси трамонтананинг сўнгги эпкини остида ҳалиям чайкалиб турарди.

Ҳушимизга келиб улгурмасданок ва зерикканимиз учун биз бу ерга бошқа қайтиб келмасликка қаттиқ аҳд қилиб, вақтидан олдин жўнаб кетдик. Туристлар яна кўчаларга тошиб чиққан, майдонларда мусиқа садолари янграр, ветеранлар бу ерда сокка ўйини ўйнашга ҳозирлик кўришар эди. «Маритим» барининг чанг босган деразалари ортида ўтирган тирик қолган айрим дўстларимизга кўзимиз тушди. Трамонтанадан кейин ёришиб кетган борлиқда ҳаёт нафаси уфура бошлаганди. Трамонтана ўтиб кетган, унутилган эди.

Мана шунинг учун ҳам ўша қайғули тонг вақтида «Бок-качио»да йигитнинг вужудини қамраган даҳшатнинг боисини ҳеч ким менчалик тушуниб етмаётган эди. Қадакешга қайтса, ўлишига амин бўлгани учун йигит у ерга боришдан бўйин товлаётган эди. Шундай бўлишига қарамай, йигитнинг африкача уйдирмалари пуч эканига қатъий ишонаётган шведларни фикридан қайтариш мумкин бўлмади ва улар, охир-окибат йигитни мажбурлаб олиб кетишди. Шведлар икки томонга бўлинган кабаре мижозларининг қарсақлари ва қаҳқаҳалари остида йигитни мастларга тўла машинага деярли итариб-туртиб чиқаришди ва бемаҳалда узоқ Қадакешга томон йўлга чиқишди.

Эртасига саҳармардонда телефон кўнғироғидан уйғониб кетдим. Сайрдан қайтгач, пардаларни туширишни унутгандим, ётоқ ёз кўёшидан чароғон бўлган, лекин соат неча бўлганидан хабарим йўқ эди. Гўшакдан эшитилган ташвишли овозни дастлаб танимадим, лекин уйкум бутунлай қочиб кетди.

– Кеча Қадакешга олиб кетишган йигит эсингдами?

Гапнинг давомини эшитмасам ҳам бўлаверарди. Лекин ҳаммаси тасаввуримдагидан кўра фожиали тарзда рўй берган эди. Қадакешга қайтишдан қаттиқ кўркаётган йигит, муқаррар ўлимдан қутулишга уриниб, тентак шведлар нимагадир алаҳсиган пайтда ғизиллаб бораётган машинадан ўзини тўппа-тўғри жарга отган экан.

## СЕНЬОРА ФОРБЕСНИНГ БАХТЛИ ЁЗИ

Кундузи уйга қайтиб, эшик кесақисига қоқилган қора ва ялтироқ катта денгиз илонини кўрдик. Бу лўлиларнинг жодугарлигига ўхшарди, мих илоннинг бўйнидан қоқилган, кўзларидан ҳали тирик экани, катта очилган оғзидан аррасимон тишлари кўриниб турар эди. Мен тўққиз ёшда эдим ва жодудан шу даража кўрқиб кетдимки, уним чиқмай қолди. Мендан икки ёш кичик укам бўлса, кўлидаги кислород баллонни, никоб ва резина куракоёкни тушириб юбориб, даҳшатдан бақирганча нари қочди. Соҳилдан уйга қоялар орасидан кўтариладиган тош зинапояда турган сеньора Форбес унинг бақирғини эшитиб, ҳарсиллаганча югуриб келди. Унинг юзкўзи оппоқ оқариб кетганди. Эшикка қоқиб қўйилган махлукни кўриб, кўркувимизнинг сабабини тушунди. У доим бирининг қилғилиғи учун бирга юрган болаларнинг иккови ҳам айбдор дерди, шунинг учун ҳам укам кўркувдан бақириб юборгани ва ўзимизни тута олмаганимиз учун икковимизни ҳам койиди. Уни мураббияликка ёллаш тўғрисидаги шартномага мувофиқ инглизча гапириши лозим бўлса-да, немисча сўзлай кетди, афтидан, у ҳам кўрқиб кетган бўлса керак. Лекин ўзича буни тан олгиси келмади ва нафасини ростлаб олди дегунча, ўзининг педагогик бурчини эслаб қолди ва инглизчалаб бизни ёзғира кетди.

– Бу – *murgaena helena*, – деди у, – қадимги юнонлар уни муқаддас жонивор деб ҳисоблашгани учун шундай деб аташган.

Кутилмаганда ковул буталари орқасидан бизни сув остида сузишга ўргатаётган шу ерлик йигит Орест чиқиб келди. Бошидаги ғаввос никобини юқорига кўтариб қўйган, тор иштонча кийган, белидаги чарм камарига турли шакл ва катталикдаги пичоқлар осифлиқ, у сув остидаги овни қўл жанги деб ҳисобларди. Йигирма ёшлардаги Орест кўп вақтини куруқликда эмас, сув остида ўтказар, бадани бошдан-оёқ машина мойига беланган бўлиб, денгиз махлуқига ўхшарди. Сеньора Форбес уни биринчи марта кўрганида, ота-онамизга бундан гўзалроқ одамзод борлигини тасаввур ҳам қилиб

бўлмайдиган деганди. Лекин чиройи Орестни сўкиш эшитишдан кутқариб қололмади, мураббия болаларни шунчаки кўрkitиш учун эшикка муренани қоқиб қўйгани сабабли унга италянча-лаб танбех берди. Сеньора Форбес афсонавий махлукка хурмат бажо келтирган ҳолда уни олиб ташлашни буюрди, бизни эса, овқатланишдан олдин кийим алмаштиргани жўнатди.

Биз шу заҳоти киприк қоқмай бўйсундик, биронта хатога йўл қўймасликка тиришдик, чунки ҳаётда сеньора Форбес томонидан жорий қилинган кун тартибига риоя қилишдан мушкулроқ вазифа йўқлигини ўтган икки ҳафта ичида билиб олгандик. Ним қоронғи ҳаммомда душ остида чўмилар эканман, укам ҳали-ҳануз мурена ҳақида ўйлаётганини сездим. «Унинг кўзи одамникига ўхшар экан», – деди у менга. Гарчи унинг фикрини жўяли деб топган бўлсам-да, тескарисига ишонтиришга урина бошладим, чўмилар экан, мавзунини бошқа ёққа буришга муваффақ бўлдим. Бироқ ҳаммомдан чиққанимиздан кейин укам бирга боришимни илтимос қилди.

– Куппа-кундуз-ку, – дедим мен.

Шундай дерканман, пардани кўтардим. Август ойи эди, дераза ортида орол қирғоғига қадар жазирама текислик ястаниб ётар, осмонда қуёш порлаб турар эди.

– Бунинг учун эмас, – деди укам. – Қўрқаман, деб қўрқяпман.

Лекин ошхонага кирганимизда у, афтидан, тинчиди шекилли, ҳамма ишни саранжом-сарийшта ва аниқ-пухта бажарди. Бунинг учун сеньора Форбесдан алоҳида мақтов эшитди ва ҳафта мобайнидаги яхши хулқ-атвори учун қўшимча икки очко олди. Менинг бўлса, аксинча, олдин топган беш очкомдан иккитасини олиб ташлашди, чунки охириги лаҳзада мен ошхонага кечикиб, бироз ҳарсиллаб кириб боргандим. Агар эллик очко тўпласак, овқатдан кейинги ширинликни икки ҳисса қилиб беришлари керак эди, лекин икковимиз ҳам ўн беш очкодан кўп тўплай олмасдик. Афсус, ҳақиқатан ҳам афсус, чунки биз сеньора Форбес пиширган бундай ажойиб пудингларни ҳеч қачон емадик.

Овқатга қўл уришдан олдин, биз тик турган ҳолда бўш ликопларга тикилганча, дуо ўқидик. Сеньора Форбес католик эмасди, лекин шартномага мувофиқ, бизни кунига олти марта

ибодат килдириши даркор эди. Шартномани лозим даражада бажариш учун у биз ўқийдиган дуоларни ёдлаб олди. Дуодан сўнг учовимиз ҳам ўтирдик, укам икковимиз мураббиямиз қадди-коматимизни тўғри тутиб ўтирибмизми-йўқмилигини ипидан-игнасиғача текшириб, мукаммал ўтирганимизга ишонч ҳосил қилиб, кўнғироқ чалмагунча нафасимизни ичимизга ютиб кутдик. Шундагина ошпаз аёл Фульвия Фламиния вермишель шўрва кўтариб кирди. Ўша лаънати ёзда ҳар куни бунақа шўрва ичавериб, безиб кетгандик.

Ёз бошида, ота-онамиз билан яшаган вақтимизда тушлик биз учун байрамга айланиб кетарди. Фульвия Фламиния стол атрофида гирдикапалак бўлиб, ҳаммаёқни бетартиб ҳолга келтирар, бундан ҳаёт кизиқроқ туюлар эди. Тушлик охирига етганда у ёнимизга ўтириб олар ва барчанинг товоғидан озроқ овқат олиб ерди. Аммо тақдиримизни сеньора Форбес ўз қўлига олгач, Фульвия Фламиния ковоғидан қор ёққанча, чурқ этмай хизмат қиладиган бўлиб қолган ва энди сукунатда қозондаги шўрванинг қандай қайнаётганини ҳам эшитишимиз мумкин эди. Биз қаддимизни курсининг суянчиғига тегадиган даражада ростлаб ўтирар, луқмани олдин оғзимизнинг ўнг томонида ўн марта чайнар, сўнгра чап томонида яна ўн марта чайнар, бизга тинмай яхши феъл-атвор дарси берадиган, темир феълли сўлиётган ожиза аёлдан кўз олмасдик. Бу ўтиришимиз якшанба куни черковда ўтказиладиган ибодатнинг нақ ўзи эди, яхшиямки бир нарса черков хори йўқлигига шукр қилардик.

Кесакига мурена қоқилганини кўрган кунимиз сеньора Форбес бизга ватан олдидаги бурч масаласида ваъз ўқий бошлади. Фульвия Фламиния стол атрофида инглизча нутққа тўйинган ҳавода бамисоли учиб юрганга ўхшарди. У шўрвадан кейин кўмир чўғида пиширилган оқ балиқ гўштани олиб кирди. Гўшtdан иштаҳани қитиқлайдиган хид кўтариларди. Ҳар қандай таомдан ҳамиша балиқни афзал кўрганим учун Гуакамайаладаги уйимизни эсладим ва енгил тортдим. Лекин укам, гарчи тотиб кўрмаган бўлса-да, овқатдан бош тортди.

– Менга ёкмади, – деди у.

Сеньора Форбес яхши атвор дарсини тўхтатди.

– Татиб ҳам кўрмаган бўлсанг, мазасини қандай билишинг мумкин? – деди у.

Шундай деркан, ошпазга огоҳлантирувчи назар ташлади, лекин кеч қолганди.

– Муренанинг гўшти ниҳоятда лаззатли бўлади, figlio mio, – деди Фульвия Фламиния. – Сен бир татиб кўр, шунда биласан.

Сеньора Форбес заррача парво қилмади ва қатъий оҳангда мурена гўшти қадим замонларда фақат подшоҳлар тановул қиладиган таом ҳисоблангани, мурена териси мисли кўрилмаган даражада жасорат бахш этгани учун аскарлар орасида талаш бўлгани ҳақида сўзлай кетди ва яхши сулуқат туғма бўлмаслиги, ёш ўтиши билан эгалланмаслиги, балки болаликдан сингдирилиши кераклигини таъкидлади. Бу сўзларни у бизга шу қисқа вақт ичида нечанчи бор такрорлаётган эди. Шунинг учун бу таомдан бош тортиш учун узрли сабаб йўқ. Бу таом мурена гўшtidан пиширилганини билмай туриб ундан татишга улгурган эдим, шунинг учун ҳам менда бир умрга зиддиятли туйғу сақланиб қолди, мурена гўшти кўринишдан бироз ёқимсиз бўлса-да, таъми лаззатли эди. Лекин гўштга қарадим дегунча, эшикка қоқилган илон кўз олдимга келар ва иштаҳам бўғилар эди. Укам ўзини зўрлаб бўлса-да, гўшtdан бир тишлам еди, лекин кўтара олмади, қусиб юборди.

– Ҳаммомга бор, – деди сеньора Форбес сўз оҳангини ўзгартирмай. – Яхшилаб ювингин-у, қайтиб кел.

Укамга жуда раҳмим келди, чунки ғира-шира қоронғилик оралаган бир пайтда бутун уйдан ўтиб, ҳаммомга бориш, кейин ювиниб олиш учун у ерда анча қолиб кетиш нақадар машаққатли бўлишини билардим. Бироқ у тезда қайтиб келди, эгнида тоза кўйлак, ранги ўчган, қўрқувдан хануз қалтираётган бўлса-да, мушкул тозалик имтиҳонидан аъло даражада ўтди. Сеньора Форбес унинг товоғига яна мурена гўшти солди ва тановул қилишни буюрди. Мен минг машаққат билан яна бир луқмани ютдим. Укам бўлса, ҳатто, санчки ва пичокни қўлига олганиям йўқ.

– Емайман, – деди у.

У бу сўзни шунчалик қатъият билан айтдики, сеньора Форбес ён беришга мажбур бўлди.

– Майли, – деди у, – лекин сенга ширинлик ҳам берилмайди.

Укам енгил нафас олди, мен ҳам юракландим. Санчки ва пичокни товоқ устига хоч шаклида қўйдим. Сеньора Форбес овқат еб бўлгандан кейин шундай қилиш кераклигини ўргатган эди.

– Менга ҳам ширинлик керакмас, – дедим.

– Телевизор ҳам кўрмайсизлар, деб қўшимча қилди у.

– Телевизор ҳам керакмас, – дедим мен.

Сеньора Форбес қўл сочикни дастурхон устига қўйди ва учовимиз ҳам ибодат қилиш учун ўрнимиздан турдик. Шундан кейин у ўзи овқат еб бўлгунга қадар ухлашимиз учун бизга ётоққа боришни буюрди. Ишлаб топган барча очколари- миз олиб ташланди, фақат йигирма очко тўпласаккина, унинг ёғупали пирожнийси, ванилли печеньеи ва ғаройиб олчалли бисквитини ейишимиз мумкин эди. Бунақа ширинликлар қолган умримизда етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган бўларди.

Эртами-кечми, шундай бўлиши керак эди. Сицилиядан жанубда жойлашган Пантелария оролида ёзни эмин-эркин ўтказишни бутун йил бўйи орзиқиб кутгандик. Ниҳоят орзумизга эришдик ва ота-онамиз билан бир ой бирга бўлдик. Вулқонлар натижасида вужудга келган қояларни, куёш нурлари остида ястаниб ётган водийни, умрбоқий денгизни, сўндирилмаган оҳаққа бўялган оппоқ уйни, шамол эсмаган кечалари денгиз юзасида нурлари акс этган Африка соҳилидаги маёқларнинг деразадан кўриниб туришини ҳозиргача мен бир ғаройиб тушдек эслайман. Отам билан орол теварагидаги осойишта денгиз тубини тадқиқ қилиб, охирги урушдан қолган сарғайган торпедаларга дуч келдик, биз баландлиги бир метр келадиган, тошга айланган чиғаноқлар маржони билан ўралган юнон хумини қазиб олдик, хум тубида ўша замонлардан қолган захарли шароб халиям бор эди, шўр қўлмақда чўмилардик, бу ерда сувнинг қалинлик даражаси шунчалик юқори эдики, киши чўкмасди. Лекин Фульвия Фламиния биз учун чинакам кашфиёт бўлди. У толеи қулган епископга ўхшарди, уйқусираган мушуклар тўдаси атрофида айланиб, оёқлари остида ўралашарди. Фульвия бўлса, мушукларни яхши кўргани учун эмас, балки улар уни каламушлардан асрагани учун ҳайдаб солмаслигини айттарди. Оқшомлари, ота-онамиз телевизордан катталарга мўлжалланган кўрсатувларни томоша қилишаётганида Фуль-

вия Фламиния бизни уйимиздан юз кадамча нарида жойлашган уйига олиб кетар, ёт тилдаги ғулдурашлар, қўшиқлар ва Тунис томондан эсадиган ғувиллаган шамоллар маъносини чақишни ўргатар эди. Ёши ундан анча кичик бўлган эри ёзда оролнинг нариги томонидаги меҳмонхоналарда ишлар ва уйга фақат тунагани келарди. Орест бўлса, ота-онаси билан шундоққина яқинда яшар ва оқшом палласи янги ушланган ва чизимчага тизилган балиқларни, қисқичбақа тўла саватни кўтариб келар ва уларни Фульвия Фламиниянинг эри эртасига меҳмонхонада сотиши учун ошхонада қолдирар эди. Ўзи бўлса, ғаввос фонарини яна пешонасига қўндиради ва бизни овқат чиқиндилари орасида изғийдиган, катталиги куёндай келадиган улкан тоғ каламушларини овлашга олиб чиқарди. Кўпинча уйга қайтган вақтларимизда ота-онамиз ухлаб қолган бўларди. Ҳовлида уришаётган каламушларнинг шовқинидан анчагача кўзимиз илинмасди. Лекин мана шу шовқин-суронли каламуш уриштиришлар бахтли ёзимизнинг ажралмас сеҳрли таркибий қисми эди.

Немис мураббиясини ёллаш фикри истеъдодидан кўра шуҳратпарастлиги кучли бўлган отамнинггина калласига келиши мумкин эди. У қариблик ёзувчи эди. Бир вақтлар Европада қозонган шуҳрати кўзини кўр қилган отам китобларида ҳам, ҳаётда ҳам насл-насаби учун кечирим сўрашдан тўхтамайдиганга ўхшар, болаларининг хотирасида ўз ўтмишидан, ҳатто заррача асар ҳам қолдирмаслик тўғрисидаги фикрга ёпишиб олган эди. Бир вақтлар Гуахира водийсининг у кишлоғидан-бу кишлоғига кўчиб, болаларни ўқитган онам бўлса, камтар муаллималигича қолган ва эри бўлмағур фикрга мубтало бўлиши мумкинлиги ҳаёлига ҳам келмасди. Шунинг учун ҳам ота-онамиз қирқта таниқли ёзувчи билан беш ҳафта мобайнида Эгей денгизи ороллари бўйлаб маданий саёҳатга кетган вақтларида, Европа ҳаётига хос даққионуздан қолган феъл-атворни бизга зўрлик билан сингдиришга уринадиган, этик кийган бу дортмундлик сержант билан бирга ўтказадиган ҳаётимиз қандай бўлишини ўйлаб ҳам ўтирмадилар.

Сеньора Форбес июль ойининг охириги шанбасида Палермодан кичкина пароходда етиб келди. Байрам кунлари барҳам топганини билиб олишимиз учун унга бир назар ташлашимиз-

нинг ўзи етарли бўлди. У ҳарбийча этик кийган, ёз жазирасига қарамай, қўш барли костюмининг тугмаларини сиқиб қадаб олган бўлиб, фетр шляпасининг остидан эркакча калта қирқтирган сочлари чиқиб турарди. Ундан маймун пешобининг ҳиди анқирди. «Европаликларнинг ҳаммасидан, айниқса, ёзда шунақа ҳид келади, – деди бизга отам. – Бу маданият ҳиди». Лекин, ҳарбийча қадди-қоматига қарамай, сеньора Форбес хийла ориқ экан ва, балки, биров каттароқ бўлганимизда ёки унинг ўзи лоақал салгина мулойим бўлганида, бизда унга нисбатан ачиниш туйғуси уйғонган бўларди. Дунё ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Ёз бошидан бери денгизда тўхтовсиз олти соат ақл бовар қилмайдиган ўйинлар ўйнагувчи эдик, бунга барҳам берилди, бу ҳар куни айни ўйин ўйналадиган, зерикарли бир соатга туширилди. Ота-онамиз борлигида биз Орест билан қанча хоҳласак, шунча чўмилишимиз мумкин эди. Орест биттагина пичоғини олиб, қўрмай саккизоёқлар билан жангга киришарди ва унинг жасоратига қойил қолар эдик. Орест эндиликда ҳам соат ўн бирда моторли қайиғида сузиб келар, лекин сеньора Форбес унинг сув остида сузиш дарсига ажратилган бир соатдан бир дақиқа ҳам кўпроқ қолишига йўл қўймас эди. У оқсоч билан апоқ-чапоқ бўлишимизни ортикча деб топгани учун, оқшомлари Фульвия Фламиниянинг уйига боришимизни тақиқлаб қўйди ва биз энди қизиқарли каламуш ови ўрнига вақтни Шекспир асарларини таҳлилий ўқишга сарфлашга мажбур бўлдик. Гуакамайялада бегоналарнинг боғига тушиб манго ўғирлашга, жазирама кўчаларда итларни тошбўрон қилишга одатланган бизлар учун энди шахзодаларга ўхшаб яшаш даҳшатдан бошқа нарса эмасди.

Кўп ўтмай, сеньора Форбес ўзига бунчалик талабчан эмаслигини тушундик ва унинг обрўсига дарз кетди. Аввалига, Орест бизни сув остида сузишга ўргатаётган вақтда, ҳарбийча кийинган сеньора Форбес пляжда гулдор шамсия остида ўтириб, Шиллернинг достонларини ўқирди, кейин тушлик вақтигача бизга жамоат ўртасида ўзини яхши тутиш тўғрисида соатлаб назарий сабоқлар берарди.

Бир куни у Орестдан моторли қайиқда меҳмонхоналар атрофида туристлар учун очилган баққоллик расталарига олиб боришини илтимос қилди ва тюлень терисига ўхшаб товлана-

диган қора чўмилиш костюмида қайтиб келди, лекин, барибир, сувга тушмади. Биз чўмилар эканмиз, у кумлоқда ўтирганча терларини сочиқ билан артаверди, душга ҳам бормади, натижада уч кундан кейин қайнатилган қисқичбақанинг ўзи бўлди-қолди, унинг маданиятининг ҳиди бўлса, мутлақо чидаб бўлмайдиган ҳолга келди.

У тунда ўзига эрк берарди. Сеньора Форбес ҳукмронлик тахтига ўтирганидан бошлабоқ биз кимдир қоронғида турганиб дайдишини сездик. Укам улар ғарқ бўлган кишиларнинг арвоҳи бўлса керак, деб ўйлаб кўрқувга тушди. Фувлия Фламиния булар ҳақида бизга кўп гаплар айтиб берган эди. Тез орада кечалари дайдиётган сеньора Форбес эканини билиб олдик. У кундуз кунлари ёлғиз аёлнинг кечки ҳаётини қораларди, лекин ўзи кечалари шундай яшашга ўтган эди. Бир куни тонг палласи уни ошхонада мактаб ўқувчилари киядиган кечки кўйлақда кўриб қолдик. У бошдан-оёқ унга беланган ҳолда ажойиб ширинлик пиширар, ора-сира стакандаги винони хўплаб қўяр, афтидан, кундузги сеньора Форбесга ўхшамай қолгани учун ғабдан ўзини қўярга жой тополмаётган эди. Бизни уйкуга ётқизгандан кейин у хобхонасига эмас, чўмилиш учун яширинча денгизга кетишини ёки бемаҳалгача меҳмонхонада ўтириб олиб, телевизорнинг овозини ўчирган ҳолда болаларнинг кўриши тақиқланган фильмларни томоша қилишини, устига-устак бутун бошли тортни паққос туширишини, ҳатто, отам тантанали ҳоллар учун тишининг ковагида сақлайдиган ноёб шаробларни нўш қилишини биз аллақачон билиб олгандик. Нафсни тийиш ва тана истакларини ўлдириш тўғрисида ўзи тарғиб қиладиган қатъий қоидаларга ҳилоф равишда у олти ой оч қолган одамдек, нималарнидир тинимсиз очофатларча ерди. Кейин биз унинг хонасида ўзи билан ўзи гаплашганини, немисча сайроқи товушда «Орлеан кизи»дан парчаларни ёддан ўқиганини, қўшиқлар айтишини ва тўшакда ётиб сахаргача хўнграб йиғлашларини эшитардик. Шундан сўнгра у нонуштага йиғлайвериш кўзлари шишган, қовоғидан қор ёққан ва янада кўрслашган ҳолда чиқиб келарди. Ўша вақтлари укам икковимиз ўзимизни ниҳоятда бахтсиз ҳис қилардик, лекин мен белгиланган муддатгача тишимни тишимга қўйиб чидашга тайёр эдим, чунки уни енгиб бўлмаслигини билардим. Укам

бўлса, бутун борлиғи билан қаршилиқ кўрсатарди. Натижада бахтли ёз биз учун жаҳаннамга айланди. Мурена ҳодисаси сабр косамизни тўлдириб юборди. Ўша кечаси кўним тополмай уйқудаги уй бўйлаб тентираб юрган сеньора Форбеснинг қадам товушларини тўшагида ётганча эшитаётган укам ичига тўлиб кетган заҳарни кўкқисидан тўкиб солди.

– Мен уни ўлдираман, – деди у.

Мен унинг қатъиятидан эмас, фикрларимиз бир жойдан чиққани учун ҳайратга тушдим, чунки тушдан бери мен ҳам шу ҳақда ўйлаётган эдим. Шундай бўлса-да, укамни фикридан қайтаришга уриниб кўрдим.

– Ундай қилсанг, каллангни чопишади, – дедим мен.

– Сицилияда гильотина йўқ, – деди у. – Қолаверса, бу ишни ким қилганини қаердан ҳам билишарди?

Денгиз тубидан топиб чиққан хумимиз эсимга тушди. Унинг тубида одамни тил тортмай ўлдирадиган озроқ заҳарли шароб бор эди. Отам заҳар таркибини аниқлаш учун шаробни текширтиргани асраб қўйганди. Ахир, денгиз тубида узоқ ётгани билан шароб ўзидан-ўзи заҳарга айланиши мумкин эмаску. Сеньора Форбесга шу винодан қўшиб берилса, ҳеч ким уни биров атайлаб ўлдирган деб ўйламас, у ўз жонига суикасд қилган ёки бахтсиз ҳодиса юз берган деб топган бўлишарди. Хуллас, тонга яқин тунни суронли ва уйқусиз ўтказган сеньора Форбес ниҳоят тинчиганини англагач, отам тишининг ковагида асрайдиган ўша ноёб шароб шишасига хумдаги заҳар қолдиғини солиб қўйдик. Биз, бу заҳарнинг бир томчиси ҳам отни ўлдириши мумкин, деб эшитгандик.

Соат роппа-роса тўққизда ошхонада нонушта қилдик, сеньора Форбеснинг ўзи бизга зоғора тарқатди. Уларни тонгда Фувлия Фламиния пиширган ва газўчокда қолдирган эди. Икки кундан кейин, нонушта пайтида укам кўзи билан жавонда турган заҳарли шишани кўрсатди, унга қўл уришмаганди. Бу жума куни эди, шанба ва якшанба кунлари ҳам шишага ҳеч ким қўл тегизмади. Бироқ сешанба куни тунда сеньора Форбес телевизордан беҳаё фильмлар томоша қилаётиб, ярим шишани бўшатди.

Аммо чоршанба куни у ҳар доимгидай айна вақтида нонуштага чиқди. Башараси, одатдагидай, беҳаловат ўтказилган

тун окибатида шишган, кўзлари ойнаси қалин кўзойнак орқасидан ҳадик билан боқар эди. Нон солинадиган саватда Германия маркаси ёпиштирилган хатни кўрганида қаттиқ ташвишланди. У қахва ичаётиб, мактубни ўқиди, холбуки, овқатланаётганда ўқиш мумкин эмаслигини бизга неча марта талаб уқтирганди. Мактубни ўқир экан, бир неча марта юзлари ёришиб кетди. Ўқиб бўлгач, хатжилдга ёпиштирилган маркани кўпориб олди ва нон саватдаги зоғоралар ёнига қўйди – Фульвия Фламиниянинг эри марка йиғарди. Ўша кун, тунни жуда ёмон ўтказганига қарамай, биз билан денгиз қаърини тадқиқ қилгани борди. Биз баллонларимиздаги ҳаво тугагунга қадар сув ўтлари чангалзориди тентирадик ва яхши хулқ сабоғини олмасдан, уйга қайтдик. Сеньора Форбес кун бўйи кўтаринки кайфиятда юрди, тушликка ҳар вақтдагидан шодон холда чиқди. Укамнинг кайфияти бутунлай тушиб кетди. Овқат ейиш тўғрисида буйруқ олдик деганча, у ковоғидан қор ёққанча, вермишель шўрва солинган косани нарироқ итариб қўйди.

– Бу чувалчангли сув жонимга тегди, – деди у.

Дастурхон устида жанговар граната портлагандек бўлди. Сеньора Форбес бўзариб кетди, лаблари қаттиқ қисилди. Ўзини босиб олгунча ва кўзлари ёшланиб, кўзойнак хиралашгунча қотиб турди. Шундан кейин кўзойнагини олди, қўл сочиқ билан артди ва ўрнидан туришдан олдин қўл сочиқни зарда билан дастурхон устига ташлади. Бу шармандали таслимиёт нишониси эди.

– Менга деса, билганингизни қилинг, – деди у. – Мен кетдим.

Соат еттида хонасига қамалиб олди. Лекин ярим кеча бўлай деб қолганда, бизни ухлаб қолди деб ўйлаб, хонасидан чиқди. Ўқувчиларникига ўхшаш кечки кўйлақда шоколадли тортнинг ярмини ва шишани кўтарганча хобгоҳига ўтиб бораётганини кўрдик. Шишада ҳали тўрт энлик захарланган шароб қолган эди. Ачинганимдан этларимда чумоли ўрмалагандай бўлди.

– Бечора сеньора Форбес, – дедим мен.

Лекин укам таслим бўлмади.

– Агар бу кеча ўлмаса, у эмас, биз бечорага айланамиз, – деди у.

Сеньора Форбес жинниларча жазавага тушиб, ўзи билан ўзи гаплашиб чиқди, бор овози билан Шиллер шеърларини ёдаки ўкиди ва охирида бутун уйни ларзага келтириб, наъра тортди. Шундан кейин бир неча бор қаттиқ хўрсинди ва ҳаракатсиз турган кема сингари, қайғули оҳангда узок хуштак чалди. Асабларимиз қақшаганидан тунни бедор ўтказганимиз учун ҳолдан тойган ҳолда уйғонганимизда, куёш дераза тиркишларидан ёриб кираётган, уй нурга ғарк бўлганга ўхшарди. Шундагина соат ўн бўлганини ва сеньора Форбес ўзи ўрнатган эрталабки кун тартибига мувофиқ бизни соат саккизда уйғотмаганини англадик. Соат саккизда ҳеч ким ҳожатхонада сув тўкмади, жўмрақдан ҳам сув оқизмади, дераза тавақалари ғижирлаб очилмади, тақа қоқилган оғир этиклар гурсилламади, эшигимизни уч бора тақиллатишмади. Сеньора Форбес худонинг берган куни эрталаб шафқатсиз мушти билан эшигимизни тақиллатиб, ўтакамизни ёрар эди. Укам кўшни хонада нима бўлаётганини билиш мақсадида деворга кулоғини кўйиб, нафасини ичига ютди, ниҳоят энтикди.

– Иш битди, – деди у. – Денгизнинг шовуллашидан бошқа нарса эшитилмаяпти.

Соат ўн бирга яқин ўзимизга нонушта тайёрладик ва Фувльвия Фламения мушуклари қуршовида уй тозалашга келишидан олдин улгуришга ҳаракат қилиб, ҳар биримизга биттадан, устига иккита заҳира кислород баллони олиб, пляжга тушиб кетдик. Орест причалда ҳозиргина тutilган олти фунтлик балиқнинг ичак-чавоғини тозалаётган экан. Биз унга сеньора Форбесни ўн биргача кутганимизни ва уйқудан уйғонмагани учун ўзимиз денгизга чиқишга қарор қилганимизни айтдик. Шунингдек, кеча оқшом палласи дастурхон устида йиғиси хуруж қилганди, балки, шунинг учун кечаси мижду қоқмаган ва мана энди мириқиб ухлаб олишга қарор қилган бўлса керак, дедик. Кутганимизнинг тескариси бўлди – Орест изоҳларимизга парво ҳам қилмади ва бир соатдан кўпроқ биз билан сув остида сузди. Шундан кейин сувдан чиқиб, бизга тушлик қилгани уйга боришни буюрди, ўзи бўлса моторли қайиғида балиқ сотгани туристлар меҳмонхонасига жўнаб кетди. Тушликка кетганимизга ишонч

ҳосил қилиши учун тик қоялар ортида кўздан ғойиб бўлгунга қадар тош пиллапоя устида қўл силкиб хайрлашиб турдик. Кейин яна елкамизга кислород баллонларини осиб, сузишга киришдик. Бундай қилишимиз учун ҳеч кимдан рухсат-пухсат ҳам сўраганимиз йўқ.

Осмонни булут босган, уфқда момақалдиरोқ даҳшат солиб гумбурлар, лекин денгиз осойишта ва шаффоф бўлиб, ёруғлик шундоғам етарли эди. Биз Пантелария маёғига қадар, ундан сўнг ўнг томонга яна юз метрча сузиб бордик. Ўша ерда сув остига шўнғидик, отам билан урушдан қолган торпедаларни ёз бошида худди шу ерда кўрган эдик, шекилли деб ўйладик. Торпедалар ҳақиқатан ҳам шу ерда экан: заррин-сарик рангга бўялган, устидаги серия рақамлари ҳалигача сақланиб қолган олтита торпеда сув остида тизилиб ётарди. Бу тасодиф бўлиши мумкин эмасди. Сўнгра сув остига чўкиб кетган қадимий шаҳарни топиш ниятида маёқ атрофида суздик. Фульвия Фламиния бу ҳақда бизга катта завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб берганди. Лекин шаҳарни тополмадик. Очилмаган сир қолмаганига амин бўлгач, икки соатдан кейин баллондаги охирги кислородни тугатгач, сув юзасига кўтарилдик.

Биз сув остида сузаётганимизда осмонни бутунлай булутлар қоплаган экан. Денгиз тўлқинланар, йиртқич қушлар тўдаси чағир-чуғур қилганча, қирғоққа чиқиб қолган ўлик балиқлар устида чарх урарди. Атроф қоронғилашаётган бўлса-да, сеньора Форбессиз ўтказган кунимиз бизга жуда яхшидек туюлаётган эди. Лекин, қоя бағрига ўйилган зинапоядан кўтарилиб, уйимизнинг эшиги олдида тўпланган оломон ва полиция машиналарини кўрганимизда қилиб қўйган ишимизнинг даҳшатини илк бор вужудимиз билан ҳис қилдик. Укам орқага қайтмоқчи бўлди, у қалтираётган эди.

– Мен уйга бормайман, – деди у.

Менда бўлса, аксинча, мурдани бориб кўрсак, шубҳадан холи бўламиз деган ғира-шира ҳиссиёт бор эди.

– Қани, ўзингни босиб ол-чи, – дедим унга. – Чуқур нафас ол ва ёдингдан чиқара кўрма: биз ҳеч нарса билмаймиз.

Биз кислород баллонлари, ниқоб ва резина куракоёқларимизни эшик олдида қолдириб, ён томондаги айвонга

кирдик. У ерда пол устидаги замбил ёнида икки киши чекиб ўтирарди. Шундагина биз орқа эшик олдида турган санитария машинаси ва милтиқ кўтарган бир нечта ҳарбийни кўрдик. Кўшни хотинлар меҳмонхонада девор бўйлаб қўйилган курсиларда ўтирганча, сицилия шевасида тиловат қилишарди. Уларнинг эрлари бўлса ҳовлида ивирсиб, ўлимга мутлақо алоқаси бўлмаган нарсалар ҳақида сўзлашишарди. Мен бор кучим билан укамнинг қаттиқ ва совуқ қўлларини қисдим ва орқа эшикдан уйга кирдик. Хобгоҳимиз эшиги очиқ бўлиб, ҳамма нарса эрталаб қандай ташлаб кетган бўлсак, шундайлигича турарди. Бизга кўшни бўлган сеньора Форбеснинг хобхонасини кўриқлаётган куролли карабинер у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган, эшик эса очиқ эди. Биз қўрқа-писа эшикдан мўраладик, шу ондаёқ даҳшатли товушда бакирганча Фульвия Фламиния ошхонадан биз томонга отилиб келди ва эшикни ёпди.

– Худо ҳақки, figlioli<sup>1</sup>, қараманглар!

Лекин кеч бўлганди. Шу қисқа лахзада кўрганимизни ҳеч қачон, умримизнинг охирига қадар унутмасак керак. Фуқароча кийинган икки киши каравотдан деворгача бўлган масофани ўлчаётган, бошқа бири бўлса, қора мато ёпилган фотоаппаратини чиқиллатаётган эди. Истироҳат боғларида юрадиган фотосуратчиларнинг фотоаппарати шунақа бўларди. Ағдар-гўнтар бўлган тўшак устида сеньора Форбес йўқ эди. У полда, қотиб қолган қон ҳалқоби устида кип-яланғоч, ханжар билан илма-тешик қилинган ҳолда ён-бошлаб ётарди. Пол бутунлай қонга беланган эди. Тананинг йигирма етти жойига шафқатсиз равишда ханжар санчилган эди. Бу зарбалар қондирилмаган севгидан ғазабланган киши томонидан берилгани ва сеньора Форбес бу ўлим зарбаларини худди шундай эхтирос билан, бакириб-чакирмай, йиғлаб-сиқтамай, Шиллер шеърларини солдатча ажойиб овозда ёдаки ифодали ўқиган ва ўзининг бахтли ёзи учун товон тўлаётганини аниқ тушуниб етган ҳолда кутиб олгани равшан кўриниб турарди.

---

<sup>1</sup> Болалар (*итальянча*).

## НУР – СУВ ДЕГАНИ

Янги йил байрамига болалар яна қайиқ ва эшкак олиб бе-  
ришимизни сўрай бошлашди.

– Бўпти, – деди отаси, – Картахенага қайтганимиздан ке-  
йин сотиб оламиз.

Тўққиз ёшли Тото билан етти яшар Хоэл ота-онаси  
ўйлагандан кўра қатъиятлироқ бўлиб чиқди.

– Йўқ, – жўр овоз билан эътироз билдирди улар. – Қайиқ  
бизга шу ерда, хозирок керак.

– Биринчидан, – деди онаси, – бу ерда жўмракдан оқадиган  
сувдан бошқа сузадиган жойнинг ўзи йўқ.

Эр-хотин ҳақ эди. Уларнинг Картахена-де-Индиасдаги  
уйида, шундоққина ҳовлида кўрфазга чиқадиган тўлқин-  
қайтаргич ва иккита катта яхта бемалол жойлашадиган причал  
бор эди. Бу ерда, Мадридда улар Кастельян шоҳқўчасидаги  
47-уйнинг бешинчи каватида торгина хонадонда истикомат  
қилишарди. Лекин охир-оқибат эр-хотин болаларга рад жа-  
воби бера олишмади, чунки улар болаларига бошланғич мак-  
табнинг учинчи синфини аъло баҳоларда тугатсалар, эшкакли  
қайиқ, секстант ва компас олиб беришни ваъда қилган эди-  
лар. Шунинг учун ота ютқизганидан сўнг тўлашни унчалик  
хуш кўрмайдиган хотинига айтмасдан, буларни сотиб олди.  
Алюминийдан ясалган қайиқ жуда чиройли бўлиб, ўртасидан  
зарҳал ватерлиния чизиги тортилган эди.

– Қайиқ гаражда, – деди ота туш пайти сирни ошкор  
этиб. – Гап шундаки, на лифт, на зина орқали уни бу ерга олиб  
чикиб бўлмайди, шунинг учун унинг жойи гараж.

Бироқ илк шанба куни кечга яқин болалар синфдош-  
ларини чорлаб, қайиқни зинадан юқорига олиб чиқишди ва  
казноққа тикиб қўйишди.

– Табриклайман, – деди ота. – Хўш, буёғи қандай бўлади?

– Ҳеч нарса бўлмайди, – дейишди болалар. – Биз, шунча-  
ки, қайиқ ёнимизда туришини хоҳлаган эдик, шундай қилдик,  
тамом вассалом.

Ҳар чоршанбада бўлганидай, ота-она кинога кетди. Уйда  
хўжайинга айланган болалар эшик-деразаларни зич ёпиб,  
меҳмонхонада ёниб турган лампочкани синдиришди. Синган

лампочкадан тилларанг нур сувдай шариллаб ока бошлади. Нур хонани полдан тўрт қарич баландликка тўлдиргунча болалар қўйиб беришди. Сўнгра улар чирокни ўчиришди, қайикни чиқаришди ва хонадаги оролчалар оралаб, маза қилиб суза бошлашди.

Бу эртакнамо саргузашт уй ашёлари шеъриятига бағишланган семинарда иштирок этаётиб, бироз енгилтаклик қилганим учун содир бўлди. Тото тугмачани босганданок, қандай қилиб нур пайдо бўлади, деб сўради.

– Нур ҳам сувга ўхшайди, – дедим мен ҳозиржавоблик билан. – Жўмракни очдингми, сув оқаверади.

Шундай қилиб, болалар чоршанба куни қайикда сузишди, секстант ва компас ишлатишни ўрганишди, ота-она кинодан қайтиб, уларни фаришталар янглиғ қаттиқ ерда ухлаб ётган ҳолда кўрди. Кун ўтган сайин уларнинг иштаҳаси қарнай бўлиб кетди, бир неча ой ўтиб-ўтмай улар сув остида сузиш анжомларини – никоб, резина куракоёк, кислородли баллон ва ҳаво кучи билан отиладиган милтиқ талаб қилиб қолишди.

– Қазноқда эшқакли қайиқ турганининг ўзи етмай турувди, – деди ота. – Қайиқ энди уларга керак бўлмай қолди. Бирок сув остида сузиш анжомларини хоҳлаб қолганлари ҳаммасидан ёмон бўлди.

– Агар биз ярим йилликни фақат аъло баҳоларга тугатсакчи? – сўради Хоэл.

– Худо сакласин, керакмас, – деди она кўрқиб. – Шу етар.

Ота уни қайсарлиги учун ёзғирди.

– Эҳ, бу болалар, лозим бўлган ишни қилишмайди, тепса тебранмайди, – деди она, – доим хархаша қилишади, лекин кўнгиллари бир нарсани тусаб қолса борми, осмондаги ойни опкел десанг ҳам опкелишади.

Ота-она хўп ҳам, йўқ ҳам демади. Бирок икки йилдан буён синфнинг энг қоқоқ ўқувчиси бўлган Тото билан Хоэл июль ойида мақтов ёрлиги олди, директор уларни ҳамманинг ўртасида мақтади. Гарчи истакларини бошқа эслатишмаган бўлишса-да, ўша куни улар ётоқхоналарида сув остида сузиш анжомларини тўла-тўқис ва қадокланган ҳолда кўрдилар. Кейинги чоршанба куниёк, ота-она «Париждаги охириги танго»ни кўргани кетганларида, болалар квартирани икки саржин ба-

ландлигида нурга тўлдиришди ва бамисоли уй акулалари сингари столлар, каравотлар остида сузишди, нур тубида кўп йиллар олдин қайсидир тиркишга тушиб йўқолган нарсаларни топишди.

Ўқув йилининг охирида ака-укани бутун мактабга намуна қилиб кўрсатишди ва имтиёзли ёрлик билан мукофотлашди. Бу гал улар бирон нарса сўрашга улгурмасданок, ота-онанинг ўзи нима хоҳлашларини сўради. Болалар бўлса, андиша қилиб қолишди ва бор-йўғи синфдошларини чақириб, байрам ўтказиб беришларини сўрашди.

Ота хотини билан ёлғиз қолганида оғзи кулоғига етиб:

– Бу уларнинг катта бўлиб қолганидан далолат беради, – деди.

– Парвардигорнинг ўзи сени қўлласин, – деди она.

Кейинги чоршанба куни, ота-она «Жазоирдаги жанг» фильмини томоша қилишга кетган вақтда, Кастельян кўчасидан ўтган-кечган йўловчилар дарахтлар ортидаги эски бинонинг деразаларидан нур шоввадек отилиб тушаётганини кўришди. Нур айвонлардан тошиб, уй деворидан шариллаб тушар ва дарё-дарё бўлиб кўчани тўлдириб оқар, бутун шаҳарни Гуадаррамагача ёритар эди.

Тезда чақирилган ўт ўчирувчилар бешинчи каватдаги уй эшигини бузишди ва бутун квартира шипга қадар нурга кўмилганини кўришди. Меҳмонхонадаги қоплон териси қопланган диван ва оромкурсилар рояль билан биргаликда турли баландликда бардан чиққан шишалар орасида сузиб юрар, Манила шолрўмоли сувда худди медузадай қалқиб турарди. Ошхонадаги уй анжомлари шип остида жавлон урарди. Чалинган вақтда болалар маза қилиб ракс тушадиган ҳарбий оркестр карнайлари бўлса, онанинг аквариумидан чиққан ранг-баранг балиқчалар ёнида лангар ташлаб турарди. Балиқчалар бу кенг ва ёғдули уммонда ягона тирик ва бахтиёр мавжудот эдилар. Ваннахонада оила аъзоларининг тиш чўткалари, отанинг хос ашёлари, онанинг пардоз қутилари ва сунъий жағи сузар, катта хобгоҳдаги телевизор сувда ёнбошлаганча болаларнинг кўриши тақиқланган кечки фильмнинг охириги саҳнасини кўрсатиб ётарди.

Дахлизнинг тўрида, икки сув оралиғида ниқоб тутган Тото сузиб борарди. У эшакларни маҳкам ушлаб олган ҳолда қайик

куйруғида ўтирар, узокдаги бандаргоҳ маёғига тикилар, баллонларда ҳали кислород тугамаган эди. Қайик бошида ўтирган Хоэл секстант ёрдамида Кутб юлдузини ахтаришда давом этар, уларнинг ўттиз етти нафар синфдоши квартира бўйлаб сузиб юрарди. Болалар захартанг қилиб гултувакларга пешоб бўшатар, мактаб гимни сўзларини ўзгартириб, директор шаънига ҳазил-мазах сўзларни қўшиб бўкирар ёки ҳеч кимга билдирмай, отанинг шишасидан коньяк хўплар эдилар. Нур шунчалик кўп оққандики, у бутун уйни тўлдириб, ташқарига тошиб чикқан, Авлиё Хулиан бошланғич мактабининг тўртинчи синф ўқувчиларининг ҳаммаси Кастельян шоҳқўчасидаги 47-уйнинг бешинчи қаватида нурга ғарқ бўлган эди. Бу воқеа ёзда жазирама иссиқ, қишда изғирин нималигини билмайдиган, на денгиз, на дарё бўлган ва курукликда яшайдиган шаҳарликлар ёрқин нурда сузиш санъатидан тамомила йироқ бўлган Мадридда, Испанияда юз берди.



## ҚОРДА ҚОЛГАН ҚОН ИЗЛАРИНГ

Кечга яқин чегарага етиб келганларида Нена Даконте никоҳ узуги тақилган бармоғи ҳануз қонаётганини кўрди. Ялтироқ учбурчак бош кийими устидан қалин жун шолрўмол ташлаб олган жандарм карбид фонари ёруғида, Пиренея тоғларидан эсаётган шиддатли шамолда зўр-базўр оёқда турганча, уларнинг паспортини текширди. Гарчи паспортлар дипломатик ва ҳаммаси жойида бўлса-да, жандарм суратга солиштириш мақсадида фонарини кўтариб, юзларига қаратди.

Қоракузан мўйнасидан тикилган пўстинга ўралиб олган Нена Даконте ёш кизга ўхшар, кўзлари кушчаникидек беғам, қиёмранг бадани, ҳатто январнинг ғира-шира қоронғисиди ҳам ялтирар эди. Бутун чегара гарнизонининг йиллик маошини йиққанда ҳам, бу пўстинни сотиб олишга етмас эди.

Рулда ўтирган, катак куртка ва бейсболчилар кепкаси кийган эри Билли Санчес де Авила ундан бир ёш кичкина бўлиб, деярли хотини каби келишган йигит эди. Хотинидан фарқли равишда Билли баланд бўйли, паҳлавонкелбат йигит эди. Ба-

мисоли темир жағли, лекин тортинчоқ барзанги. Бирок тирик махлукқа ўхшаб гулдирәётган ялтироқ автомобиль келин-куёвнинг ижтимоий мавқеи ҳақида ҳаммасидан кўпроқ далолат бериб турарди. Бу гадоё топмас чегарада бундай автомобилни ҳеч қачон кўришмаган эди. Орқа ўриндикларда янги жомадонлар, ҳалигача очиб кўрилмаган саноксиз ҳадя қутилари қалашиб ётарди. Булар орасида тенор-саксофон ҳам бор эди. Назокатли курорт қароқчисининг машғум севгиси йўлдан оздиргунга қадар бу саксофон Нена Даконтенинг энг севган овунчоғи эди.

Жандарм паспортларга белги қўйгач, қайтариб бераётганида Билли Санчес қаерда аптека борлигини (хотини бармоғини жароҳатлаб олган) сўради ва жандарм шамолни қўли билан тўсиб, Эндайеда, Франция чегарасида сўраш кераклигини бакириб айтди. Аммо Эндайедаги жандармлар иссиққина ва ёп-ёруғ будкада кўйлакчан ўтиришар, қарта ўйнашар, кружкадаги шаробга нон ботириб ейишар ва ҳеч бирининг ҳечам совуққа чикқиси йўқ эди. Билли Санчеснинг каттакон, кетворган лимузинини кўриб, улар қўл силкиб олдинга, Франция ичкарисига бориши кераклигига ишора қилишди. Билли бир неча марта сигнал чалди, лекин жандармлар уларни чақиришаётганини тушунишмади, биттаси дарчани очди ва шамолдан ҳам ғазабнок товушда бакирди:

– Merde! Allez-y, espese de con!<sup>1</sup>

Шунда пўстинга ўралиб-чирманиб олган Нена Даконте машинадан тушди ва французчани аъло даражада сўзлаб, жандармдан аптека қаерда эканини сўради. Жандарм, одатланганидек, оғзи тўла нон билан умуман, айниқса, бунақа бўронда йўл кўрсатиш унинг вазифасига кирмаслигини айтди ва дарчани ёпди. Лекин кейин кўз қамаштирадиган мўйнага ўралиб олган ҳолда бармоғини сўраётган кизга диққат билан тикилди, бу мудҳиш кечада унга киз илоҳий рўё бўлиб туюлди ва шу захоти ўзгарди. У энг яқин шаҳар Биарриц эканини, лекин бундай қаҳратонда, бунинг устига бўрон кутураётган бир вақтда, сал нарироқдаги Байон шаҳарчасидагина аптекалар очик бўлиши мумкинлигини айтди.

---

<sup>1</sup> Даф бўлларинг! Хе, онангни... (французча).

– Нима гап ўзи, бирон жиддийроқ гап борми? – деди у.

– Арзимаган гап, – кулимсиради Нена Даконте олмос узук-ли бармоғини кўрсатар экан. Бармоқ учида атиргул тиканидан қолган яра сал-пал кўриниб турарди. – Хиёл яраландим холос.

Байонга яқинлашганларида қор ёға бошлади. Ҳали соат кечки еттидан ўтмаган бўлса-да, бўрон кутураётгани сабабли, уйлар эшиги тақа-тақ ёпиқ эди. Шаҳарни айланиб, биронта ҳам очиқ аптека топмаган ёш келин-куёв йўлда давом этишга қарор қилди. Бу қарордан Билли Санчес хурсанд бўлиб кетди. У нодир автомобилларни ўлгудай яхши кўрарди. Хотираларга кўмилиб яшайдиган ва ўзини ҳаддан ташқари айбдор деб ўйлайдиган отаси ўғли нима деса йўқ демасди. Қолаверса, Билли томи очиладиган бунақа «Бентли»ни умрида ҳайдамаган. Бу машинани унга тўй муносабати билан ҳадя қилишди. У машина ҳайдашдан шунчалик завқланаётган эдики, канча узоқ юрса-да, заррача чарчоқ ҳис этмасди. Бу кечаси Бордога етиб олиш ниятида бўлиб, ҳеч қандай шамол ёки қорбўрон унга монелик қилолмасди. Бордодаги «Сплендид» меҳмонхонасида келин-куёвга шоҳона хона ажратиб қўйишган эди. Нена Даконте, аксинча, бутунлай ҳолдан тойганди. Мадриддан бошланган тор ва илонизи йўлнинг охириги қисмида дўл уриб берди ва қизнинг силласи баттар қуриди. Шунинг учун ҳам у Байондан кейин тинмай оқаётган қонни тўхтатиш мақсадида номсиз бармоғини рўмолча билан сиқиб боғлади ва қаттиқ уйкуга кетди. Билли Санчес буни фақат ярим тунга яқин, қорбўрон тўхтаган, қарағайлар орасидан кутуриб эсаётган шамол бирдан тўхтаб, яланглик устидаги осмонда совуқ юлдузлар ялтираган пайтдагина сизди. У уйкудаги чароғон Бордо ёнидан ўтиб кетди, фақат йўл устидаги ёнилғи қуйиш шохобчасидагина тўхтади, холос. Чунки у шунчалик ғайратли эдики, йўлда тўхтамай Парижга етиб олиши ҳеч гап эмасди. У 25 минг фунт стерлинг турадиган каттакон ўйинчоғидан шунчалик завққа тўлган эдики, ҳатто, бармоғи шишган, ёнгинасида ухлаётган, беозор тушларида илк бора ишончсизлик яшинлари чақнаётган бениҳоя малоҳатли гўзал ҳам бахтиёрлик ҳиссини туйганмиди, деб ўйлагани ҳам йўқ.

Улар уч кун олдин бу ердан ўн минг километр узоқдаги Картахена-де-Индиас шаҳарчасида турмуш қуришганди.

Бундан йигитнинг ота-онаси ҳайрон, Нена Даконтенинг қариндошларининг ҳафсаласи пир бўлган эди. Бунинг устига, ўша жойнинг архиепископининг ўзи уларни никоҳлаб қўйди. Нима гаплигини, бу кутилмаган севги қандай пайдо бўлганини уларнинг ўзларидан бошқа ҳеч ким билмасди. Бу севги тўйдан уч ой олдин, якшанба куни денгиз соҳилида, Билли Санчеснинг тўдаси Марбелья курортининг аёллар уст-бошхонасига ҳужум қилган лаҳзадан бошланди. Нена Даконте эндигина ўн саккиз ёшга кирган, яқиндагина Швейцариядаги «Шатлелени» пансионидан қайтиб келганди. У тўрт тилда акцентсиз гапирар, тенор-саксофонни қойиллатиб чалар эди. У қайтганидан сўнг биринчи якшанба куни денгизга чиқди. Нена эндигина чўмилиш либосини киймоқчи бўлиб турганида, қўшни бўлмадаги қизлар қочиб чиқа бошлади, ҳужум қилаётганларнинг бақир-чақирлари эшитилди, лекин эшигининг илмоғи бир зарбада учиб кетиб, рўпарасида жуда келишган қароқчи пайдо бўлмагунча қиз ҳеч нарсани тушунмади. Йигитнинг эғнида қоплон тасвири туширилган иштончадан бошқа ҳеч нарса йўқ, соҳил кишилариникига ўхшаб қорайган бадани нафис, зуваласи пишиқ. Ўнг билагида рим гладиаторлари кишани, урушган паллада даҳшатли қурол бўладиган темир занжирни муштирага ўраб олган, бўйнига осилган, авлиё қиёфаси туширилмаган хоч дукиллаётган юракка мос тебранарди. Билли билан Нена мустамлака давридан буён шаҳар тақдири қўлида бўлган маҳаллий зодагонлар оиласига мансуб бўлиб, бошланғич синфда бирга ўқиган ва туғилган кунларда бирга ўйнаган эдилар, лекин кўпдан бери кўришмаганлари учун бир қарашда бир-бирини танимадилар. Нена Даконте қоққан қозикдай серрайиб қолди, ҳатто ақл бовар қилмайдиган даражада гўзал баданини пана қилишга уринмади ҳам. Нена кўзини ҳам олиб қочмади, ҳайрон ҳам бўлмади.

– Сендақаларнинг бурнини ерга ишқаб, бир чўқишда қочираман.

Аслида Нена Даконте бокира қиз бўлиб, ҳали умрида яланғоч эркакни кўрмаган эди. Аммо унинг ёлғони иш берди: жаҳлдан қутуриб кетган Билли Санчес занжир ўралган муштини деворга айлантириб солди ва билаги синди. Нена уни ўз

машинасида касалхонага олиб борди, тузалгунга қадар парвариш қилди ва охир-оқибат иккови ҳам севги илмини яхшигина ўзлаштириб олишди. Улар кишини лоҳас қиладиган июнь ойини уйнинг ички пешайвонида ўтказишарди. Бу уйда Даконтеларнинг олти авлоди умргузaronлик қилган. Нена ўша вақтлари урф бўлган кўшиқлар куйини саксофонда чалар, у бўлса, кўлига гипс боғланган ҳолда тўр беланчада ётганча, унга ҳайрат билан тикилиб ўтирарди. Бинонинг кўпданкўп, бутун деворни қоплаган каттакон ойналари суви кўланса кўрфазга очиларди. Бу уй қадимий Ла Манга даҳасидаги энг катта уйлардан бўлса-да, шубҳасиз, жуда кўримсиз эди. Лекин полининг плиткалари шахмат тахтаси тартибида ётқизилган пешайвон тушдан кейинги жазирамада салқин бўлар, Нена Даконте бу ерда саксофон чаларди. Пешайвон олдида серсося манго ва бананлар қад кўтариб турар, дарахтлар остида кимники экани ёзилмаган қабр бор эди. Бу қабр уйдан ҳам эскироқ бўлиб, Нена Даконте оиласидагилар ҳам бу ерда ким ётганини билмасдилар. Ҳагто, мусикадан мутлақо беҳабар кишилар ҳам бу машҳур жойда саксофон чалишни ўринсиз деб ҳисоблашарди. Нена Даконтенинг бувиси саксофонни биринчи бор эшитганидаёқ «Пароходга ўхшаб гўнғиллайди», деган эди. Нена саксофонни ўзига қулай бўлган усулда: этагини юқорига ҳимарган ва оёқларини керган ҳолда чаларди. Онаси уни бошқача йўсинда ўтиришга мажбур қилмоқчи бўлиб кўп уринди, аммо ҳаммаси беҳуда кетди. Онасининг фикрича, мусиқа чалганда оёқларини кериб, ҳиссиётга берилишнинг ҳеч кераги йўқ. «Нима чалсанг чалавер, менга барибир, – деди онаси, – фақат оёқларингни йиғиштириб ўтирсанг бас». Лекин пароходларнинг видолашув сигналлари янграб турадиган айна шу муҳитда ваҳшиёна ишқ оташини алангалатиш туфайлигина Нена Даконте Билли Санчеснинг тош бағрини эритишга муваффақ бўлди. Аслзода оиладан бўлгани учун нима қилса-да, кечирилаверадиган бу ўтакетган безори аслида, куёнюрak ва кўнгли ярим етимча бўлиб чиқди. Суяги битгунга қадар улар жуда яқин бўлиб қолишди.

Олдинлари улар спорт автомобилларида маҳоратларини оширишди. Ўғли олдидаги гуноҳини ювиш учун отаси бу

машиналарни Билли Санчесга ҳады қилган эди. Кейин, автомобиллар жонга теккач, кечалари тақдир уларни биринчи марта учраштирган Марбелья соҳилидаги бўм-бўш уст-бошхоналарга ўтишди ва, ҳатто, ноябрь ойидаги карнавал вақтида ниқоб кийган ҳолда эски замонларда қуллерники бўлган «Гефсиман боғлари» даҳасидаги фоҳишахоналарнинг қўшмачиларидан паноҳ сўрашди, холбуки, атиги бир неча ҳафта олдин бу қўшмачилар Билли Санчес ва унинг занжирлар билан қуролланган шерикларининг хуружларига чидашга мажбур бўлишган эди. Илгарилари саксофонга муккасидан кетган Нена Даконте эндиликда шиддатли муҳаббат завқ-шавқига берилди. Хуллас, охир-оқибат жилов урилган қароқчи Нена «бурнингни ерга ишқайман» деганида нимани назарда тутганини тушунди. Билли Санчес севгига севги билан жавоб берар ва ўшанчалик тийиксиз эди. Улар турмуш қургач, тўй саёҳатига йўл олишди. Тўйдан бир кун ўтгандан кейингина улар Нена Даконте икки ойлик ҳомиладор эканини билишди.

Хуллас, Мадридга келганларида улар ишқдан тўймаган бўлсалар-да, ўзларини янги келин-куёвга хос тутишлари учун етарли имкониятлари мавжуд эди. Ҳар икковининг ота-онаси ҳамма нарсани олдиндан ҳозирлаб қўйишганди. Самолётдан тушишларидан аввал Ташқи ишлар вазирлиги протокол бўлимининг масъул ходими биринчи даражали салонга кўтарилиб, Нена Даконтега оқ-қора кузан мўйнасидан тикилган, ялтироқ қора хошиялари бўлган пўстинни топширди. Бу Ненага ота-онасининг тўй тухфаси эди. Билли Санчесга эса – кўзичоқ терисидан тикилган куртка ва машина калитини берди. Бунақа куртка ўша қишда эндигина урф бўлган эди. Калитда машинанинг маркаси кўрсатилмаган бўлиб, аэропортда унга қутилмаган янгилик ҳозирлаб қўйилганди.

Расмий меҳмонларга ажратилган залда уларни дипломатик миссия кутиб олди. Элчи ва унинг рафикаси ҳар иккала оиланинг эски дўстлари, бунинг устига элчи врач бўлиб, Нена Даконтени туғдиришда иштирок қилган эди. Элчи унга яп-янги ва қип-қизил атиргуллар совға қилди. Атиргул устидаги шудринглар гўё сунъийдек туюлар эди. Ўзининг эртароқ турмушга чиққанидан бироз хижолат бўлган Нена

ҳазиллашиб, элчи ва унинг рафиқаси билан ўпишиб кўришди ва гулларни олди. Гулларни олаётганида бармоғига гул тикани кириб кетди, лекин у вазиятдан назокат билан чиқиш йўлини топди.

– Мен бу ишни атайлиб қилдим, – деди у. – Қўлимдаги узукни кўринглар дедим-да.

Дарҳақиқат, дипломатик миссиядагиларнинг ҳаммаси ялтираётган узукка маҳлиё бўлиб қолган ва олмосларининг кўплиги учунгина эмас, балки жуда қадимий бўлгани ва яхши сақлангани учун узук жуда қиммат турса керак, деб ўйлаётган эдилар. Лекин бармоқнинг конталашганига ҳеч ким эътибор бермади. Ҳамманинг эътибори янги автомобилга қаратилди. Элчи машинани аэропортга олиб келиб, целлофанга ўрашни, устидан каттакон заррин капалак нусха тугун боғлашни буюриб, ажойиб ҳазил қилган эди. Бироқ Билли Санчес унинг ҳазилига эътибор бермади. У машинани тезроқ кўриш орзусида ёнарди, бир тортишда ўровни йиртди ва ҳаяжондан энтикди. Унинг олдида сўнги русумдаги, томи очиб-ёпиладиган ва ўриндиқларига табиий чарм сирилган «Бентли» турарди. Осмонга кулранг чойшаб тортилганга ўхшар, Гуадаррамадан қаттиқ изғирин эсар ва очик кўчада туриш ҳеч кимга хушёқмас, лекин Билли Санчесга совуқ билинмаётган эди. У кишилар тавозе юзасидан совуқ еяётганига эътибор қилмай, дипломатик миссияни кўчада тутиб турди ва токи машинани ипидан-игнасиғача ўрганиб чиқмагунча тинчимади. Шундан кейин элчи расмий қароргоҳ йўлини кўрсатиб бориш учун унинг ёнига ўтирди. Тушлик ўша ерда ташкил қилинган эди. Элчи йўл-йўлакай Билли Санчеснинг эътиборини шаҳарнинг асосий дикқатга сазовор жойларига қаратишга уринди, аммо, афтидан, машина унинг эс-хушини бутунлай олиб қўйганди.

У ўз мамлакатидан биринчи марта ташқарига чиққан эди. Юртида Билли кўпгина хусусий ва давлат мактабларида ўқиб кўрган, ҳадеб синфда қолган, ниҳоят, уни одам бўлмади деб ҳайдаб юборишганди. Қадрдон шахрига ўхшамайдиган, куппа-кундузи деразаларидан нур ёғилиб турган кулранг уйлардан иборат даҳалар, яланғоч дарахтлар, денгизнинг

узоклиги – буларнинг ҳаммаси унда ожизлик хиссини кучайтирар, бу хиссиётни зўр бериб бостиришга уринарди. Бирок кўп ўтмай, Билли, ўзи ҳам пайқамаган ҳолда, буларни унута бошлади. Бирданига шаҳар устидан сассиз бўрон эсиб ўтди. Бу шу кишдаги биринчи бўрон эди. Ёш келин-куёв тушлик қилиб, Франция саёҳатига жўнаш учун элчининг уйдан ташқарига чиқишганида шаҳарни ялтироқ қор босганини кўришди. Шунда Билли Санчес машинани унутди, курткасини ҳам ечмай, ҳамманинг кўзи олдида кўча ўртасида қорга думалай кетди. У шодон қийқарар, қорни сиқимлаб олиб, бошига сочар эди.

Нена Даконте кундузи, қорбўрондан кейин ҳаво очилган вақтдагина бармоғидан оқаётган қон тўхтамаётганини сизди. Бу вақтда улар Мадриддан чиқиб кетишган эди. У ҳайрон бўлди, чунки расмий тушликдан кейин итальян тилида опералардан ариялар ижро этишни хуш кўрадиган элчининг рафиқасига саксофонда жўр бўлганида номсиз бармоғида оғриқ сезмаганди. Сўнгра эрига чегарагача бўлган энг қисқа йўлни кўрсатар экан, бармоғидан қон оқиб қолса, беихтиёр уни сўриб қўярди. Фақат Пиренея тоғларига етгандагина дорихона топиш фикри миясига урилди. Лекин бир неча кунлик чарчоқ ўз ишини қилди ва ухлаб қолди. Кўрқинчли тушдан уйғониб кетди, гўё машиналари сув устида кетаётгандек туюларди. Бармоғига ўралган рўмолча анчагача Ненанинг эсига ҳам келмади. Автомобиль панелига ўрнатилган соат тонгги тўртдан ўтганини кўрсатиб турарди. Нена неча километр йўл босишганини ичида ўйлаб кўрди ва Бордо, Ангулем ва Пуатье орқада қолганини, ҳозир эса, сув босган Луар тўғони ёнидан ўтиб боришаётганини сизди. Туман орасидан ой нури сузилиб ўтар, қарағайлар орасидан қорайиб кўринаётган қалъа бамисоли эртақлардагига ўхшар эди. Бу ерларни яхши биладиган Нена Даконте Парижга етиб олишларига уч соат қолганини ҳисоблаб чикди. Билли Санчес бўлса, ҳануз аввалгидай тетик эди.

– Сен жуда асов экансан, – деди у Биллига. – Ўн бир соатдан бери машина ҳайдаяпсан, ҳеч нарса емадинг ҳам.

Эри янги автомобилни ҳайдашдан ҳануз боши осмонда эди. Самолётда кам ва ёмон ухлаганига қарамай, у ўзини

тетик хис қилар ва саҳаргача Парижга етиб боришга кодир эди.

– Элчихонада яхшигина тўйиб олган эканман, – деди у ва томдан тараша тушгандек қўшимча қилди, нафсиламрини айтганда, Картахенедда одамлар ҳозиргина кинодан чиқишди. У ерда ҳозир соат ўн бўлди.

Шунга қарамай, Нена Даконте унинг рулда ухлаб қолишидан чўчиётган эди. Мадридда уларга кўпдан-кўп ҳадялар беришган эди. У ҳадялар солинган саноксиз қутилардан бирини очди ва шакар сепилган апельсин бўлагини унинг оғзига солмоқчи бўлди. Лекин Билли бош тортди.

– Эркаклар ширинлик емайди, – деди Билли.

Орлеанга яқинлашганларида туман тарқалди ва каттакон ой қор босган далаларни ёритди, лекин Парижга кетаётган улкан юк машиналари ва вино цистерналари кўплигидан машина ҳайдаш анча қийинлашди. Нена Даконте мамнуният билан эрининг ўрнига машина ҳайдаб кетиши мумкин эди, лекин у бу ҳақда оғиз очишга ҳам журъат қилмади, чунки биринчи учрашувларидаёқ Билли эр учун машина ҳайдаётган хотини ёнида ўтиришдан каттароқ номус йўқлигини айтганди. Нена деярли беш соатлик уйқудан сўнг ўзини бардам хис қилар ва, бундан ташқари, йўл устидаги маҳаллий меҳмонхоналарда тунамаганларидан мамнун эди. Болалигида ота-онаси билан қилган кўпгина саёхатлари туфайли у бу меҳмонхоналарни яхши биларди. «Дунёнинг ҳеч бир жойи бунчалик гўзал эмас, – дерди у, – лекин бу ерда ташналикдан ўлиб қолиш мумкин, чунки ҳеч ким текинга бир қултум сув бермайди». Нена бунга шунчалик ишончи комил эдики, охирги дақиқаларда йўл сумкасига совун ва бир ўрам туалет қоғози солди – чунки француз меҳмонхоналарида ҳеч қачон совун қўйишмайди, тўртбурчак қилиб кесилган ва илмоққа илиб қўйилган эски газета парчалари бўлса, туалет қоғози ўрнига ўтади.

Тонгга яқин улар ювиниб олишди, йўл устидаги емакхона ҳожатхонасига бориб келишди ва пештахта ёнида туриб, иссиққина ширинкулча еб, қаҳва ичишди. Қизил шароб ичаётган шофёрлар ҳам шу ерда нонушта қилаётган эди-

лар. Хожатхонада Нена Даконте кўйлаги ва этагидаги қон доғларини кўриб қолди, лекин уларни ювиб ташлашга уринмай кўяқолди. Қондан шишган рўмолчани ташлади, никоҳ узугини бошқа кўлига тақди ва ярадор бармоғини совун билан яхшилаб ювди. Тикан кирган жой деярли билинмасди. Бироқ улар машинага қайтди дегунча, бармоқдан яна қон оқа бошлади. Шунинг учун Нена Даконте машина деразасидан кўлини ташқарига чиқарди, дала устига қорларни совураётган муздай шамол қонни тўхтатишига ишончи комил эди. Бу ҳам беҳуда иш бўлиб чиқди, лекин Нена бундан ташвишланмай кўяқолди.

– Агар кимдир бизни қидириб топмоқчи бўлса, қорга томган қон изларимдан келаверса бўлади, – дея ҳазиллашди у. Сўнгра ўзи айтган сўзларнинг маъноси устида бош қотира бошлади ва тонгги қуёш нурлари остида юзлари қизарди. – Ўзинг бир тасаввур қилиб кўр... Мадриддан Парижгача қордаги қон излари... Қўшиқ учун гўзал мисралар, шундай эмасми?

Лекин бу фикрга қайтиш учун унинг ҳеч вақти бўлмади. Париж остонасига етиб боришганида бармоғидан тўхтамай қон кета бошлади ва унга ҳақиқатан ҳам жони ярадан чиқиб кетадигандек туюлди. Нена оқаётган қонни йўл сумкасида ётган туалет қоғози билан тўхтатмоқчи бўлди, лекин бармоғини ўради дегунча, қонталаш қоғоз парчасини деразадан ташлаб юборишга тўғри келаверди. Эгнидаги кийимлари, пўстини, машина ўриндиғи аста-секин қонга белана борди. Билли Санчес қаттиқ кўрқди ва дорихона топайлик деб туриб олди, бироқ Нена Даконте энди дорихоначи унга ёрдам беролмаслигини тушуниб етганди.

– Орлеан дарвозасига яқин қолдик, – деди у. – Генерал Леклерк шоҳқўчаси бўйлаб тўғри юравер. Кўча бу ерда жуда кенг ва дарахт кўп. Нима қилиш кераклигини кейин сенга ўзим айтаман.

\* \* \*

Бутун саёҳат давомида йўлнинг мана шу қисмини босиб ўтиш жуда қийин бўлди. Генерал Леклерк шоҳқўчаси енгил машиналар ва мотоциклларга тўлиб кетган, улар тикилинчда

хадеб тирбанд бўлиб қолишарди. Улкан юк машиналари бўлса, марказий бозорларга ўтиш учун уринарди. Бефойда сигнал чалишларидан жони халкумига келган Билли Санчес бир нечта ҳайдовчини бўралаб сўқди ва, ҳатто машинадан чиқиб, биттаси билан ёқалашмоқчи ҳам бўлди. Аммо Нена Даконте французлар дунёдаги энг кўрс одамлар бўлсалар-да, улар ҳеч қачон ёқалашмаслигига Биллини ишонтиришга муваффақ бўлди. Бу унинг тўғри фикр юрита олишининг яна бир далолати эди. Ҳолбуки, шу вақтда Нена Даконте бор кучини йиғиб, хушдан кетмасликка уринаётганди.

Бельфорт шери майдонига етиб олишлари учун икки соатдан кўпроқ вақт керак бўлди. Ҳозир гўё ярим кечадек қахвахона ва дўконларнинг чироқларини ёкиб қўйишганди. Ҳолбуки, Парижнинг бу сешанбаси одатдаги январь кунларидан бири бўлиб, осмоннинг қовоғи солиқ, тўхтовсиз ёғаётган, қорга айланмайдиган ёмғирдан ҳаммаёқ шилта бўлиб кетган эди. Бироқ Данфер-Рошро шоҳкўчаси анча бўшроқ экан. Улар бир неча даҳани босиб ўтганларидан кейин Нена Даконте эрига ўнгга буришни буюрди ва у ғамгин кўринишли каттакон касалхонанинг «Тез ёрдам» бўлими эшиги олдида тўхтади.

Нена машинадан кўмаксиз туша олмади, лекин хотиржам ва ақли равшан эди. Навбатчи врачнинг келишини кутиб, замбилғалтакда ётар экан, Нена ҳамширанинг ўзи ва бошидан ўтказган касалликлари ҳақида берган одатий саволларига жавоб берди. Унинг сумкасини олиб келган Билли Санчес рафикасининг чап қўлидан ушлаб турарди. Никох узуги энди шу қўлга тақилганди. Ненанинг қўли совуқ ва шалвираб ётар, лабларидан қон қочган эди. Билли навбатчи врач келгунга қадар Ненанинг ёнида қўлини ушлаб тураверди. Навбатчи врач ярадор номсиз бармоқни тезда кўздан кечирди. Врач ёшгина йигит бўлиб, сочини тақир қирдирган, териси эскирган жез рангида эди. Нена Даконте унга эътибор бермади ва эрига оппоқ оқарган лаблари билан табассум қилди.

– Кўркма, – деди у чинакамига матонат билан мутуйиба қилиб. – Менга ҳеч нарса бўлмайди. Фақат манави одамхўр қўлимни кесиб еб қўймаса бўлди.

Врач текширувни тамомлади ва соф испанча сўзлаб, уларни донг қолдирди. Тўғри, у испанчани осиеча ғалати талаффузда сўзлади.

– Йўқ, болалар, – деди у. – Бу одамхўр бунақа нафис кўлчани кесганидан кўра очдан ўлишни афзал кўради.

Улар хижолат бўлишди, лекин врач назокатли ишора қилиб, уларни тинчлантирди. Шундан кейин врач замбилғалтакни олиб кетишни буюрди. Билли Санчес хотинининг кўлидан ушлаганча, бирга бормоқчи бўлди, лекин врач уни тўхтатди.

– У ёққа боришинигиз мумкин эмас, – деди у. – Уни жадал терапияга ётқизамиз.

Нена Даконте эрига яна бир марта табассум қилди ва замбилғалтак дахлиз тўрида кўздан ғойиб бўлгунга қадар кўл силкиб борди. Врач ҳамширанинг ёзганларини ўрганиш мақсадида бироз ушланиб қолди. Билли Санчес унга мурожаат қилди.

– Доктор, – деди у. – У ҳомиладор.

– Неча ойлик?

– Икки ойлик.

Билли Санчеснинг кутганидай бўлмади, врач бунга алоҳида эътибор бермади.

– Бунни айтиб тўғри қилдингиз, – деди у маъқуллаган оҳангда ва замбилғалтак кетган томонга йўл олди. Билли Санчес эса, беморларнинг тер ҳиди уфураётган машъум дахлизда қолди.

У Нена Даконтени олиб кетишган бўм-бўш дахлизга тикилганча, анча вақт гарангсираб турди, сўнгра тахта ўриндикқа ўтирди. Бошқа кутгувчилар ҳам шу ўриндикда ўтиришарди. У бу ерда қанча ўтиргани номаълум, лекин касалхонадан чиқишга қарор қилганида қош қорайиб, ёмғир шивалай бошлаганди. Ҳаёт ташвишларидан гангиган Билли ўзини қаёққа кўйишини билмай, чиқиб кетди.

Кўп йиллар ўтганидан кейин касалхона ёзувларини қовлаштирар эканман, шунга амин бўлдимки, Нена Даконте 7 январда, сешанба куни соат 9 дан 30 дақиқа ўтганида шифохонага қабул қилинган. Билли Санчес ўша кечаси «Тез ёр-

дам» бўлими эшиги рўпарасида машинада тунади, эрталаб тонг отар-отмас олтита қайнатилган тухум еди, икки финжон сутли қаҳва ичиб олди, чунки Мадриддан чиққанидан бери туз тотмаган эди. Шундан кейин у Нена Даконте билан кўришиш мақсадида қабул бўлимига қайтди, лекин унга асосий эшикка бориши кераклигини айтишди. У ерда ниҳоят астуриялик қандайдир хизматчини топишга муваффақ бўлди. Хизматчининг дарвозабон билан тиллашишига кўмаклашди. Дарвозабон Нена Даконте ҳақиқатан ҳам касаллар рўйхатида борлигини тасдиқлади, лекин беморларни фақат сешанба кунлари соат тўққиздан тўртгача кўришга рухсат берилишини айтди. Демак, олти кундан кейин. Билли Санчес испанча гапирадиган врачни топишга уриниб кўрди. У врачни «сочи қирилган ҳабаш» деб таърифлади, аммо бунақа иккита мукамал тавсифга қарамай, ҳеч қандай маълумот ололмади.

Нена Даконтенинг рўйхатда борлигидан хотиржам бўлган Билли машинасини қолдирган жойига қайтди. Йўл инспектори машинани икки даҳа нарига ҳайдашга ва торгина кўчада тоқ сонли уйлар томонга қўйишга мажбур қилди. Кўчанинг шундоққина қарши томонида яқиндагина таъмирдан чиқарилган «Николь отели» қад кўтариб турарди. Меҳмонхона энг паст тоифага мансуб бўлиб, қабул бўлими каталакдек эди. Бу ерда диван ва эски пианино бор эди, холос. Аммо хўжайин жарангдор овозда исталган тилда сўзлаша оладиган киши бўлиб чиқди. Унга мижозлар пул тўласа бас эди. Билли Санчес ўн битта жомадони ва тўққизта қутиси билан ягона бўш бўлган хонада, тўққизинчи каватнинг учбурчак болохонасида жойлашди. Бу ерга қайнатилаётган рангли қарам ҳиди анқиб турадиган ёйсимон зинапоядан ҳарсиллаб ўрмалаб чиқишга тўғри келарди. Хона деворларига увадаси чиққан гиламлар осиглиқ бўлиб, ички ҳовлига қараган ягона дарчасидан хира ёруғ тушиб турарди. Хонада икки кишилиқ қаравот, катта жавон, курси, кўчма биде, қумғон ва тоғора бор эди. Бинобарин, ҳаёт макони фақат қаравотдан иборат эди. Жихозларнинг ҳаммаси даққионусдан қолган, фақирона бўлса-да, топ-тоза қилиб ювилган, яқиндагина дезинфекция қилингани кўриниб турарди.

Агар зикналикка асосланган дунё жумбоқларини ечишга уринадиган бўлса, Билли Санчесга умри ҳам етмаган бўларди. Билли ўз қаватига кўтарилиб улгурмай туриб ўчиб қоладиган зинапоя чироғи сирини ҳеч била олмади. Чироқ ўз-ўзидан яна қандай ёнишини ҳам Билли тушунолмади. Ҳар бир қаватнинг зинапоя майдончасида жойлашган, бачоклари-га занжир осилган хожатхоналарнинг сирини кашф этишга ярим куни кетди. Бир куни у ерда қоронғида обдан ўтиришга чоғланган ҳам эдики, эшик қулфланган тақдирдагина чироқ ёниши кўкқисдан тасодифан маълум бўлди. Кимдир фаромушхотирлик билан чироқни ёник қолдирмаслиги учун шундай қилишган экан. Душ дахлиз этагида жойлашган бўлиб, Билли ўз уйида қилганидек, кунига икки марта ювиниб оларди. Душ учун пул алоҳида тўланиши даркор эди. Маъмурият измида бўлган иссиқ сув уч дақиқадан сўнг тугаб қоларди. Бирок унинг учун бунчалик ноодатий тартиблар ҳар ҳолда январь об-ҳавосидан яхши эканини тушуниб олиши учун Билли етарли даражада оқилона фикрлайдиган киши эди. Қолаверса, бунинг устига, у ўзини жуда нотавон, кимсасиз ҳис қилар ва қачонлардир Нена Даконтенинг васийлигисиз қандай яшаганига ҳайрон бўларди.

Чоршанба куни эрта билан хонасига кўтарилган Билли пальтосини ҳам ечмай, йўлнинг нарёғидаги касалхонада ётган бармоғидан қон оқаётган илоҳий хилқат ҳақида бетўхтов ўйлаганча, ўзини каравотга ташлади. Кўп ўтмай уни уйқу элитди. Бу унинг ҳолатида ғоят табиий ҳол эди. Уйғониб, соат бешни кўрсатаётганини кўрди. Билли хозир тонгми, окшомми, қайси кун, қайси шаҳарда эканини аниқлай олмади. Деразага шамол ва ёмғир уриларди. У кўзлари очиқ ҳолда ҳақиқатан ҳам тонг отганига ишонч ҳосил қилганча, Нена Даконте ҳақида ўйлаб ётди. Шунда Билли ўтган сафарги қахвахонага нонушта қилишга борди ва бу кун пайшанба эканини сўраб билди. Касалхона деразаларидан ёнаётган чироқлар кўриниб турар, ёмғир тинган эди. Шунинг учун Билли асосий эшик олдидаги каштанга суяниб ўтирди. Эшикдан оппоқ халат кийган врачлар ва ҳамширалар кириб-чиқишарди. Билли Нена Даконтени қабул қилган осиелик врачни учратишдан умидвор эди.

Лекин у, бу врачни эрталаб ҳам, тушдан кейин ҳам учрата олмади. Қаттиқ совқотганидан кейин кутишдан воз кечишига тўғри келди. Билли соат олтида сутли қахва ичди ва пештахтадан қаттиқ қайнатилган иккита тухумни ўз қўли билан олиб еди. Энди у бунга одатланиб қолганди, чунки икки кундан бери айна ошхонада айна таомни еяётганди. Ухлаш учун меҳмонхонага қайтган Билли барча машиналар йўлнинг қарши томонида турганини, унинг автомобилининг пешонасига жарима тўлаши ҳақида билдирув хати қистириб кетилганини кўрди. «Николь» отелининг дарвозабони унга машиналарни тоқ кунлари кўчанинг тоқ рақамли уйлари томонида, жуфт кунлари аксинча тартибда қўйиш лозимлигини амал-тақал қилиб тушунтирди. Атиги икки йил олдин шаҳар ҳокимининг хизмат машинасида Каратахане кинотеатрига ёриб кирган ва тошдай қотиб қолган полициячилар кўзи олдида бир неча кишини бостирган аслзода Санчес де Авил учун бундай рационализаторлик найранглари тушуниб бўлмайдиган бир синоат эди. Дарвозабон унга жаримани тўлашни, лекин кеч соат ўн иккида яна кўчанинг бу томонига ўтказишга тўғри келиши боис, машинани ўз жойида қолдиришни маслаҳат берганида, у ҳеч нарсани тушунмади. Ўша куни эрталаб Билли уйқусизликдан у ёқдан-бу ёққа ағдарилар экан, биринчи марта Нена Даконтедан бошқалар ҳақда ўйлади, Кариб Картаханеси бозорида жойлашган бесоқоллар фоҳишахонасидаги оғир кечаларни эслади. У бандаргоҳ ошхоналарида колумбиячасига пиширилган балиқ ва гуруч таъмини хотирлади. Арубадан келган шхуналар шу ерга лангар ташлар эдилар. Деворлари чирмовуқлар билан қопланган уйини эслади... у ерда ҳали кечаги кун ўтиб бўлмаган, соат эндигина кечки олти бўлганди... Салқин пешайвонда газета ўқиётган ипак пижама кийган отаси кўз олдига келди. Доимо, ким билсин, қаёқларгадир санғиб кетадиган онасини, кишилиқ қўйлагини кийган, кош қорайди дегунча қулоғининг оркасига атиргул тақиб оладиган, кўкракдор гавдаси оғирлиги остида иссиқдан қийналадиган вайсақи онажонисини эслади. Етти ёшлиқ чоғида Билли бир вақт ҳеч қутилмаганда ётоқхонага кириб, онасини тасодифий жазманларидан бирининг кучоғида қип-яланғоч ҳолда кўриб қолган эди. Улар ҳеч

қачон эсламайдиган мана шу англашилмовчилик туфайли ора-ларарида аллақандай фитнакорона муносабатлар ўрнатилганди. Бу муносабатлар она-бола севгисидан ҳам кимматлироқ эди. Бироқ Билли ёлғизликнинг бошқа даҳшатлари сингари, чунки у оилада яккаю ягона фарзанд эди, бу ҳодисанинг мағзини, дардини тўкиб соладиган киши йўқлиги ва кўз ёшларини тўхтата олмаётгани учун ўзидан қаттиқ ғижиниб, Парижнинг фақирона болохонасида у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб ётган ўша машъум кечагача тушуниб етмади.

Уйқусизлик унга фойдали бўлди. Жума куни Билли даҳшатли кечадан бутунлай ҳолдан тойган, лекин ҳаётини йўлга қўйишга тайёр ҳолда уйғонди. Кийимини алмаштириш, ниҳоят, жомадон қулфини бузишга қарор қилди. Жомадонни очиш имкони йўқ, чунки калит пулларнинг асосий қисми ва чўнтак дафтарчаси билан бирга Нена Даконтенинг сумкасида қолган. Бу дафтарчани титкилаб, эҳтимол парижлик биронта танишининг телефонини топган бўларди. Ҳамиша овқатланадиган ўша қаҳвахонада Билли бирданига французча саломлашиш ва гўштли кулча билан сутли қаҳва буюртма қилишни ўрганиб олганини пайқаб қолди. У ҳеч қачон ёғ ва тухум буюртма қила олмаслигини жуда яхши биларди, чунки уларнинг номини ўлса ҳам ўргана олмасди. Лекин, яхшиямки, ёғни нонга қўшиб беришар, қайнатилган тухумлар бўлса, пештахта устида кўринадиган жойда турар, истаган киши уни ўзи оларди. Бундан ташқари, уч кун ичида унга ўрганиб қолган официантлар французча гапиришига ёрдам беришарди. Хуллас, жума куни Билли овқат буюртма қилди, таом келгунча хаёлларини йиғиштириб олишга уринди. Унга бузоқ гўшти, қовурилган картошка ва бир шиша шароб келтиришди. Шаробдан кейин у ўзини шунчалик яхши ҳис қилдики, иккинчисини буюрди. Шишани ярмигача бўшатди ва касалхонага куч билан бостириб киришга қарор қилиб, кўчани кесиб ўтди. У Нена Даконтени қаердан излаш кераклигини билмас, лекин қодир халлоқнинг ўзи томонидан юборилган осийлик врач қиёфаси кўз олдида яққол гавдаланар ва Билли уни топишига амин эди. У асосий эшиқдан эмас, «Тез ёрдам» бўлими эшигидан кирди. Бу ер унга унчалик қаттиқ

кўриқланмайдигандек туюлганди. Бирок у Нена Даконте қўл силкиб хайрлашган даҳлизгача боришга муваффақ бўлди, холос. Халатига қон сачраган навбатчи ёнидан ўтиб кетаётганида ундан нимадир деб сўради, лекин Билли унга парво қилмади. Навбатчи орқасига тушиб, французчалаб нукул ўша саволни такрорлайверди ва, ниҳоят, унинг қўлини омбурдек сиқиб ушладики, Билли Санчес қоққан қозикдай серрайиб қолди. Билли Санчес ўзига омбурдек ёпишган навбатчини каднерос усулида итқитиб ташламоқчи бўлди. Шунда навбатчи французчалаб болохонадор қилиб сўқди, усул ишлатиб, қўлларини орқасига қайирди ва Биллининг онаси шаънига тўхтовсиз сўқиш ёғдираркан, оғриқдан ақлдан озай деяётган йигитни эшиккача судраб олиб борди ва бир қоп картошкадай кўчага улоқтирди.

Ўша куни аччиқ дарс олган Билли Санчеснинг эси кириб қолди. У элчига мурожаат қилишга қарор қилди. Ҳар ҳолда Нена Даконте шундай қилган бўларди. Меҳмонхона дарвозабони баджаҳлдек кўринса-да, аслида чет элликларга хизмат қилишга ҳозир у нозир киши бўлиб, уларга сабр-тоқат билан қулоқ солар эди. У сўров китобидан элчихонанинг телефонини топди ва бир парча қоғозга ёзиб берди. Гўшакни жуда илтифотли аёл кўтарди. Билли Санчес аёлнинг чўзиб, лоқайд оҳангда сўзлашидан, шу заҳотиёқ унинг андлик эканини билиб олди. У аёлга лозим даражада таъсир кўрсатишига қатъий ишонган ҳолда ўзининг исмини, оқсуякларга хос фамилиясини тўлиқ айтди, лекин аёлнинг овозида қилчалик ўзгариш сезилмади. Котиба тўтиқушдек ёдлаб олган сўзларини такрорлай кетди: сеньор элчи ҳозир йўқлар, эртагача келмайдилар, лекин у киши, барибир, олдиндан қайд қилинган кишиларнигина истисно ҳолларда қабул қиладилар. Билли Санчес бу йўл билан ҳам Нена Даконтени кўролмаслигини тушунди ва мулозаматда ундан ҳам қолишмаган ҳолда берган ахбороти учун котибага миннатдорчилик билдирди. Ундан кейин такси ёллаб, элчихонага ошиқди.

Элчихона Парижнинг энг осойишта мавзеларидан бирида, Элизиум кўчасидаги 22-уйда жойлашган эди. Лекин, анча йиллар ўтгач, Картахене-де-Индиасда Билли Санчеснинг ўзи мен-

га ҳикоя килиб берганига қараганда, бу ерга келганидан кейин биринчи марта куёш Кариб денгизигадаги ёрқин нур сочаётгани ва шаҳар устидаги Эйфель минораси кўзни тиндириб юборадиган даражада тиниқ осмон узра бўй чўзиб турганигина унга таъсир қилган. Элчи ўрнига Биллини қабул қилган амалдорнинг эғнида қора матодан костюм, бўйнида мотам белгиси бўлган галстук бор эди. Бу кийимлари, эҳтиёткорона хатти-ҳаракатлари ва мулойим сўзлаши билан ўлим ёқасидан қайтган беморни эслатарди. У Билли Санчеснинг хавотирларини тўғри деб топди, лекин тавозени қўлдан бой бермаган ҳолда, улар маданиятли мамлакатда эканликлари, уларнинг қаттиқ қонунқоидалари қадимий ва оқилона тамойилларга асосланишини, бу тамойиллар дарвозабоннинг қўлига пул қистириб, исталган касалхонага кириш мумкин бўлган ваҳший Лотин Америкасининг одатларидан фарқ қилишини эслатди.

– Йўқ, азиз йигитча, ҳеч натижага эриша олмайсиз, – дея хулоса қилди амалдор. – Ақл-идрок иродасига бўйсунуш ва сешанбани кутиш керак. Ахир, атиги тўрт кун қолибди-ку. Унгача, шайтонга хай бериб, Луврга боринг. Менга ишонаверинг, бориб кўришга арзийди.

Элчихонадан гангиб чиққан Билли Санчес Муроса майдонига бориб қолди. Томлар оша қад кўтариб турган Эйфель минорасига кўзи тушди. Унга минора шундоққина қўл узатса етадиган жойда тургандек туюлди ва у ерга соҳил бўйлаб пиёда етиб олишга қарор қилди. Бироқ, кўп ўтмай, минора унга туюлганидан кўра узокроқ эканини тушунди, бундан ташқари, олға юргани сайин минора ўрнини ўзгартираверди.

Шунинг учун Билли Сена соҳилидаги ўриндиқлардан бирига ўтириб, Нена Даконте ҳақида ўйлай бошлади. У кўприк остидан сузиб ўтаётган салдов кемаларини кўрди. Улар унга кема эмас, балки томлари турли рангларга бўялган, деразалари олдига гултуваклар қўйилган, дорларига қуриштириш учун кийим-кечаклар осилган сайёҳ уйларга ўхшаб туюлди. Билли қирғоқда пўкаги ҳам, қармоғи ҳам, ўзи ҳам кимирамлаётган балиқчини узок кузатди. Биронтасининг қимирашини кутаверишдан чарчади, устига-устак қош қорая бошлади ва Билли меҳмонхонага қайтиш учун такси тутишга қарор қилди. Шун-

дагина меҳмонхонанинг номини ҳам, манзилини ҳам билмаслигини, касалхона Парижнинг қайси мавзесида жойлашгани ҳақида, ҳатто, тасавури ҳам йўқлигини англади.

Саросимага тушиб дуч келган қаҳвахонага кирди, коньяк буюрди ва ўй-фикрини йиғиштириб олишга уринди. Ўйга ботиб ўтирар экан, Билли бехосдан деворга ўрнатилган кўпданкўп кўзгуларда ўз аксини турли ҳолатларда, кўрққан ва ёлғиз тарзда кўрди ва умрида биринчи марта ўлим ҳақиқат экани ҳақида ўйлади. Лекин иккинчи қадахдан кейин кўнгли анча кўтарилди ва элчихонага қайтиш кераклиги тўғрисидаги фикр бирданига миясига урилди. Билли кўча номи ёзилган қоғозчани қидирди ва қоғозчанинг орқа томонида меҳмонхонанинг номи ва манзили ёзилганини кўрди. Бу ҳодиса уни шунчалик гангитиб қўйдикки, ҳафта охирига қадар меҳмонхонадан фақат овқатланиш ва машинани кўчанинг нариги томонига ўтказиб қўйиш учунгина чиқди, холос. Уч кун мобайнида тинимсиз ёмғир ёғиб, ҳаммаёқни шилта қилиб юборди. Парижга келган тонгида ҳам шундай бўлган эди. Умрида биронта китобни охиригача ўқимаган Билли Санчес тўшақда ётавериб зерикмаслик учун энди мамнуният билан китоб ўқиган бўларди, лекин хотинининг жомадонидан чиққан китобларнинг ҳаммаси чет тилида экан. Шу тариқа, аввалгидек, деворқоғоздаги саноксиз товусларнинг расмини томоша қилиб, Нена Даконте ҳақида тўхтовсиз ўйлаб ётишига тўғри келди. Нена уни бундай аҳволда кўрса нималар дейиши мумкинлигини ўйлаб, душанба куни хонани сал-пал йиғиштирган бўлди ва фақат шундагина қора кузан пўстиндаги котиб қолган қон доғларини кўрди. У ярим кун уннаб, пўстинни Мадридда самолётга келтирганларидаги ҳолатга келтиргунча хушбўй совун билан яхшилаб ювди.

Сешанба тонги булутли ва совуқ бўлса-да, ёмғир ёғмаётган эди. Сахармардондан бедор бўлган Билли Санчес беморларини кўргани келган, қўлларида совға-салом ва гулдаста ушлаган одамлар орасида касалхона эшиги олдида кута бошлади. У қора кузан пўстин кўтарган ҳолда оломонга қоришиб ичкарига кирди. Нена Даконте қаерда эканини билмасди, бу ҳақда ҳеч кимдан сўрамади ҳам. Осиёлик врачни топишига

ишончи комил эди. У ҳовлини кесиб ўтди. Ҳовлида гуллар ўсиб ётар, ёввойи кушлар учиб юрарди. Ҳовлининг ўнг томонида аёллар, чап томонида эркаклар бўлимлари жойлашган эди. Келгувчиларга эргашиб, аёллар бўлимига кирди. У касалхона кўйлаги кийган ва қатор тизилган каравотларда ўтирган кўпдан-кўп бемор аёлларни, каттакон деразалардан тушаётган нурга кўмилган хотинларни кўрди ва, ҳатто, уларни ташқаридан кўра ичкарида кўрган афзалроқ экан, деб ўйлади. У даҳлиз этагигача борди, кейин орқага қайтди, ниҳоят беморлар орасида Нена Даконте йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Кейин у ташқарига чиқиб, эркаклар бўлими деразаларидан мўраллади ва бирданига ўзи қидириб юрган врачни кўргандай бўлди.

Бу ҳақиқатан ҳам ўша врач бўлиб чиқди. Бошқа врачлар ва ҳамширалар билан бирга у қандайдир беморни кўраётган эди. Билли Санчес палатага кирди, ҳамширалардан бирини четлатиб, касал устига эгилиб турган осийлик врачга юзма-юз бўлди. Шундан кейин уни чақирди. Врач маънос кўзлари билан унга қаради, бир лаҳза ўйланди ва уни таниди.

– Жин урсин, қаёққа ғойиб бўлдингиз? – деди у.

Билли Санчес эсанкиради.

– Мен меҳмонхонада эдим, – деди у. – Шу ерда, муюлишда.

Шунда унга Нена Даконте пайшанбада, 9 январь куни соат 19 дан 10 дақиқа ўтганда кўп қон йўқотиш натижасида вафот этганини айтиб беришди. Франциянинг энг зўр мутахассислари етмиш соат мобайнида унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашганлар, лекин фойда бермаган. Нена Даконте сўнги дақиқаларгача хушини йўқотмаган, ўзини хотиржам тутган ва эрини «Атне майдони» меҳмонхонасидан қидириб топишни буюрган, улар учун шу меҳмонхонага буюртма берилган эди, ва ўз ота-онаси билан қандай боғланиш мумкинлигини айтган. Жума куни девонхонадан юборилган шошилинич телеграмма билан элчихонага хабар қилинган, бу вақт ичида Нена Даконтенинг ота-онаси Парижга учиб келган. Элчининг шахсан ўзи жасадни мўмиёлаш тўғрисида ғамхўрлик қилган ва Билли Санчесни ахтараётган Париж полицияси маҳкамаси билан алоқада бўлиб турган. Жумадан як-

шанбагача, деярли икки кун мобайнида радио ва телевидение орқали Биллининг ташқи кўриниши ҳақида шошилиш хабар берилган, бу қирқ соат мобайнида уни зўр бериб излашган. Унгача Францияда ҳеч кимни бунчалик ахтаришмаган экан. Нена Даконтенинг сумкасидан Биллининг фотосурати топилган ва уни кўпайтириб, барча жойларга осиб чиқишган. Томи очиладиган учта «Бентли» топилган, лекин уларнинг ҳаммаси бошқаларники бўлиб чиққан.

Нена Даконтенинг ота-онаси шанба куни пешинда етиб келишган ва кечани касалхона ибодатхонасига қўйилган қизларининг жасади ёнида ўтказишган. Улар охириги дақиқаларгача Билли Санчесни кўриш умидида бўлишган. Биллининг ота-онаси ҳам хабардор этилган. Улар ҳам Парижга учмоқчи бўлишган, лекин бир-бирига зид телеграммалар келганидан чалғиб, учишдан воз кечишган. Жаноза маросими якшанба куни кундуз соат иккида, Билли Санчес Нена Даконтесиз, ёлғизликдан ўлиб қолаётган ўша лаънати меҳмонхонадан атиги икки юз метр наридаги ибодатхонада ўтказилган. Уни элчихонада қабул қилган амалдор бир неча йиллардан кейин менга Билли Санчес кетганидан бир соат ўтгандан кейин вазирлик девони телеграммасини шахсан ўзи олганини ва Биллини Фобур Сент-Онореда жойлашган пастқам барлардан қидирганини айтиб берди. У кўзи териси кийган ва кўринишидан эгарда ўтирган буқага ўхшайдиган, Париж янгиликларидан гангиган бу костеньо<sup>1</sup> шунчалик номдор аслзода экани етти ухлаб тушига кирмаганини тан олди. Ўша якшанба куни, Билли Санчес аччиқ-аччиқ кўз ёшлари тўкишдан ўзини зўр-базўр тийиб ўтирган бир вақтда Нена Даконтенинг ота-онаси қидирувни тўхтатиб, мўмиёланган жасадни металл тобутда олиб кетишган. Марҳумни кўришга улгурган кишилар ҳеч қачон хоҳ тирик, хоҳ ўлик бўлсин, бунчалик гўзал аёлни кўрмаганликларини тўхтовсиз гапириб юришган. Шундай қилиб, Билли Санчес сешанба куни эрталаб, ниҳоят, касалхонага киришга муваффақ бўлган чоғда, Ла-Мангидаги оилавий қабристонда дафн маросими бўлиб ўтган. Бу қабристон улар

---

<sup>1</sup> Колумбия соҳилида яшайдиган киши.

бахтиёрлик нашидасини тотиган ўша уйдан бор-йўғи бир неча қадам нарида жойлашган эди. Фожиа ҳақида сўзлаб берган осиелик врач Билли Санчесга тинчлантирувчи дори бермоқчи бўлди, лекин у бош тортди. У хайрлашмасдан, миннатдорчилик билдирмасдан, миннатдорчилик билдирадиган ишнинг ўзи йўқ, фақат бир нарса – борлигини босган ғуссадан қутулиш учун кимнидир топиб, ўласи қилиб дўппослашни орзу қилган ҳолда чиқиб кетди. Касалхонадан чиқар экан, осмондан ёғадган қорда заррача қон изи йўқлигини, пағапаға ёғадган момик, нафис қор каптарнинг парларини эслатишини ва кейинги ўн йил ичида биринчи марта шунчалик катта қор ёғадгани учун Париж кўчалари байрамдагидек кўринаётганини сезгани ҳам йўқ.



## МУНДАРИЖА

<b>Адолат ва қаламга садоқат рамзи</b> .....	3
<b>«Улуғ Онанинг жанозаси» китобидан</b>	
Шаҳарчамизда ўғри йўқ .....	10
Шанбадан кейинги кун .....	37
Сунъий атиргуллар.....	61
Улуғ Онанинг жанозаси.....	66
<b>«Ўн иккита сайёҳ ҳикоя» китобидан</b>	
Пролог. <i>Нима учун ўн иккита, нима учун ҳикоялар ва нега сайёҳ</i> .....	86
Оқ йўл, жаноб президент! .....	92
Авлиё .....	118
Самолётда ухлаётган гўзал .....	133
«Мен туш кўриш учун ёлланаман» .....	139
«Мен телефондан кўнғирок қилиш учунгина келгандим» .....	147
Август дахшатлари .....	164
Мария дус Празериш .....	167
Заҳарланган ўн етти инглиз.....	181
Трамонтана .....	194
Сеньора Форбеснинг бахтли ёзи .....	200
Нур – сув дегани.....	213
Қорда қолган қон изларинг .....	216

*Адабий-бадший наишр*

ГАБРИЭЛЬ ГАРСИА МАРКЕС

**УЛУҒ ОНАНИНГ ЖАНОЗАСИ**

*Танланган ҳикоялар*

*Иккинчи наишри*

Таржимон *Бобоҳон Муҳаммад Шариф*

Мухаррир *Л. Игамова*

Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*

Кичик муҳаррир *М. Якубд.жанова*

Мусахҳиҳ *С. Салоҳутдинова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Наширёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.

Босишга 2018 йил 12 октябрда рухсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.

Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитурасида

офсет усулда босилди. Шартли босма табағи 12,6.

Нашр табағи 12,67. Адади 5000 нусха. Буюртма № 18-529.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» наширёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

**Маркес Г.Г.**

М 28 Улуғ Онанинг жанозаси. Бадий асар / Г.Г. Маркес.  
– Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2018. Иккинчи нашри.  
– 240 б.

ISBN 978-9943-28-238-4

**УЎК: 821.512.33-3**

**КБК 84(7Кол)**